

АФАҶДИ
ЛАТИФАЛАРИ

АФАНДИ — ПОЛВОН

Янги уйланган кунлари Афанди тўқайдан ўтиб кетаётган эди, икки қароқчи йўлини тўсди, унинг ёнидан бир тийин чиқмагандан кейин, алам қилиб, кўп уришди, сўнгра, туя кўрдингами, йўқ, деб қўйиб юборишди. У кетгандан кейин, ўғрилар гумонсирашиб кетидан боришди, нима дер экан, деб туйнукдан қулоқ солишди. Афанди хотинига шундай деб мақтанар эди:

— Тўқайдан ўтиб келаётган эдим, бирданига саккизта қароқчи чиқиб йўлимни тўсди. Аччиғим келиб, полвонлигим тутиб кетди. Биттасининг кекирдагига тепдим, биттасини бошимдан ошириб урдим, биттасини бўйнидан боғлаб ўйнаб юрарсан деб олиб келаётган эдим, кўп ялинди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим...

Ўғрилардан бири бу гапларга чидай олмай, туйнукдан бошини тикиб:

— Ёлгон ҳам эви билан-да, Афанди, — деди.

Афанди дўқ урди:

— Бор-бор, тўқайингга бор, ўз уйимда ҳам мақтангани қўймайсанми!

АЙБ ҲЗИМДА

Афандининг икки қизи бўлиб, бирини деҳқонга, бирини дурадгорга берган эди. Орадан олти ой ўтгандан кейин қиш кунларининг бирида иккала қизи Афандини кўргани келиб, кечаси сандалда узоқ гаплашиб ўтиришди.

Катта қизи деди:

— Кексайиб, пиёда юришга қийналиб қолдингиз, дада. Агар бу йил ҳаво яхши келиб, ёгингарчилик мўл бўлса, куёвингиз баҳорда қирга буғдой экиб, кузда сизга от олиб бермоқчи.

Кичик қизи деди:

— Агар бу йил ҳаво қуруқ келиб, шаҳарда бинокорлик ишлари юришиб кетса, кузда куёвингиз сизга сигир олиб бермоқчи. Қариган чоғингизда сут-қатиқ керак.

Афанди пешонасига уриб деди:

— Уҳ-ҳў! Биттанга намгарчилик, биттангга қурғоқчилик керак бўлса, от мингандек, қаймоқ ялагандек бўлдим. Унчалигини билганимда, иккалангни ҳам туякашга берган бўлардим. Айб ўзимда!

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

Кечаси Афандининг уйига қопда буюм кўтарган икки ўғри кирди. Буни пайқаган хотин Афандини аста туртиб:

— Афанди, туринг, уйга ўғри кирди, — деди.

Афанди аста шивирлади:

— Жим ёт, мен уйғоқман, овозимизни эшитиб, ўғрилар қопни кўтариб қочиб қолмасин. Мен қопдаги буюмни мўлжаллаб турибман.

МЕН ЙИҒЛАМАЙ КИМ ЙИҒЛАСИН

Бир ой ичида Афандининг ҳам хотини, ҳам эшаги ўлиб қолди. Хотини ўлганда, афанди бир-икки кун йиғлади-ю, юпанди. Эшаги ўлганда эса у йиғидан ҳеч тийилмади. Буни пайқаган қўшниси сўради:

— Афанди, хотинингиз ўлганда, кўп йиғламаган эдингиз, эшагингизга нега бунчалик қуясиз?

Афанди жавоб берди:

— Хотиним ўлганда маҳалла йиғилиб: «Қўйинг, хафа бўлманг, уйлантириб қўямиз» деган эди, эшагим ўлганда, эшак олиб берамиз, деган гап ҳеч кимнинг оғзидан чиқмади. Мен йиғламай ким йиғласин!

ЭҲТИЁТ ШАРТ

Афанди кўза кўтариб сувга кетаётган ўғлининг юзига бир тарсаки уриб, кўзани синдирма, деди.

— Бу нимаси, — деди хотини, — кўзани синдирмасдан туриб нега урасиз болани?!

Афанди жавоб берди:

— Синдиргандан кейин уришнинг нима фойдаси бор, ҳозир эҳтиёт шарт-да.

ТУҒРИ ҲИСОБ

Афанди уйланди. Тўрт ярим ой ўтгач, хотини туғиб берди. Афанди ҳайрон бўлиб хотинидан сўради:

— Одатда хотинлар тўққиз ойда туғар эди, сен тўрт ярим ойда туғдинг-а, хотин?

— Қизиқ экансиз, — деди хотин, — сизга текканимга тўрт ярим ой бўлдим?

— Ҳа, — деди Афанди.

— Сиз мени олганингизга-чи? Унга ҳам тўрт ярим ой бўлдим? Икковини қўшинг. Роса тўққиз ой бўладими?

— Ҳисоб тўғри, — деди Афанди, — бунга ақлим етмабди.

СЕНИНГ ГАПИНГ ҲАМ МАЪҚУЛ

Афандининг олдига биров келиб, ёмон кўрган бир одами устидан арз қилди. Афанди, гапингиз маъқул, деб жўнатиб юборди.

Эртасига бошқаси келиб, ундан шикоят қилди. Афанди унга ҳам, гапингиз маъқул, деб чиқариб юборди.

— Эркак бўлмай қолинг, — деди Афандининг хотини, — ҳар

иккаласига ҳам, гапинг маъқул, дедингиз. Дунёга келиб сиз ҳам: «Йўқ, гапинг номаъқул» десангиз-чи!

Афанди ўйлаб туриб:

— Хотин, сенинг ҳам гапинг маъқул, — деди.

СҮРИ ТОРЛИК ҚИЛДИ

Афанди биринчи хотини ўлгандан кейин, бир тул хотинга уйланди. Эр-хотин оқшом сўрида ўтиришар эди. Хотин Афандига марҳум эрини мақтади.

Афанди ҳам бунга жавобан ўзининг марҳума хотинини мақтади-да, хотинини сўридан итариб юборди.

Эртасига хотини отасига воқеани айтиб, Афандидан шикоят қилди. Қайнатаси келиб Афандидан сўради:

— Нега қизимни сўридан итариб юбордингиз?

— Сўрида эр-хотин иккаламиз ўтирган эдик, — деди Афанди, — менинг марҳума хотиним, қизингизнинг марҳум эрлари қўшилиб, тўрт киши бўлдик. Сўри торлик қилиб, қизингиз йиқилиб тушди.

УХШАТМАГУНЧА УЧРАТМАС

Афанди бир куни эшагини сотгани бозорга олиб бориб даллолга берди. Даллол харидорга эшакни мақтай бошлади:

— Узи зотли йўрға, устига ўтириб, оғиз куйдирмай шўрва ичса бўлади, қўйдан ҳам юввош, отдан кучли.

Афанди даллолга эллик тангани санаб бериб, уйга келди, воқеани хотинига айтиб берди. Хотини ҳам Афандига янги гап топиб қўйган эди.

— Мен ҳам бугун бир қизиқ иш қилдим, — деди хотини. — Эшигимизнинг олдидан бир қаймоқфуруш ўтиб кетаётган эди, чақирдим. Қаймоғингиз неча пул, десам, ярим танга, деди. Қўлига тилла балдоғинни бериб, қўлидан қаймоғини олдим уйга қочиб кириб кетдим. Қаймоқфуруш эшик тагида туриб-туриб кетиб қолди. Жуда бошлабманми?

— Ухшатмагунча учратмас деганлар, — деди Афанди. — Кўчада мен, уйда сен шундақа савдо-сотик қилиб турсак, ҳадемай жонимиз кириб қолади.

ЖОНОН

Афандини алдаб чўтир, пучуқ, қари бир қизни олиб беришди. Юз кўришар куни хотин Афандидан сўради:

— Қариндошларингиз кўп экан, қайси бирига кўринай, қайси биридан қочай?

— Ҳаммасига кўрина беринг, жонон, — деди Афанди. — Фақат мендан қочсангиз бас!

НИМА ДЕБ ЙИҒЛАЙСАН?

Афандининг тоби қочган эди, у хотинидан сўрабди:

— Башарти мен ўлиб қолсам, нима деб йиғлайсан?

— Хоҳлаганингизни айтинг, ўшани айтиб йиғлайман, — жавоб берибди хотини.

— Узоқлигимга қўймаган, яқинлигимга тўймаган, вой тўрам, деб йиғлагин!

ЭНДИ АРМОНИМ ЙЎҚ

Афандининг бир шохдор хўкизи бўлар эди ва унинг шохига минишни кўпдан бери орзу қиларди. Бир куни у кўчадан келиб қараса, хўкиз офтобда ухлаб ётибди. Афанди унинг шохига минган ҳамон, хўкиз бирдан бошини силтаб, Афандини улоқтириб юборди. Афанди йиқилиб, ҳушидан кетди. Хотини юзига сув сениб, Афандини ҳушига келтирди.

— Жинни бўлдингизми, хўкизнинг шохига ҳам минадими киши? — деди у.

— Эй нодон, — деди Афанди. — Дунёда ҳар бир кишининг бир орзуси бўлади, шу орзусига етса, ўлса армони йўқ. Менинг ҳам армоним хўкизнинг шохига миниш эди, энди армоним йўқ.

ЭЙ, НОДОН

Афанди зигир ёғи олиш учун коса кўтариб бозорга борди, ёғфурушдан бир тангалик ёғ сўради. Ёғфуруш бир тангалик ёғни ҳосага қуйган эди, коса тўлиб, пича ортиб қолди.

— Қолганини нима қиламиз? — деб сўради ёғфуруш.

— Орқасига қуй, — деб Афанди косани ағдарди, ичидаги ёғ тўкилиб кетди. Афанди бундан беҳабар косани кўтариб уйига кетди. Уйга кириши билан қозонни қиздириб турган хотини қичқирди:

— Шугина ёғни олдингиз холосми?

Афанди:

— Эй, нодон, кўп қичқирма. Бу ёғида ҳам бор! — деди-да, косани ағдарди, қолган ёғни ҳам тўкиб юборди.

ОШ ЕГАНЛАР КИРСИН

Афанди уйланди. Никоҳ кечаси ит эгасига боқмай, Афанди бир чеккада қолиб кетди. Унга ош ҳам тегмади. Бир вақт келини чимилдиққа олиб кириб қарашса, куёв йўқ, аразлаб кўчада юрибди.

— Афанди, бу ерда нима қилиб юрибсиз, чимилдиққа кирмай-сизми? — дейишди.

Афанди зарда қилиб:

— Чимилдиққа ош еганлар кирсин! — деди.

АФАНДИ ВА ЎҒРИ

Бир кун кечаси Афандининг уйига ўғри кирди ва ҳаммаёқни қидириб ҳеч нарса тополмади. Уни кузатиб ётган Афанди кўрпадан бошини чиқариб деди:

— Э, нодон, ўзим кундузи уйимдан ҳеч нарса тополмайман-у, сен кечаси нима қиласан овора бўлиб!

ЭРКАККА ЎХШАДИММИ?

Афанди бекорчиликдан зерикиб уй ишларига аралашаверди. Хотинининг аччиғи келиб:

— Сиз ҳам эркакка ўхшаб кўчага чиқиб, уйга камроқ кирсангиз нима бўлади? — деди.

Афанди кийимини кийиб кўчага чиқиб кетди, шу кетганича кўчада тўрт кун юрди, бешинчи куни ошнасини учратиб:

— Ошнам, хотинимдан бориб сўра-чи, эркакка ўхшадимми ё яна уч-тўрт кун юра турайми? — деди.

ХАЙРИЯТ

Афандининг яктагини хотини ювиб, дорга илиб қўйган эди. Афанди кечаси уйғониб, ҳовлига чиқди. Дордаги яктагини ўғри гумон қилиб, қўлига камонини олди-да, ятакка қараб ўқ узди. Эрталаб туриб қараса, ўзининг яктаги экан, хурсанд бўлиб:

— Хайрият, ятакнинг ичида ўзим йўқ эканман, — деди.

ҒАВҒОНИНГ БОИСИ

Бир куни кечаси Афандининг қулоғига кўчадан ғавғо эшитилди. У хотинини уйғотиб: «Тур, хотин, чироқни ёқ. Кўчада нима ғавғо бўлаётганини билиб келай», деди ва елкасига чопонини ташлаб, кўчага чиқди. Кўчага чиққан ҳамон, ўғри келиб унинг елкасидаги чопонини олиб қочди. Афанди уйига қайтиб кирди.

— Нима ғавғо экан? — деб сўради хотини.

— Ҳамма ғавғо менинг чопоним устида экан, — деди Афанди. — Чопонни олишди-ю, ғавғо босилди.

КҮНГЛИМ БУЗИЛИБ КЕТДИ

Афандининг хотини жўртгага унинг олдига қайноқ шўрва келтириб қўйди, лекин хотири паришон бўлиб, эридан илгари ўзи бир қошиқ ичиб, кўзидан ёш чиқди.

Афанди сўради:

— Нима бўлди?

— Раҳматли онам шўрвани яхши кўрар эдилар, онам эсимга тушиб кўнглим бузилиб кетди, — деди хотини.

Афанди ҳам шўрвадан бир қошиқ ичган эди, ўзининг ҳам кўзидан ёш чиқди.

— Нима бўлди? — деди хотини.

— Онанг ўлганида жуда ёш эдинг, шу эсимга тушиб, кўнглим бузилиб кетди, — деди Афанди.

КЕТМОН БИЛАН ҚУМҒОННИ УҒРИ ОЛИБ КЕТДИ

Афанди далага кетаётган эди, отаси тайинлади:

— Уғлим, кетмон билан қумғонни бирор жойга кўмиб кел, ўғри олиб кетмасин!

Афанди кечқурун даладан қайтишда, отасининг айтганини қилиб, кетмон билан қумғонни ёнғоқнинг тагига кўмди. Маҳаллага келганида, отаси масжид олдида бир тўда одамлар билан сўзлашиб ўтирар эди. Афанди отасининг олдига келиб айтди:

— Дада-дада, кетмон билан қумғонни ёнғоқнинг тагига кўмиб келдим.

Отаси уйига қайтгач, Афандининг қулоғини чўзиб деди:

— Яширган нарсани ҳам бақириб айтадимки киши!

Афанди минбаъд бундай қилмасликка онт ичиб, калтақдан қутулди. Эртасига бориб қараса, ёнғоқ тагига яширган нарсалари йўқ. Афанди изига қайтди. Отаси яна масжид олдида одамлар билан суҳбатлашиб турган экан. Афанди отасининг ёнига келиб, секин қулоғига пичирлади:

— Дада-дада, кетмон билан қумғонни ўғри уриб кетибди.

БИРОР НАРСА БЕР

Бир куни кечаси Афандининг уйига ўғри кирди, ҳеч нарса тополмасдан чиқиб кетаётган эди, Афанди унинг кетидан чиқиб қичқирди:

— Бир нима бериб кетинглар, қуруқ чиқиб кетаверасизларми?

ЯНА ҚУТУРИБ КЕТАДИ

Афандининг эшаги ўйноқлаб кетиб, уни йиқитди. Афанди уйига келиб хотинига тайинлади:

— Бу ҳаром ўлгурни ем-хашакдан тортиб қўй, кун оралатиб бер!

Хотини Афандининг айтганини қилган эди, эшакнинг ҳанг-рашга ҳам мадори қолмади. Афанди буни кўриб раҳми келдида, хотинининг қулоғига яшириқча шивирлади:

— Эшакнинг овқатини қадимгича беравер, лекин бу сўзимни унинг ўзи эшитиб қолмасин, эшитиб қолса, яна қутуриб кетади.

ОФТОБДА ЭРИБ КЕТДИ

Афанди ёшлигида отасидан олган жумалик пулларни ҳафтасига етказмасдан еб қўяр ва шунинг учун аксари сўкиш эшитар эди. Ёзда отаси Афандига бир танга жумалик бериб, тайинлади:

— Тўрт жумаликни олаяпсан, энди бир ойгача сенга жумалик йўқ! Бу гап Афандининг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқди, пулни эса икки кунда еб тамом қилди.

Учинчи кун чашшоҳ пайтида Афанди отасининг ёнида ўтирган эди, отаси куннинг иссиқлигидан нолиди:

— Ҳеч чидаб бўлмайди, агар одамнинг бадани темирдан бўлса ҳам, офтобда туриш бермай эриб кетар эди.

— Тўғри, дада,— деди Афанди,— кеча сиз берган бир тангани офтобга қўйган эдим, дарров эриб кетса бўладими.

ОТАСИНИНГ БОЛАСИ

Афандига келиб хабар бердилар:

— Уғлингиз фалончининг тўйида кўп овқат еб қўйиб, лоҳас бўлиб қолди, ўлган бўлса ҳам эҳтимол.

Афанди жавоб берди:

— Менинг ўғлим овқатдан ўлмайди, овқатдан ўлса, жанозасига бормайман.

ЕТИШ ҚОИДАСИ

Афанди чойхонада ўтирар эди, элликбоши одамларга гап маъқуллай бошлади:

— Ҳар ким хўжа қизига уйланса, кўрпага хотинининг оёқ томонидан кириши керак.

Афандининг хотини хўжа қизи эди. Кечаси хотини жой солган эди, Афанди кўрпага оёқ томондан кириб ўшандайича ётаверди.

- Ҳай, дадаси, ёстиқ бу ёқда қолди-ку? — деб ажабланиб сўради хотини.
- Тек ёт, ётиш қоидасини сен биласанми, элликбоши биладими! — деб жавоб берди Афанди.

ХУТИКЧА

Афанди овга чиққан эди, далани айланиб юриб бир ёввойи хўтикчани кўриб қолди: «Энди ҳар бало бўлса ҳам қуруқ кетмай», деб қувлаган эди, хўтикча тутқич бермади. Афанди хафа бўлиб уйига қайтди. Қуруқ қайтганини кўриб хотини ундан сўради:

- Ҳеч нарса овлаёлмадингизми?
- Э, хотин, — деди Афанди, — бугун ов жуда ўнгидан келган эди-ю, сабил қолгур тутқич бермади.
- Унинг ўзи нима эди?
- Хўтикча, отишга кўзим қиймади, қувлаб етолмадим...
- Эсизгина, — деди хотини, — тутиб келганингизда мен уни уй ичида миниб юрар эдим.

Афандининг жаҳли чиқди:

- Сенмисан ҳали бели қотмаган хўтикчани минадиган! — деб хотинини қувлаб кетди.

ХАЛТА ТЕГИРМОН ҲАҚИГА

Афанди бир халта буғдойни кўтариб тегирмонга борар эди, йўлда ошиқ ўйнаб ўтирган бир тўп қиморбозларга дуч келди. Афанди ҳам қизиқиб қиморга киришиб, буғдойни халтаси билан ютқизиб қўйди.

Хотинига учрашдан қўрқиб, тегирмонга борди, афт-башарасига тегирмон гардини суртиб, уйига қайтди.

- Унингиз қани? — деб сўради хотини.
- Э, хотин, — деди Афанди, — бунақа бир халта-ярим халта буғдой тегирмонда гардга чиқиб кетар экан.
- Ун гардга чиқиб кетган бўлса, халта қани?
- Халгани тегирмон ҳақиға бериб келдим, — деди Афанди.

ГУШТ ВА БОЛТА

Афанди бир тангалик гўшт олиб келган эди, хотини қовуриб еб, ит еб кетди, деб қўя қолди. Етар маҳалда Афанди болтани олиб сандиққа солди.

- Болтани нимага яшираяпсиз? — деб сўради хотини.
- Бир тангалик гўштни олиб кетган ит, ўн тангалик болтани қўядими! — деди Афанди.

КИМ СОҒ, КИМ КАСАЛ?

Афанди касал хотининг ёнига ўтириб худога хитоб қилди:
— Э, худо, суйганимга бунчалик азоб бергандан кўра, менинг жонимни ола қолсанг бўлмайдим! Юбор азроилингни, ортиқ чидай олмайман!

Шу чоғ кўча эшиги тарақлаб очилди-ю, бошига кажава илиб олган бир хўкиз кириб келди. Афанди ирғиб ўрнидан турди, тиззалари қалтираб деди:

— Тақсир... Азроил ҳазратлари, касал ким, соғ ким, ўзлари кўриб турибдилар-ку!

АҚЛИМ КИРДИ

Афанди ёшлигида жуда қайсар, ота-онаси нима деса, ўшанинг тескарисини қилар эди. Бир куни отаси билан тегирмондан эшакка ун юклаб келаётган эди, йўлда тор бир кўприк учради. Отаси Афандига тайинлади:

— Эшакни сувдан кечириб ўтмагин. Кўприкдан ҳайда.

Афанди гапнинг тескарисини қилди, эшакни сувга солиб юборди. Отаси қопнинг оға бошлаганини кўриб:

— Ўғлим, қопни сув томонга бос! — деди.

Афанди отасига:

— Шу вақтгача ақлим йўқ эди, гапингизнинг тескарисини қилар эдим. Ҳозир бирдан ақлим кириб қолди, энди гапингизнинг ўнгини қиламан, — дедию қопни оғиб турган томонга босди, юк сувга ағдарилди.

СУЗМА

Афанди уйига қорни очиб келиб, хотинига:

— Хотин, бир оз сузма билан нон олиб кел. Сузма кўп яхши нарса, иштаҳани очиб, меъдани бақувват қилади, — деди.

— Сузма кеча тамом бўлган эди, — жавоб берди хотини.

— Тамом бўлгани яхши бўлибди, — деди Афанди. — Сузма тишга ва қоринга зиён қилади.

— Бу сўзларингизнинг қайси бирига ишонай? — деди хотини.

— Бўлса — аввалгисига, бўлмаса — кейингисига, — деб жавоб берди Афанди.

ҲА, ҚҶРҚМАС ЭКАНСАН-А!

Афанди ўчоққа ўт ёқишга кўп уринди, бўлмади, охири уйга кириб, хотинининг рўмолини ўраб чиқиб, пуфлаган эди, ўт ёниб кетди.

— Ҳа, қўрқмас экансан-а! — деди Афанди алангага қараб.

ТУШ

Афанди ярим кечада уйғониб хотинини туртди:

— Хотин, тур кўзойнагимни топиб бер!

— Ярим кечада кўзойнакни нима қиласиз?! — деб сўради хотини.

— Тушимга шундай майда нарсалар киряптики, кўзойнакни кўриб бўлмайди, — деди Афанди.

КАТТА ҒАВҒО

Кунларнинг бирида Афанди ўғриларга қўшилиб ўғирликқа борди. Шериклари қимматбаҳо буюмларни кўтарди ва Афандига эски қўл машинасини беришди.

Машинани уйига келтиргач, хотини уни синаб кўриб уришди:

— Номингизни булғаб, ўғирликқа чиқиб, шу бузуқ машинани келтирдингизми, уни олаётганда текшириб олсангиз бўлмасмиди?

Эртасига шериклари Афандини яна ўғирликқа бошладилар. Шу кунни улар бир карнайчиникини босдилар. Карнайчини уйнинг бурчагига кўрпага ўраб ташлаб, рўзгорни йиғиштира бошладилар. Афандининг қўлига карнайчининг карнайи тушиб қолди. Афанди карнайни кўтариб дарҳол томга чиқди-ю, синаб кўриш учун чала бошлади. Қўшнилари уйғониб, Афандидан сўрашди:

— Бемаҳалда карнай чалиб, ғавғо кўтариб, нега одамларни безовта қиляпсиз?

— Менинг карнай чалишим ҳам ғавғо эканми? Катта ғавғо карнайчининг уйида бўляпти, — дебди Афанди.

ЗОҒОРА

Афандининг хотини шўрва қилиб, зоғора нон билан эрининг олдига қўйди. Афанди шўрвага зоғорани тўграган эди, нон чўқди.

Афанди нонни:

— Сузишни билмасанг, сувга тушиб нима қилар эдинг?! — деб койиди.

СЕНДАН ХИЖОЛАТ БУЛИБ

Афандининг уйига ўғри кирган эди, Афанди сандиққа кириб беркинди. Ўғри уйни ахтариб қўлга киргудек ҳеч нарса топмай, сандиқни очди, у Афандини кўриб:

— Хўш, сандиқнинг ичида нима қилиб ётибсиз? — деди.

— Уйда сенбол ҳеч нарса йўқ, шунга хижолат бўлганимдан бекиниб олдим, — деди Афанди.

БЕШ КУНЛИК БОЛА

Афанди уйлангандан кейин беш кун ўтмай, янги қайлиқ туғиб берди. Афанди суюнчи ўрнига боланинг бошига дафтар билан қалам олиб келиб қўяди. Афандидан бунинг сабабини сўрашганда, Афанди уларга:

— Тўққиз ойлик йўлни беш кунда босган бола сал ўтмай мактабга ҳам югуриб қолади, — деб жавоб берибди.

ОДАМ АТОДАН ҚОЛГАН СИГИРЛАР

Афанди сабзига ўра қазиб, қўшинининг оғилидан чиқиб қолди, шошиб хотинини чақирди:

— Хотин, хотин! Одам Атодан қолган сигирларни кўр! Сигирнинг кавш қайтариши бурунги замондан қолган экан!

ШУНИНГ ЎЗИ БАС

Афандининг хотинини кечаси тўлғоқ тутди. Афанди чироқ ёққунча, бола туғилди. Афанди қўшни дояни чақирди. Қўшни келгунча яна бир бола туғилди. Афанди шоша-пиша чироқни ўчирди.

— Нега чироқни ўчирдингиз? — деб сўради доя.

— Шунинг ўзи бас, — деди Афанди. — Умрида чироқ кўрмаганларнинг қаторлашиб чиқишини кўрмайсизми!

ТУШГА КИРГАН ТОЛҚОН

Афанди кечаси уйқудан уйғониб:

— Тур, хотин, менга бир қошиқ олиб бер, — деди.

Хотини ҳайрон бўлиб сўради:

— Ярим кечада қошиқни нима қиласиз?

— Тушимда толқон кўрдим, қўлимда есам тўкилиб кетаяпти. Қошиқда есам, тўкилмасмикан деяпман-да.

ҲАММОМНИНГ СОВУҚХОНАСИ

Афандининг қайнсинглиси турмушга чиқар эди. Никоҳ уни хотини Афандини ҳол-жонига қўймай ҳаммомга юборди. Афанди ҳаммомдан чиқиб уйига келди. Янги либосини кийиб, тўйхонага бориш учун эшикка чиқиши билан сел ёғиб юборди. Афанди янги тўн, пойафзал ва кўйлагини ечиб, қийиғига туғиб, иштончанг бўлиб тўйхонага югурди.

Тўйхона олдида куғиб турганлар Афандини бу аҳволда кўриб сўрашибди:

— Хўш, Афанди, нима бўлди!

Афанди жавоб берибди:

— Ҳаммомга тушган эдим. Сизлар кутиб қолманглар, совуқхонада ўтиришни кўчада қиларман деб шошилиб чиқиб келаверган эдим. Ҳозир ана шу совуқхонадан чиқиб келяпман.

КАПКИРНИНГ ОВОЗИ

Афандининг қорни очқаб турган эди, биров ундан сўрабди:

— Афанди, дунёда ниманинг овози яхши? Дуторникими, танбурникими, ғижжакникими?

— Ҳей, биродар! — деб жавоб берибди Афанди. — Ҳеч қайси бирининг овози капкирникига тўғри келмайди.

МУЛЛА МАМАРАСУЛНИНГ ҚИРОАТИ

Афандининг боласи ниҳоягда йиғлоқи бўлиб, хотини тонготар бешик тебратиб чиқар эди. Бир кеча хотинининг жонидан ўтиб, Афандини уйғотиб:

— Мен онаси бўлсам, сиз — отасисиз. Бу кеч ўзингиз ухлатинг, менга ҳам жон керак, — дебди.

Афанди дарров туриб кийина бошлабди ва хотинига:

— Мен бориб Мулла Мамарасулни айгиб келай, — дебди.

Хотинининг фиғони чиқибди:

— Болани ухлатинг деёғибман! Мулла Мамарасулни нима қиласиз?!

Шунда Афанди:

— Мачитда Мулла Мамарасул қироат қилганда, ҳаммамиз ухлаб қоламиз. У келиб қироат қилса, ажаб эмас боламиз ҳам ухлаб қолса, — дебди.

ОЧЛИК БИЛАН ОЛИШУВ

Бир йили қиш жуда узайиб кетди. Эшагига кўпроқ ем-хашак ғамлаб қўймаган Афанди уни овқатдан сиқштираверди. Эшак очликка чидай олмай ўлиб қолди. Оғилга кириб, эшакнинг ўлиб ётганини кўрган Афанди:

— Бечора эшагим, очлик билан роса олишдингу, аммо умринг вафо қилмади-да, — деди.

АҚЛЛИ БОЛА

Афанди бир кун оиласи билан ўтирган эди, ўғли:

— Дада-дада, мен сизнинг туғилганингизни биламан, — деди.

Афандининг хотини:

— Ер юткур, дадагни туғилганини қаёқдан биласан, — деб ўғлини уришди.

Афанди хотинига:

— Нимага уришасан? Бунинг ақли жуда кўп-да, туғилганимни билса, биладигандир-да, — деди.

МУШУК ҚАНИ?

Афанди бир куни бозордан уч қадоқ гўшт олиб келди-да, хотинига:

— Кечқурун яхшилаб чучвара қил, — деб тайинлади.

Хотини гўштни ўзи қовуриб еди-ю, кечқурун Афандининг олдига ёвғон угра қўйди.

— Чучвара қани? — деб сўради Афанди.

— Гўштни мушугингиз еб қўйди, — деб жавоб берди хотини.

Афанди мушукни ушлаб торозига қўйган эди, роса уч қадоқ келди, хотинидан сўради:

— Агар бу мушук бўлса, гўшт қани, агар бу гўшт бўлса, мушук қани?

АФАНДИ ВА СОВЧИЛАР

Афандининг бир сигири бор эди, уни сотгани бозорга олиб борди, кечгача турди, лекин биров сўрамади. Бир даллол келиб, сотиб берайми, деган эди, Афанди рози бўлди.

— Кунда тўрт пақир сут берадиган говмиш сигир, қорнида олти ойлик боласи бор, — деб сайрай кетди даллол.

Бир зумда сигирнинг агрофини харидорлар ўраб олиб, нархини оширдилар, сигир катта пулга сотилди. Афанди хурсанд бўлиб уйига қайтди.

Афанди бозордан қайтса, хотинлар қизига совчиликка келиб ўтиришган экан.

Афандининг хотини:

— Сиз ташқарида турсангиз, мен қизимизни мақтаб қудалар билан сўзлашсам, — деди.

— Йўқ, хотин, — деди, — сен қиз мақташни билмайсан, мен шундай мақтайки, мен шундай мақтайки, олмайдиган совчилар ҳам қизингга жазман бўлиб қолсин!

Афанди хотинлар олдига кирган эди, совчилардан бири:

— Вой, Афанди, хотинлар ичида нима қиласиз, ташқарига чиқинг, хотинингиз кириб биз билан сўзлашсин, — деди.

— Онаси қизининг фазилатларини менчалик билмайди, — деб Афанди қизини мақтай кетди. — Қиз эмас, сигир, икки пақирдан сут беради, қўйдай ювош, қорнида олти ойлик боласи бўлмаса, майли қайтариб беринг, мол ўзимники!

Бу сўзларни эшитган совчилар бир-бирларига қарашиб, индамай чиқиб кетдилар. Хотини келиб Афанди билан уриша кетди:

— Эр бўлмай ўлинг! Қизни ҳам шундай мақтайдиларми, мана совчиларни ҳам кеткизиб юбордингиз!

— Қўрқма, хотин, — деб юпатди Афанди. — Бугун вилоятни қидирганларида ҳам бундай қизни тополмайдилар, юриб-юриб яна келадилар. Агар сигирни шундай мақтамаганларида ҳеч ким уни олмас эди.

ҒАЛВИРНИНГ ПОЛВОНИ

Афанди шошилинич билан ошхонага кирса, хотини бир ғалвирга пиёз солиб ромга қўйиб қўйган экан. Ғалвир бошига тушиб, пиёзлар кўзига тегиб кўзини чиқараёзди. Жон аччиғида ғалвирни бир тепган эди, ғалвир деворга бориб тегиб қайтиб яна илигига тегди. Афанди қараса, бир катта пичоқ турган экан, бора солиб пичоқни олиб ошхонадан чиқиб:

— Қани, ғалвирингнинг полвони бўлса чиқаверсин, — деб пичоқни ўқталиб турди.

ҚОЧ, ҚИЗИМ, ОТ ТЕПАДИ

Афанди бозордан ўн сўмга от олиб келаётган эди, йўлда одамлар, неча пулга олдингиз, деб сўрашди. У сўраганларга, ўзларингиз чамалаб кўринг, неча пулга олса бўлади, деди. Биров, ўн беш сўмга олдингизми, деган эди, у, беш сўм фойда қилдим, деди, бошқа бир киши, йигирма сўм бўлдими, деган эди, ўн сўм фойда қилдим, деб кетаверди.

Афанди уйига келгач, қизи югуриб чиқиб сўради:

— Дада, отни неча пулга олдингиз?

— Қизим, ўзинг чамала-чи, неча пулга олса бўлади?

— Беш сўмга олдингизми?

— Қоч, қизим, от тепади, — деди аччиғланиб Афанди.

ХУДО ХОҲЛАСА, ОЛДИРДИМ

Афанди жамғарган пулларини олиб бозорга жўнар экан:

— Бугун албатта от оламан! — деди.

— Худо хоҳласа десангиз-чи, — деб койиди хотини.

— Пулим бўлгандан кейин, худо хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, оламан, — жавоб берди Афанди.

Афанди от бозорида отларга харидор бўлиб алавақтгача бе-парво айланиб юрди, кейин бир отнинг савдосини пишириб, чўнта-гига қўл солса, пули йўқ. Хафа бўлиб уйига келган эди, хотини сўради:

— Олган отингиз қани?

— Э, хотин, худо хоҳласа, пулни кисавурга олдирдим.

МАҲ-МАҲ, ЖОНИВОР

Афанди ариқ бўйида ўтириб, қўй калласини ювар эди, калла сувга тушиб оқиб кетди. Дарров Афанди бир тутам ўтни юлди-да:

— Маҳ-маҳ, жонивор,— деб қичқирди.

ҒАМХҶР ҚҶШНИЛАР

Афанди кечаси хотинининг ёнида ухлаб ётган эди, тушида қўшнилари унга яна бир хотин олиб беришмоқчи бўлдилар. Афанди, йўқ-эй, йўқ-эй, яхши бўлармикан, деб уйғониб кетди ва хотинини туртди:

— Тур, хотин, тур! Уйдан қўшниларни ҳайда!

— Ҳа, нима қилди қўшнилар? — деди хотини уйқусираб.

— Тушимда менга бошқа хотин олиб беришмоқчи,— деди Афанди.

МАЙИЗ БЎЛМАСА, НИМАНИ БЕРАМАН

Афанди бозордан қайтишида бир халта майиз олди-да, ким ҳорманг деса, бир ҳовучдан бериб келаверди. Бирпасда майизи тугаб қолди. Уйига келгач, қизи югуриб чиқиб:

— Ҳорманг, дада,— деди.

— Майиз бўлмаса, нимани бераман, қизим,— деб жавоб берди Афанди.

ИССИҚ ҚОР КЎРПА

Қиш кунларининг бирида Афандининг хотини ҳасрат қилиб қолди.

— Камбағалчилик қурсин! Устингга ёпғудай кўрпанг йўқ. Илма-тешик кўрпаларни бошингга тортсанг, оёгинг очилиб қолади, оёгингга тортсанг — бошинг. Эр бўлмай ўлинг!

Афанди хотинини юпатиш учун минг марта эшитган отасининг давлати тўғрисида эзмалик қила бошлади, бироқ хотини тинчимасди. Шунда Афандининг жаҳли чиқиб хотинига айтди:

— Тинч ўтирасанми, йўқми?

— Ахир ўзингиз ўйланг! — дея хотини тўнғиллай бошлади. — Бу қандай тирикчилик? Кимсан, фалончисиз, уйингизда ёпадиган кўрпангиз йўқ. Эпласангиз уй қилинг-да! Бўлмаса паранжи ёпиниб уйда ўтиринг, рўзғорни мен тебратай!

Бу гап Афандининг этини наштаардай тешиб ўтди. Ўрнидан туриб, ҳовли ўртасидаги саватни олди, кўчага чиқиб, унга қорни тўлдириб олиб келиб, хотинига узатди.

— Бу нима? — деб сўради хотини ғазаб билан.

— Қор,— деди Афанди.

- Қорни нима қиламан?
- Устингга ағдариб ётасан, иссиқ тутади.
- Ҳеч жаҳонда қор ҳам иссиқ тутадими?
- Ота-буваларимиз бир неча йилдан буён қорнинг тагида индашмасдан ётишипти-ку! — деди Афанди.

БУ ПУЛ БЎЛМАЙ НИМА?

Афанди болалигида отаси бировдан икки юз танга қарздор эди, ана-мана деб қарз берган кишини овора қилар эди. Бир куни у келиб пулини қистаган эди, отаси:

— Жоним билан берар эдим-у, бир чақа ҳам пулим йўқ, сабр қиласиз, биродар, — деб турган эди, Афанди уйдан бир ҳамён тангани кўтариб чиқиб:

— Дада, бир чақа ҳам йўқ, дейсиз, бу пул бўлмай нима?! — деди-да, ерга тўқди.

ЎЖАР ҚАЙНОНА

Афандига бир куни хабар бердилар.

— Қайнонангиз дарё лабида кир ювиб ўтириб сувга тушиб, чўкиб кетибди. Ҳалигача ўлигини тополмаяптилар.

Афанди югуриб дарёга борди-да, қайнонаси йиқилган жойнинг юқорисини ахтара бошлади. Дарё лабига тўпланган одамлар таажжубланиб унга айтдилар:

— Уликни сув оқизиб кетган. Дарёнинг этагини қараш керак-да!

— Эй-й, сизлар менинг қайнонамни билмайсизлар: у шундай қайсар эдики, доим одамнинг айтганига юрмай, тескарисига юрар эди. У дарёга чўкиб кетганда ҳам сув юрадиган томонга оқмай, тескарисига оқади. Бу — турган гап.

НОН ЕҚҚАН КУН

Афанди калтак отиб, ов қилишни машқ қилар эди.

— Сиз отган калтакка ҳам илвасин ўлармиди, — деб хотини мазах қилди.

Афанди ўзини синаш учун кўчага чиққан эди, домла-имомга кўзи тушиб қолди. Калтакни қулочкашлаб отган эди, имомга тегди. У шу заҳоти тил тортмай ўлди. Афанди имомнинг жасадини уйига олиб кириб хотинига мақтанди:

— Сен бу калтакка илвасин йиқилмайди дейсан, мана кўр, тўнғиздек домла-имом тил тортмай қолди-ку!

Хотини, вой шўрим, деб, Афандига дарҳол молхонадан чуқур қазиб жасадни кўмиб қўйишни буюрди. Афанди имомни саранжомлагунча чарчаб, ухлаб қолди.

Афандининг хотини имомнинг жасадини судраб очиқ гўрга олиб бориб кўмди-да, унинг ўрнига итнинг ўлигини кўмиб қўйди. Хамир қилиб, кўпгина нон ёпиб, бир қисмини ҳовлига сочиб, Афандини уйғотди:

— Туринг, ётаверасизми, ҳовлига осмондан нон ёғаяпти, ҳеч бўлмаса беш-ўнта нон териб кириңг!

Афанди ташқарига чиқиб, ҳайрон қолди ва нонларни териб кирди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Афанди овга борадиган бўлди. Калтагини кўтариб гузарга чиққан эди, одамлар уни масхара қилишди:

— Шу калтакка ҳам илвасин йиқиладими?

— Ҳа, йиқилмайди-я, бир тегиши билан хирсдай имом жон берган, — деди.

Гузарда ўтирган одамлар орасида имомнинг ўғли бор эди, у:

— Отамни нима қилдинг? — деб Афандининг ёқасидан олди.

— Отангни ўлдириб, молхонага кўмиб қўйганман, — деб жавоб берди Афанди. Гузардаги одамлар тўпланиб, Афандининг уйига келдилар, молхонани ковлаб кўрган эдилар, ундан итнинг ўлиги чиқди.

— Отамни қачон ўлдирган эдинг?! — деб йиғлаб сўради имом-зода.

— Осмондан нон ёққан куни, — деб жавоб берди Афанди. Бу жавобдан кейин, ҳамма Афандини доводирга чиқариб, уй-уйига тарқалди.

ЎЛМАЙ ҚОЛСАНГ...

Афандининг хотини жанжалкаш эди, у бир куни касал бўлиб ётиб қолди. У Афандига васият қилгач:

— Мен ўлиб қолсам, нима қилар экансиз-а? — деди.

— Улмай қолсанг, нима қилар эканман-а? — деди йиғламсираб Афанди.

ЎЗЛАРИ КЕЛИБ АЙТДИ

Афанди далада ишлаб юрган эди, нима учундир уни ўлим ваҳимаси босиб кетди, қўл-оёқлари бўшашиб, боши айланиб, ерга йиқилди: «Энди ўлдим шекилли», деб ётаверди. «Ўлигимни бирорта одам келиб олиб кетар», деб кеч пешингача ётди, ҳеч ким келмади. Ниҳоят, қорни оча бошлади: «Уйга бориб ўлганимни хотинимга айтай ва овқат ҳам еб келай», деб уйига борди.

Уйга келса, хотини қўшнисиникига чиқиб кетган экан. Пайтдан фойдаланиб қорнини тўйғазди. Хотини чиққан эди, унга айтди:

— Хотин! Мен далада ўлиб ётибман. Бориб ўлигимни олиб кел, — деб яна чиқиб кетди.

Хотини сочларини юлиб, қўшнилари чақириб, уларга эрининг ўлганини билдирди.

— Вой! Биз ҳалигина кўчада кўриб эдик-ку! Ким айтди? — деб сўрашди хотинлар.

— Ким айтар эди, — деб йиғлайверди Афандининг хотини. — Раҳматли эримнинг бир хабарчиси ҳам йўқ, ўзлари келиб, айтиб кетдилар.

ДОД, ҚАЙСИ БИРИНГНИ ОЛАМАН!

Хотини вафот қилганда, Афанди ҳовлини айланиб юриб йиғлар эди.

— Дод, энди кимни хотин қиламан!

Бу сўзни жуда кўп такрорлаганидан уялиб, қайнсинглиси келди-да қулоғига:

— Почча, ундай деб йиғламанг, айб бўлади, агар юрту элдан сизга хотин топилмаса, мен тегарман, — деди. Афанди яна додлайверди:

— Дод, энди мен кимни хотин қилиб оламан!

Бир бева қўшниси бор эди, у Афандини секин бир чеккага чақириб:

— Афанди, кўп куйинманг, агар муносиб хотин тополмасангиз, мен тегарман, — деди.

Афанди яна баландроқ фарёд кўтарди:

— Вой-дод, қайси бирингни оламан!

КИР ҚАРҒА

Афандининг хотини кир ювиб ўтирар эди, бирдан совунни қарға олиб қочди. Хотини унинг орқасидан ҳай-ҳайлаб қувлаган эди, Афанди:

— Қўявер, хотин, қарғанинг усти-боши бизникидан ҳам кир экан, — деди.

ЧУМОЛИ БОСГАН ОВҚАТ

Афандининг уйини чумоли босиб кетди. Чумоли шу қадар кўп эдики, овқатларнинг бети қорайиб кетарди. Уйдагилар ҳамма нарсани чумолидан тозалайвериб, жонидан тўйдилар.

Бир куни Афанди таҳорат қилиб, асир намозини ўқиди. Орадан ҳаял ўтмай, яна таҳорат қилиб намози шомга кирмоқчи бўлган эди, хотини койиб қолди.

— Беш маҳал намозга албатта беш маҳал таҳорат қилсин деб қайси кийгиз китобда ёзилган? — деб қичқирди хотини. — Ҳалигина таҳорат қилдингиз, таҳоратингиз бузилган йўқ эди-ку!

— Агар,— деб жавоб берди Афанди,— шу хилда чумоли босган овқатни еб турсам, ҳар куни йигирма марта таҳорат қила бераман.

ҚИРОАТ

Афанди Бухоро мадрасаларининг бирида ўқир, таҳсил даврида у қироатга шу қадар берилиб кетган эдики, ҳатто таътил вақтларида уйга келганда ҳам, бир сўзни хотинига қироат билан айтар, қорни очганда:

— Хотино, ла чою нон-ноно! — дер эди.

Бир куни унинг қироатидан безор бўлган хотини:

— Ҳеч бўлмаса чой билан нонни қироатсиз айтсангиз бўлмай-дими? — деди.

— Сенинг бир парча нонингни деб қироатимни бузайму-у! — деди зарда билан Афанди.

ЁДГОР БЎЛИБ ТУҒИЛГАН БОЛА

Афандининг хотини бир неча кун тўлғоқ тутиб ётиб, қийналиб, ниҳоят, ўғил туғди. Доялик қилган хотинлар Афандини чақириб келиб, ундан ўғлига ном қўйиб беришни сўрадилар. Афанди ўғлининг қулоғига азон айтиб: «Сенинг исминг Фотима бўлсин», деди. Доя хотинлар таажжубланиб, Афандидан сўрадилар:

— Ўғил болага ҳам қиз боланинг номини қўядими?

— Қиз боланинг номини қўйган билан,— деди Афанди,— ўғиллигини йўқотиб қўядими? «Фотима» хотинимнинг номи. Хотинимга мабодо бир нарса бўлиб қолса, ундан ёдгор бўлсин деб бу номни қўйдим.

ҲАЛОК ҚИЛАЁЗДИ

Афандининг хотини оғир тўлғоқ тутиб, кўзи ёриди. Бола ерга тушар-тушмас жон берди. Унинг тепасида туриб Афанди дер эди:

— Бир нафаслик умринг бор экан-ку, онангни ҳам ҳалок қилаёздинг-а?!

ТИРИКЛИГИМДА КЕЧИБ УТАР ЭДИМ

Афанди бир куни хотинидан сўради:

— Улимнинг қандай белгилари бўлади?

— Одамнинг ранги-гуси оқариб, бадани музлаб қолади,— деди хотини.

Афанди қаҳрагон қиш куни ўтин тергани чиққан эди, совуқнинг

зўридан музлай бошлади. У, ўлган бўлсам керак, деб узала ташлаб ётиб олди. Бошқа ўтинчилар келиб, Афандини уйига олиб жўнадилар. Йўлда учраган анҳорнинг кўприги йўқ экан. Утинчилардан бири:

— Ёғоч кесиб, кўприк солиб ўтамизми ёки бошқа йўлдан айланиб кетамизми? — деб маслаҳат солди шерикларига.

Улар ҳайрон бўлиб туришган эди, Афанди бошини кўтариб:

— Мен тирик вақтимда ҳамиша анави ердан кечиб ўтар эдим, — деди.

ЭНДИ УЛАР ДЕБ ТУРИБМАН

Афандининг уйида бир бетоб қариндоши бор эди. Ошна-оғайнилари келиб Афандидан бетобнинг ҳол-аҳволини сўрадилар.

— Икки кун илгари бир нав дуруст эди, — деб жавоб бера бошлади Афанди. — Алҳамдулилло энди ўлар деб турибман.

ИСМИНИ БИЛИБ НИМА ҚИЛАМАН!

Афанди хотини билан қўйди-чиқди бўлиб қозига борди, қози Афандидан хотинининг исмини сўради.

— Билмайман, — деди Афанди.

— Шунча йил турмуш қилиб, билмайман деганингиз қизиқ, — деди қози.

— Билмайман дедим, билмайман! Бирга умр қилмайдиган хотиннинг исмини билиб нима қиламан! — деди зарда билан Афанди.

ИШИ КҮП ОДАМ

Афандининг хотини касал бўлган эди, Афанди касалнинг бошига ўтириб йиғлай бошлади. Шу вақтда касалнинг ўртоқларидан бири келиб қолиб, Афандини койий бошлади:

— Нега совуқ нафас қилиб ҳалитдан йиғлайсиз? Худо хоҳласа, тузалиб қолади.

— Мен иши кўп одамман. Улиб қолса, йиғлашга қўлим тегмай қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун йиглаб олай деяпман, — деб жавоб берди Афанди.

БОЗОР КУНИ КЕЛ ДЕМАБСАН

Афанди кечқурун уйига келган эди, хотини деди:

— Фалончи бойдан қарзингиз бор экан, у қистаб келган эди, пул тўплай олганимиз йўқ, бир йилдан кейин келинг, дедим. Яхши жавоб қилибманми?

— Бозор куни келинг демабсан-да!

— Нега энди, индинга бозор-ку?

— Э, нодон, бозордан кўпи борми?

ЭР-ХОТИН «МУҲАББАТИ»

Афанди узоқ сафардан қайтди, хотини югуриб келиб, унинг бўйнидан қучоқлаб кўришди. Афанди ундан сўради:

— Мени соғиндингми?

— Асти қўйинг, — деди хотини. — Эшиқдан бирор эракнинг қораси кўринса, сизми экан, деб юрагим ёрилгудай бўлади. Сиз-чи, соғинмадингизми?

— Мен ҳам сени шундай соғиниб қолганманки, — деб жавоб бера бошлади Афанди, — сафаримда бирор хотин кўринса, сенми-сан деб лабларимга учуқ тошиб кетади.

УҒИЛ ВА ХОТИННИНГ ЖАВОБИ

Афандининг дарвозасини биров қоқди. Афандининг ўғли чиқиб: — Кимсиз? — деб сўради.

— Мен лофчиман, отанг қани, у билан синашиш учун келдим, — деди келган киши.

Бу гапни эшитган бола бепарвогина деди:

— Уйда ун тугаб қолган экан, отам даканг хўрозимизга икки чорак маккажўхорини ёппа солиб, устига миниб тегирмонга кетди.

Бу сўздан ханг-манг бўлиб қолган лофчи ичида: «Агар Афандининг боласи шу бўлса, отасидан енгилишим турган гап экан», деб кетмоқчи бўлиб турган эди, Афандининг хотини эшик орқасида туриб:

— Меҳмон, бирор чойнак чой ичиб турунг, тегирмонимиз унча узоқ эмас, атиги беш-олти кунлик йўл, холос. Афанди ҳам ҳадемай келиб қоладилар, — деди.

Бу сўзни эшитган лофчи Афанди билан учрашиш осон эмаслигини билиб ура қоқди.

ИККИНЧИ ХОТИН

Афандининг хотини вафот қилгач, тўрт болалик бир бева хотинга уйланди. У хотин ниҳоятда жанжалкаш бўлиб, Афандининг ёлғиз фарзандини сиғдирмас, ким кўринса ўғай ўғлидан шикоят қилар эди.

— Эрингиз ҳеч вақт сиздан шикоят қилмайдилар-ку, сизнинг етаклаб келган болаларингиз қанча? — деб сўради қўшни хотинлардан бири.

— Тўрттагина, — деб жавоб берди хотин.

— Эрингизники-чи?

— Вой, битта, биттагина!

СУЗИШНИ БИЛАР ЭДИНГ, ШЕКИЛЛИ?

Афандининг икки хотини бор эди, кунларнинг бирида катта хотини йиғламсираб деди:

— Сиз кичик хотинингизни яхши кўрасиз, доим унинг ёнида-сиз!

— Мен иккалангни ҳам бир хилда кўраман,— деб жавоб берди Афанди.

Хотини Афандининг кўнгли қайси бирига мойил эканлигини билмоқчи бўлиб:

— Дарёнинг ўртасида учаламиз қайиқда кетаётган бўлсак, тасодифан қайиғимиз фарқ бўлди дейлик, қайси биримизни олдин қутқарасиз? — деди.

— Сен сузишни билар эдинг, шекилли? — деди Афанди катта хотинига.

АФАНДИНИНГ ҚИЗИ

Кунларнинг бирида Афандининг хотини қизига деди:

— Бўйинг чўзилиб қолди, қизим энди сени эрга бермоқчимиз.

— Мен танимаган-билмаган бегона одамга тегмайман! — деди қизи.

— Теккан эринг аввалига бегона кўринса ҳам, кейинчалик ўрганиб кетасан. Мана, мен ҳам бегона одамга теккан эдим, бора-бора аҳил бўлиб кетдик.

— Ҳо, сиз бегонага тегибсизми, дадамга теккансиз-ку!

ШОВЛА ЕБ ОҒЗИ КУЙГАН

Афанди шовлани яхши кўрар эди. Бир куни хотини шовла қилиб олдига қўйган эди, у дарҳол иссиқ шовлага қўл урди, қўли куйган эди, оғзига солди. Оғзи куйган эди, ютиб юбориб ичаги ҳам куйди.

— Сув бер, ичимга ўт кетди! — деди хотинига. Хотини унинг олдига муздек қатиқ қўйган эди, Афанди пуфлаб ича бошлади.

— Ҳеч жаҳонда қатиқни ҳам пуфлаб ичадиларми? — деб сўради хотини.

— Э, нодон! — деб жавоб берди Афанди. — Шовла еб оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичишини билмайсанми?!

ХАЙРИЯТ

Афандининг бир ўртоғи касал бўлиб қолди, уни кўргани бориш олдидан хотинидан маслаҳат сўради:

— Касал кўргани борганда нима дейилади?

— Бориб, аҳволингиз қалай, деб сўрайсиз, у, шукур, яхшиман,

дейди, сиз, хайрият, дейсиз, иштаҳангиз қалай, нима егингиз келади, деб сўрайсиз, у кўнгли тортган овқатини айтади, сиз, ундан кўпроқ еб туринг, мен ҳам янаги келишимда олиб келаман, дейсиз. Қайтар вақтингизда, яқин ўртоқларингиз келяптими, дейсиз, у, ҳа, келяпти, дейди, сиз, хайрият, келиб туришган бўлса яхши, мен ҳам кўриниб қолишса, айтиб юбораман, деб келавера-сиз, — деди хотини.

Афанди ўртоғиникига борди, у оғир аҳволда ётар эди. Афанди ундан сўради:

— Аҳволингиз қалай?

— Кўриб турибсиз-ку, ўладиган бўлиб қолдим.

— Хайрият, — деган эди, касал ижирғаланди.

Афанди сўроқни давом эттирди:

— Иштаҳангиз қалай, нима егингиз келади?

— Ажалнинг уруғини!

— Ушандан кўп-кўп еб туринг, — деб таскин берди Афанди. — Мен ҳам янаги келишимда ундан олиб келаман.

Афандининг бу гапидан асаби бузилган касал тескари қараб олди. Ниҳоят, Афанди яна сўради:

— Мендан бошқа ўртоқларингиз ҳам кўргани келишяптими?

— Ҳа, Азроил келяпти! — деди аччиғланиб касал.

— Хайрият, келгани яхши, мен ҳам кўча-кўйда кўриниб қолса, айтиб юбораман, — деб Афанди жўнаб қолди.

АЙБ СУНАДА

Афанди қўш ҳайдаётган эди, қизи хурмачада гўжа олиб келди. Афанди энди ўтириб уни ича бошлаган эди, бир сўна келиб, хурмачанинг лабига қўнди:

— Тўхта, қизим, қимирламай тур, — деди-да калтак билан сўнани урган эди, хурмача чилпарчин бўлди.

— Нима қилиб қўйдингиз, дада? — деб ачинди қизи.

— Хафа бўлма, қизим, айб сўнада, — деб жавоб берди Афанди.

СУВГА ТУШИБ КЕТСА НИМА ҚИЛАМАН?

Афанди хотинининг додлаган овозини эшитган қўшнилар кириб сўрадилар:

— Нима гап, тинчликми?

Афандининг хотини уч яшар қизчасини кўтариб чиқиб қўшнларига деди:

— Бу катта бўлиб эрга тегади, бола туғиб, у шундай бўлади, қизим бепарво қолса, боласи сувга тушиб оқиб кетса, нима қиламан? — деб йиғлаяшман.

ХУДОГА БЕРМАЙ, ҲЗИ ЕДИ

- Бор, ўғлим Насриддин, гадоёга нон олиб чиқиб бер, бечора худо номидан тиланяпти, — деди Афандининг отаси.
- Йўқ, опчиқиб бермайман! — қайсарлик қилди Афанди.
- Нега энди, ўғлим ундай дейсан?
- Кеча ҳам шу гадоё худо номидан тилаган эди, нон опчиқиб берсам, худога қолдирмай ўзи еб қўйди, — деб жавоб берди Афанди.

АЗРОИЛНИ АЛДАШ ЙЎЛИ

Афанди оғир касаллик билан ўлим тўшагида ётар эди. У бошида йиғлаб ўтирган хотинидан илтимос қилди:

— Хотин, тез бор, кийимларингни кийиб, безакларингни тақиб, яхшилаб пардоз-андоз қилиб кел!

— Қўйинг, ҳозир бундай нарсалар кўнглимга сиғармиди. Наҳотки мен енгилтак, вафосиз хотин бўлсам, нега бундай дейсиз? — деб, хафа бўлди хотини.

— Эй нодон! — юлата бошлади уни Афанди. — Азроил ҳозир менинг атрофимда ўралашиб қолди, сен башанг кийиниб, парилардек ловуллаб турсанг, мени унутиб, сен билан овуниб қолармикан, деб ўйлаяпман.

КЎЗОЙНАКНИНГ ХИСЛАТИ

Хотини кўзойнак тутиб иш тикиб ўтирар, эди, Афанди сўради:

— Кўзойнакнинг нима фойдаси бор?

— Кичкина нарсани катта қилиб кўрсатади, — деди хотини.

Афанди бозорга кетаётган эди, хотини қовун олиб келишни илтимос қилди. Афанди бозордан кичкина хамак келтирган эди, хотини:

— Қовун олсангиз бўлмасмиди, бу хамак-ку! — деди.

— Кўзойнак билан қарасанг, бу ҳам қовун бўлиб кўринади, — деб жавоб берди.

ИККИ МАРТА ҲАКЛАБ УТДИМ, БИЛМАДИ

1 Афанди хотини билан бозорга бориб сигирини яхшигина пулга сотди. Керакли нарсаларни харид қилиб, ортган пулни хотинининг белига тугди. Қайтишда уларнинг йўлини ўғрилар тўсди.

— Тўхта, қимирлама!

Ўғрилар Афандининг ёнини тинтиб бўлиб, атрофини пичоқ билан чиздилар-да:

— Агар шу чизиқдан бир қадам ҳаклаб ўтсанг, каллангни ола-миз! — дейишди.

Кейин хотинини ечинтиришиб кийим-бошлари ва ундаги пулни олиб кетдилар.

— Кўз олдингизда ўғрилар хотинингизни ечинтириб турса-ю, нафсониятингиз кўзгалмаса, садқаи эркак кетинг-э! — деди хотини аччиғланиб.

— Мен уларни жуда бопладим, — деди Афанди.

— Қандай қилиб? — деб сўради хотини.

— Шарт қўйган чизиқларидан икки марта ҳақлаб ўтдим, билишмай қолди, — деб жавоб берди Афанди.

БЎЛИШИБ ОЛГАНМИЗ

— Уйингизга ўт кетди, сизни излаб зўрға топдим, чопинг тез, — деди бир ўртоғи чойхонада ўтирган Афандига. — Орқангиздан мен одамларни олиб бораман!

— Дўстим, биз хотиним билан уй ичидаги ишни бўлиб олганмиз: менга ишлаб пул топиш, хотинимга эса, рўзғорга қараш теккан. Бор, буни хотинимга хабар қил, мен унинг ишига сира аралашмайман, — деди хотиржам Афанди.

ДУСТ КИРИБ, ДУШМАН ИШИНИ ҚИЛМАСИН

Арафа куни Афанди юз машаққатлар билан пул топиб, палов учун харажат қилиб келди. Эр-хотин ош қилишиб, қўшниларга улашишди, улардан ҳам анчагина ош келди. Эр-хотин еб тўйдилар. Бир оз ортиб ҳам қолди.

Афанди ярим кечада туриб, хотинини уйғота бошлади:

— Хотин-хотин, тур, чироқни ёқ! Бошимга шундай ажойиб бир фикр келдики, эрталабгача қолса унутиб қўяман.

Хотини туриб чироқ ёқди ва сўради:

— Нима гап экан?

— Дастурхон солиб, қолган ошни олиб кел, еб бўлгач айтаман.

Хотини унинг айтганини қилди, ошни еб бўлишгач:

— Палов яхши овқат, унинг токчада туриши яхши эмас. «Дўст кириб, душман ишини қилиб кетади», деган мақол эсимга тушиб, сира уйқум келмади. Энди хотиржам ухлайверсак бўлади, — деди.

АФАНДИНИНГ НАСИХАТИ

Афанди қизини узатди. Келинчакни олиб кетаётганларида одамлар Афандига:

— Қизингизга фотиҳа беринг, эҳтимол, айтадиган насиҳатингиз бордир, — деб айтишди.

Афанди қизининг ёнига келиб қулоғига шивирлади:

— Борган ерингда чок-пок тикадиган бўлсанг, ипнинг учини тугиб қўйишни унутма, агар ундай қилмасанг, ип чокда сира турмай, меҳнатинг зое кетади.

ЧАҚИРМАГАН ТҮЙГА КИРИШ ЙҮЛИ

Бир куни хотини дод-фарёд қилиб кўчага қочиб чиқди, орқасидан Афанди сўйил кўтариб қувлар, ғазаб билан қичқирар эди:

— Уттиз йилдан бери тўпланган ўчимни ҳозир оламан, бир уриб аталахўр қилайки, кейин кимга бориб арз қилсанг қилавер!

Қўшни ҳовлида тўй борар эди. Тўпланган одамлар эр-хотинни ажратиб қўйдилар. Хотинини тўйхонага киритиб юборишиб, Афандига насиҳат қила бошладилар:

— Қўйинг, хафа бўлманг, хотин кишининг ақли калта бўлади, сиз эсли-хушли кишисиз. Агар биз бундай иш қилсак, сиз насиҳат қилишингиз керак эди.

Уни меҳмонлар олдига бошлаб киришиб, тўрга ўтқаздилар. У овқатлардан имкони борича туширар экан, эр-хотин жанжалини сўзлаб, ҳасрат қила бошлади:

— Агар бу ерга қочмаганда, — деди у ҳасипни олар экан, — мана шундай калтак билан уриб... — Уни еб, варақини олар экан, давом этди. — Варақи сомса қилиб юборар эдим, агар у етмаса... — деб турган эдики, манги тортилиб қолди, унга ташланар экан, хулоса қилди. — Манти ичидаги қиймадек қилиб юборар эдим!

Унинг гапи ва қилиқларига меҳмонлар қотиб-қотиб кулишди. Лазиз таомлардан кейин қониб чой ичилгач, Афанди ўрнидан туриб деди:

— Биродарлар, қўшним тўйига мени таклиф қилмади. Мен бу ерда ажойиб овқатлар тайёрланишини билар эдим. Шунинг учун хотиним билан маслаҳатлашиб, сиз кўрган жанжалли режани тузиб, бу ерга киришга муваффақ бўлдик. Эр-хотин сира ҳам уришганимиз йўқ, биз бир-биримиздан рози, жуда тотув яшаймиз. Хотинимни чақириб қўйинг, энди мен кетай, сиз ўйин-кулгини давом эттиринг.

ЭРИНГ БИТТА-КУ, ХОТИН!

Афандига қийшиқ, кўзи хира хотин олиб бердилар.

Кечқурун хотинининг олдига бир коса овқат келтиришган эди, у ажабланиб:

— Уйда меҳмон борми? Менга бир косаси етар эди, — деди.

Афанди унинг гапига завқланиб кулгани ҳолда ўзича: «Бир коса овқатни икки коса ўрнида қабул қилиш яхши нарса, унинг бу қилиғи менга жуда ҳам ёқади», деб ўйлади.

Иккаласи эндигина овқатлана бошлаган эдилар ҳамки, хотини аччиғланиб бундай деди:

— Кечирасиз, агар мени ёмон хотин деб ўйлаган бўлсангиз, хато қиласиз! Нима учун ёнингизда бегона одамни ҳам олиб ўтирибсиз?

Афанди хотинига таскин бериб айтар эди:

— Йўқ, хотин, уйимиздаги ҳамма нарсамиз иккитадан-у, аммо эринг битта, холос.

ҚҰЙ ГҰШТИ

Бир куни Афанди гўшт олиб келди.

Хотини ундан сўради:

— Нима овқат қилай?

— Билмайман, бу қанақа овқатга яраса, ўшани қила бер!

Хотини гўштни қўлга олар экан, суюниб:

— Қўй гўшти яхши нарса-да, ундан ҳамма нарсани пишириш мумкин, — деди.

— Ундай бўлса, — деди Афанди, — ҳамма нарсани пишира бер!

ЭРКАКЛИК НОМУСИ

Афандининг хотини зиқна, очкўз ва жанжалкаш эди. Бир куни қишлоқдан меҳмон келган эди, хотини ошхонага кириб ўтириб олди. Анча вақт ўтгандан кейин, Афанди кириб ялина бошлади:

— Тур, хотин, овқатингни қил, меҳмон узоқ йўлдан толиқиб келган.

Хотини жанжал бошлади, охири у муштлашишга айланиб, Афандининг бошига капгир билан туширди. Меҳмон кириб уларни ажратди, Афандининг юзидаги қонларни юва туриб юпата бошлади:

— Афанди, хафа бўлманг, хотинларнинг ҳаммаси ҳам шунақа серзарда бўлади. Яна ҳам хотинингиз ювош экан. Меники бўлса, сал жанжал чиқдим, дарров соқолимга осилади.

— Йўқ, дўстим, мени ўзинг билан тенглаштира, — деди Афанди. — Мен хотинини соқолига осилтириб қўядиган номард эмасман!

СИГИР МЕНИ ЕТАКЛАБ КЕЛДИ

Афанди тез-тез хотини билан аразлашиб турар, ҳар аразлаганда хотини, ўғли ёки қизи уни топиб, ялиниб-ёлворишиб олиб келишарди.

Бир куни у аразлаб боққа кириб бекиниб олди. Хотини болаларига бундай деди:

— Унга қанчалик ялинсак, феълу атвори шунчалик айнияди, қидиргани ҳеч ерга борманглар.

Афанди кечгача кутди, уни истаб ҳеч ким келмади. Қорни оч бўлса ҳам, уйга кириб боришга ғурури йўл қўймади. Шу чоқ пода ўтлоқдан қайтиб қолди. У ёнига ҳеч ким келмаслигига ишонгач, сигирини думидан ушлаб, у билан уйига келди. Хотини болаларига кўзини қисиб, Афандидан сўради:

— Ахир аразлаб кетган эдингиз-ку, нега келдингиз?

— Уйингга ўлсам ҳам келмас эдим, — деб жавоб берди Афанди. — Кўриб турибсан-ку, сигир мени етаклаб келди.

БУЗОҚЧА

Афанди бир куни қайнисининг уйда ўтиргани устига келиб қолди. Хотини укасини сандиққа солмоқчи бўлган эди, Афанди уни кўриб қолиб, эшикни тўсишга югурди. Бу вақтдан фойдаланган хотин укасини деразадан чиқариб юборди-да, сандиққа ҳали туғилганини Афанди кўрмаган бузоқчани солиб қўйди.

Афанди эшикни беркитиб келиб, сандиқни очган эди, у ерда турган бузоқни кўриб, ўз-ўзига: «Жодугар хотинимнинг қўлидан ҳар бало келади. Мана, сўлоқмондек укасини бузоққа айлантириб қўйди. Қўй, у билан жанжаллашмай, яна аччиғланиб, мени сеҳр билан сигир ёки эшакка айлантириб қўймасин», деди.

ЭРКА ҚИЗ

Афандининг қизи жуда дангаса эди. У сира уй-рўзғор ишига қарамас, онасига ҳеч ёрдамлашмас, кунбўйи ўйнар ёки ётиб ухлар эди.

Бир куни Афанди хотинига маслаҳат тариқасида бундай деди:

— Мен уй ичини супура бошлайман, сен келиб, супургини қўлимдан олмоқчи бўлгин-да: «Уят эмасми, биз уйда туриб сиз супурсангиз», дегин. Мен супургини сенга бермай: «Сенинг бошқа ишларинг ҳам бошингдан ошиб ётибди, ўшаларни қилсанг ҳам гоятда чарчайсан», дейман. Зора шунда қизимиз уялганидан ҳовли билан уйни супурса.

Улар худди шундай қилдилар. Хотини супургини олмоқчи бўлган эди, Афанди бермади. Эр-хотин тортишиб турганининг устига қизи кириб, зарда билан деди:

— Нега жанжаллашасизлар? Ҳар иккалангиз навбатма-навбат бир кундан супурсангиз, иш тамом-вассалом.

ЕЎҚИМСИЗ АШУЛА

Афандининг ўғли ёқимсиз овоз билан ашула айтгани-айтган, кеча-кундуз бўкираверганидан безор бўлган қўшнилар тўпланишиб Афандига арз қилишди:

— Ўғлингиз ёқимсиз ашулалари билан жонимизга тегди. Агар уни тинчитиб қўймасангиз, устингиздан раисга арз қиламиз!

— Ҳаммангизда бир-иккитадан ит бор, — деб эъгироз билдирди Афанди. — Улар эртадан-кечгача, кечаси тонггача ҳуриб, гингишиб чиқади. Мен ҳеч битгангизга ундан шикоят қилдимми? Биргина ўғлимнинг овози сизга ёқмаган бўлса, у итингизнинг овозидан ҳам ёмонми?!

БЕЧОРА ҚҰЙ

Ешлигида бир куни отаси Афандини пиширилган калла олиб келиш учун бозорга юборди. Афанди каллани олиб келаётиб, унинг гўштларини еб қўйди.

— Ҳалим, олган каллангда сира гўшт йўқ-ку? — деб сўради отаси.

— Кўрмаяпсизми, дада, қўйнинг ўзи жуда ориқ экан?

— Ҳай, майли, ориқ ҳам бўлсин, лекин қулоғи қани?

— Гаранг қўй бўлса керак, ўзи қулоғи йўқ эди.

— Қизиқ, каллада кўзи ҳам йўқ-ку, ахир?

— Бечора қўйнинг кўзи кўр экан. Шунинг учун ҳам қассобнинг пичоғидан қочиб қугуллмаган-да.

Отаси аччиғланиб, жағини очиб кўрган эди, тили ҳам йўқ экан.

— Тили қаерда қолди бунини? — деб бақирди отаси.

— Эҳтимол, шунча айби устига қўй соқов ҳамдир.

— Суякдаги тери, гўшлари қани бўлмаса?

— Кўриб турибсиз-ку, ўзи шип-шийдам кал экан.

Ҳар бир саволга Афанди пухта тайёрланиб келганини кўрган отаси бошқа ҳеч нарса сўрамади. Афанди отасини юпатиб:

— Қаранг, дада, тишларининг ҳаммаси бутун, бирортаси ҳам нобуд бўлмаган! — деди.

НИМА УЧУН ҲАЛИМНИ УЙҒОТДИНГ?

Бир куни ётиш олдида Афанди хотинига тайинлади:

— Эрталаб мени уйғотиб қўй, шаҳарда ишим бор. Тонг отмай туриб, хотини уни уйғотди. Афанди қоронғида билмай ўғлининг телпагини кийиб жўнаб кетди. Ярим йўлга борганда қайтиб келиб, хотинини койий бошлади:

— Мени уйғотгин деб айтган эдим-ку!

— Ҳали ҳам сизни уйғотмай нима қилибман?

— Нима учун мен қолиб, ўғлимни уйғотдинг?!

СИЗ УЙДА ЙЎҚСИЗ-КУ?

Афандининг болалик чоғида бир куни отаси бундай деди:

— Бугун бир одам мендан пулини қистаб келади. Мен уйда беркиниб ўтираман, сен уларга, дадам уйда йўқ, деб жавоб бергин, хўпми?

— Борди-ю, улар мени алдаб, уйга кираман дейишса-чи?

— Уйга киришмайди. Ким сўраса ҳам, дадам уйда йўқ, дегин, мен уйда йўқман, вассалом — гап тамом, уқдингми?!

— Хўп, дада, айтганингизни қиламан!

Отаси уйга кириб кетди. Афанди дарвозага қараганча, супада ўтирар эди. Отаси уй ичида туриб чақирди. Афанди унга жавоб бермади. У чақиравериб зерикканидан, ўғлим ўйнаб чиқиб кетибди шекилли деб, чиқиб қараса, Афанди дарвозага қараганча ўтирбди.

— Чақира бериб овозим бўғилди-ку, эшитмадингми? — деди хуноб бўлиб отаси.

— Нега эшитмай, эшитдим, кар эмасман.

— Эшитган бўлсанг, чақирганда нега уйга кирмадинг?

— Уйда йўқман дедингиз-ку, кимнинг олдига кираман, — деди Афанди.

АФАНДИ ҚИЗИНИ ЭРГА БЕРДИ

Афандининг хунук, эрка ўсган, жанжалкаш қизи бор эди. Уни душманларидан бирининг ўғлига узатмоқчи бўлиб тўй бошлади.

Ўртоқлари келиб Афандини койий бошладилар:

— Афанди, нега қизингизни ашаддий душманингизга узатайсиз? Душман билан қудачилик қилиб бўладими?

— Қизимни кўрганингизда бу сўзларни айтмаган бўлардингиз. Мен ундан ўч олиш учун қизимни унга берайман, — деб жавоб берди Афанди.

АФАНДИНИНГ ХАТИ

Афанди иш билан бошқа шаҳарда уч-тўрт ой юриб қолди. Кетиш муддати яқинлашса ҳам, яна бир ойлик чала иши қолган эди. Бу ҳақда уйга хат ёзди, бироқ уни бериб юборишга одам тополмади. Ночор хатни олиб, ўзи йўлга чиқди ва етиб келиб, эшик қоқди.

— Вой келдингизми? — деб хурсанд бўлди хотини эшикни очиб. Шу орада болалари чопишиб чиқиб, унинг атрофини ўраб олишди. Афанди уларга қараб бундай деди:

— Ҳозирча мен келган эмасман, болаларим! Отангизнинг хатини олиб келган кишиман. Бир ойдан кейин қайтиб келаман, ўшанда гаплашамиз.

У хатни хотинига берди-да, изига қайтиб кетди.

ЧАП ТАРАФНИ ҚАЁҚДАН БИЛИБ БУЛАДИ

Афанди бир кеча шам ёқиб, хотини билан гаплашиб ўтирган эди, бирдан шамол туриб, шамни ўчирди. Уй қоп-қоронғи бўлиб қолди.

— Чап тарафингизда гугурт бор, олиб шамни ёқиб юборинг, — деди хотини.

— Ие, қизиқмисан, хотин? Қоронғида чап тарафни қасқдан билиб бўлади, дейсан!

АНА, МЕН АЙТМАБМИДИМ

Афандининг хотини бирор воқеа бўлганини эшитса, ана, мен айтмабмидим, деб қўярди.

Бир куни Афанди шошилиб келди-да, ҳазиллашиб:

«Хотин-хотин, эшикнинг олдидаги катта харсанг тошни эшак еб қўйибди, — деди.

— Ана, мен айтмабмидим, — деди хотини.

— Билжирама! Ҳеч замонда эшак харсанг тошни ҳам ейди-ми? Мен сенга бу одатингни ташагин, демабмидим?! — деди Афанди.

— Ана, худди шунақа дейсиз деб айтмабмидим.

ЧУЧУК ТИЛЛАР

Афандининг учта қизи бўлиб, уччаласи ҳам олдинма-кейин бўй етган эди. Улар ўзларига яраша чиройлиг-у, лекин тиллари чучук эди. Онаси уччаласига ҳам: «Агар совчилар келиб қолишса, зинҳор гапира кўрманглар. Мен ўзим гаплашаман», деб тайинлаб қўйди.

Иттифоқо, онаси бир жойга кетган куни совчилар келиб қолишди. Қизлардан гап сўрасалар, ҳеч қайсиси жавоб бермади. Ҳайрон бўлиб, бу чиройлигина қизлардан кўнгили узоқ туришган эди, бурчакдан бир сичқон чиқди-да, уйнинг тўрига чоғиб кетди. Буни кўриб турган катта қиз беихтиёр гапириб юборди:

— Вой ана, чичон, чичон!

Ўрганча қиз ҳам қизиқсиниб:

— Тани, тани? — деб бурчакка қаради.

Онасининг гапи кичкинасининг қулоғида бор экан, оналарига қараб деди:

— Ҳамманг дапийсанг ҳам мен дапиймайман.

НАСИБ ҚИЛСА, ЭРИНГМАН

— Хотин, бир палов қилсанг. Тўйиб еб, мазза қилардик-да, — деди Афанди бир куни хотинига.

Хотини хўп деб, дарров палов дамлаб, сузиб, дастурхонга келтириб қўйди. Афанди лаганга қараб: «Бугун паловхонтўрани тўйгунча еб, маза қиларканмиз-да» деб қўлини ишқалаб қўйди.

— Насиб қилса, денг, — деди хотини.

— Ие, сени қара-ю! Зарур кептими унақа дейиш?! Шу тайёр ошни насиб қилса ҳам еймиз, насиб қилмаса ҳам,— деб ошга энди қўл узатувдики, эшик кетма-кетига тақиллаб қолди.

Ташқаридан: «Оч! Оч тезроқ!» деган товуш келди. Афанди чиқиб эшикни очса, подшонинг икки сипоҳи турипти.

— Хўш, хизмат?

— Қани, юр бу ёққа!— дедилар-да, Афандининг, тўхтанглар, қўлимни артиб чиқай, деганига қарамасдан, икки қўлини орқасига қайириб, олиб кетдилар.

Борса, подшо зерикиб ўтирган экан, шунга чақиртирипти. Подшо уни алламаҳалгача гапга солиб ўтирди, ярим кечада аранг жавоб берди. Афанди қутулганига шукур қилиб, югурганча уйига келди-да, эшикни тақиллатди.

— Ким-м?— деди хотини ичкаридан.

— Очавер, насиб қилса, эрингман,— деб жавоб берди Афанди.

САЛЛА ИШ БЕРДИ

Рамазон ойи эди. Афандиникига кечқурун қишлоқдан бир меҳмон келиб қолди.

— Ниманг бор, хотин, меҳмон келиб қолди-ку.

— Битта меҳмонга лойиқ овқат бор-у, аммо ширали нарса йўқ.

— Қани, бўлмаса салламни олиб бер-чи!

Катта салласини бошига кийиб, маҳалла баққолининг олдига чиқди. Баққол катта қозондаги нишолдадан коса-товоқларга солиб турган экан. У ҳам бориб одамлар қаторига турди. Яқинлашгач, бошини қашиган киши бўлиб, атайлаб салласини нишолда қозонга тушириб юборди.

— Э-э, Афанди, ёмон иш бўлди-ку,— деб баққол салласини олиб бермоқчи бўлди.

— Ҳай-ҳай сиз овора бўлманг, ўзим!— деб ўзи олмоқчи бўлди ва жўрттага гандираклаб кетиб, саллани нишолдага шўнгитиб олди. Кейин саллани олиб, нишолдасини оқизмай-томизмай уйга келди.

— Хотин-хотин! Тез бўл, катта тоғора олиб кел.

Хотини тоғора келтирди, Афанди саллани бир учидан сидирган эди, тоғора нишолдага тўлди.

— Мана, меҳмоннинг ризқини худонинг ўзи етказди. Ол энди саллани. Хизмати битди. Ювиб, дорга ёй,— деди Афанди.

«ҚАРИНДОШ» ЭШАК

Афанди хотини билан бозордан қайтишда гижиллашиб қолди. Шу пайт ёнларидан эшак минган киши ўтиб қолди. Афанди қўли билан эшакка ишора қилиб сўради:

- Бу сизнинг қариндошларингиздан бўлса керак-а?
- Ҳа, қариндош бўлади-ю, лекин эр тарафдан қариндошимиз, — деб жавоб қайтарди.

БЎШ ЛАГАНДА ПАЛОВ БУЛАРДИ

Бир куни Афанди уч-тўртта ўртоғини уйига бошлаб келди. Хотинига кириб;

— Бир қулинг ўргилсин палов қилгин, — деди.

— Вой қизиқмисиз? Ахир уйимизда на гуруч бор, на гўшт, на ёғ бор. Нима бор, нима йўқлигини суруштирамай-нетмай, меҳмон бошлаб келаверасизми?!

— Хў-хўп, хотин, сал ўпкангни босиб ол. Ҳеч бўлмаса, дастурхонга бўш лаганни олиб чиқиб қўйгин, ўзим гапнинг кифтини келтираман.

Хотини ҳам эри айтгандай қилиб, бўш лаганни дастурхонга олиб чиқиб қўйди.

— Оғайнилар, — деди Афанди, — агар уйимизда гуруч, ёғ, гўшт бўлганида эди, ҳозир шу бўш лаганда буғи чиқиб турган палов бўларди.

ЎЗИ ОҚАРИБДИ

Афанди бир куни хотинига:

— Нон қилгин, қизингикига бориб келайлик?! — дебди.

Хотини нон қилибди ва Афандига:

— Ут қўйиб юборинг! — дебди.

Ойдин экан, тандир оқариб турганини кўриб, ўзи оқарибди, деб ўйлабди Афанди. Хотини нонни ёпибди. Нон эрталабгача пишмас эмиш, кечқурун ҳам пишмас эмиш. Охири Афанди нонни тандири билан қизиникига олиб борибди.

БИР ҚАТ БЎЛИБ

Тунда Афандининг эшигини кимдир тақиллатибди. Афанди қўрқиб хотинига:

— Сен чиқиб қарагин-чи? — дебди.

Хотини:

— Эркак киши чиқади-да, мен иккиқатман, қўрқаман, — дебди.

Шунда Афанди:

— Иккиқат бўлиб сен қўрқасан-ку, бир қат бўлиб мен қўрқмайманми? — дебди.

ВАСИЯТ

Афанди касал бўлиб қолибди ва ўғлига васият қилибди:

— Мен ўлиб қолсам, эски матодан кафан қилиб, эски гўрга кўминглар.

— Хўш, нима учун эски матою эски гўрга?— деб сўради ўғли.

— Эски кафан, эски гўр бўлса, мункарнакирлар, сўроқ қилинган экан, деб ўтиб кетишади,— деб жавоб берибди Афанди.

ТАЖАНГЛИК

Афанди арзимаган нарсага тажанглик қилаверар эди. Бир куни кўчадан кириб келар экан, у:

— Ҳай, аттанг,— деб пешонасига урди.

— Нима бўлди?— деб қизиқиб сўради хотини.

— Эшонимнинг эшаклари думсиз туғибди.

Хотини қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди ва:

— Думсиз туғса нима, осмон узилиб ерга тушдимми?— деди.

— Э, нодон,— деди Афанди,— юк ортиб кетаётганда лойга тиқилиб қолса, қаердан тортиб чиқаради?!

«ОЗ ХАМИРГА — ОЗ, КЎП ХАМИРГА КЎП ТУЗ»

Афанди бўйи етган қизини турмушга узатди. Афандининг хотини ҳеч иш қилмас экан, уйдаги ҳамма ишни қизи бажарар экан. Афандининг хотини бир куни хамир қилмоқчи бўлиб қолибди ва:

— Боринг, қизингиздан сўраб келинг, хамирга қанча туз солиш керак экан,— дебди.

Афанди қизиникига бориб меҳмон бўлибди. Кеч бўлганда, кетаман, деб ўрнидан туриб:

— Қизим, ойинг хамирга қанча туз солиш керак, деб сўраб юборган эди,— дебди.

Қизи айтибди:

— Эй, ота! Оз хамирга оз, кўп хамирга кўп туз солиш керак,— дебди.

Афанди кета-кетгунча, озга-оз, кўпга-кўп, деб кетаверибди. Бироқ йўлда Афандининг эшаги лойга ботиб, чиқмай қолибди. Эшакни лойдан чиқараман деб қизи айтган гапни эсдан чиқариб қўйибди ва лой ичидан қидира бошлабди. Шу пайт яна бир Афанди келиб қолибди. Қараса, Афанди ҳадеб лойнинг ичини бирма-бир ахтараётган эмиш.

Иккинчи Афанди:

— Ҳай, Афанди, нима йўқотдингиз?— деб сўрабди.

Биринчи Афанди айтибди:

— Жуда қизиқ яхши нарса эди, — дебди.

Иккаласи жуда кўп вақт қидиришибди. Ниҳоят, иккинчи Афанди биринчи Афандига қараб:

— Ахир, Афандим, йўқотган нарсангиз кўнмиди ёки озмиди? деб сўрабди.

Биринчи Афанди лой ичидан шошилиб чиқиб, оёгини ювиб, эшагини миниб:

— Йўқотган нарсам шу эди, — деб жўнаб кетибди.

Охири уйига келиб, хотинига:

— Хотин-хотин, оз хамирга оз туз, кўн хамирга кўн туз соласан, қизинг айтди, — дебди.

БУГУН ҚИСҚА КУН

Афандининг хотини жуда уришқоқ экан. Эри билан уришса, кечгача жаҳдан тушмас экан. Бир куни у тўсатдан икки соат уришиб, тўхтаб қолипти. Қўшнилари ажабланиб, Афандининг хотинидан бунинг сабабини сўрашган экан, у кулиб:

— Бугун қисқа кун, шунинг учун камроқ уришдик, — деган экан.

ХУРЖУН

Афанди бир куни бозорда хуржунини ўғрига олдириди, уйига қайтгач, хотинига гапнинг ростини айтишга қўрқиб, «даромад» қилди:

— Хотин-хотин! Бугун бозорда ҳамма хуржун йўқотди.

— Сиз-чи, сиз ҳам йўқотдингизми? — деди хотини.

— Аввал мен йўқотдим-да, — деди Афанди.

Э, АТТАНГ, У СОЯМ ЭКАН

Афанди бир куни подшоникига тўйга бормоқчи бўлиб, хотинига қатлама пиширтирибди. Хотини дастурхонга қатламани ўраб бериб, мен ҳам борай деса, Афанди унга қараб:

— Сен нима қиласан? — деб ўзи кетибди.

Кетаётиб қараса, аллақандай сояни кўриб:

— Қулоқсиз, кетяпсанми? — деб уришиб-уришиб, битта қатламани ташлаб кетаверибди. Салқинда соя кўринмабди, офтобда кўринган соясига яна, тагин келдингми, деб яна битта қатлама ташлабди. Шундай қилиб, ҳамма қатламани ташлаб, тўйхонага кирибди. Дастурхонга қўйилган нарсалардан оламан деса, яна соясига кўзи тушибди:

— Сенга нима дедим, олма! — деб яна қўл узатса, соя ҳам

қўл узатар эмиш. Шу ҳолда у ҳеч нима емай, уйга қайтибди. Йўлда ўзи ташлаган қатламаларни териб, дастурхонга солиб уйига борибди. Хотини буни кўриб:

— Ий-э, бормадингизми? — дебди.

Афанди:

— Ўзинг ҳам бординг-ку! — дебди.

— Мен уйдан ҳеч қаёққа чиққанам йўқ-ку! — дебди хотини.

Афанди шунда афсусланиб:

— Э, атганг, у соям экан! — деб пушаймон бўлибди.

ПАШШАНИНГ КАСОФАТИ

Бир куни Афанди ва хотинининг ош егилари келиб қолибди. Бозордан керакли нарсаларни олиб келиб, иккаласи ош пиширишга киришибди. Ошни дамлаб қўйиб, иккаласи ҳам уйга кириб кетибди.

Афандининг ош қилганидан хабардор бўлган қўшниси Афандини бир боппай деб, дамлаб қўйилган ошни лаганга сузиб олиб, қозоннинг ичига катта бир пашшани қамаб қўйибди. Буни кўрган Афандининг жаҳли чиқиб, хотинига уйдаги ўткир болтани олиб келишга буюрибди. Хотини болтани олиб келибди. Афанди эса учиб харига қўнган пашшани чамалаб бир урган экан, хари синиб тушибди. Пашша эса учиб келиб хотинининг пешонасига қўнибди. Буни кўрган Афандининг яна жаҳли чиқиб, хотинига:

— Тўхта, қимирламай тур, мен ҳозир шу пашшани ўлдираман, — деб хотинини чамалаб урган экан, пашша учиб кетибди, Афандининг хотини эса ўша жойда ўлибди.

ШАРТИГА ТЎҒРИ

Афандининг онаси унинг дўпписига жийда тўлдириб берибди-да:

— Сен эшик тагидан қимирлама, мен ҳозир келаман, — деб меҳмонга кетибди.

Афанди жийдани эрмак қилиб ўтирган эди, узоқ қишлоқдан меҳмонлар келиб қолди. Афанди уларни уйга ўтқазиб қўйди-да, кўча эшикни турумидан чиқарди, орқалаб онасини айтиб келгани жўнади.

Онаси Афандининг эшикни орқалаб келаётганини кўриб, ҳангу манг бўлди:

— Ҳа, жувонмарг, эшикни нега кўтариб юрибсан?

— Сиз эшик тагидан қимирлама деган эдингиз, меҳмон келгандан кейин қимирламасликка илож бўлмади. Қимирласам ҳам эшик тагида қимирлаб келаянман, — деди Афанди юзидаги терларини артиб.

ЎҒРИЛАРГА ХИЗМАТ

Афанди, уйқуси қочиб, хаёл суриб ётган эди, бир ўғри девордан ошиб тушиб, шерикларига аста эшикни очиб берди. Ўғрилар уйдан, ҳовлидан дурустроқ бир нарса тополмай чиқиб кетишаётган эди, Афанди бошини кўтариб деди:

— Жон биродарлар, сизларга бир хизмат: эшикни ичидан занжирлаб кетинглар, бошқа ўғрилар ҳам овора бўлиб кириб юрмасин.

ПАШШАГА РАҲМИМ КЕЛДИ

Афанди говмиш сигир олди. Хотини сигирни соғаетганида, сутга пашша тушди. Афанди пашшани икки бармоғи билан авайлаб олди-ю, қаноти билан оёғини ялаб қўйиб юборди.

— Вой, дадаси, мунча ҳам хасис бўлмасангиз! — деди хотини.

— Хасисликдан ялаганим йўқ, жонидан! — деди Афанди. — Пашшага раҳмим келди: қози поччангнинг қўлига тушса, еб қўя қолар эди.

АКА-УКА

Афандидан одамлар:

— Сиз каттами, акангиз каттами? — деб сўрашди.

— Бултур акам мендан бир ёш катта эди, бу йил ёшимиз баравар бўлса керак, — деди Афанди.

КЎР БЎЛИНГЛАР

Афандининг анча товуғи бор эди, донидан қийналиб, сотмоқчи бўлди-ю, ҳаммасини қафасга солиб бозорга олиб чиқди, бир оздан кейин, бу жониворлар қийналиб қолмасин, деб қафасни очиб, қўйиб юборди, кейин шунча уринди, товуқларни қафасга киргиза олмади. Афанди қувлай бошлаган эди, товуқлар тумтарақай бўлиб қочиб кетди. Афанди хафа бўлди:

— Шунча йил боқдим, парвариш қилдим. Берган донимни, қилган парваришимни юз-хотир қилмасаларинг, кўр бўлинглар! — дедию қафасни кўтариб уйига қайтди.

БИЗНИКИГА УЛИК КЕЛАЁТИБДИ

Афанди болалигида ўйнаб юрган эди, бирдан бир тўда одам тобут кўтариб ўтиб қолди. Тобутнинг олдида кетаётган икки киши навбатма-навбат «жигарим»лар эди.

— Вой жигарим, тагингизга солгани битта бўйра ҳам бўлмайди...

Афанди уйига югуриб бориб, дадасига хабар берди:

— Дада-дада, бизникига ўлик келаётибди.

ЯХШИ ХОТИН

Афанди бир куни хотинидан жуда хурсанд бўлиб:

— Зап хотиним бор-да! Хайфки, онанг битта туққан экан! — деди.

— Иккита туққанда синглимни кимга муносиб кўрар эдингиз? — деди хотини.

— Уни ўзим олар эдим, — деди Афанди.

ЕР ШҲРЛИК...

Афандининг янги олган хотини шаллақи чиқиб, бўлар-бўлмасга жанжал қилаверар эди, бир куни у сочини юлиб:

— Эрга теккунча, ерга тегсам бўлмасмиди! — деди.

— Унақа дема, — деди Афанди. — Ер шўрлик нима гуноҳ қилибди...

ЎҒРИДАН УМИД

Ярим кечаси Афандини хотини уйғотди:

— Дадаси, туринг, уйга ўғри кирди.

— Жим-жим! Овозингни чиқармай жим ёт! Ўғри уйни хўп кўрсин, ҳеч нарса тополмаса, бизга раҳми келиб, бирон нарса ташлаб кетар.

АҚЛИНГ БЎЛСА, ЎЗИНГНИ СУВГА УР!

Афанди қишда даладан янтоқ чопиб эшагига юклаб келаётган эди, йўлда ниҳоятда совқотди. Эшагининг устидаги янтоқни пича ёқиб, исиниб кетмоқчи бўлди ва янтоққа гугурт чақиб юборди. Қуриб, қовжираб қолган янтоқ бирдан ловуллаб кетди. Эшак эса, қўрққанидан ҳанграб, думини кўтариб чопиб қолди. Бундай бўлишини кутмаган Афанди эшагининг ортидан югурар экан, товушининг борича қичқариб:

— Ақлинг бўлса, ўзингни сувга ур! — деб қичқираб эди.

ЙУҚОЛГАН УЗУК

Афанди кўчага чиқиб кетаётиб, уйда узугини тушириб қўйди. Уй қоронғи бўлгани учун узугини топа олмагач, кўчага чиқиб ахтара бошлади. Йўлда ўтиб кетаётган бир киши Афандидан:

- Афанди, нима ахтараяпсиз? — деб сўради.
- Уйда узугим йўқолиб қолган эди, шуни қидираяпман.
- Уйда йўқолган нарсани кўчадан ахтарадими киши?
- Қизиқмисан, уй қоронғи бўлгандан кейин кўчада ахтармай, қаерда ахтарай? — жавоб берди Афанди.

ҚАНИ, ЭНДИ ЭШАККА ЕМ СОЛИНГ!

Афанди эшагига ёлғиз ўзи қарайвериб зерикди:

— Хотин, — деди. — Сен ҳам менга ўхшаган одамсан. Эшакка гоҳ-гоҳ ем-хашак солиб турсанг-чи!

Хотини кўнмади:

— Менга зарур кептими! Эшак минган одамнинг ўзи боқа-версин! — деди.

Орадан жанжал чиқди. Ниҳоят, ким олдин гапирса, эшакка ўша ем солсин, деган қарорга келишди.

Индашмагандан кейин, хотин бошига рўмолини ташлаб, қўшни-синикига чиқиб кетди ва бўлган воқеани айтиб берди: «Эрим ўлгудек қайсар, — деди. — Агар овқат-повқат чиқармасак, очидан ўлиб қолса ҳам товушини чиқармай ўтираверади». Қўшни ўлидан бир коса шўрва чиқариб юборди.

Шу пайт Афандининг ҳовлисига ўғри кириб, омбор ва ошхонадаги қўлга кирадиган, пулга арзигулик ҳамма нарсани йиғиштирди; кейин бурчакдаги уйга бошини тикқан эди, Афандини кўриб қочмоқчи бўлди. Бироқ Афанди овоз ҳам чиқармади, бошини ҳам кўтармади. Уғри: «Бу одам ўтирган жойида ўлиб қолганга ўхшайди», деб гапирган эди, Афанди жавоб бермади. Уғри дадил бўлиб уйга кирди, бор нарсаларни йиғиштирди, Афандининг бошидаги дўпписини олиб, эшакни ҳам етаклаб чиқиб кетди.

Уғри кетгач, косада шўрва кўтариб, бола кирди ва Афандига қараб: «Шўрва олиб келдим», деди. Афанди овозини чиқармасдан, уйини ўғри урганлигини болага билдирмоқчи бўлди ва хотинини дарҳол чақириб келтириш учун уч марта ҳуштак чалди. Кейин кўлини айлантириб, бошини кўрсатди. Бола эса бу ишорани бутунлай бошқача тушунди: «Афанди шўрвани бошимдан уч марта айлантириб тўк, деяпти», деб ўйлади. Афанди боши ва юзи куйса ҳам, овоз чиқармади.

Бола уйига чиқиб, воқеани онаси ва Афандининг хотинига айтиб берди, шу билан бирга, эшикларнинг катта очиқлигини, нарсалар сочилиб ётганини айтди. Буни эшитиб Афандининг

хотини ташвишланди: «Тагин уйда бирон нарса бўлган бўлмасин!» деб уйга югурганча чиқди. Қараса, чиндан ҳам омбор ва ошхона эшиклари очиқ, кўп нарса йўқ эди. Уйга кириб эрини кўрди ва қичқириб юборди:

— Сиз бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Уйни ўғри уриб кетибди-ку!

Афанди хотинининг биринчи бўлиб гапириб юборганидан хурсанд бўлиб, ирғиб ўрнидан турди ва хотинига қараб:

— Қани, энди эшакка ем-хашак солинг,— деди.

ЧАККАГА ҚЎНГАН ПАШША

Афанди ёшлигида ҳам афанди экан. Бир куни у йиғлаб турган экан, дадаси:

— Нега йиғлаяпсан?— деб сўрабди.

— Акам битта пашшани уриб ўлдирди,— дебди Насриддин.

— Ия, пашшага раҳминг келаяптими?— ажабланди дадаси.

— Пашша менинг чаккамга қўниб турган эди-да,— дебди

Афанди.

ТИЛИМ ҚЎЛИМДАН УЗУН ЭМАС

Афанди ёшлигида онасига эргашиб тўйга борибди. Дастурхон ёзилгандан кейин, Афанди оҳиста ҳолвага қўл чўзган экан, онаси шивирлабди:

— Насриддин, сўрасанг тилинг йўқми, нега қўлингни чўзасан?

— Тилим-ку бор-а, бироқ у қўлимдан узун эмас-да,— деб жавоб берибди Афанди.

БАҲОНА

Бир куни Афандига отаси:

— Насриддин, эшакни суғориб кел!— деди.

Шунда Афанди лабининг ёрилганини баҳона қилди.

Отаси:

— Эшакни суғориб келишга лаб ёрилганнинг нима дахли бор?— деди.

— Ий, суғориб турганда ҳуштак чалиб туриш керак-ку,— деди Афанди.

ҚАНИ, ЯЛАБ КЎРИНГ

Афандининг онаси бир куни бир жойга кета туриб:

— Мен келгунча ҳовлини яхшилаб супуриб, ёғ тушса ялағудай қилиб қўйгин,— деб тайинлади.

Афанди ҳовлини онаси айтгандай қилиб яхшилаб супуриб, ошхонада турган бир хумчадаги ёғни олиб, ҳовлининг ҳамма ёғига суртиб чиқди. Бир вақт онаси қайтиб келса, ҳовлининг ҳамма ери йилтиллаб турибди. Онаси Афандини чақириб:

— Нимага ҳовлининг ҳамма ерига ёғ суртилган?— деб сўради.

Шунда Афанди:

— Узингиз ёғ тушса ялагундай қилиб қўйгин деб тайинловдингиз-ку. Ана энди кўринг, қани ялаб бўлармикан?— деди.

СИНОВ

Афандининг пешонасида биттаю битта ўғли бор экан. Катта бўлганда ўзимга ўхшаган чиқмасин деб, уни имтиҳон қила бошлади.

— Уғлим, намоз ўқишни биласизми?

— Йўқ, дада,— дебди ўғли.

— Таҳорат олишни биласизми?

— Йўқ, дада,— дебди ўғли.

— Домла, имом, сўфиларни ҳурмат қилишни биласизми?

— Йўқ, дада,— дебди яна ўғли.

— Ундоқ бўлса иш чатоқ, худди ўзимга ўхшаган чиқар экансиз. Боринг, эшакка ем беринг!— дебди Афанди хотиржам бўлиб.

ЧУЧВАРА ТУГАБ ҚОЛАДИ

Афанди ёшлигида ота-онаси билан чучвара ер эди. Чучвара иссиқлик қилиб, Афандининг оғзи куйди, кўзларидан ёш тирқираб кетди. Бу аҳволни кўрган отаси унга айтди:

— Насриддин! Совутиб есанг, ўласанми?!

Афанди кўз ёшларини артар экан, жавоб берди:

— Мен-ку совутиб ейин дейман, ammo сизлар совутмасдан еб, чучвара тугаб қолади, деб қўрқаман.

АНҚОВ

Афандининг уйига меҳмон келди. Меҳмон кетгандан кейин, Афанди супасини санаб кўрса, саккизта супадан биттаси йўқ, Афанди меҳмоннинг орқасидан югурди, йўлда тегирмончини учратиб, ундан сўради:

— Супа кўтарган одам ўтмадими?

У қизиқчи одам эди. Афандининг сўзини эшитиб, уни лақиллатмоқчи бўлди:

Суна оғир нарса бўлади, ўғри чарчаб, бирон ерда дам олиб қолгандир, пича ёнбошлаб дам олинг, унгача келиб қолар,— деб Афандини тегирмонга олиб кирди.

Афанди ёнбошлаб уйқуга кетди. Тегирмончи унинг соқол-мўйлабини қайчилаб ташлади. Орадан анча фурсат ўтди. Биров тегирмон олдидан от чоптириб ўтди. Тегирмончи Афандини уйғотди:

— Туринг, Афанди, меҳмонингиз супани отга ўнгариб ўтиб кетди.

Афанди тура солиб югурди, бироқ йўлда чангдан бошқа нарса ни кўрмади. Тўхтаб, ҳали сени қараб тур, деб соқолини силамоқчи бўлган эди, қараса, соқоли йўқ.

— Ий-э! — деди Афанди. — Бу анқов мен қолиб бошқа одамни уйғотибди-да!

АФАНДИ ҚУШНИЛАР ВА
ЎЗГАЛАР ОРАСИДА





АФАНДИ ҚҶШНИЛАР ВА ЎЗГАЛАР ОРАСИДА

ҚАДР

Биров бир нарса сўраса, Афандининг ўша заҳоти бермай, эртасига берадиган ғалати одати бор эди. Бир кун қўшниси:

— Бир ошлик туз бериб тулинг, — деди. — Туз йўқ эди-ку, — деб қайтарди-да, эртасига ўзи олиб чиқиб берди. — Ие, бор экан-ку, нега кеча берақолмай, бугун ўзингиз олиб чиқдингиз? — деди қўшниси. — Берадиган нарсамнинг қадри билинсин, дедим-да, — деб жавоб қайтарди Афанди.



ҚОЗОН ҲАМ УЛАДИМИ

Насриддин Афанди мингбошига қўшни эди. Кунлардан бир кун Афандининг уйига меҳмон келиб қолиб, мингбошидан биёта каттароқ қозон сўраб чиқди. Мингбоши қозонни бера туриб:

— Афанди, қозоним ҳомиладор, туғиш ойи шу ой, агар қозоним сизнинг қўлингизда туғиб қолса, албатта боласи билан келтириб беринг! — деди.

Афанди таажжуб билан хўп деб олиб кетди. Эртаси куни Афанди ўзининг бисотидаги кичкинагина қозонни мингбошининг қозонига қўшиб олиб чиқиб берди. Мингбоши хурсандлик билан қозонни олиб қолди. Бир неча кундан сўнг, Афанди яна мингбошидан каттароқ қозон сўраб чиқди.

Афандини тентак деб фаҳмлаган мингбоши бу гал ҳам қозоннинг ҳомиладорлигини баён қилган эди, Афанди:

— Туғса, келтириб бераман, — деб олиб кетди, лекин орадан бир неча кун ўтса ҳам, қозонни чиқариб бермади.

Мингбоши ғазаб билан Афандини уйига чақирди ва:

— Нега қозонимни айтган вақтингизда олиб чиқиб бермадингиз, — деган эди, Афанди атайлаб ачинарли бир тарзда:

— Тақсир, сиз айтганча, қозонингиз ҳомиладор экан, туғиш вақтида кўп қийналиб, охирида бечора вафот этди, — деди.

Бу гапдан ғазаби қайнаб кетган мингбоши:

— Қозон ҳам ўладими?! — деди.

Афанди жиддий вазиятда туриб:

— Қозоннинг туғишига инониб, боласини олиб қолсанг-у, ўлганига инонмайсанми? — деб жавоб берди.

ХАЧИРДАН СЎРА

Афанди қўшнисининг хачирини сўраб олди-да, миниб қишлоққа жўнади. Бир жойга келганда хачирнинг жиловини бурмоқчи бўлган эди, боши қаттиқлик қилиб, бошқа томонга бурилиб кетди. Иккинчи муюлиш келганда ҳам Афанди уни ўзи истаган томонга буролмади, хачир ўзи истаган томонга кетаверди.

Афанди ундан ранжиб, бор-э, билганингдан қолма, деб ўз ҳолига қўйиб қўйди...

Бир жойга келганда таниши йўлиқиб қолиб, Афандидан сўради:

— Ҳа, Афандим, йўл бўлсин, қаёққа кетяпсиз?

— Мен қаёқдан биламан, хачирдан сўра! — деб жавоб берди Афанди.

СИЧҚОН ЕГАН ТЕМИР

Афанди қўшнисиникига темир арава қўйган эди, барур бўлиб қолганда сўраса, қўшниси, сичқон еб кетибди, деган баҳона билан қайтариб бермади. Афанди ҳам индамай кетаверди.

Орадан анча вақт ўтди. Афандининг уйига ўша қўшниси омонат тўрт қоп ун келтириб қўйди-да, уч-тўрт кундан кейин олиб кетгани келди.

— Бузоғим ечилиб кетиб, унингизни еб қўйибди,— деди Афанди.

— Ия, бузоқ ҳам тўрт қоп унни еб қўядими? — деб ажабланди қўшниси.

— Сизнинг сичқонларингиз темирни еганда, менинг бузоғим ун еса таажжубланадиган жойи борми! — деб жавоб берди Афанди.

ШУКР ҚИЛИНГ

Қўшниси вафот қилган эди, исқот улашишни Афандига топширдилар. Афанди ҳар кимнинг мартабасига қараб, бировга беш сўм, бировга ўн сўм улашаётган эди, ўзининг ўн сўм қарзи бор бой келиб қолди. Афанди унга ўн сўмини бера туриб, узилишдик, деди.

— Бировнинг исқоти билан қарздан узиласизми, Афанди? — деди бой.

— Шукр қилинг, иқболингизга қўшним ўлиб, пулингиз униб қолди,— деди Афанди.

МУЧАЛ

Афандининг ҳоким қўшниси ўлган эди, уни давра қилиш вақтида Афандидан сўрадилар:

— Мулла Насриддин, марҳум билан тенгдош қўшнисиз, унинг ёшини билмайсизми?

— Биламан! — деб жавоб берди Афанди. — Ҳар ҳолда ўртамизда бир ёш фарқ борлиги эсимда, мучалимиз ҳам кетма-кет эди, ё мен -- ит, у -- тўнғиз, ё мен — тўнғиз, у — ит.

ЭШАККА КЎЗОЙНАК ТАҚИШ

Бир куни Афанди эшагининг олдига ўт ўрнига пайраҳа солди. Қўшниси буни кўриб, Афандидан сўради:

— Афанди, эшак найраҳа ейдими?

— Эшак оч бўлганидан кейин ейди-да,— деб жавоб берди Афанди.

— Буни еб эшак жинни бўлибдими? — Таажжубланди қўшниси.

— Мен уни ўз ҳолига қўярмидим,— деди Афанди ва эшакка кўк кўзойнак тақди-да,— мана энди буни кўк ўтдан фарқ қила олсин-чи!

ЕЛҒОН ШЕКИЛЛИ

Афанди эшагини йўқотиб қўйди, роса қидириб топа олмади, уйига қайтаётиб йўлда учраган қўшнисидан сўради:

- Қўшни, қишлоқда қандай янги гаплар бор?
- Айтарлик ҳеч гап йўқ, нима эди?
- Менинг эшак йўқотганимни ҳеч ким гапирмадим?
- Йўқ, бу ҳақда ҳеч нарса эшитмадим.
- Хайрият, менинг эшак йўқотганим ёлғонга ўхшайди,— деди Афанди.— Агар рост бўлса, қишлоқда гап бўлиб кетар эди.

БЕЛГИ

Уйининг ёнидаги тепалиқдан нимадир қидираётганини кўрган қўшниси Афандидан сўради:

- Афанди, нима қидириясиз?
- Шу йил қўлимга оз пул тушган эди, уни шу ерга кўмиб қўйган эдим, истаб тополмаяпман,— деди Афанди.
- Кўмган ерингизга бирор белги қўймаган экансиз-да?
- Осмонда турган бир парча булутнинг ерга тушиб турган соясини белги қилиб, унинг тагига кўмган эдим. Ҳозир у булут бошқа ерга кўчиб, соясини ҳам ўзи билан олиб кетиб қолибди,— деб жавоб берди Афанди.

ҲОКИМНИНГ НАСИБАСИ

Икки қўшни суҳбатлашиб ўтирар эди. Бир ит келиб қўшнилари дарвозасининг ўртасига тезаклаб кетди. Қўшнилари, бу сенинг уйингга яқин, сен тозала, деган сансалорлик билан жанжаллашиб, арз қилиш учун ҳокимнинг маҳкамасига бордилар. У ерда Афанди ҳам бор эди. Ҳоким бу масалани ҳал этишни Афандига ҳавола қилди.

Афанди қўшниларидан сўради:

- Ахлат ҳар иккала ҳовлининг ўртасидаги кўчадами?
- Худди шундай!— Жавоб берди қўшнилари.
- Ундай бўлса,— Афанди ҳукм чиқарди-да, ҳокимни кўрса-тиб,— кўчадаги нарса пошшоликники, у нарса ҳокимнинг насибаси бўлади!— деди.

АФАНДИ ТУЗАЛДИ

Бир куни Афанди касал бўлиб қолди. Бутун қўни-қўшни, қариндош-уруғлари уни кўргани келишиб, олдида роса гап сотишди. Улар шунчалик кўп гапирдиларки, Афандининг кўзига касаллиги ҳам кўринмай, ўрнидан туриб кийинди-да, уларга қараб:

- Қадрдонларим, мана, кўринглар! Мен тузалиб қолдим. Энди кетинглар! Иккинчи марта яна касал бўлсам, суҳбатларингизнинг қолганини ўшанда давом эттирарсиз,— деди.

ХОТИНИМНИНГ ТОВУҒИ

Афанди бир куни эшик тагида товуқ гүшти еб ўтирган эди, қўшниси чиқиб қолиб Афандига кўзи тушди ва оғзидан суви келиб, унга ялинди:

Бир оёғини менга бер!

— Жоним билан берар эдим-ку,— деди Афанди,— аммо товуқ меники эмас, хотинимники-да.

Узинг еяпсан-ку!— деди қўшниси.

Нима қилай, хотиним е дегандан кейин еяпман-да!— жавоб берди Афанди.

ҚУШНИЛАР ЭШИТАДИ

Афандининг қозони сувга ташланган, у уйда, ҳозир қўй гўштлик қайнатма шўрва бўлса эди, деб, хомхаёл қилиб ўтирар эди. Шу вақтда қўшнисининг ўғли коса кўтариб кириб қолди.

Почча!— деди у Афандига.— Агар шўрва қиладиган бўлсаларинг, аямга бир коса берар экансиз, тоблари йўқ.

Бу уйда бир нарсани орзу ҳам қилиб бўлмайди, дарров қўшнилари эшитади,— деди Афанди ўз-ўзига.

БЕРМАСНИНГ ВАЖИ

Афандининг уйдан қозон сўраган эдилар, Афанди:

— Қозонимиз туғиб ётибди,— деб жавоб берди.

Сўраганлар таажжубланиб:

— Эй, қозон ҳам туғадими?— деб сўрасалар, Афанди:

Бермаснинг важи қанақа бўлади бўлмаса,— деди.

ТУВАКЛИГИДАН БИЛАМАН

Афандининг қўшнисининг хумини ўғирлаган эдилар, у хумини топиб, ўгрини қозига чақиртирди ва Афандини ҳам гувоҳликка олиб борди.

Гувоҳга навбат келганда, қози сўради:

— Афанди! Бу кишининг хумини биласизми?

— Ҳа, биламан, тақсир,— жавоб берди Афанди.

— Кўндан биласизми?— Яна сўради қози.

— Туваклик вақтидан буён биламан, шу қўшнимнинг қўлида катта бўлган,— деб даъвогарни кўрсатди Афанди.

ЭШАГИМ ЙЎҚ ДЕЯПТИ

Эрталаб қўшниси Афандидан эшак сўраб чиқди. Афанди, тўхта, олдин эшагимнинг ўзидан сўраб чиқай-чи, деб ичкарига кириб кетди. Қўшниси ҳайрон бўлиб елка қисиб турувди, Афанди қайтиб чиқиб:

Эшагимдан сўровдим, унамади,— деди.

— Ие, қандай қилиб... Нега?

— Бегона одамга мени асло бера кўрманг, деб айтди. Биринчидан, менинг қулоғимга уради, иккинчидан, сал тихирлик қилиб юрмасам, эгангга ўхшамай ўл, деб сўкади, деяпти. Бундоқ ўйлаб қарасам, эшакнинг гапи тўғри. Қўй, энди шу эшакнинг бахридан ўтиб қўя қол, — деди Афанди.

СЕНГА НИМА?

Афанди қорни оч, гузарда хуноб бўлиб ўтирган эди, қўшниси тегишмоқчи бўлди:

— Афанди, биров шу томонга бир лаганда ош кўтариб ўтди!

— Менга нима! — деди Афанди.

— Ошни сизнинг ҳовлингиз томонга олиб кетди-да!

— Ундоқ бўлса, сенга нима? — деди Афанди пинагини бузмай.

ЭГАСИНИ УР, ЭГАСИНИ!

Афандининг қўшниси — имом-домланинг сигири арқонидан бўшалиб кетиб, Афандининг чорвоғига кирди ва унинг резаворларини пайҳон қила бошлади. Афандининг хотини бундан кўриб, қўлига калтак олиб, сигирга югуриб қолган эди, шу вақтда ҳовлиқиб сигирнинг эгаси — имом-домла чиқиб қолди. Уйининг дарчасидан қараб турган Афанди хотинига қичқирди:

— Молига ўғирликни ўргатган эгасини ур, эгасини!

НОДОН ЭКАНСИЗ-КУ!

Бир куни Афандининг қўшниси ўз эшиги олдида турган эди, майдалаб ёмғир томчилай бошлади. Афанди эса, бошига тўнани қайтариб, югуриб келар эди.

Қўшниси Афандидан сўради:

— Нега худонинг раҳматидан қочасиз?

— Эй-ей, нодон экансиз-ку! Худонинг раҳмати оёқости бўлмасин деб. — Жавоб берди Афанди.

ТОМДАН ТАШЛАБ КҮРИНГЛАР

Афанди бир куни томдан кўчага йиқилиб тушди. Одамлар тўпланиб:

— Афанди, нима қилди, нега ерда ётибсиз? — деб сўрашибди.

— Менинг нимага ерда ётганимни билмоқчи бўлсаларинг, ўзларингни томдан ташлаб кўринглар, — деб жавоб берди Афанди.

ТАНИШОЛГАНИМ ЙЎҚ

Афанди бошқа бир шаҳарга бориб қолган эди, ундан бир киши сўради:

— Бу кун қандай кун?

— Мен бу шаҳарга шу бугун келдим, ҳали бу ернинг ой-куни билан танишолганим йўқ,— жавоб берди Афанди.

АФАНДИ ЎЛАРДИ-ДА

Афанди эшагига миниб кетаётганда ер қимирлаб қолди. У ерга ўзини таппа ташлади-да, қапишиб ётиб олди. Зилзила босилгач, одамлар уни эрмак қила бошладилар:

— Тоза қўрқдингиз-а, Афанди. Азбаройи қўрққанингиздан, ўзингизни ерга таппа ташлаб юбордингиз!

— Қўрққаним йўқ,— деди Афанди бўш келмай.— Худога саждаи шукрона бажо келтирдим-да.

— Нимага?

— Шу вақтда уйда бўлмаганимга.

— Ҳа, уйда бўлганингизда нима бўларди?

— Нима бўларди, том босиб қолиб, Афанди ўларди-да!— деб жавоб берди Афанди.

ТОПИШ ОСОНМИ?

Афанди бозорда эшагини йўқотган экан, одамларни тўплаб эълон қилипти:

— Кимки эшагимни топиб берса, уни юган ва тўқими билан ўша кишига ҳадя қиламан!

Одамлардан бири сўрапти:

— Эшакни топган одамга ҳадя қилар экансиз, уни ахтаришнинг боиси нима?

— Бўлмаса, йўқолган эшакни топиш осон эканми?— дебди Афанди.

ОЙ

Афанди саёҳат қилиб бир шаҳарга борган эди, кечқурун ҳар жой-ҳар жойда тўпланиб янги ойга қараб турган кишиларни кўриб қолди ва деди:

— Ўлгудек паст одам экансизлар, эски ўроқдан ҳам ингичка ойга қараб оғзиларинг очилиб қолибди. Бизнинг шаҳарда арванинг гилдирагидай келадиган ойга ҳеч ким қарамайди!

АҚЛЛИ ЖАВОБ

Афандидан бир кун сўрадилар:

— Тонг отгач, одамлар нега бир томонга қараб юрмасдан ҳар томонга қараб юриб кетадилар?

— Эй тентаклар!— деб хитоб қилди Афанди.— Шунинг ҳам билмайсизларми? Агар одамлар бир томонга қараб юрганларида, ер ағдарилиб кетар эди-ку!

ДЕНГИЗНИНГ СУВИ

Афандидан бир куни сўрадилар:

— Афанди, денгизнинг суви нега шўр?

Афанди жавоб берди:

— Денгиздаги балиқлар сасиб қолмасин деб тузлаб қўйишган.

ЭШАККА ЮК ТУШМАСИН

Афанди бир кун бир қоп юкни эшагига ортиб, устига ўзи миниб олиб кетар эди. Йўлда бир одам учраб:

— Афанди эшакка жуда жабр бўлибди-ку, юк ортиб, тагин унинг устига ўзингиз миниб олибсиз,— деди.

Афанди, сенинг айтганинг ҳам тўғри, деб эшагидан тушиб, қопни ўз устига олиб, яна эшагини миниб олди. Ҳалиги киши яна учраб қолиб:

— Бу нима қилганингиз, Афанди? — деди.

Шунда Афанди:

— Эшакка енгил бўлсин дедим-да, — деб бамайлихотир йўлида давом этди.

ВАЖ

Афандидан бир киши ғалвир сўраб келган эди, Афанди:

— Бажону дил берар эдим-у, аммо уч кун бўлди ичига сув солиб қўйганман,— деди.

— Ғалвирда ҳам сув турадимми? — деди боъғи киши.

— Бермасликка бошқа важ топиб бер бўлмаса! — деди Афанди.

ЧУҚУРЛАРГА ТўПЛАНАДИ

Бир кун одамлар Афандидан сўрашди:

— Мулла Насриддин, нима учун сахийларнинг қўлида пул турмайди-ю, бахилларнинг қўлида туради?

Афанди жавобида деди:

— Сахийлар тоққа, бахиллар эса чуқурга ўхшайдилар. Пул ҳам ёмғирга ўхшаган нарса. Ёмғир ёққанда тоғлардан оқиб, чуқурларга тўпланади.

СИР

Афандидан сўрашди:

— Афанди, сиз кимнинг сирини яхши биласиз?

Афанди жавоб берди:

— Одамларнинг ичи менинг омборим эмас.

ЛАҚМА

Бир лақма одам суҳбатда жаврайвериб, ҳамманинг қулоғини қоматга келтирди.

— Афанди, сиз ҳам бир оғиз гапирсангиз-чи, тилингиз борми? — деди у ниҳоят.

— Тилим бор эди, — деди Афанди, — одамлар лақма дея бергандан кейин танглайимга михлаб қўйганман.

МУФТИ

Бир камбағал эшагини йўқотиб қўйиб, Афандига ҳасрат қилди. Афанди унга маслаҳат берди:

— Эшагинг қози, муфти, домла-имомлардан бирининг қўлига тушмаган бўлса, албатта қайтиб келади, агар улардан бирортасининг қўлига тушган бўлса, ўлгунча ишлатади, ўлгандан кейин эшак гўштининг ҳалоллигига шариат китобларидан бирорта риқоят топиб гўштини ейди.

МАШШОҚ

Созандалар суҳбатида Афандидан сўрашди:

— Афанди, сиз қайси созни яхшироқ чаласиз?

Афанди жавоб берди:

— Отам зўр машшоқ ўтган, ўзим ҳам ҳамма созни биламан, фақат парда босишга нўноқман, холос.

АҲВОЛ ШУ БЎЛСА...

Афанди бир куни эшигининг олдида толқон еб ўтирган эди, шамол толқонини едирмай безор қилди.

— Ҳа, Афанди, нима еб ўтирибсиз? — деди бир йўловчи.

— Аҳвол шу бўлса, ҳеч нарса! — деди Афанди.

МАЛОМАТ

Афанди бир куни ўғлини эшак миндириб, ўзи пиёда кетаётган эди, одамлар масхара қилиб:

— Анави тентакни қаранглар, сўлақмондай ўғлини эшакка миндириб, ўзи пиёда кетяпти, — дейишди.

Афанди ўғлини эшакдан тушириб, ўзи миниб олди. Бироқ йўлда одамлар яна масхара қилишди:

— В-а-а, анави кишини қаранглар, болани пиёда қўйиб, ўзи эшакда кетяпти.

Афанди ўғлини мингаштириб олди, лекин одамлар бунга ҳам кулишди:

— Анави ноинсофни кўринглар, кичкина бир махлуққа жабр қилиб, иккови миниб олибди.

Афанди дарҳол эшакдан тушди, ўғлини ҳам туширди, одамларга қараб:

— Мана шундай қилсам, маломатдан қутуламанми? — деб эшани опичиб олди.

ҚУДУҚНИ ТҮНТАРИБ ҚҶЯДИ

Афандидан биров сўради:

— Афанди, минора қандай қурилади?

Афанди жавоб берди:

— Эски қудуқни тўнтариб минора ясалади.

САЛЛА ВА САВОД

Афанди саватдай саллани ўраб, кўчада борар эди. Йўлда бир киши унинг олдини тўсиб, илтимос қилди:

— Тақсир, шу хатда нималар ёзилганини ўқиб берсангиз? — деб Афандининг қўлига хат ёзилган бир парча қоғозни узатди.

— Мен ўқишни билмайман, — деб Афанди қоғозни қайтарди.

У одам таажжубланиб сўради:

— Бошингизда шундай катта салла билан хат ўқишни билмай-сизми?

Афанди бошидан салласини олиб, у кишининг бошига кийгизиб айтди:

— Агар салла ўраш билан одамнинг саводи чиқиб қолса, хатингни ўзинг ўқи!

ОЙ СОТГАНИМ ЙҶҚ

Афанди ишхонасида ишлаб ўтирган эди, бир киши келиб сўради:

— Афанди, бу кун ойнинг учими, тўртими?

— Ойнинг неча эканини билмайман. Ой олиб, ой сотганим йўқ! — деди Афанди.

ПОЙГА ЧОПАРМИДИМ

Афандининг уйига келган меҳмон, унинг уйи ҳақида мулоҳаза қилди:

— Афанди, уйингиз тор экан-да! Хайр зарари йўқ, бу дунё беш кунлик, ўтар-кетар, худованди карим гўрингизни кенг қилсин...

— Худо кенг уй берса — шу дунёда берсин-да! — деди Афанди. — У дунёда берадиган кенг гўрида пойга чопармидим?!

АҚЛЛИЛИК БЕЛГИСИ

Афандидан сўрадилар:

— Қандай қилиб одам ақлли бўлади?

— Агар, — деди Афанди, — ақлли одамлар гапираётган бўлса-

лар, уларнинг сўзларига диққат билан қулоқ сол, агар биров сенинг гапингга қулоқ солаётган бўлса, сен ўз гапингга қулоқ сол.

ОЙ ЯХШИ

— Ой яхшими, қуёш?
— Албатта ой! — дебди Афанди.
— Нега? — деб сўрабдилар.
— Чунки, — деб Афанди, — қуёш кундузи чиқади — у чиқса ҳам ёруғ — чиқмаса ҳам. Ой эса кечаси чиқади. У чиқмаса ҳаммаёқ қоронғи.

ЭР СЎЗИ

Афандидан бир кун сўрабдилар:
— Афанди! Неча ёшга кирдингиз?
— Йилим балиқ, алҳамдулилло, қирққа кирдим, — дебди Афанди.
Орадан ўн йил ўтгач, ўша одамлар Афандидан яна сўрабдилар:
— Афанди! Неча ёшга кирдингиз?
— Йилим балиқ, алҳамдулилло, қирққа кирдим, — деб жавоб берибди Афанди.
— Ий-йи! — дейишибди одамлар. — Бундан ўн йил бурун ҳам, қирққа кирдим, деб эдингиз. Яна, қирққа кирдим, дейсиз...
— Эй, нодонлар! — дебди Афанди. — Худо — бир, гап — бир, эр сўзидан, шер изидан қайтмас, деган мақолни билмайсизларми?

СИР САҚЛАМАЙДИ

Афандидан биров сўрабди:
— Бу шаҳарда сир сақлайдиган одамни биласизми?
— Бу шаҳарда ёгингарчилик кўп бўлади, — дебди Афанди, — шунинг учун ҳеч ким сир сақламайди.

ДУНЁНИНГ КЕНГЛИГИ

Афанди кўчада ўтирган эди, ундан сўрадилар:
— Сиз, мулла Насриддин, дунёдан бохабар, донишманд одам-сиз. Дунёнинг катталиги неча газ келар экан?
Шу вақтда кўчадан марҳумни кўтариб ўтиб қолдилар. Афанди тобутни кўрсатиб айтди:
— Бу саволларингизга тобут ичидаги ўлик энг тўғри жавоб беради: у дунёнинг неча газлигини янгигина ўлчаб чиққан. Ушандан сўранглар.

АЖДАР ЙИЛИ

Афандидан бир киши сўради:

- Йилингиз нима, Афанди? Ешингиз нечага борди?
- Йилим аждар, ёшим элликка борди.
- Афанди, йилнинг ичида илон бор, лекин аждар борлигини билмаймиз. Бу хато бўлса керак, — деб ажабланди ҳалиги киши.
- Дўстим, сенинг сўзинг ҳам рост, мен ҳам беҳуда сўзламайман. Онамдан туғилганимда йилим илон экан. Эллик йилдан буён ҳар қандай илон бўлса ҳам катта бўлиб, аждар бўлмайдими? — деб жавоб берди Афанди.

АЗАЛИК НИШОНАСИ

Афандининг товуғи бир гала жўжа очиб чиққан эди, бироқ орадан кўп вақт ўтмай, товуқнинг ўзи ўлиб қолди. Афанди жўжаларни ушлаб, ҳаммасининг бўйнига қора латта боғлаб қўйди.

Бу томошани кўрган биров Афандидан сўради:

— Афанди, жўжаларингизнинг бўйнига нега қора латта боғлаб қўйдингиз?

— Булар, раҳматли оналарининг азасини тутяптилар, — деди Афанди жиддий туриб.

ЕР КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛИ

Афанди ерини сотмоқчи бўлиб, яқин кишиларига мурожаат қилган эди, улар сабабини сўрадилар, Афанди эса:

— Пулига ер олиб, еримга ер қўшиб кўпайтираман, — деб жавоб берди.

ТОПҚИРЛИК

Бир куни бир одам қўлига бир дона тухум олиб, уни яшириб туриб Афандига айтди:

— Қўлимдаги нима эканини топсанг, сенга қўймоқ олиб бераман.

Афанди ундан сўради:

- Ҳеч бўлмаса нишоналарини айтиб бер, кейин айтай.
- Усти — оқ, ўртаси — сариқ, — деди у киши.
- Эй топдим, — деди Афанди. — Сен пиёзни ўйиб ўртасига табзи тиқиб қўйибсан.

АФАНДИ БЎЁҚЧИ

Афанди бўёқчилик қилар эди. Бир киши оқ бўз келтириб:

- Афанди, шуни бўяб берсангиз? — деди.
- Марҳамат, қанақа рангга бўяй? — деб сўради Афанди.
- Дунёда ҳозиргача топилмаган, кўрилмаган рангга бўяйсиз.
- Бу қанақаси бўлди? — ажабланди Афанди.

— Бу, — деди у киши, — оқ, қизил, сариқ, пушти, савсар, нафармон, қора, жигарранг, зангори бўлмаслиги керак.

Унинг масхаралаётганини тушунган Афанди:

— Жуда яхши, хоҳлаганингиздек бўяб қўяман, — деди.

— Қачон келиб оламан? — Ҳазили ўринлаганига суюниб сўради у киши.

— Жума, шанба, якшанба, душанба, сешанба, чоршанба, пайшанбадан бошқа кунлари келиб олиб кетинг, — деб жавоб берди Афанди.

ОЛТИ БАРМОҚ БЎЛМАСА

Афанди уйида қорни жуда очиб ўтирган эди, маърака ошига чақириб қолишди. У тура солиб, маъракага борди. Дуо-фотиҳадан кейин икки оворадан ош қўйдилар. Афанди шоша-пиша енг шимариб, паловни беш бармоқлаб катта-катта ошай кетди. Бунга шеригининг гаши келиб:

— Афандим, нега беш бармоғингиз билан ейсиз? — деди.

— Олти бармоғим бўлмаса, нима қилай! — деди Афанди.

Е, ТЎНИМ

Афанди бир куни тўйга борган эди, унинг уст-боши эски бўлганлиги учун ҳеч ким эътибор бермади. У тезда тўйхонадан чиқиб, бир ошнасининг янги кийимларини кийиб, яна қайтиб келди. Афандини иззат-икром билан тўрга ўтқаздилар, олдига турли-туман ноз-неъматлар келтириб қўйдилар. Бу аҳволни кўрган Афанди устидаги тўнга хитобан:

— Бу овқатлардан е, тўним, е! — деди.

Ажабланган одамлар бу сўзнинг сабабини сўраганларида у:

— Модомики бутун ҳурмат, эҳтиром янги тўнга экан, таомни ҳам у есин-да! — деб жавоб берди.

ДУОХОННИНГ СИРИ

Бир киши Афандидан сўради:

— Қўшнингиз алифни калтак дейдиган оми, шу ҳолида касалларни қандай ўқир экан?

— Жуда соддасиз-да, биродар! — деди Афанди. — Ахир дуохонликка саводнинг нима дахли бор? Ахир унга ўқитадиган касалларнинг ўзи ҳам ғирт саводсиз, нодон кишилар бўлади.

АФАНДИ КУЙДИ

Афанди бир куни қайноқ шўрвани билмасдан ҳўплаб қўйган эди, оғзи ва ичи куйди. Афандининг юраги ёрилгундай бўлди. У кўчага югуриб чиқиб, қичқира бошлади:

— Ҳў, халойиқ, бохабар бўлинглар, менинг ичимга ўт кетди!

ЕЛҒОН ТОПИЛМАГАНДА

Афандидан сўрадилар:

- Сиз ҳам рост гапирганмисиз?
- Ҳа.
- Қачон ва қаерда?
- Елғончилар орасида елғон топилмай қолганда.

ҚОРА БУЛУТ

Фисқ-фужур ва ғийбатда шуҳрат қозонган бир киши бор эди. Афанди уни жуда ёмон кўрар эди.

Афанди бир куни офтобда исиниб ўтирган эди, ўша киши келиб қолди. Афанди уни кўрмаган бўлиб, бошқа томонга қаради, у Афандининг рўпарасига келиб:

- Нега бунча таъбингиз хира? — деди.
- Чунки таъбим билан қуёш ўртасида қора булут пайдо бўлди! — деб жавоб берди Афанди.

АФАНДИНИНГ КУЧИ

Қиш кечаларининг бирида одамлар бир уйга тўпланишиб, ҳар бири ўз куч-қуввати тўғрисида мақтанишар эди. Афанди:

— Мен қаридим, бироқ кучим ёшлигимда қанча бўлса, ўшанчалигича қолди, — деди.

- Буни қандай биласиз? — деб сўрадилар.
- Ҳовлимизда катта бир тош бор, — жавоб берди у. — Уни мен ёшлигимда ҳам ўрнидан жилдира олмас эдим, ҳозир ҳам кўтара олмайман.

АФАНДИНИНГ ДОНИШМАНДЛИГИ

Афанди бир куни мачитнинг минбарига чиқиб хитоб қилди:
— Кимда қандай савол бўлса бераверсин, ҳаммасига жавоб бераман!

Одамлар Афандини сўроқлар билан кўмиб ташладилар. Бироқ у барча саволга, билмайман, деб жавоб берар эди. Охири кимдир жаҳли чиқиб деди:

— Ҳеч нарсани билмас экансиз, минбарга чиқиб нима қилар эдингиз? Нодоннинг юқорилашиши мумкин эмаслигидан беҳабар экансиз-да!

— Мен ўз билимимга яраша юқорига чиқдим, холос. Агар ҳақиқий нодонлар чиққан ергача кўтарилганимда, булутнинг тепасида бўлар эдим, деди у.

ОТИНГНИ ТИЛИМГА БОҒЛА

Афанди бир куни дарвозасининг тагида ўтирган эди, бир отлиқ ўтиб қолди, Афанди унга:

— Чарчагандирсиз, тушинг, дам олиб, бир кеча меҳмон бўлинг, — деди.

Отлиқ узоқ ердан чарчаб келаётган экан, у ҳам отдан тушиди-да, ҳовлига кира туриб сўради:

— Тақсир, отимни қаерга боғлайман?

— Менинг тилимга боғлай қолинг, — деди Афанди.

АФАНДИ ТАЪБИРЧИ

Бир киши Афандидан сўради:

— Қандай янгиликлар бор?

— Бугун тушимда пиширилган шолғом кўрдим, бошқа янгилик йўқ, — жавоб берди Афанди.

— Мен жуда ўткир таъбирчиман, бир оз пул берсангиз, тушингиз таъбирини айтиб бераман, — деди у.

— Отангга раҳмат! — деди Афанди. — Пулим бўлганда, қўй ёғи — қўй гўшtidан палов қилиб ер эдим, ниширилган шолғом тушимга кирармиди?

АФАНДИНИНГ ТОҚАТИ

Бир куни Афанди ҳовузdan сув олаётиб, кўзасини сувга тушириб юборди. Нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб турган эди, ўтқинчилардан бири сўради:

— Нима қилиб ўтирибсиз, Афанди?

— Кўзанинг сувдан чиқишини кутяпман, — деб жавоб берди у.

НАСИБА

Имом, Афандининг қўшниси бўлиб, у ҳар куни тушлик ва кечқурунлик овқат вақтларида Афандининг уйига кириб келар-верар эди. Бир куни у ош дамланиб турган вақтда кириб келган эди, Афанди, яхши меҳмон ош устида, деб ошни едириб жўнатди. Эртасига ҳам худди ўша вақтда Афанди ош дамлаб турган эди, имом кириб келди-да, насиба, деб, ошни охиригача ейишиб, чиқиб кетди.

Тўртинчи-бешинчи кунлари ҳам ош дамланган вақтда домла-имом кириб, насиба, деб ошни еб чиқиб кетаверди.

Кунлардан бирида яна Афанди ошни дамлаб турган эди, домла-имом келиб қолди, у қўлига калтак олиб имомни савалай кетди.

Домла:

— Бу нима қилганингиз? — деган эди.

— Насиба, — деб жавоб берди Афанди.

БУНИ ФАРИШТАЛАРИНГГА БЕР

Афанди бир куни очликдан ранжиб, худодан овқат сўраётганини эшитган қўшниси товуқ чўқиган ошқовоқни девордан ошириб ташлади. Афанди уни кўриб ранжиди:

— Худо, менга қолганда шунчалик хасислик қиласанми, бу ошқовоғингни фаришталарингга бер,— деб уни қўшни томонга отиб юборди.

ДУРУСТРОҚ ОДАМ ТОПИЛМАДИМИ?

Афандининг қўшниси тўй қилди, тўйга одамларни хат орқали чақиртирмоқчи бўлиб, таклифномаларни тарқатиб беришни Афандидан илтимос қилди. Афанди қўшнисининг илтимосини қайтара олмади, шаҳарда такаббурлиги билан танилган бир бойникига ҳам қоғоз олиб борди.

Бой Афандидан таклиф қоғоз юборилганига гаши келиб, сўради:

— Таклифнома олиб келиш учун сендан кўра дурустроқ одам топилмади?

— Дурустроқ одамлар ҳам бор эди-ю,— деди Афанди,— аммо улар дурустроқ одамларникига хат олиб кетдилар.

ИСТАГАНИНИ ОЛСИН

Афанди баъзи вақтларда йўқолиб кетмайин деб бўйнига носқовоқни осиб юрар эди. Ногоҳ бозор куни йўли бозор ичига тушди. Афандини бундай ҳолда кўриб, бир камсоқол одам келиб, бўйнидан носқовоқни олиб, ўз бўйнига илиб олди.

Афанди бир нафасдан кейин билдики, бўйнида носқовоғи йўқ. Шу онда фарёд билан фиғони чиқиб:

— Эй, биродарлар! Камина, Хўжа Насриддин, йўқолдим, кўрган киши бўлса маълум қилсин!— деб қичқирди.

Бирдан кўзи ўша носқовоқни олиб бўйнига таққанга тушди. Дарҳол унга яқин бориб:

— Эй биродар! Сени мен десам, соқолинг кам, ўзимни сен десам, бўйнимда носқовоғим йўқ. Бу кеча бизнинг ҳовлига қайси-миз борамиз? Кел, дўстим, иккимиз ҳам борайлик. Уғлимнинг онаси қайси биримизни хоҳласа, ўша қолади,— деди.

ПАЛОВНИНГ НАРХИ

Афанди бозорда юриб, қорни очиб қолди. Чўнтагида сариқ чақа ҳам йўқ. Шунга қарамай, ошхонага кириб палов буюрди.

Ошпаз бир коса ош олиб келиб қўйди. Афанди уни еб тўймади, яна бир коса олиб еб қорнини тўйгазиб чиқиб кетаётган эди, ошпаз қичқирди:

— Пули қани?

— Пулим бўлса, жон деб бермасмидим, йўқ-да!— дебди Афанди.

Ошпаз узоқ можаро қилгач, Афандининг қулоғи тагига қўйиб юбориб:

— Қулоғингизнинг тагини бирпас оғритади-ю, кўнглингиз пок бўлади, боринг, жўнанг!— деди ошпаз.

Афанди хижолат ва ўсаллик билан кўчага чиқди-да, яна орқасига қайтиб келди ва ошпазнинг қулоғига секингина:

— Шу нарх билан ҳар куни келиб турсам майлими, ука?— деди.

ТУҒРИГА ҚАРАБ ЮРА БЕРИНГЛАР

Одамлар Афандини тобутга солиб, мозорга олиб бораётган эканлар, энди етай деганда, уч йўлга рўбарў келиб қолишибди.

Тобут кўтарганлар қаёққа юришини билмай, охири бири-биридан маслаҳат сўрабди. Шунда Афанди тобутдан туриб:

— Ҳой, халойиқ! Тўғрига юра беринглар!— дебди.

Буни эшитган халойиқ тобутни ташлаб қочибди.

ТАҚЛИДЧИЛАРГА ОФАРИН

Афанди бир шаҳарга борган эди. Шаҳарликлардан бири Афандига мухлис эди. Афандини зиёфатга таклиф қилди. Уша мажлисда Афандининг кўзи осмонга тушиб, ёқасини ушлаб, бошини қи-мирлатиб айтди:

— Мен сизлардан ҳеч шубҳа қилмас эдим, лекин анча ҳунар-манд экансизлар,— деди.

Улар айтдилар:

— Афандим, таажжуб қиладиган сиримиз нима экан?— дедилар.

Афанди айтди:

— Бундан зиёда сир бўладими? Осмонларингиз осмонига бизнинг шаҳар осмонидан нусха олиб ясабсизлар. Бизнинг осмонда қандай юлдузлар бўлса, ҳаммасига ўхшаш юлдузлар сизларнинг осмонларингизда ҳам бор экан, баракалла, сизларнинг донишлигингизга!— дебди.

АФАНДИ ДУСТЛАРИ ВА УЛФАТЛАРИ ДАВРАСИДА






АФАНДИ УЛФАТЛАРИ ВА ДУСТЛАРИ ДАВРАСИДА

ЎЗ БИЛГАНИМЧА СОЛАЙ

Афанди иморат солмоқчи бўлиб ўртоқларини маслаҳатга чақирди. Бириндоқ деб маслаҳат берди, бири бундоқ деб. Афанди уларнинг маслаҳати билан иморат солган эди, мутлақо иморатга ўхшамаган нарса чиқди. Афанди яна ўртоқларини чақириб, уларга иморатни кўрсатган эди, улар: — Эй, Афанди, иморатни бузибсиз-ку! — дейишди.

Афанди уларга тутақиб жавоб берди:

— Сизларнинг маслаҳатларингизга амал қилиб иморат солиб эдим, шундай чиқди. Энди ўз билганимча солайми, қандай бўлар экан.



ИХТИРОЧИ ОШПАЗ

Афанди бир улфатчиликка кириб қолса, ўтирганларнинг ҳаммаси ошпазлар экан. Улар ҳар хил овқатлар қилишни, янги-янги овқат турларини ихтиро қилаётганларини гаплашиб ўтиришди. Шунда ошпазлардан бири Афандига мурожаат қилиб:

— Афанди, сиз ҳам янги овқат ихтиро қилдингизми? — деб сўраб қолди.

— Ий-э, ҳали эшитганингиз йўқми? Асалга сассиқ саримсоқни қўшиб ейишни биз ижод этганмиз-да! — деди Афанди ғурур билан.

ҚАНЧА ИСТАСАНГ...

Дўстларидан бири Афандидан бир неча ойда қайтариб бериш шарти билан пул сўради.

— Пул беролмайман, аммо дўстим бўлганинг учун қанча истасанг, шунча ваъда беришим мумкин, — деди Афанди.

ТОҒОРА УЛДИ

Афанди бозордан тоғора олиб келаётган эди, йўлда биров дуч келиб:

— Қани, тақсир, тоғорани менга беринг, кўтаришиб кетай, — деди-да, Афандининг кўлидан тоғорани олди.

Уйга етдилар. Афанди одамгарчилик юзасидан у кишини меҳмон қилиб жўнатди. Бироқ у киши ҳар куни келиб, Афанди билан сўрашиб:

— Хўш, қалай, тоғора омонми? — деб сўрайдиган бўлиб қолди.

Ҳар келганда Афанди уни баҳоли қудрат меҳмон қилиб жўнатарди. Бу ҳолнинг узлуксиз давом этишидан Афанди жуда зерикди. Кунларнинг бирида у киши яна келиб эшик қоққан эди, Афанди тоғорани кўтариб чиқди. У киши саломлашиб бўлгач:

— Хўш, қалай, тоғора омонми? — деб сўраган эди, Афанди тоғорани ерга ташлаб юборди, тоғора ерга тушиб синди.

— Ҳа, тоғора шу дамгача омон эди, ҳозир кўз олдидангиз жон берди. Хайр, омон бўлинг! — деб Афанди уйга кириб

ЮМАЛОҚ СУВ

Афандига бир ошпази бир донә шафтоли бериб сўхтади:

Мен бунинг данагини Бадахшондан олиб келганман...

Афанди шафтолини еб деди:

Бадахшоннинг шафтолиси юмалоқ сув бўлар экан-да!

ЭШАК ҚОЗИ

Афанди эшагини йўқотиб қидириб юрганда, бир ҳазилкаш дўстига рўнара келиб қолди.

— Биродар, менинг эшагимни кўрмадингми?

— Ие, эшагингизнинг қози бўлганидан хабарингиз йўқми? Мен ҳозир қозихонадан чиқиб келаётибман. Эшагингиз катта саллани ўраб, қозихонанинг тўрида ўтирибди.

Афанди ўйлаб туриб деди:

— Бўлса бўлгандир, мен ҳовлида шогирдларимга қозиликдан дарс берган вақтларимда эшагим астойдил қулоқ солар эди.

ОШ ТУКИЛИБ КЕТАДИ

Афанди баҳорда бир деҳқон ошнасиникига меҳмон бўлган эди, ошнаси катта қозонда кўқон жўхорисидан гўжа оши қилиб, тоғорада қатиклаб чиқди, ундан олдин бир-икки косадан бўза ҳам ичишган эди. Ошнаси Афандининг ёнига келиб, елкасига қўлини ташлаган эди, Афанди огоҳлантирди:

— Ҳай-ҳай, мени қимирлатманг, ош тўкилиб кетади.

ВОЙВОЯКНИНГ БОЛАСИ

Афандининг бир оғайниси оғзи латта билан боғланган бир хумчани омонат топшириб: «Бунинг ичида войвоякнинг боласи бор, оғзини оча кўрманг, учиб кетиб қолади», деб тайинлаб кетди.

У кетгандан кейин Афанди, войвоякнинг боласи қанақа бўлар экан, деб хумчани аста очди, қараса, ичи тўла асал!

Афанди войвоякнинг таъминини бир кўриши билан, хумча ёнидан кетмай қўйди, уч кун қорни оғриди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, эгаси келиб хумчани сўради, Афанди олиб чиқди. Эгаси хумчани кўтариб кўриб:

— Афандим, мен кетгандан кейин хумчани очиб, войвоякнинг боласини учуриб юборибсиз дейман,— деди.

— Тўғри,— деди Афанди,— учиб чиқиб уясини топа олмай, қорнимга кирган экан, уч кундан бери менинг оғзим билан войвойлайди.

САВОЛГА ЯРАША ЖАВОБ

Афанди эшак ўғирлатганини эшитиб, узоқ-яқиндан ошна-оғайнилари келиб кўнгил сўрашди. Уларга ош-сув қилиш учун Афандининг эшак нархидан ўн ҳисса ортиқроқ пули кетди.

Бу ҳам етмагандек, бир эзма оғайниси келиб Афандига ҳар турли саволлар бера бошлади:

— Афандим, эшагингизни бир киши ўғирладими, кўпчилик-

ми? Эшакни миниб кетдими, етаклаб кетдими? Эшак остонадан чиқишида ўнг оёғи билан юриб чиқдими, чап оёғи билан чиқдими?

Афанди жавоб берди:

— Янаги сафар эшак ўғирлатадиган бўлсам, сизни айтиб келаман, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

БУНИНГ ЧИҚИМИНИ КИМ ТУЛАЙДИ?

Афанди жуда беданахўр эди. Унинг бахтига шу йил бедана сероб бўлиб, овчилар бозорга гажава-гажава бедана олиб келишаверди.

Афанди беданадан элликтасини сотиб олиб, ҳафсала билан тозалаб, зира-пиез қилиб, қозонкабоб қилди-ю, бирорта кўнгилтортар улфати билан шароб ичгиси келди ва улфат қидириб гузарга чиқди.

Афандига беш-ўнта тирик беданани тортиқ қилиб олиб келган бир овчи ошнаси, унинг меҳмонхонасига кирса, қозонкабоб гайёр... Ошнаси ўтириб, қозонкабобни туширди-да, тирик беданаларни тоғорага қамаб, устидан дастурхон ёпиб, чиқиб кетди. Афанди бир кўнгилтортар улфати билан келиб, эшикка жой қилди, пиёлаларга шароб қуйиб тоғорани очса, беданалар пирр этиб учди-кетди.

— Э, худо! — деди Афанди. — Беданаларга жон ато қилибсан, бунга қойилман, лекин бизнинг чиқимларни ким тўлайди?..

АЛВИДО

Афанди уйда бир нарсадан хуноб бўлиб ўтирган эди, кўча эшиги тақиллади. Чикса, бир вақт сафарда бирга бўлиб, Афандининг турар жойини билиб олган бир таниши келиб турибди.

— Утиб кетганимни Афанди эшитиб қолсалар ўлкалаб юрмасинлар, йўл устида бўлса ҳам бир кўриб ўтай деб келдим, — деди у.

— Ҳай-ҳай-ҳай!.. Заб улуг иш қилибдилар, — деди Афанди. — Қани, ичкарига марҳамат.

Афанди меҳмонхонага жой қилиб, кутилмаган меҳмонни иззат-ҳурмат билан тўрга чиқарди. Афанди ичкаридан чой олиб чиққунча меҳмон бир патнис нонни паққос туширди. Афанди чойни унинг олдига қўйиб, ичкарига нон олиб чиқишга кирди, нон олиб чиқиб, энди ўтирай деса, меҳмон бўш чойнакни суриб қўйди.

— Хўп... Мен чой олиб чиққунча бу томонини бўшатмасинлар, — деди Афанди.

Икки патнис нон, саккиз чойнак чой кетгандан кейин ичкаридан росмана гардиш товоқда сергўшт палов чиқди. Меҳмон биланини шимариб, пишиллаб ўтириб, товоқнинг бошқа томонидаги

гўштарни ҳам ўрта бармоғи билан ўз олдига иргитиб, жуфт-жуфт қилиб олаверди, ора-чора, мойини шимиб олади, деб, нон ҳам тишлаб қўярди. Яна чойхўрлик бошланиб кетди.

Ярим кечага борганда, Афанди киноя билан савол ташлади:

— Қорин қалай, биродар? Қовун билан нон кетадими?

— Оҳ-оҳ, зийрак одамнинг қурбони бўлай!..

Меҳмон қовун билан нонни пок-покиза еб бўлгандан кейин, ётар маҳалида Афандига деди:

— Оғайни, бемалол бўлса келинга айтиб қўйсалар, нонуштага бўладиган шавлага тўрттагина кўк қалампир ташланса хушхўрроқ бўлармиди. Мана кўриб турибсиз — иштаҳанинг мазаси йўқ. Узимни табибга қаратиб иштаҳани очадиган дори олгани келганман. Бирон ўн кун шу ерда тураман, хўп отамлашамиз.

Бу гапни эшитиб, Афандининг капалаги учди ва узр сўраб:

— Худонинг дарди кўп экан-да. Сиз иштаҳани очадиган дори қидириб келган бўлсангиз, мен иштаҳани ёпадиган дори қидириб эрта азонда Самарқандга кетаянман. Кўриша олмасак, хайр, — деди ва чиқиб кетди.

ОҚ ҚУМ

Афанди бир оғайниси билан томоша қилгани қишлоққа чиқди. Йўлда қатиғи ширинлиги билан донг чиқарган бир қишлоқда тўхташиб, бир хурма қатиқ сотиб олишди. Афандининг шериги халтачасидаги шакарни ўз олдига сениб, қатиқни хўриллатаверди. Афанди ердан бир ҳовуч қум олиб, қатиққа сепмоқчи бўлди. Буни кўриб, шеригининг кўзлари ўйнаб кетди.

Афанди қумни ташлаб деди:

— Қатиқни кўрсам, қум сепаман деб қасам ичганман, майли, қора қумга кўнмасанг, оқ қумингдан сепма қол!

ЭНГ ЯХШИ МАСЛАҲАТ

Афандининг бир ўртоғи хотини билан уришиб, Афандига маслаҳат солди:

— Афанди, сиз кўп ақлли одамсиз, энг яхши маслаҳат сиздан чиқади, нима қилай, хотинимни қўяйми, йўқми?

— Хотинингни қўй десам, кейин сўкасан, қўйма десам, ҳозир сўкасан, энг яхши маслаҳат — билганингни қил!

ЛАБЗ ҲАЛОЛ

Афанди мадрасада ўқиб юрган вақти, уч-тўртта муллаваччалар бир ҳужрага тўпланишиб, яхши ялла қилишар, булар яллани бошлади дегунча, овози хунук бир мулла кириб, яллага қўшилиб, ҳамманинг жонига тегар эди.

Афанди улфатларига бундан қутулиш чорасини топишга ваъда берди-ю, кечқурун мулланинг ҳужрасига кирди.

— Суюнчи беринг, тақсир,— деди.— Сизни даҳа қозилигига сайламоқчи. Кеча бир суҳбатда уламолардан эшитдим.

Мулла Афандини меҳмон қилди, суюнчи берди.

Эртасига эргалаб Афанди яна гап топиб кирди:

— Сизни қозиликка сайлашга ҳамма рози, лекин бир-иккита муллавачча, бу домла яллагилик қилади, яллагилини қози қила-мизми, деб кўнмаётибди.

Мулла Афандига ялинди:

— Афанди, донишманд одамсиз, йўл кўрсатинг.

— Ашула айтмайман десангиз, албатта, катталар ишонилмайди. Бунинг осон йўли шуки, мен учта гувоҳ топанам, қозихонага борасиз-у, шулар олдида бундан кейин ялла қилмасликка ва ялла қилганларга қўшилмасликка қасам ичасиз, лабзимдан қайтсам, эшак бўлай, деб хат-муҳр қилиб оласиз.

Мулла худди шундоқ қилди.

Бир ҳафтадан кейин сайлов бўлиб, қозиликка бошқа одам сайланди. Мулла алам қилганидан:

— Яхши бўлди, ўзимнинг ҳам кўнглим йўқ эди, ялламни айтиб юравераман,— деди.

— Лабз ҳалол,— деди Афанди,— ялла қилиб бўлмасиз! Ялла айтиш у ёқда турсин, ғиринг деб кўринг, нўхта солиб минаман! Улфатларимга ҳам миндираман!

ГАП ХҲРОЗДА

Афанди бозорда товуғини сотиб пулини олаётганда, бир ҳазилкаш дўсти:

— Э, Афанди, товуқни чакки сотдингиз, думига қараганда ҳар куни учтадан туғадиган товуққа ўхшайди,— деди.

Афанди пулни ҳамёнига солиб жавоб берди:

— Ҳар куни учтадан туғиши рост, лекин гап думида эмас, хўрозда, туғмай юрган товуғингиз бўлса, олиб кела беринг.

ҲАССАНИНГ УЗУН ТОМОНИ

Афандининг қабзаси жуда чиройли, лекин узунроқ ҳассаси бор эди. Афанди уни бўйига лойиқ қилмоқчи бўлиб, юқорисидан бир қарич кесди. Буни кўрган ёр-дўстлар, ҳассасага ачиниб:

— Эсизгина ҳасса! Тўғри калтақдан фарқи қолмабди: кесар экансиз, қабзаидан эмас, паст томонидан кесангиз бўлмасми-ди?— дейишди.

Афанди жавоб берди:

— Қабзасини кесгани ўзимнинг ҳам кўзим қиймаган эди-ю, нима қилай, ҳассанинг узун томони юқорисида эди-да.

ОТ

Афанди кўчадан битта тақа топиб олиб, жуда хурсанд бўлиб бораётган эди, бир ошнаси сўради:

— Ҳа, Афанди, мунча хурсандсиз?

Афанди қўлидаги тақани кўрсатиб деди:

— Битта тақа нақд, яна учта тақаю усти бут бўлса, битта от деган сўз. Чу!..

ЭНГ ЯХШИ СОЗ

Афандини бир созанда ошнаси уйига таклиф қилиб, неча хил соз чалишини, қайси куйларни тўлиқ билишини айтиб, узундан-узоқ мақтанди, кейин Афандини уйига бошлаб кириб, осиб қўйилган чирмандадан тортиб, наю гижжак, танбуру дуторгача кўрсатди ва буларни қайси уста қачон ясаганлигини гапириб кетди. Қайтиб айвонга чиқилганда, созанда музика жон озиги эканидан тушиб, ҳар бир созни айрим-айрим яна мақтаб ўтди, ниҳоят бояги созларни бирма-бир уйдан олиб чиқиб чалиб берди. Кун қайтгандан кейин созанда охирги созда машқни тугатиб:

— Хўш, Афандим, бу созлардан қайси бирининг овози қулоққа кўпроқ ёқади? — деб сўради.

Эрталабдан бери туз татимаган Афанди ошхонага мўлтиллаб қараб:

— Э, ошна, — деди, — менимча, ҳаммасидан кўра қулоққа ёқадигани қапирнинг овози бўлса керак.

КЕТМОННИНГ ФИЛОФИ БУЛСА КЕРАК

Афандининг ўртоқлари кўчадан бир пой этик топиб олиб, нималигини билмай, Афандининг олдига кўтариб келишди.

— Афанди, бу нима? — деб сўрашди.

Афанди ҳам дунёга келганидан буён биринчи кўриши экан, ўйлаб туриб жавоб берди:

— Бу кетмоннинг филофи бўлса керак!

ИШНИ БУЗДИ

Афанди Қўқонга борганида бир бухоролик билан учрашиб қолган эди, бухоролик ўз шаҳрини мақтаб кетди.

— Бизнинг шаҳардаги мадрасаларнинг икки юз-уч юздан хужралари бор, бўйи бир минг газ, эни икки минг газ...

Афанди ҳам Самарқандни мақтаб бошлади:

— Самарқандни кўрмаган экансиз. Бир мадрасаси бор, бўйи беш минг газ...

Гап шу ерга етганда Самарқанддан келган бир одам келиб қолди, Афанди сўзида давом этиб:

— Эни эллик газ, — деди.

Бухоролик ҳайрон бўлиб сўради:

— Бўйи беш минг газ, эни эллик газ, бу қандай мадраса?

— Энини бўйига ростлайман деб турганимда самарқандлик келиб ишни бузди, — деди Афанди.

КИМНИНГ ЮРАГИ УРТАНАЯПТИ?

Афанди бир хасис ошнасиникига борган эди, ошнаси олдига иккита иссиқ нон билан бир пиёла қаттиқ асал қўйди. Афанди асални пичоғи билан кесиб, ноннинг орасига қўйиб еяверди. Хасис ошнаси қараса, Афанди асалнинг ҳаммасини еб қўядиган кўринади.

— Афандим, асалнинг ҳаммасини есалар ҳам майли-ку, лекин кучлилик қилиб, юрак-бағрингизни ўртаб юборар дейман.

Афанди пичоғининг учига асалдан катта бир бўлагини санчиб олар экан, жавоб берди:

— Тўғри айтадилар, лекин бир холис одам бўлса, кимнинг юраги ўртанаётганлигини айтиб берам эди.

ЎРИК ЕГАНДА

Афанди бир ошнаси билан ўрик сотиб олди. Ўрик ейишаётган вақтда шериги еган ўригининг данагини яшириб, Афандини уялтирмоқчи бўлди.

— Афанди, ўрик ейишга жуда чаққон экансиз, бирпасда шунча данак қилдингиз.

— Ўрик ейишга мендан ҳам сен чаққон чиқдинг, — деди Афанди. — Ўрикни данаги билан югишни сендан ўрганса бўларкан.

ОТИНГИЗНИ ЁЗИБ КЕТИБСИЗ

Афандини бир ўртоғи бир неча марта йўқлаб келиб, уйдан ҳеч тополмади, ниҳоят эшигига «эшак» деб ёзиб кетди.

Орадан бир-икки кун ўтгандан кейин, иккови учрашиб қолди.

— Афанди, мен сизни бир неча бор йўқлаб бориб тополмадим, итдай санқиб қаёқларда юрасиз? — деди ўртоғи.

— Кўп марта борганингиздан хабарим йўқ, — деди Афанди, — Фақат бир марта борганингизни маълум қилибсиз, отингиз эшикка ёзиб кетибсиз.

АФАНДИ ВА ҲАММОЛ

Афанди бир ўртоғи билан бозордан бир қоп жўхори олиб, ҳаммолга кўтартирди. Тиқилинча ҳаммол йўқолиб қолди.

Орадан бир кун ўтиб Афанди яна ўша ўртоғи билан бозорга тушди. Узоқдан ўша ҳаммол кўриниб қолди. Ўртоғи Афандига ҳаммолни кўрсатган эди, Афанди қочиш пайига тушиб қолди.

— Нега сиз ҳаммолни ушлаш ўрнига, қочмоқчи бўласиз?— деди ўртоғи.

— Э, биродар, нега қочмайин?— деди Афанди.— Ҳаммол менинг қопимни ўн кундан бери кўтариб юрган бўлса, бунинг ҳақини қайдан топиб бераман?

БОШИМГА ЁСТИҚ ҚИЛАМАН

Афанди бозордан қайтишда бемаҳалга қолиб, бир ошнасиникида ётмоқчи бўлди. Ошнаси Афандининг очлигидан беҳабар, жойни солиб, уйига кириб кетди.

Афанди шунча қилди очликдан уйқуси келмади, ниҳоят чидолмай, ичкари уйнинг эшигини тақиллатди.

— Нима керак?— деди мезбон.

— Иккита нон узатиб юборинглар!— деди Афанди.

— Қоронғида нонни нима қиласиз?

— Бошим пастлик қилиб, уйқум келмаяпти, бошимга ёстиқ қиламан,— деди Афанди.

ИЛОЖ ҚАНЧАЛИК

Афанди бир ошнаси билан ошхонага кириб чучвара олишди. Афанди чучварани иккитадан олиб оғзига солаётган эди, ошнаси тўхтатди:

— Шошманг, сиз нега чучварани иккитадан оласиз?— деди.

— Қандоқ қилай,— деди Афанди,— учтадан оғзимга сиғмаса, иложим қанчалик!

ТИЛЛА УЗУК

Афандининг бир савдогар ошнаси унинг тилла узугига суқлаиб юрар эди, бир куни келиб:

— Афандим!— деди.— Мен сизни тез-тез кўрмасам туролмайман. Узоқ сафарга кетяпман, сизни жуда соғинсам керак, қўлингиздаги узугингизни берсангиз, мен тақиб олсам. Қачон узукни кўрсам, сизни кўргандек бўлиб юраман.

Афанди узукни беришга кўзи қиймай, жавоб берди:

— Жон биродар! Мен ҳам сизни тез-тез кўрмасам туролмайман, қўйинг, узук менда турсин, қачон узукка кўзим тушса: «Дўстим тилаганда бермаган эдим», деб сизни эслаб юраман.

ДУМБА-ЖИГАР

Афанди бир куни қассобдан жигар олиб келаётган эди, йўлда бир ошнаси учради.

— Йўл бўлсин?— деди ошнаси.

— Уйга,— деди Афанди.

— Нима харид қилдингиз?

— Жигар.

— Ундай бўлса думба-жигар қилиб енг!— деб маслаҳат берди ошнаси.— Жуда ширин бўлади.

— Думба-жигарни қанақа пиширади?— деб сўради Афанди.

Ошнаси думба-жигар қилишни тушунтириб берган эди, Афанди:

— Қоғозга ёзиб берсангиз яхши бўларди, бўлмаса уйга боргунимча эсимдан чиқиб қолади,— деди.

Ошнаси қоғозга батафсил ёзиб берди.

Афанди қоғозни чўнтакка солиб, хурсанд бўлиб кетаётган эди, пастлаб учиб юрган кўпансор унинг қўлидаги жигарни илиб кетди. Афанди парво ҳам қилмай, чўнтагидан қоғозни чиқариб, учиб кетаётган кўпансорга кўрсатиб қичқирди:

— Барибир сен думба-жигар қилиб ея олмайсан, қоғози менинг кўлимда!

ТУТИБ ЭГАСИГА БЕРАМАН

Афанди бир куни кўчада адашиб юрган қўйни олиб кириб сўйди ва бу сирни бир ўртоғига айтган эди, ўртоғи ваҳима қилди:

— Қиёматда худонинг олдида нима деб жавоб берасиз?— деди.

— Тонаман,— деди Афанди.

— Йўқ, тонолмайсиз: қўйнинг ўзи келиб гувоҳлик беради.

— Ундоқ бўлса осон экан,— деди Афанди.— Тутиб эгасига бераман-қўяман!

ХУДО БИР АСРАДИ

Афанди бир куни эшагини йўқотиб, нуқул худога шукур деяверди. Ошналари тушунолмасдан Афандидан сўрашди:

— Афанди, эшак йўқотган одам ҳам шукур қиладимиз?

— Нега шукур қилмайин, худо бир асради-ку: агар эшак устида ўзим ҳам бўлганимда мендан ажраб қолар эдиларинг,— деб жавоб беришти Афанди.

МЕНИНГ БОШИМ ҚАНИ

Афанди бир кечаси меҳмон бўлиб келган ўртоғи билан ётиб, унинг бошини қашлай бошлади.

— Афанди, менинг бошимни нега қашлайсиз?

— Ие!— деди Афанди.— Бу сенинг бошинг бўлса, менинг бошим қани?

ОХИРАТ

Афандининг эшаги ўлган эди, жуда қайғурди. Бир куни унинг бир ошнаси келиб таскин берди:

— Афанди, кўп қайғураверманг! Ҳаммамиз ҳам бир куни охиратга жўнаймиз.

Афанди деди:

— Охиратга жўнайдиганлардан бири мен бўлсам, пиёда боргим йўқ!

ХУДОНИНГ МУРУВВАТИ

Афанди эшагини йўқотиб хуноб бўлиб ўтирган эди, бир ошнаси келиб деди:

— Афанди, худонинг мурувватидан умид кўп, хафа бўлаверманг, битта эшак бўлса худонинг ўзи беради.

— Ўша ўзим билган худо бўлса,— деди Афанди,— беш тилладан камига эшак бермайди.

ШЎРВАСИНИНГ ШЎРВАСИ

Афандига овчи ошналаридан бири қуён келтирди. Афанди хурсанд бўлиб, уни бир кеча меҳмон қилди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, ўша овчи яна келиб, Афандининг эшигини тақиллатди. Афанди бу сафар ҳам меҳмон қилиб жўнатди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Афандининг ҳазилкашларидан беш-олти киши Афандига меҳмон бўлиб келди. Афанди булардан: «Сизлар ким бўласизлар?» деб сўраган эди, улар: «Ўша қуён келтирган ошангизнинг ошналари бўламиз», дейишди. Афанди: «Жуда яхши», деб уларни ҳам шўрва билан кутиб жўнатди.

Яна бир ҳафта ўтгач, Афандининг эшигини яна ўн-ўн бешта одам чақириб келди. Афанди уларнинг кимлигини сўраган эди, улар ҳам: «Қуён келтирган ошангизнинг ошналарининг ошналари бўламиз», деб жавоб беришди. Афанди: «Ундай бўлса, жуда яхши келибсизлар», деб уларни ҳам иззат-икром билан кутиб олди, уйга ўтқазиб қўйиб, катта кир тоғорада сув олиб чиқди. Келган меҳмонлар ҳайрон бўлиб:

— Бу қандай таом?— дейишди.

— Ўша ошангиз келтирган қуённинг шўрвасининг шўрвасининг шўрваси!— деди Афанди.

ҲАРОМ УЛГУР...

Афанди отга қайси томондан минишни ва узангига қайси оёғини қўйишни билмай турган эди, бир ошнаси:

- Ҳо Афанди, миндириб қўяйми? — деди.
- Афанди сипоғарчиликни қўлдан бермаслик учун, бир ирғиб отга ўзини отган эди, тескари миниб қолди.
- Ие, нега тескари миндингиз? — деди бояги ошнаси.
- Афанди қовоғини солиб жавоб берди:
- Бу ҳаром ўлгур ҳеч ўнг туришни билмайди!

ҲАЛОЛ ЭШАК

- Афанди эшагини йўқотиб қўйиб ошнасидан:
- Эшагимни кўрмадингизми? — деб сўради.
- Афандим, эшагингиз фалон шаҳарда қози бўлибди.
- Бекор гап! — жавоб берибди Афанди. — Менинг эшагим ҳалол эшак, порадан ҳазар қилади.

КҮНГИЛ УЧУН

Афанди самоварда бир ўртоғи билан шериклик палов қилмоқчи бўлди. Харажат қилиниб келгач, Афанди қозон осишга ҳам «билмайман», ўт ёқишга ҳам «билмайман», сабзи-пиёз тўғрашга ҳам «билмайман» деб жавоб бераверди.

Палов сузилгач, ўртоғи Афандидан сўради:

- Балки ош ейишни ҳам билмассиз?
- Тўғри, — деди Афанди, — ош ейишни ҳам билмайман, аммо сенинг кўнглинг учун билар-билмас ейишга мажбурман, хато қилсам кечирасан.

КАМБАҒАЛНИНГ БУЮМИ

Афанди очлигидан сақич чайнаб юрган эди, улфатлари уни ошга таклиф қилишди. Афанди оғзидан сақичини олиб бурнининг устига ёпиштириб қўйди.

- Афанди бу нима қилганингиз? — деб сўрашди улфатлар.
- Камбағалнинг буюми кўзининг олдида туриши керак, — деб жавоб берди Афанди.

АФАНДИНИНГ ЭШАГИ

Афандининг эшаги ниҳоятда хира эди, бир куни шу эшагини миниб келаётган эди, бир ошнаси учраб, ундан сўради:

- Афанди, йўл бўлсин?
- Намоз жумага, — деди Афанди.
- Бугун пайшанба-ку! — деб таажжубланди ошнаси.
- Эй биродар! — деди Афанди. — Эшагимнинг юриши шу бўлса, намоз жумага эргага етиб борсам ҳам хўп гап!

ДАВО

Афандининг бир ошнаси келиб кўнгил ғашлигидан нолиди.
— Худди юрагимни сичқон кемираётганга ўхшайди, — деди.
Афанди жавоб берди:
— Бунинг давоси осон: битта катгароқ мушукни топиб, ҳўлаб ютасиз.

КЎР

Афандининг ёшлигидан бирга ўсган бир дўсти бор эди. Йиллар ўтиб, шу дўсти катта мансабга минди. Афанди уни амалдорлик лавозими билан табриклаш учун идорасига кириб борди. Дўсти Афанди билан кўришиш ўрнига:

— Сен кимсан, нима иш билан келдинг? — деб дўқ урди.
— Мени танимайсанми, ёшлиқдан ёнғоқ ўйнаб ўсган дўстинг бўламан. Сени кўр бўлибди деб эшитиб, кўнгил сўрагани келувдим, — деди Афанди.

УХЛАЯПМАН

Афанди бир ўртоғи билан ухлаб ётар эди, ўртоғи уйғониб Афандидан сўради:

— Афанди, уйғоқмисиз?
— Ҳа, нима қилди?
— Сиздан бир оз пул сўрамоқчи эдим.
— Йўқ, мен ухлаяпман, — деди Афанди.

ДАРРОВ ОВҚАТ ЕГИСИ КЕЛАДИ

Афандининг ошналаридан бири иморат солиб, Афандини айтдириб юборди ва эртадан-кечгача олиб юриб, иморатини кўрсатди.

Юравериб Афандининг қорни жуда очди, аммо ошнаси овқат тўғрисида оғиз очмас ва уйма-уй юрар эди. Афанди, ниҳоят ошхона олдида тўхтади-да, унга диққат билан қарай бошлади. Ошнаси ундан сўради:

— Ошхона ёқиб қолди дейман-а?
— Ҳа, ошхонани жуда бошлабсиз! — деди Афанди. — Шундай қилибсизки, кирган кишининг дарров овқат егиси келади!

ҚАЕРДА ЭКАНИНИ БИЛМАСАМ...

Афанди бир ошнаси билан кўл бўйидан борар эди, ошнаси сув юзида ўйнаб юрган балиқларни кўриб:

— Афанди, балиққа қаранг, балиққа! — деди.

Афанди кўлга қараш ўрнига шошилиб қолиб, кўл бўйидаги дарахтларга қарай бошлади. Ошнасининг жаҳли чиқиб, Афандини туртиб яна айтди:

- Сизга балиққа қаранг десам, дарахтга қарайсиз!..
- Балиғингни қаерда эканини билмасам!— деб жавоб берди Афанди зарда қилиб.

ЖАВОБ

Афандининг ошнаси ундан:

- Мулла Насриддин, бола-чақангиз кўпми?— деб сўради.
- Болам кўп-у, чақам камроқ,— деб жавоб берди Афанди.

ЖИҚҚА СУВ

Афанди сафардан келаётиб қоронғида қолди-ю, йўлда бир ошнасаникига кирди. Ошнаси жуда хасис одам эди, Афандини тезроқ ётқизиш пайига тушди.

— Афанди, бир коса муздек сув олиб чиқсам ичиб ётасизми?

— Йўқ,— деди Афанди.— Йўлда булоқ бўйида ухлаб қолибман, нам тортиб жиққа сув бўлиб турибман, иккитагина нон олиб чиқсангиз, сувимни терар эди.

АЛҒОВ-ДАЛҒОВ

Афанди кўпдан бери кўришмаган бир ошнасаникига меҳмон бўлиб борган эди, ошнаси ширгуруч олиб чиқди: афтидан, хотини сариёғни кўпроқ солганига ачиниб, ҳар баҳона билан ёғни ўз томонига тортаверди.

— Сен жуда бемеҳр дўст чиқдинг, отам ўлди, келмадинг,— деди ширгуручни ўзига томон бармоғи билан чизиб.— Қизимни чиқардим, келмадинг...

Афанди қараса ҳамма ёғ дўсти томонга оқиб кетаётибди.

— Э, дўстим, бир йилдан бери қишлоғимиз алғов-далғов бўлиб турибди,— деб, ширгуручни аралаштириб юборди Афанди.

ЧАПАК

Афанди қоронғи кечада ўртоқлари билан ошхўрлик қилиб ўтирган эди, бирдан шамол туриб, чироқни ўчириб қўйди.

Улфатлардан бири:

— То чироқ ёқилгунча ош ейиш йўқ! Ҳамма чапак чалиб ўтирсин!— деди.

Афанди тиззасини яланғочлади-да, уни бир қўли билан шапата-лаб ўтириб иккинчи қўли билан ош устидаги гўштни паққос туширди.

ҚУТҚАЗГАНГА МУКОФОТ

Афанди бир дўсти билан дарё бўйида келаётиб: «Кимки ғарқ бўлаётган одамни қутқариб қолса, эллик танга мукофот берилади», деган ёзувни кўриб қолдилар.

— Мен сувга ўзимни ташлаб, дод солиб фарқ бўлгандек, кўринаман, одамлар тўпланиши билан сиз мени қутқазган бўлиб, эллик тангани олиб, бўлиб оламиз, — деди очкўз шериги.

Афанди унинг маслаҳатига рози бўлди. Шериги дарёга ўзини ташлади. Одамлар тўпланди. Уртоғи бечора ҳар қанча дод солса ҳам Афанди бепарво турар эди. Охири у:

— Қутқаз, тангаси қуриб кетсин, чиндан ҳам фарқ бўлаяпман, — деб қичқирди.

— Хотиржам бўл, сен ёзувнинг остидаги хатни ўқимаган экансан, — деди Афанди. — Унда: «Фарқ бўлиб ўлганни олиб чиққанга юз танга берилади», дейилган.

ЁМОН КОВУШ

Афанди ариқ тепасидаги қилкўприқдан ўтаётган эди, ковушининг бир пойи ариққа тушиб, оқиб кетди. Афанди уни олиш учун шунча ҳаракат қилди, бўлмади, ноилож:

— Ўзи ҳам паст мато, тор, оёғимни ғажиб келаётган эди, заб иш бўлди-да, оқиб кетди, — деди.

Афандининг бу гапларини эшитган ҳамроҳи ажабланди.

— Аттанг, бежиримгина, янги ковуш экан-а?

— Ёмон дедим, ёмон! — деди тутақиб Афанди. — Яхши ковуш бўлса, жуфтини ташлаб кетармиди!

ОМОНАТ

Афандининг елкасига каттакон бир мушт тушиб, ўпкаси узилгудай бўлди. Қайрилиб қараса, барваста бир одам.

— Хўш, биродар, бу қанақа қилиқ бўлди? — деди Афанди.

— Узр, мен сизнинг орқангиздан ўз ўртоғим дебман, — деди у одам.

Афанди индамай йўлига кетди, гузарда биров билан гаплашиб турган бояги одамнинг дўстини кўриб қолди-ю, орқасига ўтиб бир мушт урди.

— Бу қанақа қилиқ? — Чўчиб тушиб сўради у киши.

— Олинг омонатингизни, омонатга хиёнат қилмайман, — деди Афанди.

БЕШ ТАНГА УЧУН

Афандининг бир баққолдан эллик уч танга қарзи бор эди. У бир куни ошналари билан бозорда юрган эди, рўпарасидан баққол чиқиб, иягини силаб, имлама дўқ қила бошлади. Афанди уни кўрмагандай бўлиб, бошқа томонга ўгирилган эди, баққол Афанди ўгирилган томонга ўтиб, яна имлама дўқ қилди.

Афандининг жаҳли чиқиб, баққолни чақирди.

— Сендан қанча қарзим бор?

— Эллик уч танга, — деди баққол.

- Хўп, — деди Афанди, — эртага келиб йигирма саккиз тангасини ол, индинга йигирма тангасини, энди беш танга қолади-а?
- Балли! — деди баққол.
- Азбаройи худо! — деди Афанди. — Сенда инсоф деган нарса борми? Беш танга учун одамни шунча шарманда қиласанми!

ҚАРҒАНИНГ УМРИ

Афанди овчидан бир қарғани соғиб олди. Йўлда бир ошнаси учраб:

- Афанди, қарға нимага керак бўлиб қолди? — деб сўради.
- Афанди жавоб берди:
- Қарға минг йил яшайди дейдилар, ростмикан, синаб кўрмоқчиман.

ОСОҢ ЧОРА

Афанди эшагига тескари миниб муллаваччалар билан йўлга чиқди.

Муллаваччалар ҳайрон бўлиб ундан сўрашди:

- Афанди, бу нима қилганингиз?
- Эшакка тўғри минсам, — деди Афанди, — орқам сизларга бўлиб, одобсизлик қилган бўлман, сизлар менинг олдимга тушиб олсаларинг, сизларнинг орқаларингиз менга бўлиб, одобсизлик қилган бўласизлар, шунинг учун эшакка тескари миниб қўя қолдим.

ҚУЛОҚ КЕРАКМИ?

Афанди сартарош эди, бир куни унинг олдига ўртоқларидан бири соч олдиргани келди. Афанди унинг сочини олаётиб, қулоғининг олдига келганда:

- Қулоғинг керакми? — деб сўради.
- Керак, — деган эди, Афанди: «Мана керак бўлса», деб унинг қулоғини шартга кесиб қўлига берди.

Бир оздан кейин Афанди дўстининг иккинчи қулоғини ҳам ушлаб:

- Қулоғинг керакми? — деб сўради.
- Дўсти, керак десам, қулоғимни кесиб қўлимга беради, керак эмас дея қолай деб: «Керак эмас», деди.

Афанди дўстининг бу қулоғини ҳам шартга кесиб кўчага улоқтирди.

ЯЙЛОВ

Афанди умрида кўл кўрмаган эди. Ўртоқлари бир куни уни кўлга олиб боришди. Афанди сув тагидаги кўкатларни кўриб:

- Агар сув босмаганда, кўп мол боқадиган яйлов экан-да, — деди.

СУРБЕТ

Афанди яқин дўстларидан бирига хат ёзиб турганида, орқадан бир одам келиб, унинг ёзаётган хатини ўқийверди. Буни сезиб турган Афанди хат охирига: «Азиз дўстим, сенга кўп гапларни ёзмоқчи эдим, лекин ҳозир сурбет бир одам орқамда туриб, ёзганларимни ўқиб турибди», деб қўшиб қўйди.

Буни кўриб бояги одам ғазабланиб:

— Нега мени ҳақорат қиласиз, қачон мен сизнинг хатингизни ўқидим! — деб дағдаға қилди.

— Ўқимаган бўлсангиз, сизнинг тўғрингизда нима ёзганимни қаёқдан билдингиз? — деди Афанди.

НАВБАТ КЕЛГУНЧА...

Афанди кўчада кетар эди, бир дўсти сўради:

— Ҳа, Афанди, йўл бўлсин?

— Табибга кетяпман, — жавоб берди Афанди.

— Соппа-соғсиз-ку, ахир?

— Э, биродар, навбат келгунча касал бўламан-да!

АТТАНГ...

Ошнасининг қирчанғи эшаги ўлганини эшитиб Афанди таъзияга борди.

— Жонивор семирмай ўлдими, — деди Афанди.

— Ҳа, ажали етган экан, ҳаром ўлди, — афсусланди эшак эгаси.

— Аттанг! — деди Афанди. — Ҳаром ўлган бўлса, гўштини тузлаб ололмагандирсан ҳали?

ДАРЁГА ЎТ КЕТДИ

Афанди бир лофчи билан кетаётган эди. Гузарда бир тўда одамлар тўпланиб туришган экан. Лофчи одамларни лақиллатмоқчи бўлиб:

— Биродарлар, огоҳ бўлинглар, дарёга ўт кетди! — деди.

Ҳайрон бўлган одамлар Афандидан сўрадилар:

— Афанди, дарёга ўт кетгани ростми?

Афанди жавоб берди:

— Дарёга ўт кетганини аниқ кўрмадим-у, лекин йўл устида одамлар куйган балиқларни сотиб ўтиришибди.

ҲИНДИСТОН ВА ТАНДИР

Афанди шеър ёзиб бир ўртоғига кўрсатган эди, у танқид қилди:

— Шу ҳам шеърми, ҳеч жаҳонда «Ҳиндистон» сўзига «тандир» сўзи ҳам қофия бўладими?

— Сен шеърни тушунмас экансан,— деди Афанди аччиғла-
ниб. — Нега қофия бўлмасин, у ҳам иссиқ, бу ҳам!

АФАНДИ ВА АЛДАРКЎСА

Бир куни Афанди билан Алдаркўса ҳарифона ош қилишди.
Алдаркўса Афандини алдамоқчи бўлиб:

— Ош дам егунча жиндай мизғиб олмаймизми?— деди. Афанди кўнди. Ётишди. Афандини ухлатмоқчи бўлиб Алдаркўса ўзи ухлаб қолди. Афанди секин туриб ошни сузди ва пок-покиза еб, қозонга сув қуйиб қўйди.

Алдаркўса уйқудан кўзини очиши биланоқ, Афандини уйгоқ кўриб, мақтана кетди.

— Қизиталоқ пошшо тушимда ҳам мени тинч қўймайди, туш кўрибман: тушимда пошшо ҳол-жонимга қўймай, саройга судраб борди. Зиёфат устига зиёфат...

— Ҳа,— деди Афанди,— ўша тушингизга мен ҳам кирган эдим, қарасам: оғзи-бурнингиздан овқат тиқишаётибди. Менга ҳеч ким қарамади. Қайтиб келдиму ошни ғарибчасига сузиб, ғарибчасига эдим. Қорнингиз тўқ келарсиз деб, сизга аччиқ чой дамлаб қўйган эдим, олиб келайми?

МАЗАХ

Ошналари Афандини мазох қилмоқ учун қўлига танбур бериб, бирор нарса чалиб беришни илтимос қилдилар.

Афанди нохунни бармоғига илди-да, парда босмасдан зўр бериб чала бошлади.

— Танбурни ҳам шунақа чаладимми?— деди улфатларидан бири.

— Ахир, ёқимли куй чиқадиған пардани босиш керак-да!— деди иккинчиси.

Афанди жавоб берди:

— Танбур чалишни билмаған одамлар пайпаслаб парда ахтариб юрадилар. Мен ўзимга керакли куйни парда босмасдан ҳам топиб олдим.

ГИЛАМНИНГ ЯМОҒИ

Бир лофчи Афандининг уйига кириб деди:

— Сизга бир гиламни совға қилиб келтирдим, унинг бир учи шу ерда бўлса, иккинчи учи ҳали Туркманистонда турибди.

Афанди унга дарҳол жавоб берди:

— Раҳмат, яхши иш қилибсан, меҳмонхонадаги гиламнинг озгина ерига ўт тушиб куйган эди, сен совға қилган гиламни ўшанга ямоқ қиламан.

ЎҒЛИМ ЁДИМГА ТУШДИ

Афанди билан чандишгани машҳур бир лофчи келиб, уни чақирди. Афанди уйдан чиқиб сўради:

— Мен билан чандишаман дейсан, ёшинг нечада?

— Одам Атодан етти мучал каттаман,— деб жавоб берди лофчи.

Бу жавобдан Афанди ҳўнграб йиғлай бошлади.

— Нега бунчалик тўлиб йиғлайсиз?— сўради лофчи.

— Сен туғилган йили менинг бир уйлик-жойлик ўғлим ўлган эди, шу эсимга тушиб кетди,— деди Афанди.

БИР ЧАҚА ҚОЛМАС ЭДИ

Афанди дўсти билан аравада келар эди, чарчаб ухлаб қолди. Дўсти, билса ҳазил, билмаса чин, ухлаб ётибди-ку, деб Афандининг чўнтагидан пулини олиб қўйди ва Афанди уйғонгач:

— Бугун мен жуда хурсандман,— деди.

— Шундай хурсандчиликдан бир-икки марта бўлса, менинг ёнимда бир чақа ҳам қолмас экан,— деди Афанди.

БИСМИЛЛОСИЗ ҲАМ ТҮЯСИЗ

Афанди бир мулла билан ошна бўлиб қолди. Қуларнинг бирида Афанди уникига меҳмон бўлиб борган эди, чақалоқнинг кафтидай ликобчада ош олиб чиқиб, икки гапнинг бирида, бисмилло деб есангиз, тўясиз, деяверди. Бу гап Афандига қаттиқ тегди.

Бир куни ўша мулла Афандининг уйига меҳмон бўлиб келган эди, Афанди катта сопол товоқни тўлдириб ош сузиб чиқди-да:

— Қани, олинг, тақсир, ош кўп, бисмилло демасангиз ҳам албатта тўясиз,— деди.

БУ ЕРГА ҲАМ ЕТИБ КЕЛИБСАН-ДА

Афанди гўжа ошдан ниҳоятда зериккан эди. Ош қилдириб ейиш мақсадида у бир ўртоғиникига меҳмонга борган эди, у ҳам гўжа олиб чиқди. Афанди унга қараб айтди:

— Жонивор, сендан қочиб келган эдим, бу ерга ҳам мендан олдин етиб келибсан-да.

ТОРТИНЧОҚЛИГИНГИЗНИ ЯХШИ КУРАМАН

Камбағалчилик Афандини сичқонга кепак олдирмайдиган даражада хасислаштириб юборган эди. У қишлоқдаги бир дўстиникига бориб, бир ҳафта меҳмон бўлиб, қайтишида уни уйига таклиф қилиб келди.

Бир куни Афанди бозордан келаётган эди, ўша дўсти кўришиб қолди, таклиф қилсам, бориб қолармикан, деган юз андишалар билан у:

- Кутавериб кўзимиз тўрт бўлди-ку, қани, уйга! — деди.
- Йўқ, дўстим, зарур ишим бор, бошқа вақтда бораман, — деди дўсти.
- Сизнинг шундай тортинчоқлигингизни яхши кўраман, — деди Афанди.

ЕЛКАСИДА БОШИ БОРМИДИ?

Афанди бир ўртоғи билан бўри овига чиқди. Улар катта бир бўрини қувиб боришган эди, бўри уясига кириб кетди. Ўртоғи қизиқиб, бўри уясига суқилиб белигача кирди. Афанди узок кутди, у қимирламади. Охири уни тортган эди, бўри уядан ўртоғининг бошсиз танаси чиқди. Афанди чопганича ўртоғининг уйига бориб, унинг тоғинидан сўради:

— Эринг бугун эрталаб уйдан чиқиб кетаётганда, елкасида боши бормиди?

ҲОЛВОЙТАР

Афанди бир куни ўртоқлари билан суҳбатлашиб ўтирган эди, ҳар хил овқатлардан ган бошланиб кетди. Афанди бирдан ҳасрат қилиб қолди:

— Бир ҳолвойтар егим келади-ю, аммо ҳеч вақт иложи бўлмайди.

— Нега иложи бўлмасин? Осонгина таом-ку!

— Осонликка осонку-я, аммо мен ун топсам, ёғ бўлмайди, ёғ топсам, шакар бўлмайди. Ҳаммасини топганимда ўзим бўлмайман, — деди Афанди.

БИР ТАНГА ФОЙДА

Афанди ёшлигида бир ўртоғи билан савдогарчилик қилмоқчи бўлди. Улар қишлоқдан сут, қаттиқ олиб келиб бозорда сотишди-да, пулига бир қовоқ шинни сотиб олдилар. Бир танга орғиб қолди, уни Афанди олиб, шиннини навбатлашиб кўтарадиган бўлдилар.

— Шиннини қишлоққа олиб бориб сотса, у ердан қаттиқ-сут оламиз. Уч-тўрт марта шундай қилсак, бой бўлиб кетамиз, — деди ўртоғи.

— Шиннидан бир ялаб олай? — деб ялинди Афанди.

— Пул тўла, сўнг ялайсан! — Жиддий деди ўртоғи.

Афанди бир тангани тўлаб шиннидан ялади ва уни ўзи кўтарди. Ўртоғи ҳам шинни яламоқчи бўлган эди, Афанди ҳам пул талаб қилди. Уша бир тангани Афандига қайтариб, ўртоғи ҳам шиннидан бир ялаб олди. То улар қишлоққа етгунларича тангани навбатма-навбат бир-бирларига бериб, шинни ялашар эдилар. Қишлоққа етиб келиб қарашса, шинни тугабди. Ўртоғи ҳайрон бўлиб Афандидан сўради:

— Ия, шинни ялаганга ҳам тамом бўлар экан-а?

— Хотиржам бўл, дўстим. — Таскин берди Афанди. — Бир танга фойда қилдик-ку!

ЭШАКДАН ҚАРЗДОРМАН

Бир дўсти Афандига эшак сотган эди. У бозорда эшак билан юрган Афандини кўриб сўради:

— Эшак семиз эди, жуда хароб қилиб юборибсиз-ку, ем бер-маяпсизми?

— Йўғ-э! — деб жавоб берди Афанди. — Ҳар куни ўн қадоқдан арна беряпман.

— Сира ўн қадоқдан арна еганга ўхшамайди-ку?

— Тўғри, — деди Афанди. — Ҳақиқатан ҳам мен бунга ўн қадоқдан арна бермоқчи бўлган эдим, ҳозирча ишларим юришмай, уни ўз вақтида беролмадим. Мендаги қарз сира куймайди, ишларим юришиб кетиши билан эшакдан бўлган қарзим ҳам тўлаб юборилади.

АФАНДИ-ДАЛЛОЛ

Афандининг ўртоқларидан бири муҳтожликдан боғини сотмоқчи бўлиб қолди. Боғ атрофида харидорлар уймаланиб қолишди. Бир хасис бой Афандига келиб:

— Дўстингнинг боғини бир оз нархини наслатиб, менга олиб бер! — деди.

— Уртоғим боғига жуда паст баҳо қўйди, ундан ҳам наслатиш-инсофдан эмас, — деб жавоб берди Афанди.

— Сенинг ишинг бўлмасин! — Жеркиди бой. — Ҳозир унга пул керак, неча пул десанг, йўқ демай бераверади.

Афанди бойнинг виждонсизлигидан нафратланса ҳам, баҳосини пишириб, боғни унга олиб беришга ваъда берди.

Афанди боғ эгасининг уйига кетиб, икки соатчадан кейин қайтиб келди.

— Нима бўлди? — деб шошиб сўради бой. — Нархини наслата олдингми?

— Озмунча ҳаракат қилмадим, охири нархини арзонлаштирдим, — деди Афанди.

— Неча пулга баҳолашдинг?

— Сиз айтган баҳога битишдим-да, кейин пул топиб, боғни сизга сотмаслик шарти билан унга бериб келдим, — деди Афанди.

ОТА ВА УҒИЛ УЧРАШУВИ

Афанди дўсти билан бозордан келишадиган эди, йўл устида мушгашадиган икки кишини кўриб қолишди.

— Юринг, ажратиб қўяйлик, — деди дўсти.

То улар етиб келишгунча уришадиганлар ажралишиб кетишди-да, улардан бири:

Энди билсам, сен ҳақиқий эшак экансан! — деди.

— Мен эшак бўлсам, сен хўтик бўласан, аҳмоқ! — деди иккинчиси.

Афанди дўстининг қўлидан тутиб етаклар экан:

— Юринг, бу ерда ота-ўғил уришиб қолишибди, уларнинг ўртасига тушиб бўлмайди, — деди.

ЁЛҒОН ВА ЁЛҒОНЧИЛИК

Қиш кунларининг бирида меҳмонхонада жўралар гап ейишар эди. Улар орасида бир маҳмадона бўлиб, у ҳеч кимга гап бермай, ёлғонни устма-уст қалаб ташлади:

— Биз жуда бой эдик, отамнинг ҳисобсиз йилқилари бор эди. Улар учун шундай катта отхона қурган эдикки, янги қочирилган биялар унинг бир бошидан кирса, иккинчи бошига етгунча қулунлар эди.

Одамлар орасида жимгина ўтирган Афанди гап шу ерга келганда деди:

— У тўғри айтади. Мен ҳам ўша отхонани кўрганман, отам буларникида от боқарди. Отамнинг от ҳайдайдиган шундай узун калтаги бор эдики, ҳатто йилқилар далага чиққанда ҳаво булутланиб қолса, ёмғир ёғиб қолмасин деб, ўша калтак билан булутларни ҳам ҳайдаб юборар эди.

Афандининг масхара қилаётганини сезган ёлғончи унга пичинг қилди:

— Афанди, ёлғон ҳам эви билан-да, отангизда ўшандай калтак бўлган деб фараз қилайлик, айтинг-чи, уни қаерда сақлар эди?

— Ие, қаерда эмиш-а, отангизнинг ўша сиз айтган отхонасида сақлар эди-да! — деб жавоб берди Афанди.

СЕН ҲАМ ТЎРГА ЧИҚ

Ўртоқларидан бири Афандини уйга таклиф қилди. У меҳмонхонанинг тўрида ўтирган эди, эшон кириб келди. «Қани, тақсир, буёққа ўтсинлар», деб унга ўз жойини бўшатиб берди. Имом-домла кириб келди. Унга ҳам жой бўшатиб, ўзи сал пастроққа ўтирди. Кейин элликбоши, бирмунча боёнлар кириб келишди. Афанди, қани юқорига, юқорига, деб уларни ҳам тўрга ўтказиб юборди. Бундоқ қараса, ўзи пойгакда қолиб кетибди. Афандининг диққати ошиб турган эди, эшикдан бир кўпшак ит мўралади. Иккала қулогидан чўзиб уни ҳам ичкарига тортди-да:

— Бор, сен ҳам тўрга чиқ! — деди.

МЕН ҚИСҚА ЖАВОБ БЕРАМАН

Афанди кишиш еб ўтирган эди, бир ўртоғи келиб сўради:

— Афанди, нима еяпсиз?

— Шундай... — жавоб берди у.

— Шундай деганингиз нимаси, шу ҳам жавобми? — Упкалади ўртоғи.

— Мен қисқа гапираман.

— Гапингизга тушунмадим.

— Сен нима ейишимни сўрадинг. «кишмиш» деб жавоб бердим. Энди «менга ҳам беринг?» дейсан. «Йўқ, бермайман», дейман, «Нега», деб сўрайсан. «Шундай», деб қисқа жавоб бериб қўя-қолдим, — деди Афанди.

ИЧИМГА КЕТИБ ҚОЛМАСИН

Афандиникига ҳазилкаш ўртоқларидан бири меҳмон бўлиб келди. Афанди уни роса зиёфат қилди, ҳатто чойни ҳам косада узатди.

— Афандим, менга арқон берсангиз, — деди меҳмон.

— Ҳа, арқонни нима қиласиз?

— Узимни боғлаб қўяман. Тағин косанинг ичига тушиб кетмай...

Орадан бир неча кун ўтгач, Афанди ҳам уникига меҳмон бўлиб борди. Дўсти жўртага унга кичкинагина пиёлада чой узатди.

— Менга арқон беринг, — деди Афанди.

— Ҳа, сиз ҳам ўзингизни боғлаб қўймоқчимисиз?

— Йўқ, ўзимни эмас, пиёлани боғлаб қўймоқчиман. Тағин ичимга кетиб қолмасин...

ЭСКИ ЧОПОНИМ ЙЎҚ-ДА

Афанди ясаниб-тусаниб, тўйга кетаётган эди. Бир жонажон ўртоғининг эшаги устида юки билан лойга ботиб ётган экан. Ўртоғи уни турғизолмай, хуноби ошиб турган экан. Афанди уни кўрса ҳам, кўрмасликка олиб ўтиб кетаверди. Буни бир киши кўриб:

— Афанди, сизнинг одамгарчилигингиз йўқ экан-ку! Бўлмаса шу одам сизга энг қадрдон ўртоқ бўлади-я! Лоақол: «Ҳа, нима бўлди?» ҳам демайсиз-а! — деди.

— Эски чопоним йўқ-да, бўлмаса айтардим.

— Ие, ҳол-аҳвол сўрашга чопоннинг нима дахли бор?

— Ҳол-аҳвол сўрашнинг ўзи бўлади дейсизми? Бундоқ лойга тушиб, қарашвориш керак-да...

ЧИЛИМКАШНИНГ УЧ ЮТУҒИ

Афанди чойхонада беш-олти одам билан суҳбатлашиб ўтирган эди, чилимдан гап очилиб қолди. Суҳбатдошлар чилимни ёмонлай бошладилар.

— Ҳадеб ёмонлайверманглар, — деди Афанди. — Чилимнинг афзал томонлари ҳам бор.

— Афзал томонлари қандай?

— Бирламчи, чилимкашни ит қопмайди. Иккиламчи, унинг уйини ўғри босмайди, учламчи, ўлганидан кейин Мункарнакир сўроқ қилмайди.

Сухбатдошлар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қараб олдилар-да, Афандидан бунинг сабабини суриштиришди.

— Ит қопмаслиги шунданки, чилимкаш доим икки букчай-ганича таёққа таяниб юради. Таёқдан ҳайиққан ит унинг яқинига ҳам йўламайди. Уйини ўғри босмаслигининг сабаби шундаки, у тонг отгунча ўхў-ўхўлаб йўталиб чиқади.

— Хўш, ўлгандан кейин Мункарнакир нега сўроқ қилмайди.

— Мункарнакир чилимкашнинг мурдасини кўради-да: «Ҳа, бу қирқ йил олдин кўмилган ўлик экан», деб сўроқ қилмай қайтиб кетади,— деб жавоб берди Афанди.

ИККИ ХОТИНЛИКНИНГ ҚУЛОҒИ ТИНЧИМАС

Афанди доимо покиза юрар, эғнидаги яктаги қачон қараса қордай оппоқ бўларди. Бунга бир ўртоғининг ҳаваси келди:

— Афанди, қойилман-да, сизга. Яктагиниз ҳамиша оппоғ-а!

— Сен ҳам икки хотин олсанг шунақа бўлади. Хотининг иккита бўлса, эримга яхши кўринай, деб иккаласи бир-биридан ўзишга интиларкан. Бири кўйлакни ювса, бири яктакни юваркан. Ҳатто соқолингни ҳам қириб қўйишаркан.

«Дарвоқе тўғри,— деб ўйлади ўртоғи.— Бир хотини қайси бир ишни қилиб улгуради. Шунинг учун ҳам эғнимдан доимо кир кўйлак, кир яктак тушмас экан-да!..»

Орадан кўп ўтмай, у хотини устига яна бир хотин олди. Энди аввалгидан ҳам бешбатгар бўлди: кийимларининг ёғи чиқиб кетган, ёқавайрон бўлган, тугмалари тушган, уст-боши йиртилган... Кийимимни тикиб, ювиб бергин, деб бир хотинига айтса, суйганингиз қилсин, дерди, иккинчисига айтса, бойвуччангиз қилсин, дерди. Бунисиям майлия, кунига жанжал-тўполондан боши чиқмай қолди.

Бир куни Афандининг уйига бориб, эшигини тақиллатди. Афанди, ҳозир, деганча, жим бўлиб кетди. Орадан ярим соат ўтдиёмки дарак бўлмади. Ўртоғи яна тақиллатган эди, ҳозир, деганча жимиб кетди. Ҳадеб тақиллатавергач, Афанди чиқди. Унинг енг-лари шимарилган, икки қўли совун кўниги эди.

— Нима бало, қар бўлганмисиз?!— Тажанг бўлди ўртоғи.

— Кечирасан, кир юваётувдим...

— А, ўзингиз-а?

— Ҳа, ўзим бўлмай ким бўлсин?! Ҳар доим кирни ўзим юваман. Йўқса, хотинларим сансалорлик қилаверар, ўзим сенга ўхшаб исқирт бўлиб юраверар эдим-да! Сир бой бермаслик учун сенга мақтанган эдим,— деди Афанди.

ПАНД ЕЙСИЗ

Афанди бир ўртоғи билан йўлда кетаётган эди, тушиб ётган бир чақмоқ қандни кўриб қолишди. Ҳар иккаласи унга баробар

ташланишди. Бироқ Афанди эпчиллик қилиб, қандни дўстидан аввалроқ илиб кетди.

— Биз билан юрсангиз, қанд ейсиз,— деди хижолат бўлган ўртоғи.

— Биз билан юрсангиз панд ейсиз! — деб жавоб берди Афанди.

БАЛИҚЗОДА

Афанди такяхонада кўкнорилар билан улфатчилик қилишар эди. Ёзнинг иссиқ кунларидаги улфатчиликларнинг бирида бир кўкнори:

— Кун ортиқча исиб кетди, қандай қилиб салқинлаяпсизлар? — деб сўради.

— Пақирни миҳга илиб, ичига тўлатиб сув қуйиб, пақирнинг тагини уч-тўрт еридан бигизда тешиб, шунинг тагидан югуриб ўтиб салқинладим,— деди иккинчи кўкнори.

Афанди унга қараб айтар эди:

— Сувга шунчалик ботирлик қилсанг, ота-бобонг балиқ ўтган экан-да!

ДУОСИ ҚАБУЛ БЎЛСА

Афанди бир куни маҳалла масжиди олдидан ўтиб кетаётса, кучукка нон ташлаётган бир ошнасини кўриб қолибди.

— Мана, жонивор, буни еб, мени бир дуо қилиб юбор-чи!

Афанди унга:

— Биродар! Кучукнинг дуоси нима бўларди?

— Эй, Афанди! Ҳамма махлуқлардан кучукнинг дуоси яхши тегар экан, домла шундай дедилар. Бунинг савоби катта эмиш.

Афанди эса:

— Агар кучукнинг дуоси қабул бўлса, сизнинг ишингиз хуржун-ку!

— Нимага хуржун бўларкан?

— «Сен ҳам мендек бўлгин», деб дуо қилиб юборса-ю, бирдан дуоси қабул бўлса борми, сизнинг ҳам томга чиқиб вовиллаганингиз-вовиллаган бўларкан-да! — деди Афанди.

ТҶН ИЧИДА ҶЗИМ ҶАМ БОР ЭДИМ

Насриддин Афанди бир дўстиникига кириб бораётиб, муз устида «гуп» этиб йиқилди. У ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғини қоқаётган эди, эшик очилиб, Афандининг дўсти чиқиб қолди:


— Ҷа, мулла Насриддин,— деди у,— бир нима йиқилгандек бўлдимми?

— Йўқ, тўним ерга тушиб кетди,— деди Афанди.

— Ия, тўн ҳам гурсиллаб тушар эканми?

— Ҷа, тўннинг ичида ўзимиз ҳам бор эдик,— деди Афанди кулиб.

АҲАНДИ ВА БОЛАЛАР





БАЛИҚ ОВИ

Афанди бир куни кўлга балиқ овлагани борди. Ёнига пақирчани кўйиб, сувга қармоқни ташлади. Бироқ Афанди кўлга ёлғиз келмаган, унинг орқасидан анчагина болалар ҳам пойлаб келган эдилар. Афанди балиқни ушлаб пақирга ташлар, унинг орқасида яшириниб турган болалар эса пақирга тушган балиқни секин олиб турар эдилар. Афанди кечгача ўтириб, йигирма-ўттизгача балиқ ушлаб пақирга солди. Энди бўлди, деб ўрнидан туриб, қармоқни йиғиштириб, пақирга қараган эди, унда бирорта ҳам балиқ йўқ. Афанди жаҳл билан кўлга қараб айтди:

Кўруқ келиб турув жетяпман.
 «Мен бермаганми яраша Афанди
 ҳам ҳеч нарса бермади», деб
 мендангина қилиб юрма
 Ми, шунга бунга ва... деб
 кўлга пақирчани
 ташлаб унинг
 жўниди.



ТЕШИК ҚОЛАДИ

Мактабда Афандидан домласи сўради:

— Насриддин! Тўртдан тўртни олса, нима қолади?

Афанди жавоб беролмади.

— Масалан, чўнтагингда тўрт танга пул бор эди, шу пул чўнтагиндан тушиб қолса, нима қолади?

— Нима қолар эди, танга тушиб кетган тешик қолади,— деб жавоб берди Афанди.

УЗАЙҒАН КУН

Афанди мактабда ўқиб юрган эди, домласи бир куни ундан сўради:

— Насриддин! Кун неча соат?

— Бу кун йигирма беш соат,— деб жавоб берди Афанди.

— Йигирма тўрт соат! — деб домла ўшқирган эди, Афанди яна бўш келмади:

— Кеча, кун бир соат узайди, деб айтмадингизми? — деди Афанди.

ЗАҲАР

Афанди домласининг хужрасида ўтирган эди, биров бир коса асал олиб келди. Домла косани хужранинг тўридаги тоқчага сўяр экан, Афандига тайинлади:

— Бу косадаги заҳар, киши еса тил тортмай ўлади.

Домла ташқарига чиқиб кетган эди, Афанди дарҳол унинг гулдор мис қаламдонини уриб пачақлади, кейин тоқчадан асал турган косани олиб, пайшанбалик нонлар билан, пок-покиза туширди, косани ялаб, жойига қўйди. Домла келиб қараса, коса бўшаб қолибди. У Афандидан сўради:

— Буни ким еди?

Афанди пачақланган қаламдонни кўрсатиб жавоб берди:

— Тақсир, қаламдонингизни билмасдан босиб олиб, пачақлаб қўйдим, кўрққанимдан нима қилишимни билмай, домла келгунча олиб қўя қолай, деб ўша косадаги заҳарни қатра қўймай едим. Зироқ ҳали ҳам ўлмаётиман.


ГУДАКЛАРНИНГ ДУОСИ

Афанди кўчада ўтирган эди, мактабнинг домласи болаларни олиб ўтиб қолди.

— Болаларни қаёққа олиб кетяпсиз, Домла? — деб сўради Афанди.

— Худодан ёмғир сўрагани болаларнинг дуоси бўлди, — деди домла.

— Гудакларнинг дуоши шикобат бўлди, — деди Афанди. Ушунга юрта мактабда домла тушиб қолмас эди.



ДОДЛАШИБ ТУРДИМ

Афанди талаба эди. Бир куни мактабга келмай қолди.

Эртасига домла чақириб, тергай бошлади:

— Кеча мактабга нега келмадинг?

— Иш чиқиб қолди.

— Қандай иш?

— Акам саргарошхонага тиш сугуртиргани борган эди, бирга бордим.

— Тиш олдирадиган аканг, сен нега бординг?

— Акам билан додлашиб турдим, — деб жавоб берди Афанди.

РУЗА ОЧИЛМАЙДИМИ?

Афанди мактабда болаларга кун бермас эди. Рамазон ойида домласи кўкнорига хумори бўлиб, жони чиқиб юрган эди, Афанди яна шўхлик қилди.

— Насриддин, жим ўтирасанми, йўқми ёки калтак егинг келяптими? — деди у.

Афанди ўрнидан туриб, қўл қовуштириб, одоб билан деди:

— Калтак еса, рўза очилмайдими?

БУЗОҚНИНГ АРАБЧАСИ

Афанди мадрасада арабча ўқир эди. Домласи бир куни уни имтиҳон қилмоқчи бўлиб сўради:

— Афанди, араблар бузоқни нима дейди?

— Араблар бузоқ сигир бўлгунча сабр қиладилар, сигир бўлгандан кейин бақар дейдилар, — деб жавоб берди Афанди.

ЎШАНДОҚ УЙИМГА КЕТАМАН

Афанди бир кун йўлда кетаётиб, ўйнаб юрган бир тўда болаларга дуч келибди. Афанди ўзича, шу болаларни бир синаб кўрмаймани, дебди.

Келиб болаларга дебди:

— Ҳой, болалар! Ҳув анови ерда бир рўмол ёнғоқ сочилиб ётибди, олмайсизларми?

Болалар Афандининг ганига ишониб бориб қарасалар, ҳеч нима йўқ экан. Болаларга бу таъсир қилибди. Улар ҳам, Афанди ўтганда биз ҳам бир синаймиз, дейишибди.

Бир куни Афанди яна шу кўчадан ўтаётганда, чумчуқ боласини олиб беринг, деб дарахтга чиқариб юбориб, калишини олиб қочамиз, деб ўйлашибди болалар.

Буни сезиб қолган Афанди:

— Хўп, — дебди-да, дарахтга чиқа бошлабди. Лекин аввал калишини ечиб, белига қистириб олибди.

Шунда болалар:

Эй, Афанди! Калишингизни қолдиравермайсизми? дейишган экан, Афанди:

— Йўқ, агар шу теракнинг учидан йўл топсам, ўшандоқ уйимга ўтиб кетаман, — деб жавоб берибди.

РОСТ ШЕКИЛЛИ

Афанди бир куни кўчадан ўтиб кетаётганда, анча болаларнинг ўйнаётганини кўриб қолибди. У болаларни ўйиндан чалғитиш учун уларга қараб:

— Болалар! Теракнинг учида ўт ёниб турибди, — дебди.

Шунда болалар ўша томонга югуришибди. Афандининг ўзи ҳам:

Рост шекилли, — деб болаларнинг ортидан югуриб кетибди.

МЕН ҲАМ ЁНҒОҚДАН ҚОЛМАЙ

Афанди кетаётганда, бир тўп болалар ўйнаб турган жойдан чиқиб қолди. У болаларни бир синамоқ учун уларнинг олдига бориб:

— Болалар, мана бу кўча бошида ёнғоқ қоқиланти, — деди.

Болалар дув этиб, ўша томонга чолиб кетишди. Афанди бўлса:

— Мен ҳам ёнғоқдан қолмай, — деб болаларнинг орқасидан югура кетди.

ОЁҚ ТОПИШ ЙУЛИ

Бир тўда болалар сой лабига ўтириб, оёқларини тиззаларига-ча сувга тиқиб, бир-бирларига кичқиришар эдилар.

Во, менинг оёғим йўқ!

Во, менинг оёғим йўқ!

Шу вақтда сой бўйидан Афанди ўтар эди. Узоқдан болаларнинг галвасини эшитиб, голдан бир хивич узди ва қўлини орқасига қилиб, уларнинг олдига келиб сўради:

— Нима галва қияпсизлар?

— Менинг оёғим йўқ! Менинг оёғим йўқ! — деб болалар яна кичқиришди.

— Оёқларингни топиб берайми? — деб сўради Афанди.

— Ҳа, топиб беринг? Топиб беринг? Тополмайсиз! — деб болалар яна шовқин кўтаришган эди, Афанди хивчин билан уларнинг тиззаларига савалай бошлади. Болалар сапчиб ўринларидан туриб, ҳаммалари ўз оёқларига эга бўлдилар.

УЗИ АЛДАБ КЕТИБДИ

Афандининг маҳалласида бир бола, ҳеч ким мени алдаёлмайди, деб юрар эди. Афанди бир куни ундан:

— Дунёда сени ҳеч ким алдаёлмайдими? — деб сўради.

Йўқ! деди бола..

— Тўхта!— деди Афанди.— Сени алдайдиган болани ҳозир топиб келаман, шу ердан қимирламай тур!

Афанди уни жойида ўтиргизиб, ўзи бадар кетди, иккинчи қайтмади.

Мақтанчоқ бола Афандини кута-кута зерикди. Шу вақт бир ўртоғи келиб қолиб:

— Офтобда нима қилиб ўтирибсан? — деди.

— Афанди, сени алдайдиган болани топиб келаман, деб кетган эди, ўшани кутиб ўтирибман, — деди мақтанчоқ бола.

— Э! — деди ўртоғи.— Афандининг ўзи сени алдаб кетибди.

АДОЛАТЛИ ТАҚСИМОТ

Икки бола кўчада ўйнаб юриб, бир ёнғоқ топиб олди. Бири,— мен оламан,— деди, иккинчиси,— мен оламан,— деди. Шундай талаш билан ёқалашмоқчи бўлиб туриб эдилар, Афанди ўтиб қолди.

— Нима талашяисизлар? — деб сўради Афанди.

Болалар воқеани айтиб бердилар.

— Йўқ эса келинлар, мен ҳар иккиларингга баравар тақсим қилиб берай,— деди Афанди.

Болалар Афандининг таклифига унаб, ёнғоқни унга бердилар. Афанди ёнғоқни пичоқ билан икки бўлди, мағзини олиб бир пўчоқ косани бир болага, бир пўчоқ косани иккинчи болага берди, мағзини ўзи оғзига солиб:

— Бу сизларни рози қилиб тақсим қилганим учун,— деб жўнаб кетди.

ШАФТОЛИ ЭКАНИНИ КИМ АЙТДИ?

Афанди бир халта шафтоли кўтариб, кўчада борар экан, бир тўда болаларга қараб:

— Халтадаги нима эканлигини топсаларинг, битга шафтоли бераман,— деди.

— Халтангиздаги шафтоли,— дейишди болалар.

— Шафтоли эканлигини сизларга қандай бадбахт айтди?— деди Афанди ажабланиб.

ЎЙНАБ ҚОЛДИ

Афанди қишда ёш болалар орасига кириб қолган эди. Унинг бошидан куёнтери телпагини олиб қўйдилар ва телпагингизнинг қундузи мовлан пушакнинг териси, деб масхаралаб, қўлма-қўл бир-бирларига узатиб юбордилар. Афанди шунча уринса ҳам, болалар тутқич бермасдан, телпакни олиб қочар эдилар.

Афанди зарда қилди-да, бошланг уйига жўнади. Афандини йўлда учратган одамлар сўрадилар:

— Телпагингиз қани?

— Уртоқлари билан ўйнаб қолди,— деди Афанди хотиржам.

ТУЯМИДИ

Афанди бир куни кўчадан келаётган эди, икки болани учратди. Улардан бири йиғлаб турар эди. Афанди ундан сўради:

— Нега йиғлаяпсан?

— Анави бола қулогимни тишлаб олди.

— Йўқ, мен тишлаганим йўқ,— деди иккинчи бола.— Ўз қулогини ўзи тишлаб олди.

— Бекор айтибсан!— деди Афанди иккинчи болага.— Туямиди у, ўз қулогини ўзи тишлайди.

МАЗАСИ БИР

Афанди аравага бир неча кажава узум босиб бозорга борар эди. Йўлда бир тўда болалар йўлини тўсиб:

— Узумингиздан бир бошдан беринг!— деб ялиниб туриб олишди.

Афанди қараса, болалар кўп, агар уларнинг айтганини қилса, бир кажава ҳам етмайди. Афанди бир бош узумни олиб, болаларнинг ҳар қайсисига бир ғужумдан берди. Болалар чувиллашиб:

— Бу қандай узум бериш?— дейишди.

Афанди кулиб:

— Узумнинг бир ғужумининг ҳам, бир бошининг ҳам мазаси бир,— деди.

ОЛМУРУТ БЕРСАММИКАН?

Афанди бозордан бир қадоқ ёнғоқ олиб қайтди. Йўлда келаётган эди, олдидан бир бола чиқиб, ассалом, деб таъзим билан салом берди. Боланинг боадаблигига Афанди хўрсанд бўлиб рўмолини ечиб, ундан бир дона ёнғоқ олиб болага берди.

Бола ўйлади: «Бу кишига салом берсанг, бир дона ёнғоқ берар экан. Тўхта, ўртоқларимга айтай», деб кўчадаги ҳамма болаларга хабар берди.

Улар ҳам бирин-кетин югуриб чиқиб, Афандига салом бериб, биттадан ёнғоқ ола бошладилар. Уйга етмасданоқ ёнғоқ тамом бўлди.

Афанди маҳалласининг масжиди олдига борганда, ундан имом-домла чиқиб қолиб, у ҳам Афандига салом берган эди. Афанди афсусланиб айтди:

— Домлапочча, ёнғоқ тамом бўлган эди, сизга олмурут берсаммикан?

ТИРИКЛАЙ КҮМИШ

Афанди бир куни шогирди Жиҳод билан бўри овлагани чиқди. Жиҳод ўзининг ботирлигини кўрсатиш учун бўрини тириклай ушламоқчи бўлиб, унинг уясига кириб кетди. Шу вақтда ташқарида юрган бўри ҳам Жиҳоднинг орқасидан уясига кира бошлади.

Афанди Жиҳоднинг нобуд бўлишидан қўрқиб югуриб бориб, бўрининг думидан ушлаб олди. Бўри бошини уясидан чиқаролмай ўзини ҳар томонга уриб, Жиҳоднинг устига тупроқ тўка бошлади. Жиҳоднинг юраги ёрилиб қичқирди:

— Уста! Нега устимга чиқиб тепкилайсиз? Тириклай кўймоқчимисиз?

— Эй нодон! — деб жавоб қилди Афанди. — Менда-ку бундай ният йўқ. Аммо қўлимдан бўри чиқиб кетса, у сени чинакам тириклай кўмади.

ТУЯ ЭШИҚДАН СИҒМАЙДИ

Афанди ёш бола эди. Кўча эшиги олдида нон еб ўтирган эди, бир киши келиб, уни алдамоқчи бўлди:

— Ўғлим, туяни яхши кўрасанми?

— Ҳа.

— Кел бўлмаса, нонингни туя қилиб берай.

Афанди бир нонга, бир ҳалиги кишига қараб деди:

— Туя эшигимиздан сиғмайди. Қўяверинг, ўзим бўталоқ қилиб оламан.

ХОЛИС ХИЗМАТ


Афанди бола эди. Бир нотаниш киши унинг қўлига йигирма тийин бериб деди:

— Ўғлим, менга битга нон келтириб бер, қолгани ўзингга.

Бир оз ўтгач, Афанди қайтиб келди-да, иссиқ нон ковшаб туриб:

— Мана, ўн тийинингиз, нон биттагина қолган экан, — деб жавоб берди.

АФАНДИ — ДАХРИЙ





ЖУВОЗКАШ ВА ҚҲЙ

Афандидан бир камбагал сўради: — Афандим, ким қурбонликка қўй сўйса, қиёмат куни қилқўтриқдан ўша қўйни миниб ўтар эмиш, шу ростми? — Рост. — Бордию қўй сўйишга қурби етмай, зиғир ёғида ош қилган бўлса-чи?

— Унда жувозкашни миниб ўтади.

Миниб ўтишга қўйдан кўра
жувозкаш маъқулроқ...



АЗОН БИР КУН АЙТИЛСА...

Афанди саҳарда бир мачит олдидан ўтиб кетатуриб қараса, сўфи азон айтяпти, шу ердан кечқурун ўтган эди, қараса, сўфи яна азон айтаётибди.

— Ёпирай, азон бир кун айтилса, намоз неча кун ўқилар экан-а?.. — деди Афанди ажабланиб.

БОШ ЁРИШНИ ЎЗИМ ҲАМ БИЛАМАН!

Афанди ёмғирдан увиган бир иморатнинг орқасида худодан давлат сўраб муножот қилаётган эди, пардевордан бир гувала тушиб, унинг боши ёрилди. Афанди оқаятган қонни этаги билан артар экан, худога хитоб қилди:

— Мен сендан давлат сўраётиман, парвардигор, бош ёришни ўзим ҳам биламан!..

УЛ, БУ КУНИНГДАН!

Афанди умрида мезанани кўрмаган эди, бир катта шаҳарга бориб қараса, сўфи мезанада икки қулоғини ушлаб азон айтарди.

Афанди унга қараб деди:

— Ул, бу кунингдан! Шохи-бутоғи йўқ, силлиқ нарсага чиқишдан олдин тушишни ўйлаш керак эди.

МУРТ РЎЗА

Афанди мактабдорлик қилар эди. Рамазон иссиқ ва узоқ ёз кунларига тўғри келиб, Афанди жуда қийналди, болаларга сабоқ бера туриб, ёнидаги обдастадан муздек сувни икки шимирди.

Буни кўрган болалар ҳар томондан:

— Вой, домла! Домла! Сув ичса рўза очилади, деган эдингиз. Ўзингиз ичаётибсиз! — деб чувиллашди.

Афанди важ кўрсади:

— Мен сизларга ёш рўза тўғрисида гапирган эдим. Ёш рўза ёнги шувалган бўлиб, унча-мунча иссиққа ёрилмайди. Мен тутган рўза қари, иссиққа чидамайди, мўрт бўлади, сув сепиб турилмаса, қуруқшаб очилиб кетади.

КИЕМАТ ҚАЧОН БУЛАДИ?

Бир бош Афандидан сўради:

— Афандим, сиз мулла одамсиз. Айтинг-чи, киемат қачон бўлади?

— Сиз ўлган куннинг эртасига, — деди Афанди, — меросхўларнинг молу мулкни тақсим қиладиган кун бўлади.



АЗИЗЛАР

Афанди Самарқандда ўтган азизларни яхши биладиган катта мулланинг ҳужрасига меҳмон бўлган эди, мезбон кечгача азизлардан гапириб, меҳмонга чой ҳам қилмади.

Қорни очқаб кетган Афанди муллага луқма ташлади:

— Тақсир, ўша азизлар ейишармиди?

ОШИ СОВИБ ҚОЛМАСИН ДЕБ...

Насриддин Афанди уйида ош қилмоқчи бўлиб, қассобдан икки қадоқ гўшт олиб келаётган эди, мадраса олдида ўтирган муллаваччаларга дуч келиб қолди. Улардан бири Афандига:

— Афанди, кўлингиздаги гўштингизни келтиринг, бизда қуйруқ ёғ бор, ош қиламиз,— деди.

Афанди йўқ деёлмай:

— Майли, ош қилсак қилайлик,— деб муллаваччаларга қўшилди.

Барчаси ошга ҳаракат қила кетдилар. Ошни дамлагандан сўнг муллаваччалар ўзаро маслаҳат қилиб, Афандига қандай қилиб бўлса ҳам ош едирмаслик йўлини ахтардилар. Тулқироқ муллаваччалардан бири ўртага тушиб:

— Ҳозир ҳаммамиз ухлаймиз, ким яхши туш кўрса, ўша ош ейди, ёмон туш кўрган ёки туш кўрмаган киши ош емайди,— деди.

Ҳаммалари уйқуга кетдилар. Афанди уларни ухлатиб, аста ўрнидан турди ва қозондаги ошни сузиб, яхшилаб еди, сўнг яна келиб ётаверди. Бир вақт ҳаммалари уйғондилар. Муллаваччалар бир-бирларидан қандай туш кўрганларини сўрай бошладилар. Улардан бири:

— Мен тушимда мударрисимизнинг ўрнига мударрис бўлиб, ўзимизга ўхшаган муллаваччаларни ўқитиб турган эканман, деди.

Иккинчиси:

— Мен тушимда қўлимга қилич-қалқон олиб, майдони ҳарбда жанг қилаётган эканман,— деди.

Учинчиси:

— Мен туш кўрсам, бир боғда қурилган тахта устида ўтирибман, тепамдаги дарахтларда булбуллар, қумрилар сайраб турган экан, шу пайт сизлар уйғотиб юбордингизлар,— деди.

Барчаси бир овоздан, сен яхши туш кўрибсан, дейишди. Шундай қилиб, муллаваччалар ёлгон тушларини айтиб ош ейдиган бўлишди ва Афандидан сўрадилар:

— Сиз қандай туш кўрдингиз, Афанди?

— Мен,— деди Афанди,— агрофга қарасам, бирингиз мударрис бўлиб қолибсиз, муллаваччаларни ўқитишдан қўлингиз бўшамайди; иккинчигиз майдони ҳарбда жанг қилиб юрибсиз; учинчигиз ажойиб гулзордаги тахт устида ўтирибсиз. Шундай қилиб, ҳаммангиз ҳар тарафга кетиб қолган экансизлар. Сизлар қайтиб келганча ош совиб қолмасин деб, эплаб ошни еб қўяқолдим,— деди.

Муллаваҷчаларнинг кайфи учиб, қозонга қарасалар, ҳақиқатан ҳам Афанди ошни еб қўйган экан.

ЖАННАТДА МАЧИТ БОРМИ?

Афанди бир қишлоққа имом бўлиб борган эди, унинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмади.

Бир хатми қуръонда биров Афандидан сўради:

— Афанди, жаннатда мачит борми, йўқми?

Афанди шошиб жавоб берди:

— Аввал мачит бор эди, жаннатга тушган одамлар тезгина намоз ўқиб, имомдан хабар олмай қўйгандан кейин худонинг газаби келиб, мачитни қулфлатиб қўйган.

ХУДОНИНГ ЭШИГИ

Афанди бола-чақасини қишлоқдаги қариндошиникига юбориб, уйда китоб ўқиб ўтирган эди, мачитнинг сўфиси чақириб келди:

— Имом-домла касал бўлиб қолдилар, хуфтон намозига сиз имоматчиликка ўтар экансиз.

Афанди хуфтондан кейин келиб қараса, кўча эшигини ўғри кўчириб кетибди. Афанди ярим кечаси кетмон кўтариб чиқиб, мачитнинг эшигини кўчириб келдию ўғирланган эшик ўрнига қуриб олди. Буни эшитган намозхонлар Афандини қозихонага чақиртиришди. Қози Афандидан сўради:

— Мачитнинг эшигини кўчириб кетгани нечук уялмадингиз?

Афанди жавоб берди:

— Мачит худонинг уйи, мени шу уйга хизмат қилгани чақиритди. Мен чиқиб кетишда ҳовлимни худонинг напoҳига тонширган эдим, худо яхши қарамабди. Шунинг учун худонинг эшигини элтиб омонат қўндириб қўйдим. Худо ўз эшигини топиб берса, мачитнинг эшигини қайтиб бераман.

ХУДО ХОҲЛАСА...

Бир одам Афандидан сўради:

— Ҳар иш худодан, худо хоҳласа бўлади, деган бир ихлос бор. Шунга сиз нима дейсиз?

— Мен ҳам худо хоҳлагани бўлади, дейман. Мен хоҳлаган бўлсам, аллақачонлар мачитни бузиб, қишга ўгин гамлаб олар эдим.

АФАНДИ – СУФИ

Афанди мачит мезанасида пешинга азон айтаётган эди, кўчадан бир киши бақирди:

— Афанди, азонни баландроқ айтинг, яхши эшитилмаяпти!

Афанди азонни ярмида тўхтатиб қулогини ушлаганича жавоб берди:

— Қорнинг тўқ бўлса, ўзинг чиқиб қаттиқроқ айта қол!

ШАЙТОННИНГ АФТИ

Бозорнинг даллоли бир куни Афандидан сўради:

— Афанди, шайтоннинг афти қанақа бўлади?

Афанди жавоб берди:

— Шайтоннинг афтини кўраман десангиз, ойнага бир қаранг!

САЛЛА

Ҳеч салла ўрамайдиган Афанди иттифоқо жаноза ўқиш учун кичкина пашшахонани салла қилиб ўраб, мачитга борган эди, қайтиб киришида ити танимай таламоқчи бўлди.

Афанди саллани орқасига беркитиб деди:

— Кичкина саллага шунақа қиласан, имом-домлани кўрсанг, гўштини бурда-бурда қилар экансан-да!

ЎЗИМ БИЛИБ ИШИМНИ ҚИЛАМАН

Афанди ўғилчаси билан қайиққа тушиб, дарёда саёҳат қилиб юрган эди, бирдан шамол туриб, қайиқни тўлқинлатиб оқизиб кетди. Афанди ўғилчасини кўксига босиб:

— Ё, девонаи Баҳовуддин, мадад қилинг, эсон-омон қуруққа чиқиб олсак, тўққизга шам, бир қадоқ кишмиш, еттита нон садақа қиламан.

Ўғилчаси Афандига деди:

— Уйда ўзимиз қоронғида ўтириб, қаттиқ нонни сувга ивитиб еймиз-ку, сиз шам, кишмиш, нон садақа қиламан дейсиз?

— Жим, эсон-омон қуруқликка чиқиб олайлик, кейин ўзим билиб ишимни қиламан,— деди Афанди.

ЧАП ТОМОНДА ШЕРАЛИ БОР

Афанди бир қишлоққа имом бўлиб бориб, намоздан кейин доимо олдин чап томонига, кейин ўнг томонига салом бериб юрди. Буни сезиб юрган бир муллачалиш қавм Афандини четга тортиб сўради:

— Намоздан кейин аввал ўнг томонга салом бермай, доим чапга салом берасиз. Адашаётибсизми, тақсир?

Афанди унинг қулоғига аста деди:

— Адашганим йўқ, чап томонда ҳамма вақт Шерали ўтиради!

— Шерали ким ўзи?

— Мен Шералининг меҳмонхонасини ижарага олганман, баъзан ичкаридан овқат ҳам чиқариб туради.

СУДХҲҮР

Афанди камхарж бўлиб қолиб, танишларидан пул сўрашга оғзи бормай, ярим кечада худога ёлворди:

— Э, худо, юз тилло ўзингда бўлмаса, фаришталарингдан қарз олиб бўлса ҳам қарашиб юбормасанг, бўлмайди.

Афанди ҳали сўзини тугатгани ҳам йўқ эдики, дарвоза тақиллади. Афанди хотинига кўз қисиб дарвозани очди. Дарвоза олдида элликбоши турар эди.

— Афанди, маҳалла мачит соладиган бўлди, шу важдан сизга ўн тилло солиқ тушди.

Афанди ҳайрон бўлди ва хотинига:

— Ие, худо ёмон судхўр чиқди-ку, ҳали пулни бермасдан, дарров фойдасини қистайдими!

МЕНБОП ҚАВМ ЭКАНСИЗЛАР

Афанди таҳорат қилмай имомлик қилишда айбланиб, шаҳардаги мачитдан қувилгандан кейин, узоқ қишлоққа имом бўлиб кетди. Бу қишлоқда намозхон жуда оз эди. Афанди катта издиҳом тўпланган тўйда ўртага чиқиб, қишлоқ аҳлини намозга тарғиб қилган эди, бир киши ўрнидан туриб, Афандига савол берди:

— Биз, бу қишлоқнинг одамлари, таҳорат қилишни билмаймиз. Таҳорат қилмасдан намоз ўқиса ҳам бўладими?

Афанди хурсанд бўлиб кетди ва:

— Мен ҳам таҳорат қилишни билмайдиган қавмларни тополмай доғда эдим. Офарин, менбоп қавм экансизлар!

ҚОРИННИНГ ҚАРҒИШИ

Афанди узун кун рўза тутиб толиққан эди, ифтордан кейин мачитга таробиҳ ўқигани чиқди. Намоздан кейин қори жуда ҳам узун бир сурани ўқиди. Афанди ифторда ҳар хил овқатни кўп еб қўйган, дам-бадам қорни қулдираб, совуқ тер босар эди. Унинг қорни яна бир қулдираганда, ёнидаги одам:

— Афанди, қорнингиз нима деяпти? — деди.

Афанди оёғини жуфтлаб деди:

— Қорини қарғаётибди, мунча чўздинг, товушинг ўчсин деяётибди.

АҲМОҚ

Афанди пошшонинг ҳузурига ҳовлиқиб кириб:

— Мени худо сиз ва фуқаронгизга пайғамбар қилиб юборди, — деди. — Энди менга бирмунча ходим, каниз, маишат анжомлари берасиз.

Пошшо Афандига қараб кулдию:

— Аҳмоқ! — деди.

Афанди ўрнидан туриб қўл қовуштирди ва:

— Тўғри айтдилар, шоҳим. Мен аҳмоқ бўлмасам, худо бир айтганда, дарров кўна қолармидим, — деди.

ИМОМ БЕРМАЙДИ, ФАҚАТ ОЛАДИ

Бир куни намозга одамлар йиғилганда мачитнинг имоми таҳорат олаётиб ҳовузга йиқилди. Фарқ бўлаётган имом, одамлар ҳарчанд қўлингизни беринг. дейишса ҳам, қўлини бермас эди. Ҳовуз бўйига Афанди келиб, одамларни нари-бери сурди.

— Имомимиз «беринг» деган гапни билмайдилар, «манг» дейиш керак, — деди ва қўлини узатди. — Манг, тақсир, манг!

Имом Афандининг қўлини олди. Афанди уни тортиб ҳовуздан чиқарди.

БОШ КЎТАРГАНИ ДАРМОН ЙЎҚ

Бир савдогар маҳалласининг имоми ўлиб: «Насриддин Афандини имом қилайлик, беш вақт намозда имом, бошқа вақтда суҳбатимизни қизитиб юради», деган маслаҳат билан Афандини тинч, сердаромад мачитдан айнитиб, кўп ваъдалар бериб, олиб келди.

Бир йил ўтди, на вақфдан дарак бор, на хайру эҳсондан ва на хатми қуръондан.

Афанди бир куни икки ракаат пешин намозини ўқигандан кейин саждадан бош кўтармай, тўнқайганича ётаверди. Имом бош кўтармагандан кейин, намозхонлардан бирининг тоқати тоқ бўлиб:

— Афандим, бошингизни кўтармайсизми? Дўкон очиқ қолган эди! — деди.

Афанди ётган ерида баланд овоз билан жавоб берди:

— Сизларга имом бўлиб жирим қолмади, бошимни кўтаргани дармоним йўқ. Биронталаринг, сени олиб келишда берган ваъдамизнинг устидан чиқамиз, деб қасам ичинглар. зораки шу дармон бўлсаю бошимни кўтарсам.

УЧ ФУРСАТДА

Қози Афандидан сўради:

— Уйда қуръон тиловат қилган вақтларингизда қандай фурсатларда хато ўкиб юборганингизни билмай қоласиз?

Афанди жавоб берди:

— Уч фурсатда хато ўқийман.

— Чунончи?

— Чунончи, текин ош эсимга тушганда; бегона аёлнинг товушини эшитганимда; қози бўлиб пора егим келганда...

СОМОН ҚУШИЛГАН

Афандидан бир содда одам сўради:

— Афанди, одам тупроқдан ясалган деган гап ростми?

— Рост!

— Одам тупроқдан ясалган бўлса, лойига сомон қўшилганми, йўқми?

— Сомон қўшилган! Сомон қўшилмаганда одам бу дунёнинг қайғу ҳасратига тоб беролмай, минг бир жойидан ёрилиб кетмас-миди!

ХУДОНИНГ УЙИ

Афандининг қозилик вақтида бир мачитнинг сўфиси арзга келди:

— Фалон маҳалланинг сўфиси кечаси келиб, мачитимизнинг жойнамозини ўғирлаб кетибди. Олиб бориб ўз мачитига солиб қўйганини кўрдим. Шуни олиб-берсангиз?

Афанди сўфини уришиб берди:

— Иккала мачит ҳам худонинг уйи, шундоқ бўлгандан кейин, жойнамоз у уйга солинди нима бўлдию бу уйга солинди нима бўлди! Тур, йўқол!

БИР ИШИ ТУШСА КЕРАК

Афанди қозиликка сайланган кундан бошлаб хушомадгўй кўпайиб кетди. Доим ҳовли, ер жанжалидан нон еб юрадиган бир эликбоши Афандининг йўлини тўсиб, кўрган тушини айтиб берди:

— Бу кеча тушимда осмонга чиқибман, қулоқ солсам, худо фаришталарига сизни мақтаётибди, эшитиб жуда хурсанд бўлдим.

Афанди пешонасига урди:

— Яқин кунда худонинг ҳам менга бир иши тушса керак.

ДОМЛА ВА АФАНДИ

Бир куни домла намоздан кейин ваъз айтгани минбарга чиқди, бироқ ҳарчанд қилса ҳам, эсига ҳеч нарса келмади, ниҳоят, иқроп бўлди:

— Мўъминлар, мен сизларга ваъз айтмоқчи эдим, аммо эсимга ҳеч нарса келмаётибди.

Афанди сўз отди:

— Минбардан тезроқ тушиб кетиш ҳам эсингизга келмаётибдими, тақсир?

ТОАТ-ИБОДАТНИНГ УРНИ

Афандидан бир одам сўради:

— Афанди, у дунёда жаннат роҳатини кўриш учун бу дунёда тоат-ибодат қилиш керак экан, бу дунёда жаннат роҳатини кўриш учун нима қилиш керак?

Афанди жавоб берди:

— У дунёда тоат-ибодат қилиш керак.

НАЗРИГА ЯРАША

Афандига бир одам бармоғидаги кўзи йўқ узугини назр қилиб деди:

— Бошпанасиз, беватанман, Афандим. Сизни худога яқин одам дейишади. Қиш яқинлашиб келаётибди. Бир дуо қилинг, худо битта уй берсин.

Афанди қўлини кўтариб дуо қилди:

— Илоҳи омин, худо сизга қилган назрингизга яраша томсиз уй берсин!

ИССИҚ ЖОН

Касалванд, кекса имом-домла Афандини кечки пайт каплон оғзи-да учратиб илтимос қилди:

— Мулла Насриддин, мен бозор қилиб чиққунимча, шу ерда кутиб туринг, гаплашиб кетамиз.

Афанди сездики, домла бозор қилиб чиқиб, хуржунни кўтаргизмоқчи. Афанди домлага қараб деди:

— Рангингиз бир аҳволда, иссиқ жон... Мен бориб ҳовлига хабар бериб турсам, қандоқ бўларкин?

ИМОМЛАР

Афандидан бир содда намозхон косиб сўради:

— Имомлар ўлса, ҳеч сўроқсиз жаннатга кириб кетишади деб эшитганим бор. Агар шу гап рост бўлса, ўлган домлалар жаннатда маза қилиб юришгандир-а, Афандим?

Афанди жавоб берди:

— Домлалар жаннатга киришгани билан у ерда мачит ҳам йўқ, қавм ҳам йўқ, хатми қуръон ҳам йўқ. Аҳвол шундай бўлгандан кейин, ўлган домлалар ўлганларига минг пушаймон бўлиб юришгандир.

АФАНДИ ВА АЗРОИЛ

Афанди бомдод намозига бора туриб, эрмак учун қўлида битта ўн беш тийинлик тангани ўйнаб бораётган эди, жиринг этиб ерга тушдию ғойиб бўлди.

Афанди, буни ким олар эди, намоздан қайтишда оларман, намоз қазо бўлмасин, деб мачитга кириб кетди, намоз ўқиб туриб ҳам фикру хаёли ўша тангада бўлди, намоздан кейин чиқиб, астойдил қидира кетди, бироқ танга йўқ.

Афанди ерга ўтириб олиб, ҳар бир майда тошни кўз ғалвиридан ўтказаетган эди, сут сотиб шаҳардан келаётган бир бола салом берди.

— Уғлим, сен шаҳарга қай вақтда сут олиб ўтган эдинг?

— Ҳамма намоз ўқиётган вақтда.

— Ундай бўлса шу ерга менинг тангам тушган эди, сен олган бўлсанг керак.

— Олган бўлсам бермасмидим,— деди бола.

— Олган бўлсанг, бера қол, ўғлим.

Сутфуруш бола Афандини хурсанд қилиш учун ўн беш тийин бериб, ўз йўлига кетди. Бола ҳали узоққа боргани йўқ эди, Афанди ўз тангасини топиб олди, пули ўттиз тийин бўлди.

Афанди тангага ўрганиб, ҳар куни бомдод намозидан кейин сутфуруш болаларнинг йўлини тўсадиган бўлди.

— Ҳой бола! Мен йўқотган ўн беш тийинни сен олгандирсан!..

Афандидан бешиб қолган сутфуруш болалар бора-бора бошқа йўл билан ўтадиган бўлишди. Афандининг бу қилмишини осмонда оппоқ булутга ёнбошлаб, кузатиб ётган худо Азроилга буюрди:

— Ерга тушиб мулла Насриддинга дурустроқ, кам меҳнату, сердаромад иш топиб бер!

Азроил хизир қиёфасида ерга тушиб, Афанди мачит олдида бир сутфуруш боладан танга олаётганда, салом берди ва унинг қулогига шивирлади:

— Афандим, сиз сутфуруш болаларга хор бўлманг... мен худонинг амри билан сизга ҳунар ўргатгани тушдим.

Афанди Азроилнинг дарагини эшитиб қўрқиб кетди:

— Қуллуқ-қуллуқ!— деди.— Мен яқинда ямоқчиликни ўрганмоқчиман. Хўп десангиз, бирга ўрганайлик, ҳозирги ҳунарингиз жуда паст ҳунар: одамнинг жонини сиз оласиз-у, мен уяламан.

КАМТАР ПАЙҒАМБАР

Афанди маҳалладаги одамларга:

— Мен пайғамбарман. Ишонмасаларинг мўъжиза кўрсатаман. Мана шу теракка уч марта куф-суф десам, индамай олдимга келади,— деди.

Одамлардан бири:

— Қани бўлмаса, чақиринг-чи, келармикан?— деб сўради.

Афанди уч марта куф-суф деб чақирган эди, терак келмади. Афанди дарров ўрнидан туриб теракнинг олдига борди ва одамларга қараб:

— Мен камтар пайғамбарман, терак келмаса, унинг олдига ўзим бора қоламан,— деди.

ХУДО БЕРСИН

Афанди болохонада ёнбошлаб китоб ўқиб ётган эди, елкасига хуржун ташлаган бир одам чақирди. Афанди пастга тушган эди, у одам хайр сўради. Афанди болохонага уни олиб чиқиб:

— Худо берсин,— деди.

Гадонинг аччиғи чиқиб:

— Садақа қилмас экансиз, шуни пастда айтиб қўя қолсангиз ҳам бўларди-ку!— деди.

Афанди кулиб жавоб берди:
Буни эгри калтакка эгри тўқмоқ дейдилар!

ИЧИДА БЎЛМАСАНГ БАС

Бир содда одам Афандидан сўради:
Афандим, жаноза ўқиладиганда тобутнинг чап томонида турган савобми, ўнг томонида?
Афанди жавоб берди:
Иккала томонида турсанг ҳам савоб, тобутнинг ичида бўлмасанг бас.

ДУЗАХ БИЛАН ЖАННАТ ТУЛГУНЧА

Бир куни Амир Темур Афандидан сўради:
Афанди, одамлар қачонгача тугилиб ўла беради?
Афанди жавоб берди:
Дўзах билан жаннат тўлгунча.

НИШОЛДА

Афанди нишолдачилик қилар эди. Мачитнинг сўфиси уни алдамоқчи бўлди: бир ниёла нишолдани олиб, пул бермай жўнаб қолди.

— Чақасини ким беради? — деди Афанди.

Сўфи орқасига қайтиб:

— Пулини бергандай бўлдим шекилли, — деди. Афанди унинг қўлидаги ниёлани олди, нишолдани қозонга солди, юқини ялаб, қуруқ ниёлани сўфига узатди.

— Мана, сиз ҳам нишолда егандай бўлдингиз!

У ТОБУТДАН ТУРИБ КЕТСА...

Афанди ўз маҳалласига имом бўлган эди. Кунлардан бир кун маҳалла катталаридан бири вафот қилди. Афанди унинг жанозасига имомликка ўтишдан бош тортди. Маҳалла халқи таажжубланиб сўради:

— Хўш, нега имомликка ўтмайсиз?

— Раҳматлик мени жинидан баттар ёмон кўрар эди, яқинига борсам, у тобутдан туриб кетса, маҳалла мени тошбўрон қилиб юборади.

СОҚОЛ

Афанди бир куни бозорда серсоқол бир имомни кўриб, ўзининг соқолидан уч-тўртга тукни кўрсатиб:

Олинг, мана шу соқолни сотаман, — деди.

Неча пул? — деди имом.

Ун танга.

Қиммат.

- Беш танга бера қолинг, деди Афанди.

- Қиммат.

- Бўлмаса, уч танга!

Уч пулга ҳам қиммат, деди имом.

Афанди жаҳл билан имомнинг соқолидан ушлаб:

Соқол фақат мачитда пул экан-да! -- деди.

ҚАРЗ

Қарзга ботиб қолган бир киши Афандига деди:

Гарданимдаги қарзларимни узгунимча, Азроил жонимни олиб қўймаса эди.

Афанди унга тасалли берди:

- Сенинг қарзинг узилиб битгунча, Азроил қариб, жонингни олишга дармони қолмайди.

ҲУР

Мачитда намозшомдан кейин имом намозхонларни тўплаб, жаннатдаги ҳурларнинг ҳуснини мақтай кетди:

Жаннат ҳурларининг сочи шундай узунки, сочини буклаб-буклаб қўлтиқлаб юради.

Афанди кўзини юмиб туриб сўради:

Ҳурнинг бўйи ҳам сочига ярашами?

Албатта, албатта! деди имом.

Ундай бўлса у дунёда ҳам танишидан чиқмас эканмиз-да, ҳурни ўнмоқчи бўлсак нарвон керак экан-да.

ВАҚФГА ЯРАША

Афанди сўфилик чоғида азон айтиб турган эди, биров дунгиллади:

Овозингизни баландроқ чиқаринг, узоқ-яқиндагилар ҳам эшитсин!

Афанди азонни тўхтатиб, жавоб қилди:

Вақфнинг ҳаммасини домла-имом оддилар, бизга мачитнинг тобути қолди холос, азон вақфга яраша-да!

ҚУРЪОННИНГ УЗИ БОР ЭДИ

Афандининг уйдан пули қутиси билан йўқолиб қолди. Афандининг дили сиёҳ бўлиб юрган эди, қўшниси:

Ҳай аттанг! Қутига ояталкурсини ёздириб қўйсангиз, ўғри олиб кетолмас эди.

Афанди айтди:

Ояталкурсини айтасиз-а! Қутининг ичида қуръоннинг ўзи бор эди.

ШАЙТОННИНГ ҚИЗИ

Афанди имоматликка ўтиб хуфтон намози ўқиётган эди, саждадан бошини кўтариб қараса, меҳробда бир жонон қиз ғамза қилиб юрибди:

— Кимсан, падарингга лаънат? — деди Афанди.

Қиз яна ғамза қилиб:

— Мен шайтоннинг қизиман, ҳозир сизни йўлдан ураман, — деди.

— Э, нодон! — деди Афанди. — Ўзинг тайёр бўлсанг бас, мени йўлдан уришнинг ҳожати йўқ.

АҚЛ

Маҳаллага янги келган имомни Афандига бир киши роса мақтади:

— Жуда ақли кўп одам...

— Тўғри, имомлар ақлини жуда кам ишлатади, — деди Афанди. — Шунинг учун калласи ақлга тўлиб қолган бўлса ажаб эмас.

ҚУРЪОН

Афанди муллаваччалик чоғида хужранинг юқори тоқчасида турган бир китобни олгани бўйи етмади: қараса қалин-қалин қуръонлар турибди. Шулардан бирини олиб оёғининг остига қўйди. Шу чоғ мударрис кириб қолди.

— Афанди, бу нима қилганингиз, худонинг сўзи ёзилган каломи шарифдан қўрқмадингизми? — деди.

— Қўрқар эдим-у, — деди Афанди, — товуш чиқмаганига, ўзи мендан қўрқди дебман.

ВАЪЗ

Афанди мачитда хуфтондан кейин имомнинг ваъзини эшитгар экан, хуррак отиб юборди. Афандининг ёнида ўтирган киши уни туртиб:

— Мачитда хуррак отиб ухлаш айб эмасми? — деди.

Афанди кўзини очиб жавоб берди:

— Ухлаганим йўқ, хуррак отиб уйқумни қочираянман.

БУ ДҮППИНИ ЖАБРОИЛ КИЙСИН

Афанди бир куни камбағалликдан битта дўппи олиб кияолмаганидан нолиб ўтирган эди. Қўшниси девордан битта эски, пилтаси чиққан дўппини ташлади. Афанди дўппини олиб кўриб улоқтириб юборди.

— Мен сендан эски дўппи сўраганим йўқ, Жаброилнинг кийсин!

ГУНОҲ ХАЛТА

Афанди пулга зориқиб қолди. Уйда эски бир меш бор эди, шуни пуфлаб шишириб, оғзини боғлаб бозорга олиб чиқди ва бир жойга ўтириб қичқира бошлади:

— Мусулмонлар! Гуноҳимдан пок бўламан деган келаверсин!

Бир бой Афандининг сўзини эшитиб, унинг олдига келди ва сўради:

— Қандай қилиб одамни гуноҳдан пок қиласиз?

— Жуда осон! — деди Афанди ҳалиги гуноҳ халта мешни кўрсатиб. — Бир қанча одам ичида бор гуноҳни шунга пуфлаб пок бўлиб кетган. Агар сиз ҳам хоҳласангиз, шунинг ичига пуфлайсиз! Бир пуфлаши бир сўм.

Бой Афандига бир сўмни бериб мешга пуфлай кетди.

Афанди мешнинг бир четини босган эди, унинг ичидаги дам бойнинг оғзига кириб кетди. Бой дод солиб:

— Бировларнинг гуноҳи ҳам менинг ичимга кириб кетди-ку! Энди нима қиламан? — деди.

— Энди ўн сўм берсангиз, — деди Афанди, — гуноҳ халтани бўшатиб бераман, ичингизга кириб кетган бегона гуноҳларни ҳам пуфлайсиз.

Бой Афандига яна ўн сўм берди. Афанди мешни бўшатиб, бойга берар экан:

— Бу гуноҳ халтани уйингизга олиб бориб, бола-чақангиз билан пуфлашинг, — деб уйига жўнаб кетди.

БИР ОЕҚ КАМ НАМОЗ

Афанди обдастадан таҳорат қилган эди, бир оёғига сув етмади. Мачитга кириб, бир оёғини кўтариб намоз ўқиди. Афандининг намоз ўқишини кўрган кишилар намоздан кейин сўрадилар:

— Афанди, бу қанақа намоз ўқиш?

— Бир оёғида таҳорати йўқ кишининг намоз ўқиши, — деди Афанди. — Буни бир оёқ кам намоз дейдилар.

БИЛАСИЗЛАРМИ, НИМА ДЕМОҚЧИМАН?

Афанди бир куни мадрасада минбарга чиқиб, мулалардан сўради:

— Биласизларми, мен ҳозир сизларга нима демоқчиман?

— Йўқ, Афанди, билмаймиз, — дейишди мулалар.

— Билмаган одамларга гап айтишнинг нима ҳожати бор? — деди Афанди ва минбардан тушиб кетди.

Бир неча кун ўтказиб, Афанди яна минбарга чиқди ва мулаларга яна ўша саволни берди. Мулалар бу сафар биламиз, деб жавоб беришди.

— Узларнинг билган гапни айтиб нима қиламан, — деб Афанди яна минбардан тушиб кетди.

Афанди учинчи марта минбарга чиқиб ўша саволини берганда муллалар бамаглаҳат:

Ярмимиз биламиз, ярмимиз билмаймиз, — дейишди.

Ундай бўлса, — деди Афанди, — билганларинг билмаганларингга айтишлар! — деб минбардан тушиб кетди.

ЖАЗОСИ ЯРИМ ТАНГАМИ?

Афанди кўчада кетаётиб тошга қоқинди ва тошни, минг лаънат, деб ҳақорат қилди. шу чоқ рўпарасидан келаётган домла-имомга ўзини уриб олди. Афанди бошини кўтариб, узр айтган эди, домла Афандининг узрини қабул қилмай:

— Сен мени минг лаънат деб ҳақорат қилдинг! — деб уни қозига судради.

Қози даъвони эшитди. Қози Афандига ярим танга жарима солди.

Афанди қозига қараб:

— Минг лаънат деганга ярим танга оласизми? — деди-да, ёнидан бир танга чиқариб: Мана, қолган ярим тангасига сизга ҳам минг лаънат! — деб чиқиб кетди.

У ДУНЁДА НИМА ГАП?

Афанди Мункарнакирнинг сўроғини ўз кўзи билан кўргиси, ўз қулоғи билан эшитгиси, умуман, у дунёда нималар бўлишини билгиси келиб қолди-ю, бир очиқ гўрга кириб ётди.

Бирдан унинг қулоғига гулдур-гулдур товуш эшитилди. Афанди: «Мункарнакир келаётганга ўхшайди, келиши шунақа бўлса, гурзиси билан сўроғи қандай экан», деб ўйлаб, қабрдан чиқиб қочмоқчи бўлган эди, бир қанча от ва туяларда келаётган савдогарлар оқидан чиқиб қолди. Отлар ҳуркиб, савдогарлардан баъзи бирлари отдан йиқилиб тушди.

Кимсан? — деди савдогарлардан бири.

Уликман, — деди Афанди.

Улик бўлсанг, гўрингда ётмай нима қилиб юрибсан?

Савдогарлар Афандини тутиб олиб роса уришди.

Улар ҳолағда бўлиб келган Афандини кўриб, хотини сўради:

Қасрда эдингиз?

У дунёга борган эдим.

У дунёда нима гаплар бор экан?

Афанди бошини қасийб жавоб берди:

Савдогарларнинг отини ҳуркитмасанг, ҳеч гап йўқ экан.

АФАҢДИ ВА ИМОМ

Имом Афандидан сўради:

Афанди, шайтоннинг хотинининг оти нима?

Афанди китоб кўриб жавоб берди:

— Уларнинг никоҳи куни сиз хутба ўқиган экансиз-ку, ўзингиз билмайсизми?

АФАНДИНИНГ ҲИСОБ ХАЛТАСИ

Афанди рўзада ҳисобдан адашмаслик учун ҳар куни ифтордан кейин халтага битгадан тош ташлаб қўяверди. Рамазон ярим бўлганда бу халтани Афандининг қизчаси кўриб қолиб: «Ие, дадамга тош керак экан шекилли», деб ўйлади ва икки ҳовуч тош қўшиб қўйди. Бир куни биров Афандидан:

— Афанди, бугун рамазоннинг нечаси?— деб сўраб қолди.

Афанди, ҳозир, деб югурганича уйига кириб, халтадаги тошларни санади. Тош бир юз етмиш тўртта чиқди. Афанди халта ҳисобининг тўғрилигига гумонсиради-ю, ҳар нечук, юзгасини ташлаб бояги одамга:

— Бугун рамазоннинг етмиш тўрти,— деди.

— Ие, ақлингиз жойидами?!— деди бояги одам.— Ой ўтгиз кундан ошмайди-ку?!

— Мен ҳали инсоф билан айтдим,— деди Афанди.— Ҳисоб халтамга қараганда бугун рамазоннинг бир юз етмиш тўрти.

ПАЙҒАМБАР

Афанди камбағалликдан оч-наҳор қолавериб безор бўлдию бозорга бориб, мен пайғамбарман, деб жар солди. Уламолар уни тутиб шаҳар ҳокимининг олдига олиб боришди. Ҳоким пўписа қилиб, Афандидан сўради:

— Сен пайғабармисан?

— Балли, тақсир!— деди Афанди.

— Пайғамбар бўлсанг, худодан сенга нима деб ваҳи келди?

— Худодан жуда кўп ваҳи келган,— деб жавоб берди Афанди.— Аммо уларни айтиш учун ҳозир дармоним йўқ, қорним оч.

Ҳоким Афандининг қорнини тўйғизиб сўради:

— Хўш, худо нима деди?

— Худодан ҳозир яна ваҳи келди,— деди Афанди.— Яхши жойни энди топдинг, мулла Насриддин, шу ердан қимирлама, деяётибди.

СЕНДАҚА ХУДОНИ ҚАРАЮ!..

Афанди қашшоқлигидан нолиб, ҳар кун худога ёлворар эди. Бир куни деворнинг тагига ўтириб:

— Худоё худовандо! Нега мени бундай қашшоқ яратдинг? Пичоқ бориб суякка етди, ё давлат бер, ё жонимни ол!— деди.

Афандининг бу сўзларини девор орқасидан эшитиб турган қўшниси ҳазиллашиб, бир гувалакни олди-да, деворнинг устидан Афандининг елкасига туширди. Афанди «Уф!» деб елкасини ушлаб, худога яна хитоб қилди:

– Давлат сўраса бермайсан, жонни олишга тайёрсан, сендақа худони қараю!..

ТАҲОРАТ

Афанди катта анҳор бўйида таҳорат қилар эди, бир кавуши сувга тушиб кетди. У кўп уриниб кавушини ололмагач, сувга қараб ел чиқариб, деди:

– Ол, таҳоратингни, бер кавушимни!

Э, ХУДО!

Афанди бир куни бозорга чиқиб, қассобдан гўшт олди-ю, пулни кам берди, новвойдан нон олди-ю, пулни ошиқ берди, уйга келиб ўйлаб қолди: «Менда қассобнинг ҳақи қолди — яхши иш бўлмади, новвойда менинг ҳақим қолди — бу ҳам яхши бўлмади».

– Э, худо! — деди у ниҳоят. — Новвойда қолган пулни олиб қассобга бер, мушкулимни осон қил!

ХУДОНИНГ УЙИ

Афандидан сўрадилар:

– Худо қаерда туради?

– Билмайман, — деди Афанди. — Зиёфатга айтиб одам юборса, кетидан эргашиб бора қоламан.

ИСО ВА ИМОМ

Афанди бир қишлоққа имом бўлиб қолди. Бу қишлоқ одамлари тақводор бўлса ҳам, имомга ҳимматсиз эди. Афанди оч қолиб, ўз қавмини эритмоқчи бўлди. Шу мақсадда гапни пайғамбарлардан бошлади ва Исонинг тўртинчи осмонга чиқиб кетганини айтди.

Шу вақт намозхонлардан бири сўради:

– Исо пайғамбар ҳозир ҳам тўртинчи осмондамилар?

– Ҳа...

– Тақсир, у киши тўртинчи осмонда бўлсалар, нон-сувларидан ким хабар олиб туради?

– Хўп ажойиб одам экансиз-да! — деди Афанди. — Тўртинчи осмондаги Исонинг ғамини егандан кўра, олдингиздаги имомингизнинг ҳолини сўрасаларингиз-чи!

АФАНДИНИНГ УЗРИ

Афандига бир бой юз танга бериб:

– Ҳар кунги беш вақт намозингизни арвоҳимга бағишланг, — деди.

Афанди бойнинг пулидан қирқ тангасини қайтариб бериб узр айтди:

— Уйқум қаттиқ, тақсир, бомдод намозига туролмайман, хуфтонга қолмай ухлаб қоламан, шунинг учун олтмиш тангаси ҳам етади.

ИККИ ПАЙҒАМБАР

Афанди бир мударриснинг ёнида ўтирганда бир поп келиб, мударрисдан сўради:

— Осмонга — худонинг олдига чиқиш учун беш йил юрмоқ керак дейсизлар. Хўш, Муҳаммад худонинг олдига чиққанда қанақа шоти билан чиққан?

Мударрис попнинг бу саволига жавоб беришга ожизлик қилиб, Афандига қаради, Афанди дарҳол жавоб берди:

— Уша сизларнинг Исо пайғамбарларинг чиққан катта шотида чиққандир-да!

ҚИЁМАТ

Афанди бисотидаги биттаю битта қўйини ўғлининг тўйида сўймоқча бўлиб боқиб юрар эди. Қўй семириб, кўзга кўриниб қолгач, мачитнинг имоми бошлиқ маҳалла балохўрлари Афандини мачитга чақаришди.

— Афанди, эртадан кейин қиёмат бўлади. Меҳнат билан боқиб қўйган қўйингиз бекорга кетмасин. Эртага биронта боққа олиб бориб сўйайлик, гўштини есак, сизга савоби тегади, — дейишди.

Афанди кўнди. Эртасига қўйни етаклаб боққа чиқишди. Қўй сўйилди. Афанди шўрва пиширди. Меҳмонлар иштаҳаларини очиш учун чўмилгани сой бўйига тушиб кетишди, қайтиб келиб қарашса, ечиб кетган кийим-кечаклари йўқ.

— Афанди, — дейишди, — бизнинг кийимларимиз қани?

— Учоққа ёқдим, — деди Афанди.

— Ие, кийимни ҳам ёқадими киши?

— Э, нодонлар, — деди Афанди, — эртага қиёмат бўлса, кийимнинг нима кераги бор?!

ХУДОНИНГ ЖИЯНИ

Афандининг уйига бир куни бир меҳмон келиб:

— Худонинг жияни бўламан, — деди.

Афанди меҳмонни иззат-икром билан кутиб олди, бир-икки кун қуюқ меҳмон қилиб жўнатди.

Орадан бирор ой ўтгач, меҳмон яна келди. Афанди уни бу сафар ҳам яхши дастурхон билан кутиб олди.

Меҳмон учинчи марта келган эди, Афанди унга:

— Юринг, мачитга борамиз, — деди.

Меҳмон ҳам, Афандининг қазо қилган намози бордир, деб, унинг кетидан юрди. Афанди меҳмонни мачитга олиб келиб, бўш турган бир хонақони кўрсатди ва:

- Уйдагиларнинг тоби йўқ, сизни уйга олиб киролмайман, бу-
гунча тоғангизнинг уида бўласиз, - деб кета берди.

НАМОЗ

Имом-домла бир куни Афандидан сўради:

- Нега бомдод намозига чиқасизу, қолган намозларга чиқ-
майсиз?

- Биз беш оғайнимиз, - деди Афанди. - Беш вақт намозни
бўлишиб олганмиз. Мен катга ўғил бўлганимдан бомдод намози
менга тушган...

- Ундай бўлса, - деди имом, - намозжума билан фитрво-
жибни нима қиласизлар?

- Уларни волидамиз ўзлари бир бало қиладилар, - деди
Афанди.

САЛ ҚОЛДИ-КУ!..

Рамазон кунлари. Таробих намозидан кейин имом-домла ваъз
айтди. Афанди зерикиб тез-тез эснар эди. Имомнинг сўзи тугагач,
мачитдан чиқиб кетаётганлардан бири жим кетаётган Афандидан
сўради:

- Афанди, оғиз очмайсиз?

- Оғиз очиш бундан ортиқ бўладими? - деди Афанди. - Ваъз
вақтида очавериб оғзим йиртилиб кетишига сал қолди-ку!..

ЭШОН ВА СОҚОЛ

Афанди эшон эди, бир куни ўғли сўради:

- Дада, худо одамни лойдан ясаган дейишади, ясаб хумдонга
солганми, йўқми?

- Онангни хумдонга солган, мени солган эмас.

- Нега сизни солмаган?

- Хумдонга солса, соқолим куйиб, эшонликка ярамас эдим.

ЗАМЗАМ

Афандини қози гувоҳликка чақирди. Сўроқ навбати келганда,
жавобгар томон қозига мурожаат қилди:

- Тақсир, қозим! Бу кишининг гувоҳлигини қабул қилмайсиз,
чунки бу кишининг етарли миқдорда моли бўлса ҳам, ҳажга бориш-
дан қочиб юрибди.

- Бу киши бекор айтади! - деди Афанди қозига. - Мен ҳаж
қилганман.

Қози Афандидан сўради:

Агар ҳажга борган бўлсангиз, айтинг-чи замзам | қудуғи
Каббанинг қайси томонида?

Афанди жавоб берди:

— Мен ҳажга борганда бир тўда араблар, замзам қудугини қардан кавласак экан, деб жой қидириб юрган экан.

ХУДОДАН ҲАМ ПУТУР КЕТИБДИ

Афанди шаҳарга қози бўлиб қолди. Унинг олдига бир хушомадгўй-лаганбардор киши келиб:

— Бугун тушимда парвардигорни кўрдим, сизнинг ҳақингизга дуо қилди, — деди.

Афанди чаккасига бир уриб:

— Уҳ-ҳ! — деди. — Парвардигорнинг иши қозиларни дуо қилишга қолган бўлган бўлса. худодан ҳам путур кетибди.

УРТОҒИ ШАЙТОН

Афанди мачитнинг минбарига чиқиб, намозхонларга ваъз айтди:
— Халойиқ! Шайтоннинг сўзига кирмангиз, шайтон сизни йўлдан оздиради, ёмон йўлга бошлайди.

Шу вақтда намозхонлардан бири Афандига айтди:

— Мулла Насриддин! Шайтон мени ҳозир васваса қилиб, йўлдан оздираяпти.

Афанди сўради:

— Шайтон нима деяпти?

— Тўнинг иккита экан, битгасини Афандига ечиб бер деяпти.

— Бу урғочи шайтон бўлса керак, гапини иккита қилиб бўлмайди, — деди Афанди. — Тезроқ тўнни еч, бўлмаса юлади.

ГУВОҲ

Афанди нуқул ёлғон гувоҳлар билан иш битирувчи қозининг олдига бир иш юзасидан гувоҳлик бергани келди. Қози ростгўй Афандини кўриб, уни гувоҳликка ўтказмаслик учун турли найранг қидира бошлади.

— Гувоҳлик беришнинг қаттиқ шартлари бор, — деди қози. — Масалан, гувоҳлик берувчи киши қуръонни ёддан билиши керак.

Афанди қуръондан бир-икки сурани шаррос ўқиб берди.

Қози ҳам бўш келмади:

— Бу ҳам кифоя қилмайди, — деди қози. — Ғассоликни ҳам билиш керак.

— Мен ювган ўликлар, — деди Афанди, — мендан у дунёю бу дунё рози бўлиб кетган.

Афандининг бўш келмаслигига қозининг гаши келди.

— Уликни гўрга қўйганда талқинга-айгиладиган гапни ҳам биласанми?

— Биламан, — деди Афанди.

— Билсанг, қани айт-чи!

— Ҳай-ҳай, қандай хушбат киши экансан! Улдинг-да, қози олдида ёлғон гувоҳлик беришдан қутулдинг дейман, — деди Афанди.

ИТНИНГ ВАСИЯТИ

Афандининг яхши кўрган ити ўлиб қолди. Афанди уни маҳалласига билдирмасдан кафанга ўраб, тобутга солиб, мачитда жаноза ўқитиб, қабристонга кўмди.

Кейинроқ имом бошлиқ маҳалла катталари бу воқеадан хабардор бўлиб, Афандини қозига чақиртиришди.

— Худонинг қудрати билан, — деди Афанди. — Улим олдидан итим тилга кирди. Худонинг қудрати билан ҳайвон тилга кириши мумкинми? — деб Афанди даъвогар имом-домладан сўради.

— Худонинг қудратига ҳеч шак-шубҳа йўқ, — деди имом-домла.

— Тилга кирган бўлса нима бўлибди? — деб сўради қози Афандидан.

— Худонинг қудрати билан итим тилга кириб, мен ўлсам, ўлигимни кафанга ўраб, жаноза ўқитиб кўмдиринг, деди. Мен ҳам бу ит қиёфасига кирган авлиёлардандир деб, айтганини қилдим.

Қози яна сўради:

— Ит яна нима деди?

Афанди қозининг муддаосини тушуниб жавоб берди:

— Итим айтдики, бир вақти фалон жойга эллик танга пул кўмиб қўйган эдим, мен ўлганимдан кейин шу пулни олиб, ярмини қози поччага беринг, деди.

Афанди ёнидан халтага солинган тангаларни олиб, қозига узатди.

Қози бу жавобга тўла қаноатланиб, Афандига қилинган даъво-ни оқибатсиз қолдирди.

АҲМОҚ ФАРИШТА

Ёши эллиқдан ошиб қолган бир бўйдоқ Афандидан сўради:

— Афанди, одам хотин олмаса нима бўлади?

Афанди жавоб берди:

— Хотин олмаган эркак фаришта бўлиб осмонга учиб кетади.

— Мана, мен учиб кетганим йўқ-ку! — деди у одам.

Афандининг аччиғи келиб:

— Кўп эзма одам экансиз! Фаришталарнинг ичида ҳам битта-яримта аҳмоғи бўлади-да! — деди.

ХУДОНИНГ АМРИ

Афанди бошқа шаҳарга бориб, бир кишининг меҳмонхонасига тушди. Кечқурун меҳмонхонанинг шифти ва омонат деворлари қисирлай бошлади. Афанди меҳмонхонанинг эгасини чақириб илтимос қилди:

— Уйингизнинг шифт ва деворлари омонат турганга ўхшайди, ётишга ҳам қўрқаман. Уста чақиртириб, деворга тиргович қўйдирсангиз.

— Қўрқманг, — деди уй эгаси, — худонинг амри бўлмаса, йиқилмайди.

— Қирсиллагани амр қилган худо, йиқилгани ҳам амр қилмаса деб қўрқаман.

КҮНГЛИМ БУЗИЛИБ КЕТДИ

Таробих намозида бир қори чўзиб қуръон ўқиётган эди, Афанди хўнграб йиғлаб юборди. Ҳтирганлар намоздан кейин Афандидан сўрашди:

— Афанди, бундай йиғлашнинг сабаби нима?

— Менинг бир қадрдон итим бор эди, — деб жавоб берди Афанди, — бултур ўлиб қолди. Қоримизнинг овози ўша итимнинг овозига ўхшар экан. Итимнинг кечалари улиши ёдимга тушиб, кўнглим бузилиб кетди.

ЭШАГИМНИНГ ДУМИ БҮЛАДИ

Афанди билан қасдлашиб юрган бир шайх ундан сўради:
— Мулла Насриддин! Масхарабозликдан бошқа ҳунарингиз ҳам борми?

Афанди ундан сўради:

— Хўш, домла, сизнинг ўзингизда қандай фазилат бор? Қани, сиз аввал менга шуни айтинг!

— Менинг фазилагим кўп, — деди шайх. — Масалан, мен ҳар куни кечаси пайғамбар меърожга чиққанда, биринчи осмонга парвоз қиламан, фаришталар билан сано айтаман.

— Шу вақтда, — деб сўз қистирди Афанди, — юзингиз устида елпиғичга ўхшаган бир нарса селкиллаб турадими?

— Ҳа, балли! — қувониб кетди шайх.

— Уша, — деди Афанди, — эшагимнинг думи бўлади.

ХУФТОН НЕЧА РАКААТ?

Афанди намоз ўқимас эди, шунақа одамларни тергайдиган раис уни кўчада тутиб олиб:

— Хуфтон намози неча ракаат? — деб сўраб қолди.

— Йигирма беш ракаат! — деди Афанди тахминан.

Раис уни дарра билан ура кетди. Шу ерда турган бир одам Афандига раҳми келиб:

— Ун ракаат денг, ўн ракаат! — деб шивирлади.

— Йигирма бешга кўнмаган ўн ракаатга кўнадими! — деди Афанди.

ТУҚМОҚ ҲАМ КОР ҚИЛМАЙДИ

Афанди мадрасада мударрислик қилар эди. Уша вақт қурол тақиб юриш тақиқ қилинди. Афанди бир куни мадрасага келаётганда, чопонининг ичидан темир бошли катта тўқмоқ кўриниб

қолди. Ясовулар уни ушлаб, ғазабланиб, Афандини сўроқ қила бошладилар:

- Хўш, сиз куппа-кундуз куни нега тўқмоқ тақиб юрибсиз?
- Мен мадрасага дарсга кетаётган эдим,— деди Афанди.
- Мадрасага нега тўқмоқ тақиб борасиз?!
- Муллалар дарсда хато қилсалар, шу билан тузатаман.
- Муллаларнинг хатоси тўқмоқ билан тузатиладими?
- Э!— деди Афанди.— Муллалар ҳар хато қиладиларки, баъзи вақтларда бу тўқмоқ ҳам кор қилмайди.

СҮФИНИНГ АЗОНИДАН

Афанди мачитга чиқаверишдан зерикиб, бир куни қазноқчасига кириб яшириниб ётди. Афандининг ўғли қазноқчага кириб отасини кўриб қолди.

- Дада, кимдан қочиб ётибсиз?
- Сўфининг азонидан. Эшикни ёп, ўғлим!— деди Афанди.

ЭШАКНИНГ БОШИ ВА ҚУЛОҒИ

Афандининг қулоғи жуда катта эди, бир суҳбатда қози уни ўсал қилмоқчи бўлди:

— Афанди, худо қулоқ улашганда эшак билан барабар борган экансиз-да!

— Йўқ, тақсир,— деди Афанди,— мен ҳаммадан кейин борганман: мен борсам, худо эшаклардан ортиб қолган катта қалани сизга бериб, қулоғини кимга беришни билмай ҳайрон бўлиб турган экан.

РҶЗА

Афанди рўза тутмас эди. Раис уни кўчада гирибонидан тутиб:

— Баччағар, нега рўза тутмайсан?— деди.

Афанди жавоб берди:

— Тақсир, ойда-йилда бир келадиған рўзани нима қиласиз тутиб, қўйинг, ўйнасин!

БЕНАМОЗ

Бир куни раис Афандини кўчада кўриб ҳақорат қилди:

— Бенамоз! Касофат! Қишлоқдан кўчиб кет!

Афанди қўлини кўксига қўйиб деди:

— Намозхонларингизни кўчириб кета қолинг, мен қаёққа бориб битга ўзим қишлоқ саламан.

ЭСЛИ ЭШАК

Афанди эшагини йўқотиб қидириб юрган эди, бир одам:
— Эшагингиз фалон мачитда имомлик қилаётибди,— деб қолди.

Афанди ниҳоятда хафа бўлди: «Шунча емимни еб, шўрвани булғаб кетсанг, бундан баттар бўл», деди-ю, уйига қайтиб кетди. Уйига бориб қараса, эшаги ҳовлида ёнбошлаб ётибди.

— Ҳа, баттол, минг қилса эсликсан-да, хато йўлдан дарров қайтибсан!

НОСИНГ БОРМИ?

Афанди ўлиб дафн қилинган замон гўрга Мункарнакир кириб келди:

— Раббинг ким?— деди.

Афанди кулиб:

— Ҳазилингни қўй, ҳозир биттанг сўраб ўтдинг, носинг борми?— деди.

МАЧИТ ВА ЖОМЕЪ

Афанди, катта жомеъга намоз ўқишнинг савоби кўпроқ-да, деб маҳалладаги кичик мачитга ҳеч кирмас эди. Бир куни нима бўлди-ю, жомеъга боролмай мачитга кира қолди ва намоздан чиқишда эшик олдидан ичи тўла пул бир ҳамён топиб олди.

— Ие!— деди мачитга қараб.— Намозни худога дарров пуллаб берар экансан, илгарироқ айтмайсанми, жомеъга оёқ босмас эдим!

ҚИЁМАТДА

Имом намоздан кейин давра қилиб қиёматдан сўз очди:

— Қиёмат куни отнинг туёғидек жойдан етмиш икки минг одам яланғоч бош кўтарди...

Афанди сўради:

— Тақсир, одамлар яланғоч бош кўтарса, эркак билан хотинни қандоқ ажратиб бўлади?

КАВУШ ВА ЭШАК

Афанди пешин намозини ўқигани мачитга кирганида эшагини ҳам олиб кирди. Буни кўрган имом бақирди:

— Бу қандоқ ҳамоқат!

— Ҳа?— деди Афанди.— Бир мирилик кавушингизни меҳробга қўясиз-у, менинг беш тиллалик эшагим пойгада ҳам турмасинми!

САЖДА

Афанди бир қишлоққа имом бўлиб, оч қолди — қавм ҳеч нарса бермас эди. У қавмини бошламоқчи бўлиб, бир куни намоздан кейин ваъз айтиб:

— Кимки имомдан олдин саждадан бош кўтарса, мохов бўлади,— деди.

Эртасига Афанди саждага бош қўйганча, қимирламай ётаверди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин, орқасида тўнқайиб ётган бир намозхон секин туртди.

— Афанди, ухлаб қолдингизми?

— Ухлаганим йўқ, ҳақимни йиғиб бермасаларинг, қиёматгача ҳам саждадан бош кўтармайман.

ТҮРТТА ТУГМА ҚАДАБ БЕР!

Афанди олча еб, данагини отиб ўйнаб ўтирган эди, ер ёрилиб, бадбашара бир махлуқ чиқиб келди. У Афандига деди:

— Сен отган олча данаги ўғлимнинг кўзини кўр қилди. Товонини тўла!

— Узинг кимсан? — деб сўради Афанди.

— Мен шайтонман.

— Шайтон бўлсанг, мўъжиза кўрсат!

— Қандай мўъжиза кўрсатай?

Афанди узун ҳуштак чалди-да:

— Шунга тўртта тугма қадаб бер,— деди.

ҲАЗРАТИ ЖАБРОИЛНИНГ УҒЛИ

Имом-домла бир зиёфат мажлисида шундай деб қолди:

— «Нодирул-Меърож» китобида ҳазрати Жаброилнинг суратларини шундай тасвирлайдиларки, қанотлари хўрознинг патларидек ранг-баранг, белларида тилла камар, оёқларида амиркон ковушлари бор эмиш.

Афанди унинг гапини оғзидан олди:

— Тақсир, ундоқ бўлса бизнинг хўроз ҳам ҳазрати Жаброилнинг авлодларидан эмасмикан?

— Э, ҳазрати Жаброилни хўрозга ўхшатманг-э, кофир бўласиз, кофир!

— Бу ҳам бир гап-да, тақсир. Агар бизнинг хўрозга тилла камар боғлаб, амиркон ковуш кийгизилса, одамлар, бу ҳазрати Жаброилнинг ўғли, дейишаркан-да. Ана ундан кейин, катта бўлганда Жаброилнинг ўзи бўлиб кетса ҳам ажаб эмас...

ҚҶШИМЧА ФОТИҲА

Қаҳратон қиш эди. Афанди масжидга кечикиб кириб борди. Қараса, жамоат хонақоҳда намоз ўқияпти-ю, лекин бир чол жой етишмаганидан масжиднинг айвонида, изғиринда кўйлакчан, яланг-

оёқ намоз ўқимоқда. Ниҳоятда совуқ қотиб кетганидан оёқлари лавлагидай, бутун вужуди дир-дир титрайди, тишлари такиллайди...

Афандининг унга раҳми келиб, намознинг охири яқинлашиб қолай деганда секин бориб, чолнинг ёнига ўтирди. Чол намозни тамомлаб, фотиҳага қўл очди. Афанди ҳам қўлини очиб, омин, деб турди. Чол дуо қила кетди:

— Э, худо, шу юпунлигимга қарамай, сенинг амрингни бажо келтирмоқдаман. Даргоҳингга қабул эт, жаннатингга кирит...

Фотиҳа шу ерга келганда Афанди, бобонинг биқинига турди-да:

— Қолган ярмисини мен дуо қилай, — деди. — Э, худоё-худовандо! Бу бобога дўзах насиб қилгин. Уша куйдирадиган оловингни бобога тегишлисини ҳозир юбор. Бу бечора банданг исиниб роҳат қилсин. Омин оллоҳу-акбар!..

БЕСЎНАҚАЙ ҲУР

Афанди бир куни масжидга кирса, домла ваъз айтиб турган экан:

— Кимки лайлатулқадр кечасида икки ракаат қадр намозини ўқиса, олло-таолло унга бир ҳур ато қиладики, боши Машриқда, оёғи Мағрибда бўлади.

Афанди буни эшитиб:

— Агар ҳур шунақа бўладиган бўлса, мен намозини ўқимайман ҳам, унақа бесўнақай ҳурни олмайман ҳам! — деди.

— Афандим, ундай шаккоклик қилманг, яхши эмас.

— Ие, тақсир, агар мен ҳурни ўпадиган бўлсам, Мағрибдан Машриққа сафар қилиб келиб ўпиб кетар эканманми? Ундай найнов ҳурни худо Жаброилга берсин!..

ОЛА НАМОЗ — БАЛА НАМОЗ

Афанди ўспиринлик вақтида уларникига бир эшон келиб, учтўрт кун меҳмон бўлди. Афандининг отаси эшондан илтимос қилди:

— Тақсир, ўғлим Насриддиннинг ҳақиғага бир дуо қилинг. Зора худонинг тоатига бўйин эгиб, намозхон бўлиб қолса.

— Дада, ўзингиз ҳам эшон поччам келганларидагина намоз ўқиб, бошқа вақт намоз ўқимайсиз-ку! — деди Афанди. — Эшон поччам сизни дуо қилсинлар. Зора шунда ола намоз — бала намозлардан қутулсангиз.

КОВЛАБ ЕНГ

Афанди аравада гўнг ташиётган эди. Домла-имом бир бойнинг эшиги ёнида супада шавла еб ўтирган экан. Афанди унга салом берди. Имом таклиф қилди:

— Афанди, шавла енг.

— Иссиқ бўлса, мана бунда ковлаб енг! — деб Афанди унга аравадаги куракни узатди.

АФАНДИНИНГ ГУВОҲЛИГИ

Бир одам Афандига илтимос қилди:

— Фалончида менинг бугдой даъвойим бор, қозига бориб, шунинг ростлигига гувоҳлик берсангиз?..

Афанди кўнди ва қозига бориб:

— Ҳа, у кишининг бу кишидан арна олгани рост, — деди.

— Бу кишининг даъвоси бугдой-ку, сиз нега арна дейсиз, — деб сўради қози.

— Ёлгон даъвога арна ундирилса ҳам хўн гап, — деди Афанди.

ҚОЧИНГ, ҚАМЧИ ТЕГАДИ

Афанди отига ун ортиб тегирмондан келар эди. Қаршисидан сувлари тўлиб тошган сой чиқиб қолди. У қўрққанидан деди:

— Баҳовиддин, ўзингиз мадад қилинг, сувдан тинч-омон ўтиб олсам, ҳақингизга етти танга садақа қиламан.

Афанди отини сувга солган эди, соғ-саломат ундан ўтиб олди, отини севинганидан қамчилаб, дер эди:

— Қочинг, Баҳовиддин, қамчи тегади!

ҚИРС ЭТАДИ

Афанди муфти эди, бир куни қўшниси ранги ўчиб, титраб кирди-да, Афандидан сўради:

— Аълам почча, қуръоннинг устида бит ўлдирса, нима бўлади?

Афанди чуқур мулоҳазадан кейин бошини кўтариб деди:

— Каломи шарифнинг бетида бит ўлдирса, валлоҳи аълам қирс этади.

ХУДОНИНГ ҒАЗАБИ

Афанди бир куни ҳаммомга тушди. Иссиқхонада ёнида бир чақаси йўқлигини эслади.

— Э, худо! — деди. — Ҳаммомчининг олдида шарманда қилмай ярим танга бўлса ҳам юбор!..

Шу пайт бирдан ер қимирлаб, ҳаммом гумбази ўпирилиб тушди. Афанди, пул сўраганимга худонинг ғазоби келди, деб ўйлаб, шу қочганча бозорнинг бошидан чиқди.

Бозор бошида бир маддоҳ худога нола қилиб, юз танга сўрар эди.

Афанди унинг олдига бориб деди:

— Овозингни ўчир, худо ярим тангага ҳаммомни бузиб турганда, юз танга сўрайсанми, сўзингни эшитиб, қолса, дунёни остин-устин қилиб юборади!

АҚЛЛИ ЭШАК

Афанди ун тортгани тегирмонга бориб ухлаб қолди-да, эшагини йўқотиб қўйди. Эшагини қидириб кетаётганида, бир ҳазилкаш ошнаси дуч келиб:

— Эшагингиз фалон мачитга имомлик қиялгги, — деди.

Афанди ўша мачитга бориб қараса, меҳробда янги тайинланган имом ўтирган экан. Афанди имомнинг елкасига бир тушириб:

— Янги вазифанг муборак! — деди.

Имом хурсанд бўлиб:

— Қуллуқ-қуллуқ, сиз ҳам бизнинг қавмларданмисиз? — деб сўради.

Афанди унга дўқ уриб, деди:

— Боя миниб юрганимда танир эдинг-у, энди танимайдиган бўлиб қолдингми? Ҳеч бўлмаса шу бугун унни уйга олиб бориб бергин, кейин танимасанг ҳам майли.

Имом ўрнидан туриб, Афандини бир шаналоқ урди. Афанди хафа бўлиб:

— Қадр билмас, кўрнамак! — деб мачитдан чиқиб кетди. Тегирмоннинг олдига бориб қараса, эшаги ўтлаб юрган экан.

— Раҳмат, раҳмат. сўзимни ерда қолдирмадинг, шу унни олиб бориб бергин-да, мачитингга бориб имомлигингни қилавер, — деди хурсанд бўлиб.

ЎҒЛИМНИНГ ОТИ ФАРЗ

Бир куни Афандининг уйига учта мулла меҳмон бўлиб келди. Афанди уларни ҳолвойтар, шўрва, палов билан меҳмон қилди.

Меҳмонлар, ошдан кейин нон суннат, дейишиб, нон кавшаб ўтиришган эди. Афандининг қўшнилари лағмон, ширгуруч, чучвара олиб чиқдилар. Меҳмонлар у овқатларни ҳам, суннат, деб пок-покиза туширдилар. Овқатдан сўнг хўл мева, суннат, деб қовун, тарвуз, узум каби меваларни ҳам ёрилгунча едилар.

Меҳмонлар ётиш олдида Афандининг тўрт яшар Суннатулло исмли ўғли чиқиб қолди.

— Ўғлингизнинг оти нима? — деб сўради муллалардан бири.

— Фарзулло! — деб жавоб берди Афанди.

Қўшниларида бири секин Афандидан сўради:

— Ўғлингизнинг исмини нега унақа айтдингиз?

— Ўғлимнинг номини Суннат десам, меҳмонларнинг еб қўйишидан кўрқдим, — деди Афанди.

АФАНДИ - ИМОМ

Афанди бир қишлоққа имом бўлди. Афандининг бир йиллик имомгарчилигига маҳалла олти чорак бугдой бермоқчи бўлди. Қавмлардан иккита бойроғи келиб, Афандига деди:

— Афанди, биз ҳар биримиз сизга икки чоракдан бугдой бера-

миз, бизнинг намозга келган-келмаганимиз билан ишингиз бўлмасин.

— Ундай бўлса, — деди Афанди, — яна икки чорак қўшиб кўйинглар, мен ҳам намоз ўқимай қўя қоламан.

ҲОВЛИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Афанди ҳовли-жойини сотмоқчи бўлиб қозихонага борди. Харидорлар уни ўраб олиб, нархини сўрай бошладилар.

Афанди ҳовлининг нархини айтди:

— Ҳовлимнинг нархи юз тилла, яна унинг икки юз тиллалик фазилати бор. Кимки уч юз тилла берса, сотаман.

Харидорлар қизиқиб сўрадилар:

— Қани, ўша икки юз тиллалик фазилатини айтинг-чи?

— Эллик уй ўнг томонда, эллик уй чап томонда. Хўжа, домла-имом, миршаблардан қўшниси йўқ! — деб жавоб берди Афанди.

ЕТТИ ДУМАЛАСА — ҲАЛОЛ

Пешин намози олдидан имом ариқчада таҳорат қилаётган эди. Афанди девор тепасига чиқиб қойиди:

— Тақсир, обдастада сув олиб таҳорат қилсангиз бўлмайдимиз, бу сувни ахир биз ичамиз-ку!

— Ариқда таҳорат қилиш — суннат, ундан кейин, сув етти думаласа ҳалол бўлади.

Домла таҳорат қилиб бўлиб, артинаётган эди, Афанди томга чиқиб, унинг устига пешоб юборди. Домла ғазабланиб, Афандига бақирди:

— Э, аҳмоқ, нама учун бундай қилдинг, кийимларимни бенамоз ва ҳаром қилдинг!

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, тақсир, ўзлари ҳозир сувни етти думаласа ҳалол бўлади дедилар-ку! — деди Афанди.

ХУДОНИНГ МАХЛУҚИ

Афанди девор тагида думини гажак қилиб кетаётган чаённи кўриб силади:

— Жонивор, сен ҳам худонинг махлуқи, мен ҳам худонинг махлуқи.

Афанди сўзини тугатмай туриб чаён Афандининг қўлини чақиб олди.

Аччиғланган Афанди чаённи эзиб ўлдираккан, деди:

— Ҳа, турқинг қурсин, сендақа махлуқни яратган худойингга лаънат!

НАМОЗДАГИ ҲАЗИЛ

Афанди мачитда намоз ўқир эди. Бир ҳазилкаш унинг этагидан торгди. Афанди ҳам ўз навбатида домла-имомнинг этагидан торгди. Жаҳли чиққан имом намозни бузиб:

— Мулла Насриддин, нима қиляпсиз?— деб сўради.

— Мен билмайман, орқамдагидан сўранг,— деб жавоб берди Афанди.

ЖАННАТНИНГ ЙЎЛИ

Афандининг уйи гўристон йўлининг устида эди. У уйдан чиқиб турган эди, муридлар билан эшон келиб қолди. У Афандидан сўради:

— Биродар, биз адашиб қолдик, бу йўл қаерга олиб боради?

— Бу йўл тўппа-тўғри сиз ўз амри-маърифингизда айтган жаннатга олиб боради,— деб Афанди қўли билан қабристонни кўрсатди.

ЛОЙИҚ МАСЛАҲАТ

Бир эшон Афандига шикоят қилди:

— Мени зиёрат қилгани одамлар шундай кўп келадиларки, иш қилишга вақт қолмаяпти.

— Зиёратга келганлардан қарз сўрайверинг, қутуласиз-қоласиз.

ХУДО ҲАЗИЛНИ БИЛМАС ЭКАН

Афанди бошига катта қозонни кийиб олгани ҳолда сув кечар эди. У сувнинг тез ва чуқурлигидан қўрқиб деди:

— Эй, худо, агар шу сувингдан саломат ўтказиб қўйсанг, бошимдаги қозонни тўлдириб ош дамлаб сенга худойи қилиб бераман.

Сувдан эсон-омон ўтгач, худони алдаш ҳам осон гап экан-ку, деб хурсанд чопиб борар эди, катта бир тошга қоқилиб йиқилди, бошидаги қозони тошга тегиб синди. Шунда Афанди хафа бўлиб:

— Э, худо, озиб-ёзиб сенга бир ҳазил қилибман-у шунга ҳам хафа бўлдинг-а!— деди.

ДОД, УЙИМ КУЙДИ

Афандининг уйига бир куни ўн-ўн бешта мулла меҳмонга келди. Афанди уларни яхшилаб зиёфат қилди. Кетар вақтида улар Афандидан ҳар бирига яктак, чорси совға қилишини талаб этдилар. Ночор уйига кириб сандиғидаги бор нарсаларини муллалар олдига қўяр экан, Афанди овозининг борича бақира бошлади:

— Войдод, мусулмонлар, уйим куйди!

Унинг овозига ҳамма қўни-қўшнилари югуриб келишди-да, сўрашди:

- Нега додлайсиз, уйингиз бутун, ўтдан асар йўқ-ку?
- Ахир, биродарлар, ўт тушганда ҳам мана шу матолар куяр эди-да! — деди Афанди муллаларга қилган совғаларини кўрсатиб.

ОЁҒИМ ОҒРИЙДИ

Афандини домла-имом ифторга бирга боришга таклиф қилди. Афанди эса:

- Оёқларимнинг тиззаси оғрийди, — деб унамади.
- Ажабо, ифторга борса ҳам тизза оғрийдими? — Хиралик қилди имом.
- Зиёфатга бориб-келишга оғримайди, у ерга боргандан кейин ўқиладиган тароихда эгилиб туришга оғрийди, — деб жавоб берди Афанди.

ХУДОГА ИШОНИБ БЕПАРВО ҚОЛМА

Бир куни Афандидан сўрадилар:

- Сахрода ёки йўл устида қиблани аниқ билиб бўлмаса, қайси томонга қараб намоз ўқиш керак?
- Хуржун қўйган ёки от, эшак боғлаб қўйган томонингга қараб ўқий берсанг, савоби катта, — жавоб берди Афанди.

ЯРИМ КУНЛИК РЎЗА

Бир йил рўза ёзда келиб қолди. Намоздан кейин имом одамларга:

- Кимки шундай иссиқ ва узун кунда рўза тутса, унинг бир кунлик савоби учун худо йиллик гуноҳини кечади, — деб ваъз айтди.

Афанди, бир йиллик гуноҳдан қутулиш учун ҳеч бўлмаса бир кун рўза тутиб қўйай, деди-да, саҳарлик қилди ва эрта туриб ишга кетди. Тушгача аранг сабр қилди. Очлик ва ташналик ниҳоятда жонига текканидан кетмонни улоқтирди-да, олдига нон, қатиқ қўйиб олиб, овқатлана бошлади.

- Уят эмасми? — деди ҳашарчилардан бири.
- Ия, — деди Афанди, — бир кунлик рўзанинг савоби бир йиллик гуноҳга тенг бўлгач, ярим кунлик рўза — олти ойлик гуноҳга тенг бўлади-да! Ихтиёримда яна олти ой бор, унгача гуноҳларимни сира қўймай ювиб ташласам бўлдимми?

ИТ ДУОСИ

Бир киши Афандига арз қилиб келди:

- Кўчамизда қопонғич ит бор, ундан қўрқиб сира уйдан чиқолмайман. Эшитишимча, сизда арабча ёзилган дуо бор экан, ўшани ўқиса ит қопмас эмиш, менга шунини ёзиб берсангиз?

— Эй нодон!— деди Афанди.— Кўчангдаги итнинг арабча би-лишига ишонмайман: қўлингга калтак олиб юр, итнинг дуоси ўша бўлади.

АФАНДИНИНГ ҚУРБОНЛИГИ

Афандининг бисотида биргина қўйи бор эди, касал бўлиб қолди. Уни кўрсатмаган одами қолмади. Ким кўрса, қўйнинг албатта ўлишини айтади.

— Ҳойнаҳой ўлар экан,— деди Афанди ўзича, буни сўйиб қурбонлик қилганим яхши.

У қўйни сўйиб қурбонлик қилди-да, қаерга борса ўзининг олиҳимматлигидан мақтанадиган бўлди. Охири безор бўлганлардан деди:

— Битта қўйни қурбонлик қилиб қўйиб, жонимизга тегдингиз-ку! Бўлди-да, ҳадеб гапираверасизми?!

— Тўй, аза, кўча ва бозорларда гапирдим, холос,— деди Афанди.— Бундан кейин ҳам фақат шу ерларда гапираман. Бундан инг йил илгари худонинг ўзи ҳазрати Исмоил учун кичкина бир қўзини қурбонлик қилиб қўйиб, уни қурьонгача ёздирди. Ҳаттоки домла-имом ҳам буни ҳар куни юз марта такрорлайди-ю, мен шундай қадрдон қўйимни қурбонлик қилиб жим юрайми?

АФАНДИНИНГ ИЛТИЖОСИ

Афанди шаҳардан уйига кетаётиб ниҳоятда чарчади ва илтижо қилди:

— Эй, худо, ҳозир менга бир от юборсанг: уйимга элтиб қўйса, қудратинг камайиб қоладими?

Бир оз кутди. Ғойибдан ҳеч қанақа от, эшак пайдо бўлмаганини кўриб аччиғланди-да:

— Олтмиш йил менга худолик қилиб, бирор марта гапимга қулоқ солмабсан-а! Э, бор-э!— деб жўнаб кетди.

ЭНДИ МУЛЛА БУЛДИ

Бир куни хотини Афандига деди:

— Уйда сичқонлар ҳасса таяниб юрибди. Сиз ҳам умид билан ўқигансиз, бекор юрмай, жилла бўлмаса қишлоққа чиқиб, имомлик қилинг, зора уйимизга озроқ дон-пон кирса.

Афандига хотинининг гапи маъқул тушиб, қишлоққа чиқиб кетди. У қайси қишлоққа бормасин, одамлар, имомимиз бор, деб уни қайтаришар эди. У бир жойга борса, одамлар тулкини тугиб олиб уришаётган экан.

— Нега ураяпсизлар бу жонворни?— деб сўради улардан Афанди.

— Жонивор бўлмай ўлсин, товуқ ва жўжаларимизни қийратиб юборди-ку!— жавоб берди улардан бири.

— Менга беринглар?— деди Афанди.— Мен уни шундай азоблайки, тулки бўлганига пушаймон есин.

Одамлар тулкини Афандига бердилар. У бошидаги салласини тулкига ўради, жияклик кўйлагини кийдирди, тасбеҳини унинг бўйнига боғлаб қўйиб юборди. Деҳқонлар ҳайрон бўлиб сўрадилар:

— Афанди, тулкини нега қўйиб юбордингиз, бу қанақа жазо бериш бўлди?

— Сиз ҳеч нарсага тушунмайсиз, — жавоб берди Афанди. — Тулки энди мулла бўлди, қайси қишлоққа бормасин, уни уриб ҳайдайдилар, бир нарча нонга зор бўлиб, очликдан ўлади.

НАМОЗДА

Афанди бомдод намозида ўтирар эди. Имом «Қуръон»дан «Нух» сурасини бошлаб «Биз Нухни юбордик» деган жойга келганда, нарёғини тополмасдан анчагача тўхталиб қолди. Афанди тоқатсизланиб қичқирди:

— Имом-домла, Нух бормайдиган бўлса, бошқа бир кишини юбора қолинг, ишимиз жуда зарур эди!

АГАР ҚИЁМАТ ҚИШДА КЕЛСА-ЧИ?

Совуқ қиш кунларининг бирида қариялар меҳмонхонада тўп-ланишиб, дўзах ва жаннат ҳақида суҳбатлашар эдилар. Тасодифан у ерга Афанди совуқдан қалтираб кириб келди-да, оёқ-қўлларини оловда исита бошлади.

— Дўзахнинг иссиқлигидан қиёматда одамзоднинг мияси қирқ газ юқорига қайнаб чиқади, — деди имом.

— Бу гапларнинг ҳаммаси беҳуда, — гапга аралашди Афанди. — Агар қиёмат қишда келса, қайси аҳмоқ дўзахни қўйиб жаннатга киради?

ҲАЛОЛ ДЎСТ БЎЛАДИ

Афанди бир куни йўл устида овқат еб ўтирган попни кўрди-да, саломлашиб, овқат ейишга «кўмаклаша» бошлади.

Поп Афандига савол назари билан қараб деди:

— Дўстим, мусулмонлар эътиқодича, биз кофир, биз билан овқатланиш ҳаром ҳисобланади-ку?

— Христианлар эътиқодича, мен ҳам кофирман: икки кофир бир бўлса, ҳалол дўст бўлади, — деб жавоб берди Афанди.

ХУДОНИНГ БАНДАЛАРИ

Афанди далада ишлаб юриб қорни очди-да, овқатланишга ўтирди. Шу чоқ бир қанча муллалар келиб салом бердилар. Афанди уларни овқатга таклиф қилган эди, улар ҳаш-паш дегунча Афандининг бор овқатини еб тугатдилар.

Оч қолган Афанди меҳмонлар жўнаётганларида сўради:

— Сўраганининг айби йўқ, биродарлар, ким бўласиз?

— Худонинг бандалари,— деб муллалар жўнаб кетдилар. Улар кетгач, Афанди ерининг чеккасидаги чинор тагига бир неча отлиқ келиб, қўй сўйиб маишат қила бошлади. Афанди уларнинг олдига бориб, шўрваларидан ичиб қорнини тўйгазгач, улардан сўради:

— Иниларим, ким бўласизлар?

— Биз — пошшонинг навкарларимиз,— жавоб берди улар. Афанди уларга ва муллалар кетган томонга қараб, қўлларини кўкка кўтарган ҳолда:

— Эй, худо, ўз бандаларингни пошшоҶалик боқолмасанг, сенинг худолигинг қани?! — деди.

ОСМОНГА МИХЛАНГАН ҚУЁШ

Афанди рўза тутмас эди. Бунга ғаши келган дўстлари бир куни айтишди:

— Афанди, рўза тутинг! Савоби улуг. Эртага рўза тутсангиз, бир жойга ифторликка олиб борамиз. Маза қиласиз.

Афанди эртасига саҳарда туриб, нонушта қилди. Қуруқ нон билан чой ичгани учунми, пешингача аранг чидади. Кун чошгоҳдан ошгач, ичак-чавоқлари «сурнай» чалиб, тинкаси қуриди. Ҳолсизланиб ҳовлига чиқди-да, чалқанчасига ётиб олди. Лак-лак тушиб кетган кўзларини осмонга қадади. Назарида қуёш осмонга михлангандай жойидан жиламан демасди. Афанди ўпкалаган оҳангда қуёшга нола қила бошлади:

— Эй, қуёш, қачон ботасан? Хўжа Насриддин ўлганидан кейинми?

ДАЪВОҶАР — МУТТАҶАМ

Афанди камбағалликдан худога нола қилди:

— Эй, худо, чинакам худолигингни кўрсатмоқчи бўлсанг, менга ҳозир минг тилло ташлайсан: агар бир кам минг тилло бўлса ҳам, олмайман.

Афандининг бу сўзини эшитиб турган бир бой қўшниси бир кам минг тиллони санаб девордан ирғитди ва ўзи томга чиқиб қараб турди.

Афанди ҳамённи олиб санаб қараса: бир кам минг тилло.

— Бир кам минг тиллони берган худо, қолган бир тиллосини ҳам беради,— деди Афанди ва ҳамённи сандиққа солиб қўйди.

Бу сўзни эшитган бой, жон-пони чиқиб, Афандининг эшигини қоқди.

— Афанди, сизни оладими-олмайдими деган ҳазил билан ўша бир кам минг тиллони мен ташлаган эдим, чиқариб беринг.

Афанди пулни беришга унамади. Бой ноилож Афандини қозига судради. Афанди эса тихирлик қилди:

— Эски тўн билан қозихонага бормаيمان,— деб туриб олди. Бой янги тўн келтириб берган эди:

— Пиёда бормайман, — деди. Бой унга хачирини берди. Бой Афандини қозига олиб борди ва бўлган воқеани айтиб берди.

— Шу гап ростми? — деб сўради қози Афандидан.

— Мутлақо ёлғон! — деди Афанди. — Бундай ёлғончи одамни биринчи марта кўришим. Бунинг гапига қулоқ солсангиз, устимдаги тўн, остимдаги хачирга ҳам даъво қилишдан тоймайди.

Бой фарёд чекиб, тўн ва хачирни ҳам ўзиники эканини айтган эди, қози уни тухматчиликда айблаб, тиллани Афандига ҳукм қилди.

УЗИМИЗНИНГ МУРИДЛАРДАН ЭКАН

Афанди эшонлик қилиб, «Мурид ови»дан катта ўлжа билан қайгар эди. Бозорга кирган чоғида ҳамёнидаги бор пулини бир кисавур қирқиб олиб қочди. Бу ҳолни бир халфаси фаҳмлаб: кисавур кетидан қува бошлаган эди, Афанди унинг орқасидан қичқирди:

— Қувламай қўя бер, у ҳам ўзимизнинг муридларимиздан экан!

КЕЧАСИ ИККИ МАРТА ТУРАМАН

Бир дўсти Афандини зиёфатга айтиб кетди. Унинг ҳурмати учун уламо, зоҳид, тақводор одамларни ҳам чақирди. Зиёфат асносида кечалари туриб ибодат қилишдан ва унинг савоби улугъ эканлигидан гап кетди. Тақводорларнинг ҳар қайсиси бир-биридан ўздириб мақтана бошлади:

— Мен кечани учга бўлиб, бир қисмида ухлайман: бир қисмида намоз ўқийман, бир қисмида қуръон тиловат қиламан, — деди бири.

— Мен кечани икки бўламан, — деди иккинчиси. — Ярмида тикка туриб намоз ўқийман, ярмида жойнамоз устида тиловати қуръонни адо этиб чиқаман.

— Мен бутун кеча мижжа қоқмай ўтказаман: икки юз ракаат намоз ўқиб тонг отираман, — деди яна бири.

Бу гапларга жимгина қулоқ солиб ўтирган Афандидан сўраб қолдилар:

— Сиз ҳам кечалари турасизми, меҳмон?

— Ҳа. Бир-икки марта ёзилгани тураман-да, қайтиб келиб яна ухлайман: — деб жавоб берди Афанди.

АНИҚ ҚИЛИБ СУРАНГЛАР

Афанди атрофига бир қанча одамларни йиғиб насиҳат қила кетди:

— Биродарлар! Худодан бир нима сўрасанглар, аниқ қилиб сўранглар. Сулаймон пайғамбар ҳам фарзанд талаб қилиб «худоеъ, бир нима бер», деб сўраганларида хотинлари бир меш туққан экан, жони бору, қўл-оёғи йўқ эмиш. Пайғамбар ҳадеб нола қилаверганларидан ксйин худо, бир нима деганинг шу бўлади-да, деб жавоб берган экан

Худди шунга ўхшаш анави куни жамоат йиғилиб, худодан ёмғир сўраб турганларида, бир домла маҳмадоначилик қилиб: «Худое, борон бер», деб юборди. У сўраган борон бўронга айланиб кетиб, дов-дарахтлар ағдарилди, қанчадан-қанча уйлар вайрон бўлди. Бўрондан кейин қорасовуқ бошланди-ю, ҳамма меваларни уриб кетди. Шу боисдан сизларга айтаяпманки, худодан бир нима сўрасанглар, аниқ қилиб сўранглар.

ШАЙТОН ДАВО БЕРАДИ

Оғайнисининг зиёфатида Афанди бир семиз эшон билан ёнма-ён ўтириб қолди. Зиёфатда аския қизиб кетди. Ҳамма завқ қилиб ўтирарди. Эшон бўлса такаббуруна ўзини сино тугиб, қовогини солиб, пешонасини тириштириб, ғижиниб ўтирарди. Бунга Афандининг ғаши келиб турган эди. Шу пайт рўнарасида ўтирган бир меҳмон эшондан сўраб қолди:

— Сизнинг тобингиз йўқми ё бу мажлис ёқмаяшганими?

— Ҳа, бир оз тобим йўқроқ. Юрагим мижгиб оғрияпти, — деб йўгон қорнини силаб қўйди-да, Афандига хўмрайиб қаради.

— Иншолло, тузалиб қолурсиз, — деди рўнарада ўтирган киши. — Сизга дард берганнинг ўзи даво ҳам берур.

Афанди қулай фурсатдан фойдаланиб, гап отиб қолди:

— Бўлмаса бу кишининг юрак оғриқларига шайтон даво берар экан-да?

Эшон итқараш қилиб қўйди. Афанди бўлса парво қилмай:

— Шайтон қорнингизга ҳийлаю найрангни, кибру ҳавони лиқ тўлғазиб қўйган. Энди бу дардни берганнинг ўзи давосини ҳам беради-да, тақсир! — деди.

ФАРИШТАЛАРНИНГ КУЧИ-ЕТМАЙДИ

Афандидан сўрадилар:

— У дунёда пулсирот деган қилкўприк бўлар эмиш, шу ростми?

— Бўлса бордир. Ундан менинг ҳеч қўрқадиган жойим йўқ.

— Ие, ахир одамлар қурбонлик қилган қўйларига миниб олиб, олдингиздан пилдираб ўтиб кетаверсалар, сиз, биздақаларнинг орқасидан тез ўт, тез ўт, деб фаришталар тиқилинч қилиб туришса, нима қиламиз? Тагин қўрқадиган жойим йўқ, деб кериласиз-а!

— Барибир, қўрқмайман! Уша «ўт-ўт» деб дағдаға қиладиган фаришталарни одамлар ўртага олиб, роса дўппослайдилар. Ундан кейин қанотларини юлиб олиб, ўзларига тақадилару битта-биттадан учиб ўтаверадиладар-да. Шунча одамга битта-иккита фариштаннинг кучи етади дейсизми? Борди-ю, одамлар агар бу дунёдаги ноиттифоқликларини у дунёда ҳам қилсалар борми, тўпша-тўғри дўзахга қулаб кетишади деяверинглар...

ТАҲОРАТ УШАЛДИ

Афанди масжидда намоз ўқиётган эди, бурни қонаб кетди. Лекин у парво қилмай, намозини ўқийверди.

— Афандим, таҳоратингиз ушалди-ку!— деди бир одам намоз тугагач. Таҳоратни янгилаб ўқимайсизми?

— Э, қизиқмисиз, биродар?! Ҳар бир намозга биттадан таҳорат қилаверсам, бутун умрим қурбақага ўшаб ҳовуз лабида ўтиб кетади-ку!..

ЎЛИКНИНГ ТҶЙИ

Афанди домла-имом бошлиқ бир қанча одамлар билан маъракага кетаётган эди, қаршидан тўйга кетаётган бир тўда одамлар чиқиб қолишди. Уларни кўриб, домланинг ғазаби қайнади:

— Ҳа, баччағарлар! Савобли маъракани қўйиб, тўйга кетаётганларини қара буларнинг!

Афанди унинг гапини бўлди:

— Хафа бўлманг, тақсир биз ўликнинг тўйига кетаямиз, улар тирикнинг тўйига кетишяпти. Ким баччағар эканлигини худонинг ўзи билиб тургандир.

СЎФИ ЯХШИМИ, ЭШАК ЯХШИМИ?

Афанди бир вақт эшагига миниб, узоқ сафарга чиқди. Қишлоқ-ма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юриб, кунларнинг бирида кичкинагина бир шаҳарга кириб борди. Қараса, тунайдиған тузукроқ бир жой йўқ. Одамлардан сўраб-суриштирган эди, фалончи эшон солған хонақоҳ бор, мусофирлар ўша ерга қўнадилар, дейишди.

Афанди қидира-қидира, ахири хонақоҳни топиб борди. Эшагини етаклаб кираётган эди, хонақоҳда текинхўрлик қилиб ётган сўфилар уни жеркий бошладилар:

— Нима бу, оғилхонами сенга?! Йўқот, эшагингни!

— Эшагимни қўядиған жой йўқ. Узим билан бирга олиб кирмасам бўлмайди, барака топкурлар.

— Йўқ, дедикми, йўқ! Агар олиб киргудек бўлсанг, худди эшагингни уриб ўлдирамиз!

— Астағфирилло!— деди Афанди тажанг бўлиб.— Ахир, бу эшак сизлардан бир неча ҳисса афзал-ку!

— Нима-нима?! Афзал дедингми?!

— Албатта афзал-да. Афзаллиги шундаки, биринчидан, такалуфни билмайди, қаерга қўйсанг: шу ерда тураверади. Иккинчидан, унда меҳнатга тоқат бор, сизларда эса бу хислатлар йўқ. Учинчидан, ем ейди-ю, юк кўтаради. Сизлардақа текинхўр, дангаса эмас. Эшакка сомону, охур, сўфига маъракаю масжид. Қани энди ўзинглар инсоф билан айтинглар-чи, сўфи яхшими, эшак?

АГАР АҲМОҚ БЎЛСА

— Мулла Насриддин, маҳалламиздаги Бадалмат жуда аҳмоқ киши экан, унинг қайси кунги гапини қаранг,— деди имом, Афандини йўлда учратиб.

— Унинг гапини кўнгилга олмасинлар, тақсир!— деди Афанди.

ди. — Фараз қилдик, агар аҳмоқнинг аҳмоқлиги рост бўлса, яқинда келадиган қурбон ҳайитида бирор қўй сўйиб, терисини сизга келтириб беради.

НОДОН ЖАМОА

Афанди бир куни яҳудийларнинг катта бойлари орасига бориб бундай деди:

— Мени танийсиз, Мулла Насриддин Афанди бўламан. Ҳозир мусулмончиликдан кўнглим совиб турибди, агар сиз қирқ кунгача мени яхшилаб зиёфат қилсангиз, сизнинг динингизга кираман!

Яҳудий бойлари бу таклифга рози бўлишиб, Афандини қирқ кун зиёфат қилдилар. Охири улардан бири:

— Энди ваъдангизга вафо қилсангиз, хайрли иш кечикмаса, — деди.

— Эй, нодон жамоа! — деди Афанди. — Қирқ йилдан бери мусулмонларнинг зиёфатини еб, ҳалигача тузук-қуруқ мусулмон бўлганим йўғ-у, қирқ кунлик зиёфатингизга мусойи бўлайми?

БАХИЛНИНГ САДАҚАСИ

Афанди бахил ва хасислик билан ном чиқарган бир бой ҳузурига бориб:

— Хўжайин, эшитишимча, фақирларга садақа қилиш учун атаган маблағингиз бор экан. Бу шаҳарда мендан ғариб-камбағалроқ одам йўқ. Уша эҳсонингиздан баҳраманд қилсангиз, деб келган эдим, — деди.

Хасис бой Афандига садақа беришни истамай, баҳона кўрсатди:

— Мен бу садақани кўрларга атаганман, сен соғсан, беролмайман.

— Бахил ва хасисликда донг чиқарганингни била туриб, олдинга тама билан келган одамнинг кўрдан қандай фарқи бор? — деди Афанди.

ТАЖАНГЛИК

Афанди арзимаган нарсага тажанглик қилаверар эди. Бир куни кўчадан кириб келар экан, у:

— Ҳай, аттанг! — деб пешонасига урди.

— Нима бўлди? — қизиқиб сўради хотини.

— Эшонимнинг эшаклари думсиз туғибди.

Хотини қаҳ-қаҳлаб юборди ва:

— Думсиз туғса нима, осмон узилиб ерга түшибдими! — деди.

— Э, нодон! — деди Афанди. — Юк ортиб кетаётганда лойга тикилиб қолса, қаеридан тортиб чиқарилади?

АФАНДИ ВА ЖОДУГАРЛАР

Бир тўда азайимхон, парихон, жодугарлар Афандининг уйига киришди. Ҳовлида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланишиб, латга-лутталардан битга қўғирчоқ ясаб, уни ҳовлининг ўртасига ўтқазиб қўйдилар. Битгаси Афандини чақириб, бундай деди:

— Эшитмадим-билмадим деманг. Биз Кашмирдан келган машҳур жодугарлар бўламиз. Душманларингиз сизга қасд қилиб, уйингизга жоду ташлаб кетган эканлар, биз шуни даф қилгани келдик.

Афанди ҳовли бурчагидаги яшириб қўйилган қўғирчоқни кўрсатиб туриб:

— Бу жодуни бошқаларнинг жодуси ўтмасин, деб жўрттага ўзим ясаб қўйибман, — деди.

Афандидан катта пул олиш ниятида келган жодугарлар ўсал бўлиб чиқиб кетдилар.

ҲАММА НАРСА ХУДОДАН

Бир куни Афанди девор тагида ўтирган эди. Шу пайт девордан бир бўлак гувала қулаб, Афандининг бошига тушибди. Буни кўрган йўловчининг Афандига раҳми келиб:

— Ҳамма нарса худодан... Бу ишни худо истаган экан, начора? — дебди.

— Худонинг истаги шунақа бўлса, бу иши учун уни қозига олиб бориш керак эди, бироқ бу фойдасиз. Барибир қози уни айбсиз ҳисоблайди. Худонинг қози билан тили бир! — дебди Афанди ғазаб билан.

МУҒОМБИР ХУДО

Афандининг асраб юрган юз танга пули бор экан. Бир куни уни йўқотиб бир неча кунгача уйдан чиқмай, худога оҳу зор қилибди.

Иттифоқо, шу кунларда бир савдогар кемада келаётган экан, дарёда кучли шамол гуриб, кемани қаттиқ чайқайверибди. Савдогар кеманинг чўкиб кетишидан қўрқиб, худога ёлвора бошлабди:

— Худоё худовандо! Агар жонимни омон сақласанг, шаҳарга боргач, Насриддин Афандига юз танга садақа қилганим бўлсин, — деб қасам ичибди.

Тасодифан шамол узоқ давом этмабди. Савдогар шаҳарга боргач, ваъдасининг устидан чиқиб, Афандига юз танга садақа қилибди. Афанди эса савдогарга раҳмат дейиш ўрнига:

— Худойим! Ишинга ҳеч тушуниб бўлмайди: бировнинг пулини оласан: иккинчи бир одамга бериб, уни ит азобига соласан, эгасига қайтариб бериш учун қасам ичдиришга мажбур қиласан! Бунақа ҳийлаларни шайтон ҳам тополмайди! Ажаб муғомбир худосан да! -- деди.

ФАРҚИГА БОРМАСАНГ

Афандининг қўшнисида бир ҳанги эшак бор экан. У ҳанграй-вериб, маҳаллага ҳеч тинчлик бермабди. Бир кунни Афанди худодан:

— Худоё! худовандо, қўшимнинг эшагини ўлдириб, менинг қулоғимни тинчит, деб илтижо қилибди.

Афанди эрталаб оғилга кирса, сиғири ўлиб ётганмиш.

Афандининг фиғони фалакка чиқиб:

— Э, худо! Наҳотки худо бўла туриб, сиғир билан эшакнинг фарқига бормасанг? — дебди алам билан.

ДОМЛА ВА УНИНГ ШОГИРДЛАРИ

Мадраса мударрисининг тоби қочган экан. Муллаваччалардан бири уни кўргани келиб, ҳол-аҳвол сўрабди:

— Тақсир, саёқ итга ўхшаб жуда озиб кетибсиз!

Мударрис хафа бўлибди, бироқ индамабди. Иккинчи муллавачча келган экан, унга ҳасрат қилибди:

— Бу қандай замон? Ҳозиргина шогирдларимдан бири мени итга тенглаштирди-я!

Иккинчи муллавачча мударрисни тинчитган бўлиб:

— Сиз у маҳмадонанинг сўзига парво қилманг, тақсир. Ҳадемай саломатлигингиз яхши бўлиб кетса, тузалиб, тўнғиздай семирб кетасиз, — дебди.

Мударрис баттар хафа бўлибди, бироқ яна тишини-тишига қўйибди. Охири уни кўргани Афанди келибди. Мударрис унга:

— Муҳтарам Афанди, бу қандай гап, кўргани келган шогирдларимдан бири мени итга ўхшатса: иккинчиси тўнғизга ўхшатади, — деб шикоят қилибди.

Шунда Афанди:

— Тақсир! Шогирдларингиз одамдан эмас, эшакдан таълим олганга ўхшайди, — деб жавоб берибди.

АФАНДИНИНГ ҲАСРАТИ

Афанди шаҳардан қишлоқ томон пиёда келаётган экан, йўлда жуда чарчаб-ҳорибди-да:

— Ё олло! Жуда чарчадим, бирорта от ато қилсанг, уйимга етиб олардим, — дебди.

Шу пайт кимдир Афандининг орқасидан келибди-да, бир сапчиб унинг қоқ белига миниб олибди. Шунда Афанди осмонга қараб:

— Олтмиш йилдан буён менинг оллоҳим бўласан-у, аммо ҳалига қадар бирорта сўзимнинг фаҳмига етмайсан-а! — дебди алам қилиб.

ҚАЙСИ ДУНЁ ЯХШИ?

Афанди бир тақводор эшондан:

— Бу дунё яхшими, у дунё? — деб сўрабди.

— Бу дунё беш кунлик, ҳамма ҳузур-ҳаловат нариги дунёда, — дебди эшон.

Афанди эса унга жавобан:

— Ундай бўлса, бу дунёда нега имиллаб юрибсиз? — дебди.

ХОМ ЖОЙИ БОР ШЕКИЛЛИ

Афандининг синглиси меҳмонга келиб намоз ўқиётган экан, набираси таажжубланиб Афандидан:

— Бобо, нега аммам бошларини ерга ураяптилар? — деб сўрабди.

Бунга Афанди:

— Қўявер, болам, хом жойи бор шекилли, пишитмоқчидир, — деб жавоб берибди.

ХУДОНИНГ ИНЪОМИ

Бир куни Афанди тўсатдан подшога ёқиб қолибди. Подшо унга:

— Тила, тилагингни! — дебди.

Афанди подшонинг бу марҳаматига жавобан:

— Агар менинг тилагимни бажо келтирмоқчи бўлсангиз, менга бир қоп олтин инъом этинг, қолган ҳаётимни фароғатда ўтка-зай, — дебди.

Подшонинг маслаҳати билан хазиначи Афандига муҳрланган бир қоп олтин олиб чиқиб берибди. Ҳоят севинган Афанди қопни кўтариб уйига келибди.

— Хотин! — дебди у. — Энди бизнинг қозонимиз ҳам мой, чўмичимиз ҳам. Агар истасанг, ҳар куни ўн мартадан кийин, ҳар хил ўсма-сурма, уна-эллик сотиб ол, ўн марталаб ҳаммомга туш, ҳаммасига пул бераман. Қани, ҳозирча бери кел, олтинларни санайлик, бир ўзим адашиб кетишим мумкин.

Афанди қопни очиб қараса, қонда олтин эмас, майда шағал тош.

Афанди бир осмонга, бир ерга қараб, чуқур ўйга толибди.

— Бу нима деган гап! — дебди хотини. — Ким берди сизга бу тошларни?

Подшо менинг тилагимни бажо келтирди, — дебди Афанди. — Мен ундан бир қоп олтин тилаган эдим. Аҳмоқ бўлиб, бир қоп тошни олиб келибман.

— Подшо ҳам аҳмоқ эмас, сизга бир қоп тилла бериб. Сиз тиллани подшодан тиламанг, худодан сўранг, — дебди хотини.

Афанди хотинининг гапини маъқуллабди. Эртаси куни таҳорат олиб томга чиқибди. Макка тарафга қараб кечаси билан намоз ўқиб, қўшниларга ҳам уйқу бермабди. Бундан безор бўлган бир

қўшниси кечаси томга чиқиб, девордан яримта ғишт кўчириб, Афандига отибди. Шу пайт Афанди хотинини чақириб:

— Шамни ёқ, хотин! Худо бизга тилла юборди, — дебди.

— Хотини шамни келтирибди, Афанди қараса, ёнида яримта ғишт ётган эмиш. Афанди хотинига қараб:

— Қара: подшо билан худонинг тили бир экан, — дебди.

ДУОХОН ДОМЛА

Афанди ямоқчилик қилар экан. Бир куни унинг олдига одамларни алдаб, дуоси билан кун кўрадиган домла келиб қолибди ва:

— Афанди, маҳсимнинг учи йиртилди, тикиб беринг, ҳақиға сизни бир дуо қиламан, — дебди.

— Иш тамом бўлди, эртага келинг, — дебди Афанди.

— Йўқ, ҳозир тикиб беринг, бўлмаса, бир ёмон дуо қиламан, эшиқдан чиқолмай қоласиз, — дебди домла.

— Агар дуонгиз шунчалик ўтқир бўлса, маҳсингизнинг учини дуо қилинг, йиртилмасин, — дебди Афанди.

АФАНДИ ВА АВЛИЁ

Далада деҳқонлар ишлаб турган пайтда бир авлиё келиб, савол бера бошлабди:

— Саволларимни ишора билан кўрсатаман: жавобини сизлар ҳам ишора билан кўрсатинглар, — дебди у.

Шу пайт Афанди келиб қолибди. Авлиё ҳаммага қарата ишорали саволларни бера бошлабди. Бир бармоғини бигиз қилиб, Афандига кўрсатибди. Афанди унга икки бармоғини бигиз қилиб жавоб берибди. Авлиё саволнинг жавобидан мамнун бўлиб, унга таъзим қилибди. Бунга жавобан Афанди муштумини қисиб қўйибди. Авлиё яна Афандига эгилиб таъзим қилибди. Саволлар тугагач, деҳқонлар авлиёдан саволларининг мазмунини сўрабдилар. Авлиё айтиб бера бошлабди:

— Бир бармоғимни бигиз қилиб кўрсатишим — худо битта деганим эди. Афанди икки бармоғини кўрсатиб, худо йўлида Муҳаммад пайғамбарнинг ҳам борлигини кўрсатди. Мен панжамни ёзиб: «Беш вақт намоз ўқийсанми?» деган ишорани кўрсатсам, Афанди: «Бунга қаттиқ риоя қиламиз», деб жавоб берди. Афанди гоят билимдон экан.

Шундан сўнг деҳқонлар Афандидан ҳам савол-жавобнинг мазмунини сўрабдилар.

Афанди:

— Авлиё бир бармоғим билан кўзингни ўяман деган эди, мен икки бармоғим билан икки кўзингни ўяман, дедим. Сўнгра у беш панжасини ёзиб, шашалоқ билан ураман деди, мен эса муштим билан уриб, янчиб ташлайман деб ишора қилдим, — дебди.

РЎЗА ТУТИШ ВАҚТИ


Бир куни Афанди билан Алдаркўса учрашиб қолибдилар. Афанди Алдаркўсадан сўрабди, рўзани қачон тутиб, қачон очса бўлади, деб. Алдаркўса бундай дебди:

— Агар осмонга тош отсалар, кўринмаса шу ҳолгача рўзани тутиб очиш мумкин, — дебди.

Буни эшитган Афанди:

Борди-ю, куппа-кундуз куни ҳам икки тоғнинг оралиғига кириб, қоронғи ерида овқат еб чиқса ҳам бўлаверар экан-да, — дебди.

АФАНДИ ОЧКУЗ БОШАЛАР ВА
САВДОГАРЛАР ОРАСИДА





АФАНДИ ОЧКУЗ БОЙЛАР ВА САВДОГАРЛАР ОРАСИДА

НА БУКТИРАДИ, НА ЖИМ ТУРАДИ

Афанди билан уч киши шерикликка бир хурмача қатиқ олиб ейиш-моқчи бўлди-да, қатиқни олиб бир жойга борганда тўхтаб, ўша ерда ейишга маслаҳат қилишди. Афанди қатиққа нон тўғраётган эди. Шерикларидан биттаси баднафсроқ экан, Афанди нонни тўғраб бўлмасдан, бир чеккасидан олиб еяверди. Афанди қўлидаги чўмичи билан ҳалиги кишини бир солган

эди, у киши орқасига йиқилиб,
оғзидан оқ кўтих кела
бошлади. Шерикларидан
биттаси: — Э, Афанди,
макки қилдингиз-ку! —

— дедди. Эди, Афанди:

— Кўрмайсизми, на бўктиради, на
жим туради, —
— деди.



НОНХУР

Афанди бир шаҳарга ҳориб-чарчаб кириб борди. Қорни ниҳоятда очиб кетган эди. Бир жойга келса, новвой нон ёпиб турган экан. Афанди унинг олдига келиб:

— Қорнимни қанчага тўйғазасиз? — деб сўради.

Новвой унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, ичиди ўйлади: бешта нонга тўяр... Шундоқ бўлсаям, ўнта нонни мўлжаллаб:

— Битта тангага тўйғазаман, — деди.

Афанди унга бир тангани узатди-да, нарироқдаги ариқ лабига бориб ўтирди.

— Қани, битта-биттадан олиб келавер.

Новвой нон ташиб турди, Афанди битта-биттадан сувга ботириб тушираверди. Бешта еди, ўнта еди, ўн бешта еди... Уттизтага етганда, новвойнинг пешонаси тиришди:

— Ҳой, менга қара, худонинг ҳаққи-ҳурмати сенга шунчалик иштаҳа берибди, қачонгача ейсан-у, қачон тўхтайсан?

— Мана шу ариқнинг суви қачон тўхтаса, мен ҳам ўшанда тўхтаيمان, — деб жавоб берди Афанди.

ХАСИС ВА АФАНДИ

Бир хасис одам ҳар кўрғанда Афандини ёлғондан уйига таклиф қилар эди. Афанди бир куни: «Қани, шу хасисниқига бир борайчи» деб, унинг уйига борди. Хасис болохонасида кўчага қараб ўтирар эди, узоқдан Афандини кўрди-да, уйига тушиб хотинига тайинлади:

— Бизниқига Афанди келаётибди. Мени қақирса, уйда йўқлар, кўчага чиқиб кетган эдилар, дегин.

Афанди келиб, унинг эшигини тақиллаган эди, хотини чиқиб, унга эри тайинлаганча жавоб қилди.

— Эрингизга айтиб қўйинг, — деди Афанди. — Кўчага чиқиб кетаётганларида каллаларини болохоналарининг деразасига қўйиб кетмасинлар.

ПАТИР

Афандининг маҳалласидаги бир бой қачон меҳмон келса, бир патирда суви қочган, юпқа, қора патирни олиб келаверар, сийдириб бўлмаганидан яна бутунича олиб кириб кетар эди.

Бир меҳмондорчиликдан кейин хизматкор боғи шаҳарни ичкарига қайтиб олиб кетаётганда, фалокат босиб, оёғонага қоқилиб йиқилди-ю, патир синди.

Бой оҳ деб ўзини ташлаб юборди ва ҳушидан кетмазди. Афанди дарҳол ўрнидан туриб, патирларнинг синиғини терди, бойнинг этагига тўкиб унга тасалли берди.

— Узингизни босинг, бойбува, бунинг иложи осон: кўчанинг бошида қадоқчи ўтирибди, югуриб чиқсангиз, саккизта қадоқ билан ҳаммасини бошлаб беради...

УН ОШАМ ОШИ

Афанди мардикорчилик қилар эди, бир хасис одам уни ёлламоқчи бўлиб, баҳолашди:

— Ярим танга пул, ўн ошам ош бераман,— деди у.

Афанди кўнди. Кечқурун ишдан кейин ярим танга пулни олиб ёнига солди, хасис олиб чиққан ўн ошам ошни уч ошам қилди-ю.

— Қолган етти ошамига қачон келай?— деди.

ЧАНҚАГАН ЧҮНТАК

Афанди бир куни тўйга борди. Унинг ёнида ўтирган бир савдогар очофатлик қилиб еганига қаноатланмай, дастурхондаги қанд-қурслардан олиб, чўнтақларини тўлғазди. Афанди буни кўриб ёнида турган чойнакни олди-да, секин унинг чўнтақларига чой қуя бошлади. Савдогар пайқаб қолиб, жаҳл аралаш Афандидан сўради:

— Нега чўнтагимга чой қуйяпсиз?

— Чўнтагингиз қанд-қурсни кўп еб, чанқаб қолгандир,— деди Афанди.

ШАҲАРДАГИ ТИРИКЧИЛИК

Афанди бозор айланиб юрар эди, бир содда қишлоқи одам ундан сўради:

— Шаҳарда одам жуда кўп экан-у, аммо экин экадиган ери йўқ. Бунча одам қандай тирикчилик қилишар экан-а?

— Шаҳардаги одамлар тушгача сен билан менга ўхшаган қишлоқдан келган содда одамларни, тушдан кейин эса, бир-бирларини алдаб тирикчилик қилишади,— деб жавоб берди Афанди.

АФАНДИНИНГ ГУНОҲҚОРЛИГИ

Афанди бозорда айланиб юрар эди. Давра олиб ўтириб асал, сариёғ ва иссиқ нон еб ўтирган одамларга кўзи тушди. Афанди уларнинг олдига бориб:

— Ассалому алайкум, хасис, бахил одамлар!— деди.

— Афанди, бу нима деган гап, биз сиз айтган одамлардан эмас миз,— деди улардан бири,— ўтиринг, биз билан овқатланинг!

Афанди дарҳол асал билан ёғни олдига тортди-да, нонга булаб лунжини тўлдириб тушира кетди ва қорни тўйгач деди:

— Кўрдингми, худо, мен хато қилиб гуноҳкор бўлдим, улар ҳақиқатан ҳам сахий одамлар эканлар, гуноҳимни ўзинг кечир!

ЭШАГИДАН ТУШОВИ ҚИММАТ

Афанди бир қанча ҳамқишлоқлари билан шаҳарга тушиб келди. Бозорда одам кўп, тиқилинч. Афанди эшак билан тиқилинчда юролмагач, сарой томонга кетди. Эшагини тушовлаб қўйиб, ўзи бозорга кирди-да, ишларини битказди. Карвонсаройга келиб, эшагига юklarини ортиб, қайтиб чиқиб келаётган эди, саройбон унинг йўлини тўсди:

— Қани тушов пулини тўланг!

Афанди бор-йўқ пулига харид қилиб, ҳамёнида ҳеч вақо қолмаган эди. Бу ногаҳоний тўловдан ҳайрон бўлиб сўради:

— Тушов пули қанча бўлади?

— Ун танга.

— Ие, эшаги қурғурни беш тангага олган эдим, тушови ўн танга бўлса, эшагидан ҳам тушови қиммат экан-да!

БУНИНГ ПУЛИГА НИМА ОЛАСАН?

Афанди бозорда айланиб юриб, қандолатфуруш дўконига бориб қолди:

— Бу нима? — деб сўради у ранг-баранг қандларни кўрсатиб.

— Қанд, жуда ширин нарса, олинг, — таклиф қилди дўкондор.

Афанди қандолатфурушнинг розилиги билан қанддан еб кўрди ва деди:

— Биродар, бунчалик ширин нарсани сотиб пулига ундан ҳам ширинроқ яна қандай нарса олиб ейсиз?

ХАЙРИЯТ, КЎЗИНГ БОР ЭКАН

Афанди бозор айланиб юриб, мевафурушлар растасига кириб қолди, қараса: ўрик қоқи, турли-туман майизлар, pista, бодом, нок, узум ва бошқа мевалар уюлиб ётибди-ю, соғувчилари қимирламай ўтиришибди. Афанди ҳассасининг учини бир боққолнинг кўзи олдига олиб борди. Бундан чўчиган боққол:

— Э бадбахт, қанақа одамсан, кўзимга тиқиб олсан-ку! — деди.

Афанди ҳамма эшитадиган қилиб деди:

— Ахир кўзларингиз бор экан-ку, нега бу мевалардан емай ўтирибсиз?

НЕГА ҚУЛЛУҚ ҚИЛАРКАНМАН?

Афанди яшаб турган қишлоқда бир катта бой бор эди. У бировларнинг ўзига қуллуқ қилишини ҳаммадан ҳам яхши кўрарди. Қўл остидаги барча хизматкорларини ҳар куни уч маҳал қуллуқ қилишга мажбур этарди.

Кунлардан бирида шу бой кўчада кетаётиб, Афандига дуч келиб қолди. Афанди унга салом ҳам бермай, қандай келаётган бўлса, шундай ўтиб кетаверди. Бой уни тўхтатиб:

— Мулла Насриддин, менинг кимлигимни билмайсизми? — деди.

— Биламан, нега билмас эканман энди.

— Бўлмаса нега менга қуллуқ қилмайсиз?

— Нега энди сизга қуллуқ қиларканман? Бой бўлсангиз ўзингизга. Минг қуллуқ қилганим билан, барибир бойлигингизни менга бермайсиз. Нима қиламан ўзимни паст тутиб?!

— Агар бойлигимнинг учдан бирини берсам, қуллуқ қиласизми?

— Йўқ. Сизга икки ҳисса қолсин-у, менга бир ҳиссаси ўтсин-да, яна сизга қуллуқ қилайми? Бу инсофдан эмас.

— Хўп, яхши, бўлмаса сизга бойлигимнинг ярмини бераман. Аммо шу шарт биланки, менга ҳамма вақт қуллуқ қилиб юрасиз.

— Йўқ, бўлмайди. Бойлигингизнинг ярмини берсангиз, иккаламиз тенг бўламиз. Шундай бўлгандан кейин, нега энди сизга қуллуқ қиларканман?

— Оббо Афанди-ей! Бойлигимнинг ҳаммасини берсам, қуллуқ қиларсиз.

— Йўқ, унда мен бой бўламан-у, сиз камбағал бўлиб қоласиз. Бойнинг камбағалга қуллуқ қилганини ҳеч қаерда кўрган-мисиз?

БОЙ БИЛАН АФАНДИ

Бир бой Афандидан:

— Сенга юз сўм пул берсам дейман? — деб сўради.

Афанди жавоб берди:

— Агар берсанг, сенга яхши. Афандини қарздор қилдим, деб мақтаниб юрасан. Агар бермасанг, менга яхши. Сендан қарздор бўлиб, миннатингни тортиб юрмайман.

ОТНИ ЭГАСИГА ТОПШИРИШ

Афандига маҳалласидаги бир бой пул бериб, от олгани бозорга юборди. Афанди пулни чўнтакка солиб, бозорга борди ва у ерда кечгача юриб бирорта ҳам от маъқул қилолмади. У энди қайтмоқчи бўлиб туриб эди, Афандининг узоқ таниши бўлган

бир домла бозор олдидан отлиқ ўтиб қолди. Илгари у домланинг оти йўқ эди. «Бирор жойдан назир олган бўлса керак», деб ўйлади Афанди ва тўхта, буни бир қўлга туширай, деб домланинг олдини тўсиб, салом берди:

— Ҳорманг, домла! — деди Афанди. — Йўл бўлсин?

— Уйга, — деди домла мағрурланиб.

— Савоблик учун мени ҳам отингизга мингаштириб олсангизчи, домла! — деб ялинди Афанди.

Домла кўниб, отини бир тўнтак ёнига олиб борди, Афанди ирғиб от орқасига миниб олди. Индамасдан боришар, Афанди ҳам бундан кейин кўрадиган тадбирларни ўйлаб кетар эди. Маҳалласига яқин қолганда Афанди айтди:

— Домла! Отингизнинг кўймучи менга бир оз озор беряпти, орқамда жароҳатим бор эди. Уйга ҳам озгина қолди, жойимизни алмаштирсак, қалай бўлар экан?

Домла, менинг одамгарчилигимни кўриб қўй, дегандай қилиб, бунга ҳам кўнди. Афанди эгарга минди, домла — орқага, шу аҳволда маҳаллага кириб бордилар.

Афандига пул берган бой эса, унинг кечикиб кетгани учун ташвишга тушиб, кўчанинг оғзида қараб турар эди. Афандини узоқдан кўриб, хурсанд бўлди ва унинг қаршисига бора бошлади.

— Ҳорманг, Афанди! — деди бой Афанди билан бараварлашгач. — Яхши от олибсизми?

— Ҳа, — деди Афанди, — савдомиз ёмон бўлмади, — деб орқасидаги домлага қараб айтди: — Қани, домлапочча! Отдан тушинг, отни эгасига тонширайлик.

Домланинг ранг-қути ўчди.

— Ҳазил қилманг! — деди у Афандига. — Узингиз тушинг отдан!

— Ийи! — деди Афанди. — Ҳали сизни, пиёда юрманг, деб иззат қилиб отга мингаштириб олсам, бировнинг отини куппакундуз куни босқинчилик қилиб олмоқчимисиз? Бу муттаҳамни қаранг! — деб бойга мурожаат қилди.

— Туш, туш! — деди бой ҳам домлага. — Иззатини билмаган мунофиқ! — деб бориб, домланинг қўлидан тортиб ерга йиқитди, бой билан домла ёқалашиб кетдилар. Афанди пайтдан фойдаланиб, от тизгинини бойнинг қўлига тутқизди-да, уйига кириб кетди.

ИБЛИС САВДОГАР

Афанди бир бойнинг меҳмонхонасига кирса, у ерда хон амалдорлари, уламолар, бойлар ва қозилар суҳбатлашиб ўтирган эканлар. Улар Афандини кўриш билан кулишиб, ундан бир латифа айтиб беришни илтимос қилдилар. Афанди илтимосни қабул қилиб, латифа бошлади:

— Мен бир савдогарни кўрдим, унинг тўрт туя юки бор

экан. Бу молларни кимга сотасан, деб сўрасам, амалдорларга, бойлар ва қозиларга сотаман, деб жавоб берди.

— У қандай моллар экан?— деб сўради бир савдогар.

— Сабр қилинг, ҳозир ҳаммасини айтаман,— деди Афанди.— Бир туя моли, зулм экан — буниси амалдорларга эмиш, бир туя моли, хиёнат экан — буниси бойларга эмиш, бир туяси кибру ҳаво ва таъна экан — буниси уламоларга қўл эмиш, бир туяси, ҳийлайи шаръий ва порахўрлик экан — буниси қозиларга эмиш.

— Қандай савдогар экан?— деб таажжубланди қози.

— Иблис,— деди Афанди.

БАХИЛГА ЗОРИҚМАЙМАН

Бир бахил Афандидан сўради:

— Сиз ҳам пулни севасизми?

— Албатта!— деди Афанди.

— Нега энди?

— Чунки,— деди Афанди,— пулим бўлса сенга ўхшаган бахилга зориқмайман.

БОЙ БҮЛАЙ ДЕЙМАН-ДА...

Афанди бир бой савдогарнинг ўғли билан гаплашиб ўтириб:

— Отанг яхшими?— деб сўраб қолди.

Бойвачча отасидан нолий кетди:

— Э, Афандим, нимасини сўрайсиз! Отамнинг хасислиги икки баравар ошиб кетди.

— Бўлмаса, кел дуо қилайлик, отанг тезроқ ўлсин-у, молмулки сенга қолсин!

— Шундай дуо қилингки, отам ўз ажали билан ўлмасин, уни биров ўлдирсин.

— Ие, бу нима деганинг?!

— Отамнинг хунини ўлдирувчидан олиб, отамдан ҳам катта-роқ бой бўлай дейман-да!..

ОТ УСТИГА МИНГАНДАЙ

Афанди эшагини миниб, бозорга борар экан, унинг орқасидан етиб келган отлиқ бир бой, унга пичинг отди:

— Афанди, эшагингиз қалай?

— От устига мингандай,— деб жавоб берди Афанди.

ЭГАР-ЖАБДУҚНИ КИМ КУТАРАДИ

Бир бой от, эгар-жабдуқлари билан хизматкор иккаласи овга чиқишибди. Улар мўл юрди. Бир жойга етганларида тунаш керак бўлиб қолди.

Бой хизматкорини отга қоровул қилиб, ўзи уйқуга кетди. Ярим кечада у уйқудан уйғониб хизматкорга деди:

— Сен ухламай ўтирибсанми? — деб сўраган эди, хизматкори деди:

— Йўқ, хўжайин, ухлаганим йўқ, ўйланиб ўтирибман.

Бой ундан қизиқиб сўради:

— Сен қани айт-чи, нималарни ўйланиб ўтирибсан? — деди.

Хизматкори шунда:

— Эй, хўжайин, худо осмонни яратибди-ю, бирорта устун қўймабди. Осмон устимизга тушиб кетмасин, деб боятдан бери шуни ўйлаб ўтирибман, — деди.

— Тагин ўйланиб ўтириб, ухлаб қолмагин, — деб, бой уйқуга кетди. Эрта билан бой уйғониб, қудимсираб хизматкоридан сўради:

— Хўш, энди нималарни ўйлаяпсан?

Шунда хизматкори деди:

— Отни ҳам ўғирлаб кетишибди. Эгар-жабдуқни қайси биримиз кўтариб кетамиз, деб шуни ўйлаяпман, — деди.

Бой бошини ушлаганча, бақрайиб қолди.

ЯХШИЯМ ИШОНМАГАНИМ

Афанди узоқ бир юртга саёҳатга бориб, қайтишда йўл устидаги қалин тўқайзорда салқинлаб ўтирган эди, бир сипоҳи келиб, Афандидан сўради:

— Қаёқдан келаётибсиз?

— Шу юртга саёҳат қилиб келган эдим, сафар қариб, энди юртимга кетаётибман.

— Қалай, бизнинг шаҳарлар сизга маъқул бўлдими?

— Менга маъқул бўлмади. Шаҳарларингиз ифлос, қаровсиз, пашшаси кўп, нархи-наво қиммат...

— Одамлари қалай?

— Одамлари жуда қўпол, хасис, фирибгар, очкўз экан.

— Бу шаҳарнинг беги тўғрисида нималар дейсиз?

— Шаҳари шу бўлса, уни беги нима бўларди. Анчагина золим, маишатнараст одам, дейишади.

Сипоҳининг ранги-қути ўчди, мўйловини бураб, Афандига кўзларини чақчайтирди:

— Мен шу шаҳарнинг бегиман!

Афанди дарров сўрашгани қўл берди:

— Саломатмилар?... Шаҳарнинг беги тўғрисидаги гапларга яхшиям ишонмаганим.

АФАНДИ ВА УНИНГ ХЎЖАЙИНИ

Афанди бир қурумсоқ бойда қаролик қилар эди. Бир куни бой меҳмонга кетаётиб, Афандига қиладиган ишларни тайинлади:

— Қўй, сигир, товуқларга яхши қара! Товуқларнинг боши ердан, мол, қўйларнинг боши охурдан узилмасин. Ҳовли саҳнини тозалаб, ёғ тушса ялағудек қилиб қўй!

Хўжайин кетгач, Афанди товуқларни парвариш қила бошлади, ҳар қанча дон берса ҳам товуқлар уни еб бўлиб, дарҳол бошини ердан кўтарар эдилар. Аччиғланган Афанди товуқларни туғиб, ҳаммасининг бошини узиб, ерга ташлади. «Мана, энди ердан кўтарилмайдиган бўлди», деди ўз-ўзига. У молхонага кириб, қўй, молларни парвариш қила бошлади. Аммо улар ҳам ем-хашакни еб бўлиб, бошларини охурдан кўтаришар эди. Афанди ҳайвонларнинг ҳам бошини кесиб, охурга ташлади ва энди охурдан кўтарилмайдиган бўлди, деди ўзича.

Бу ишлардан бўшагач, ҳовлини супурди-да, бойнинг хумдаги ёғини эритиб ерга сепди. Ишларни саранжомлагач, энди дам олишга ўтирган эдики, бой қайтиб келди, аҳволни кўриб бақирди:

— Бу нима қилганинг, ҳаромзода!

— Хўжайин, топшириқларингизни жону дил билан бажардим. Мана, молларнинг бошини охурдан, товуқларнинг бошини ердан узилмайдиган қилиб қўйдим. Ҳовлингизни шундай тозаладимки, ишонмасангиз, мана ёғ ҳам сепдим, ялаб кўринг-чи, — деди Афанди.

ҚАРИСА ҲАМ ҚУЙИЛМАС

Бир бой кексайиб қолганига қарамай, Афандининг қизига ишқибоз бўлиб қолди:

— Жонгинам, сизни севиб қолдим, сувга десангиз — сувга, ўтга десангиз — ўтга сиз учун киришга тайёрман, — деди у.

— Ерга киринг, десам-чи? — деди қиз.

УЗ ОТИНИ ТОПИБ ОЛИШ ЙЎЛИ

Афанди бир гуруҳ савдогарларга ҳамроҳ бўлиб, отлиқ сафарга чиқди. Кун кеч бўлиб, бир манзилга туновга тушдилар. Эртаси юратурган вақтда Афанди ўз отининг қайси эканлигини таниёлмайди, лекин бировдан сўрашга номус қилиб қўлига милтигини олиб қичқирди:

— Отларимизнинг ичида эгаси йўқ от борга ўхшайди. Уни ҳозир мен отиб гўшт қиламан! — деб милтиқни ўқлай бошлади. Буни кўрган ҳамон, савдогарлар саросимага тушиб, ҳар қайсилари югуриб бориб, ўз отларини ушладилар, ёлғиз Афандининг оти ажралиб қолди. Афанди ўз отини таниб, милтиқни ташлади-да, шошиб бориб отига тескари миниб олди.

Ҳамроҳлари кулишиб:

— Афанди, нега отга тескари миндингиз? — деб сўрадилар.

Афанди айтди:

— Мен тескари минганим йўқ, отнинг ўзи тескари турган экан.

ҲАҚИНГ КУЙМАЙДИ

Афанди боққолдан анча қарздор бўлиб қолган эди. Бир куни у боқчасига кўчат ўтқизиш турганда боққол қарзини қистаб келди ва Афандининг кўчат ўтқазиб турганини кўриб сўради:

— Афанди, бу кўчатларингиз қачон мевага киради-ю, сиз қачон уларнинг ҳосилини ейсиз?

Боққолнинг нима учун қадамранжида қилганини фаҳмлаган Афанди жавоб берди:

— Қарздорлик ёмон нарса, бобомнинг қарзини узиш учун дадам эккан кўчатларнинг ҳосилини биз едик. Энди биз эккан кўчатларнинг мевасини болаларимиз ейди-да...

Бундай жавобни кутмаган боққолнинг ранги-қути ўчиб яна сўради:

— Ундай бўлса бизнинг қарзни қачон узасиз?

— Яхши ният ярим мол, деган эканлар,— деб жавоб берди Афанди.— Бозордан шу кўчатларни харид қилаётганимда, шулар ҳосилга кирса, боққолнинг ҳақини беш ҳисса қилиб тўлайман, деб ният қилиб қўйганман. Хотиржам бўл оғайни, ҳақинг куймайди!

АЖАБЛАНИШ

Афанди яна бир кун қорни оч, бозор айланиб юриб бир боққол олдидан чиқди. Боққолнинг дўконида тухум, сариқ мой ва асал турар эди. Афандининг иштаҳаси кўзгаб кетиб, боққолдан сўради.

— Шу тухум, сариқ мой ва асал сизникими?

— Ҳа, албатта! — деди боққол.— Дўкондаги бари мол — ҳаммаси меники.

— Сизники бўлса,— деди Афанди — нега тухум қуймоқ қилиб еявермайсиз?

ХОСИЯТЛИ ОТАШКУРАК

Афанди бир куни бозорда юриб, бир қиличга харидор бўлди:

— Неча пул? — деб сўраган эди, эгаси:

— Уч минг танга,— деди. Афанди:

— Во ажабо! Темиртак қилич ҳам шу қадар қиммат бўладими? — деб сўраган эди, эгаси қиличнинг таърифини қилиб берди:

— Бу сиз ҳар кун кўриб юрган жайдари қилич эмас, ҳазрати Алининг Зулфиқор деган қиличлари шу бўлади. Душманга ҳамла қилганда беш газ бўлиб чўзилади.

— Ҳар қандай хосияти бўлса ҳам, бизга қимматлик қилади,— деди-да, уйга жўнади Афанди.

Эртасига Афанди уйидан оташқисқични кўтариб бозорга чиқди ва одамларнинг ўртасига кириб эълон қила бошлади:

— Оташкурак оладиган борми? Баҳоси уч минг танга!

Одамлар ажабланиб Афандидан сўрадилар:

— Бу оташкурагингизда нима хосият борки, уч минг танга сўрайсиз?

— Кеча, — деди Афанди, — душманга ҳамла қилганда беш газ чўзиладиган бир темиртак қиличга уч минг танга сўраб эдилар. Хотиним менга ҳамла қилганда, бу оташкурак ўн газ чўзилади.

СЕРФАЗИЛАТ ҲОЗ

Афанди бозорда юриб, бир қизиқ ҳодисани кўрди: катталиги каптарча келадиган бир қушни ўн сўмга савдо қилар эдилар. Афандининг кўнглига келди: «Демак, ҳозир паррандаларнинг бозори чаққон экан-да. Товуқдан кичкина қушни ўн сўм қиялтилар, бизнинг ғозимизни йигирма сўмга олсалар керак», деб ўйлади.

Эртасига ғозини ушлаб бозорга олиб борди, аммо унинг нархи ўн тангадан ошмади. Афанди бозор оқсоқолига бориб, зарда қилди:

— Азбаройи худо, бу нима деган гап?! Кеча ғознинг тўртдан бирича келмайдиган бир паррандани менинг олдимда ўн сўмга савдо қилиб туриб эдиларинг! Бугун нега бизнинг қушни ерга уриб юборасизлар?

— Афанди! — деди бозор оқсоқоли. — Кеча ўн сўмга савдо қилган қушимиз тўти эди. Тўти ҳамма паррандалардан ортиқ юради.

— Тўтининг бошқа паррандалардан қандай хосияти бор? Ҳаммаси бир қуш-да! — деди умрида тўти кўрмаган Афанди.

— Йўқ, — деди бозор оқсоқоли, — билмас экансиз Афанди. Тўти одамга ўхшаб гапирди.

— Тўти, — деди жавоб бериб Афанди, — одамга ўхшаб гапирса, ғоз одамга ўхшаб индамай туради.

ОРА ОЧИҚ БЎЛИШ ЙЎЛИ

Афандининг бир боққолдан анча қарзи бор эди. Афанди бир куни у боққолнинг олдидан ўтиб борар эди, боққол ундан қарзини сўраб қолди. Афандининг ёнида бир тийин пули бўлмаса ҳам йўқ дейишга бўлмасдан, дўкон олдига ўтирди ва боққолга қани, дафтарингизни очинг, деб буюрди.

Боққол ҳисоб дафтарини очиб, Афандининг қарзлари ёзилган бетни тоғди ва чўгга солиб чиққан эди, унинг қарзи ўттиз бир танга бўлипти. Ҳисоб-китоб дафтарига қараб ўтирган Афандининг кўзи ингичка дафтарнинг нариги бетига туғди: унда

маҳалла имомининг қарзи ёзилган бўлиб, унинг бўйнида йигирма олти танга қарзи бор экан. Афандида шу онда бир фикр туғилди. У боққолга айтди:

— Бу ёққа қаранг! Менинг ўттиз бир танга қарзим бор экан. Мана бу ёқда маҳалла имомимиз Солижон маҳсум йигирма олти танга насия қилган эканлар. Биз у киши билан қалин оғайнимиз. Мана шундай қилинг: ўттиз бир тангадан йигирма олти тангани чиқариб юборсангиз, беш танга қоладими, қолади. Уша қолган беш тангани менга берсангиз, ора очик бўлар эканмиз.

Боққолнинг калласи гаранг бўлиб, Афандининг айтганидек қилди: ғаладондан беш танга олиб, Афандига берди ва дафтарининг ҳар икки бетидаги қарзларни ўчириб ташлади.

НЕГА ҚАРАБ ТУРИБСИЗ?

Афанди, ёнида пули йўқ, қорни оч, бозор айланиб юриб, бир новвойхона олдидан чиқиб қолди. Афанди севиниб новвойхона олдида тўхтади ва қизил юзли нонларга қарар экан, иштаҳаси яна авж олиб, новвойдан сўради:

— Ота! Шу нонлар ҳаммаси сизникими?

— Ҳа, меники,— деди новвой.

— Рости билан-а? Ҳали шу нонлар сизникими?— деб яна сўради Афанди.— Шу яшнаб турган қаймоқдай нонларнинг ҳаммаси-я?

— Ҳа, албатта, меники!— деб жеркиб берди новвой.

— Сизники бўлса,— деди яна Афанди,— нега қараб туриб-сиз? Пок-покиза еявермайсизми?

ЭНГ ОСОН ЙУЛИ

Афандининг бировда пули бор эди. У пулга зориқиб, пул олган одамнинг олдига борди. Бироқ Афандидан пул олган одам, ёнида бир чақа ҳам йўқлигини билдириб, бирор ҳафтадан кейин келишликни айтди. Афанди ноумид бўлиб уйига жўнади.

Йўл узоқ, чўнтагида бир тийини йўқ эди. Қорни ниҳоятда очди. Йўлда бир новвойхона учради. Новвойхона олдида бир савадга тўла нон турар, новвойнинг ўзи новвойхонанинг ичка-рисида эди. Афанди савад олдида тўхтаб, осмонга қаради ва икки қўлини кўтариб, худога арз қилган бўлди:

— Парвардигори олам, ўзинг биласан: менда ҳозир бир тийин йўқ, насия ҳам унмади, қорин оч. Ҳозир мен шу саваддан иккига нон оламан. Бунинг ҳақини сенинг ўзинг мендан қарздор бўлган одамдан олиб, новвойга бериб қўясан.

Шундай деб саваддан бир нечта нонни олиб, кавшаб жўнади.

ДАМ ОЛАМАН

Афанди бир ёққа кетаётган эди. Кун жуда исиб кетди-да, бир дўконга кириб ўтирди. Боққол:

— Ҳа, Афанди, нима оласиз?— деган эди, Афанди боққолга қараб:

— Дам оламан!— деди.

ҚИЙШИҚ НОН

Афанди новвойликни ҳавас қилиб, ҳовлисига катта тандир қурди, ўзи нон ёпиб, бозорга олиб чиқди, аммо ҳамма нони қийшиқ эди.

Харидорлардан бири Афандини масхара қилди:

— Афандим, ёпиб чиққан нонларингиз қийшиқ-ку!

Ноннинг ўтмагани устига харидорнинг сўзи Афандига қаттиқ ботди:

— Олинг-а, олинг! Уннинг ўзи шунақа бўлса, қандоқ қилай!

— Ун қийшиқ эмишми?

— Албатта! Мен каппонда кафтимга солиб қарасам, қийшиқ кўринди. Аччиғим келиб, бу қийшиқ уннинг буғдойини қандай деҳқон сепган, деб суриштираман, аллоплар, буғдойни қирга сепган деҳқоннинг лаби жириқ эди, дейишди. Ким билади, у жириқ деҳқоннинг отаси қандоқ бало одам экан! Ола беринг, нон ўзи қийшиқ бўлган эмас.

ЎРИНЛИ ТЎЛОВ

Афанди бир ошхона ёнидан ўтиб кетаётган эди. Ошхонадан чиқаётган ҳар хил овқатларнинг ҳидлари Афандининг иштаҳасини қитиқлади. Ёнини қараса, бир озгина чақа пули бор экан. Бу пули овқатга етмайди. Қўлтиғидаги битта нонини олиб, шўрвадан чиқаётган буғга тутиб еяберди. Ошпаз қараса, бир киши ҳадеб шўрванинг буғига нонини тутиб еяпти. Ошпаз Афандига қараб:

— Ҳай, ака! Пулини тўлаб, тутиб енг,— деган эди, Афанди:

— Пули қанча бўлади?— деди.

— Бир танга!— деди.

Афанди халта кармонидаги бир озгина чақа пулини олиб шиқиллатиб:

— Мана, олақолинг,— деди.

Ошпаз пулни халтаси билан олай деяётганида Афанди тортиб олди.

Ошпаз:

— Нимага тортиб олдинг?— деган эди, Афанди:

— Мен сенга ўзини ол деганим йўқ. Пулнинг шиқиллаётган товушини ол, дедим,— деди.

Афанди бир гузардан ўтиб кета туриб, тандирдан гижда нон гзаётган новвойнинг олдида тўхтаб:

- Новвой ака, бу гижда нонми? — деди.
- Ҳа, гижда нон.
- Ушласа қўл куйса керак-а?
- Ҳа, ҳозир тандирдан чиқди, қўл куюди.
- Ана у қизилини ширдоғ дейиладими?
- Ҳа, ширдоғ дейилади.
- Бунга ҳозир олиб, қаймоққа белаб еган яхшими, нишолда-ами? Ростини айтинг.
- Иккаласи ҳам яхши кетади. Олинг, ука, бир маза қи-инг.

Афанди ютиниб, саватдаги нонларни авайлаб силар экан:

- Аттанг, — деди, — пулим бўлса, олар эдим.

ҲУКИЗ МЕНИ ОЛДИ

Афанди бозордан ҳўкиз олиб, етаклаб кетаётган эди, йўл-йўлакай: «Афандим, ҳўкиз қанча бўлди?», «Афандим, ҳўкизни сотиб олдингизми?» деган саволлар ёғилиб кетди.

Афанди сўроқлардан безор бўлиб, арқоннинг бир учини ўзининг бўйнига боғлаб олди. Яна бир одам:

- Ҳўкизни олдингизми, Афандим? — деб сўраган эди, Афанди:
- Йўк, биродар, ҳўкиз мени олди, — деб жавоб берди.

ИШОНМАСАНГ, ЎЗИНГ УШЛАБ ТУР

Афанди сартарош эди. Дўконга бир савдогар бойвачча йигит кириб келди. Сочни устарада олишни буюрди.

Афанди бойваччанинг сочини олаётган эди, бойвачча:

- Қулоққа эҳтиёт бўлинг, уста! — деб қўйди.

Афанди:

- Хўп, — деб яна сочни олаберди.

Бир оздан сўнг у яна:

- Қулоққа эҳтиёт бўлинг, уста! — деб қўйди.

Афанди:

- Хўп, — деб сочни олишда давом этди.

Бир оздан кейин, бойвачча яна ҳалиги сўзини такрорлаган эди, Афандининг жаҳли чиқиб, бойваччанинг икки қулоғини шартга-шартга кесиб:

- Менга қулоғингни ишонмасанг, ўзинг ушлаб тур! — деб қў-лига олиб берди.

НОН ХАМИРДАН БУЛАДИ-ДА!

Афанди нон сотар эди.

— Нонингиз нуқул хамир-ку!— деди харидорлардан бири.

— Ҳа, нон хамирдан бўлмай, нимадан бўлади,— жавоб берди Афанди.

ФОЛБИН ВА АФАНДИ

Бир фолбин йўл устида ўтириб олиб, ўтган-кетганларни алдаб, фол очиб, тентиратмоқчи бўлди. Афанди унинг олдига бориб:

— Сиз нима учун бу ерда жим ўтирибсиз? Уйингиз куйиб, бор нарсангиз ёниб кетяпти,— деди.

Фолчи Афандидан бу сўзни эшитиб, уйига қараб, додлаб югуриб кетди.

АФАНДИ РИЕКОР ТАБИБЛАР ВА
УҒРИЛАР ҲУЗУРИДА





АФАНДИ РИЁКОР ТАБИБЛАР ВА УҒРИЛАР ҲУЗУРИДА

ГАП САЛЛАДА

Шаҳарнинг қозиси қаттиқ бош оғриқ бўлиб қолди. Уни кўрмаган, дори бермаган табиб қолмади. Ниҳоят, бир жарроҳ мияни очиб даволайдиган бўлди. Қози рози бўлди. Табиб унга дори искатиб бош қопқоғини очди, мияни бир косага эҳтиёт қилиб солиб, муолажага киришди. Муолажа тугаб, жарроҳ мияни яна жойига солиб қўйиш учун ёнига қарасаки, мушук еб кетибди. Жарроҳ хайрон бўлиб: — Энди нима бўлди. Бу киши қандоқ қозилик қиладилар? — деди.

Афанди унга: — Зарари йўқ, ҳаким!


Қозилик қилгани миёна керак эмас,

салла бўлса бас!

Қопқоғни бекор қилиб, дорини

саллани ўратинг!

Еб ёскин берди.



МАСЪУЛИЯТ

Бир табибдан ошнаси сўради:

- Сиздан бир нарса сўрасам, майлими?
- Бемалол, сўрайверинг.
- Бордию табиб беморни даволашда тажрибасизлик қилиб, уни ўлдириб қўйса, ўзида виждонан масъулият сезадими?
- Албатта!
- Унда табиб ўзига қандай тасалли бериши керак?
- Яъни, масалан, кафан сотувчи, ғассол, гўрков, домла-имомларнинг тирикчилигини таъмин қилгани учун, табиб ўзида тасалли ҳосил қилиб тинчланади.

ОМИЛКОР ТАБИБ

Бировнинг кўзи оғриб, Афандининг олдига келиб даво сўради.

— Менинг тишим оғриганда, — дебди Афанди, — суғуриб олдириб ташлаб қутулган эдим. Яхшиси, оғриган кўзнинг давоси — олдириб ташламоқ.

ТАБИБ

Афанди табиб эди, бир куни бир хотин қизини етаклаб келди.

— Шу қизим саккиз йилдан бери туғмайди, қилмаган дори-дармоним қолмади...

Афанди сўради:

— Қизингизга бу касал аҳтимол туғмадир, ўзингиз туққанмисиз?

АФАНДИ ВА ТАБИБ

Нима бўлди-ю, Афандининг кўзига бир нарса иккита кўринадиган бўлиб қолди, у табибга борди. Афандининг кўзига бир нарса иккита кўринса, табибнинг кўзига учта бўлиб кўринар экан:

— Учовларинг ҳам шунақамисизлар? — деб сўради табиб.

Афанди қуллуқ қилиб деди:

— Омон бўлсинлар! Икковимиз тўйга борсак бўлар экан, олдимизга бир шокосадан ош қўйса, ўн шокоса қилиб ер эканмиз!

ТАБИБ ВА ҚАССОБ

Бир куни Афандидан сўрадилар:

— Табиб билан қассобнинг орасида қандай фарқ бор?

— Қассоб аввал ўлдириб, кейин терисини шилади, табиб бўлса, аввал терисини шилиб олиб, кейин ўлдиради, деб жавоб берди Афанди.

КАСАЛНИ СОҒИБ ИЧИШ

Афандининг ёшлигида отаси унга табибликни ўргатар эди. Бир куни у Афандини имтиҳон қилиб қолди:

— Касал парҳезни бузган бўлса, сен буни қаердан биласан?

Афанди бу саволга жавоб беролмаган эди, отаси унга айтди:

— Касални биринчи марта кўргани борганинда-ку, унга парҳез тайин қилдинг. Иккинчи марта кўргани борганинда унинг атрофидаги идиш-товоқларга қараб, тахминан: «Сен парҳезни бузипсан!», деб дўқ қилгин. Касаллар кўпинча табибнинг айтганини қилмайди — парҳезни бузиб, кўнгли тилаган овқатни еб қўяди. Тахминан айтганинг тўғри чиқса, сенга касалнинг эътиқоди кучаяди. Шу билан касални соғиб еяверасан.

Афанди, отасининг таълимотига мувофиқ иш бошлаб, бир касални кўра бошлади, аввалги боришда унга парҳез тайинлади, иккинчи боришида эса тайинлаган парҳезини текширмоқчи бўлди, ammo касалнинг ёнида ҳеч қандай идиш кўринмас, ёлғиз токчада чеккаларини сичқон чайнаб кетган бир тўқим ётар эди. Афанди уни кўриб, касалга дўқ урди:

— Сен парҳезни бузипсан!

— Сиз кетганингиздан буён туз тотганим йўқ, — деди ҳолдан кетиб қолган бемор.

— Ёлғон айтасан! — деб яна дўқ урди, Афанди. — Тўқим еб парҳезни бузибсан! — деб токчадаги тўқимни кўрсатди.

МЕН ҲАМ УЛАР ЭДИМ

Афанди бир кун жуда оч қолди, қорин тўйғазишнинг иложини тополмай, кўчага чиқиб, ўзини табиб деб эълон қилди. Шу онда бир кишининг хотини, ана кетди, мана кетди, бўлиб ётган экан. У киши югуриб кўчага чиқиб, ўзини табиб эълон қилиб турган Афандига учради ва уни бемор олдига олиб кирди.

Афанди касални кўриб, дарҳол бир коса нишолда билан тўртта иссиқ нон олиб келишни буюрди. Нишолда билан нон келтирилгач, Афанди уларни пок-покиза еб, беморга худо шифо берсин, деб чиқиб кетаверди.

Афанди кўчага чиқиб, ўн-йигирма қадам босганча йўқ эди, бемор жон берди. Уликнинг эгаси Афандининг орқасидан чиқиб қиққирди:

— Ҳай! Сен қандай табибсан? Касал ўлиб қолди-ку!

Афанди ҳам пинагини бузмай жавоб берди:

— Қўяверинг! Агар ҳалиги нишолда билан нонни емаганда, мен ҳам ўлар эдим.

ҒОЗ ШҮРВА

Афандининг тоби қочиб табибнинг олдига борган эди, у ғоз шўрва буюрди. Бозорга чиқиб ғоз олишга Афандининг қурби етмади ва қўлига таёқни ушлаб, ғоз овлагани кўлга чиқди.

Кўл лабида бир гала ғозлар дам олишиб турар эди. Афанди узоқдан уларни кўриб, хурсанд бўлган ҳолда таёғини кўтариб, улар томонга югуриб қолди. Бироқ Афанди кўл лабига келгунча ғозлар унга тутқич бермай, орқама-орқа кўлга тушиб кетдилар. Афанди афсусланди-да, кўйнидаги нонни олиб кўлнинг сувига тўғраб ея бошлади. Шу вақтда кўл ёқалаб биров ўтиб борар эди. У Афандини кўриб сўради:

— Нима қиляисиз, Афанди?

— Ғознинг шўрвасига нон тўғраб еялман,— деб жавоб берди Афанди.

АФАНДИ ВА ҚАРОҚЧИЛАР

Бир куни Афандини йўлда қароқчилар тўсиб, эшагини, пулини олдилар, кейин кийимларини ечиб олиб ура бошладилар. Охири Афанди уларга:

— Мени нега урасиз, кечикиб келганим учунми ёки оз нарса келтирганимгами?— деб зорланди.

ОЁҒИМДАН КЎТАРИБ ЮБОР

Афанди бир боққа узум ўғирлиққа кирган эди, боғбон келиб қолди. Ундан қочиш мақсадида у деворга осилиб туриб, деди:

— Кел, биродар, оёғимдан кўтариб юбор!

БАРИ БИР КЕЛАДИ

Бир куни Афандининг чопонини ўғри олиб қочди. Афанди ўғрининг орқасидан қувлаб ўтирмасдан, тўғри қабристонга бориб, бир очиқ гўр устида ўтирди.

Бу ҳодисадан хабардор бир одам Афандидан сўради:

— Афанди чопонингизни олган ўғри ҳу ана у ёққа қочди, сиз бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Қаёққа қочмасин, бари бир шу ерга келади!— деб жавоб берди Афанди.

ТАҒИҢ ИЧИБСАН-ДА?

Афанди бозордан эшак сотиб олди-ю, мингани кўнгли бўлмай етаклаб келаверди, ярим йўлга бориб орқасига қараса, эшак йўқ, арқон бир йигитнинг бўйнида турибди. Йигит йиғлаб, Афандининг оёғига ўзини ташлади:

— Э, Афанди, мен аслида бир тул хотиннинг ёлғиз ўғли эдим, ёмон одамларга қўшилиб ичкилик ича берганимдан кейин, онам қарғаб: «Илоҳим эшак бўлгин», деган эди, дуоси ижобат бўлиб, эшак қиёфасига кириб қолдим. Бугун онам бечора менга раҳм қилиб, яна худога ёлворган бўлса керак, аслимга қайтдим. Энди нима қилсангиз қиласиз, сотиб олган қулингизман...

Афанди ўғрининг макрини пайқамай, йигитнинг бўйнидан арқонни ечиб олди:

— Майли, бор, лекин бундан буён ичиб онангни хафа қилмагин, — деди.

Афанди келаси ҳафта эшак олгани яна бозорга тушди, қараса, ўтган бозор олган эшагини биров ушлаб турибди. Афанди бориб эшакнинг қулоғига секин шивирлади:

— Ҳароми, яна ичиб, онангни хафа қилибсан-да?

ЎҒРИЛАР КЕТИДАН

Афандининг уйини ўғри урди, унинг бор нарчасини олиб жўнаб қолди. Афанди эски бир бўйрани кўтариб ўғриларнинг кетидан кета берди. Бир жойга борганда ўғрилардан бири Афандини кўриб қолиб:

— Хўш, Афанди, йўл бўлсин? — деди.

— Уша ёққа, — деди Афанди, — мени кўчириб олиб кетаётган томонларингга!

ҒАЗНАНГНИ УРИБ КЕТАПМИЗ

Афандининг уйини ўғри босди. Улар уйни човуриб чиқиб, қўлга илинадиган бирор нарса топиша олмади. Ҳафсалалари пир бўлиб чиқиб кетишаётган эди, Афанди уларнинг орқасидан гап қотди:

— Ҳой, эшикни ёниб кетинглар.

Ўғрибошининг фиғони чиқиб турувди, Афандига бақириб берди:

— Яна бошқа ишинг бўлса ишлатиб қол-а, ғазнангни уриб кетаяпмиз!

БЕДАНАНИНГ УЙИ ЙЎҚ

Афанди қаҳатчилик йили бир бойнинг омборига ўғриликка тушган эди, шу пайт бой кириб қолди. Бой қоп орқасига яшириниб турган Афандини кўриб сўради:

— Кимсан?

— Беданаман, — деди Афанди.

— Бедана далада бўлади, бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Бедананинг уйи йўқ, қаерга борса питбилдиқ-питбилдиқ!

ХЎТИК

Афанди ойдин кечада эшак миниб қишлоққа кетаётган эди, қароқчиларга учради. Қаёққа қочишни билмади-да, эшакдан тушиб, унинг тагига яширинди. Қароқчилар келиб, эшак остидаги Афандидан сўрадилар:

— Кимсан?

— Хўтикман, — деди Афанди.

- Бу эркак эшак-ку?! — деди бир қароқчи.
— Онам тўйга кетган эди, — деди Афанди, — шунинг учун дам билан кетмоқдаман.

АФАНДИНИНГ БАҲОСИ

Афанди бозордан эчки олиб, унинг бошбоғини эшакнинг эгарига боғлаб, етаклаб келар эди. Уч ўғри унинг изига тушди. Бири пайт пойлаб эчкининг арқонини ечиб олиб қолди. Бир оздан сўнг, иккинчи ўғри Афандига салом бериб:

— Нега бозордан қуруқ қайтдингиз? — деб сўради.

Афанди орқасига қараса, эчки йўқ. Афанди фарёд қила бошлаган эди, ўғри:

— Хафа бўлманг, бува, мен ҳозир эчки етаклаб кетаётган одамни кўрдим. Тез боринг, қайтариб оласиз, мен эшагингизни пойлаб тураман, — деди.

Афанди пешингача эчкини қидирди, қайтиб келса, эшаги ҳам йўқ. Афанди уйга кетаётган эди, қудуқ тепасида йиғлаб ўтирган одамни кўрди-да:

— Нима мусибат тушди, нега йиғлаяпсан? — деб сўради.

— Ер-сув, ҳовли-жойларимни сотиб, бир хуржун қилиб, шаҳарга кўчиб келаётган эдим. Шу ерга келганда хуржуним қудуққа тушиб кетди. Тушиб олишга кўрқиб, бирорта художўй одам келишини кутиб турибман, — деб жавоб берди у.

Афанди ҳам унинг ёнига ўтириб йиғлай бошлади.

— Нега йиғлайсиз? — деб сўради у.

Афанди унга бўлган воқеани айтиб берди.

— Йиғини фойдаси йўқ, — деди у. — Туринг, иккаламиз салламизни бир-бирига улаймиз, сиз қудуққа тушиб хуржунни олиб чиқасиз. Мен сизга шунча тилла бераманки, унга бир неча эшак, бир сурув эчки сотиб олишингиз мумкин бўлади.

Афанди ечиниб қудуққа тушиб кетди. У одам учинчи ўғри эди. Афанди қудуққа тушиши билан салланинг учини катта тошга боғлади-да, Афандининг ҳамма кийимларини олиб қочди.

Афанди қудуқдан ҳеч нарса тополмай қайтиб чиқди. Қараса, уст-бошлари йўқ. У ўғридан ўзини ҳимоя қилаётгандек, қўлига калтак ушлаганча, уйига қараб чоңди. Йўлда бир тўда одамлари билан шаҳар ҳокими келаётган экан, уларга калтак ўқталиб қичқирди:

— Кетинг, кетинг! Сизни худди бир ёқлик қиламан.

— Нима бўлди? — деб сўради ҳоким.

— Нима бўлди эмиш-а, талмовсирашини қара! — Жавоб берди Афанди. — Дўстларингдан бири эчкимни, иккинчиси эшагимни, учинчиси эса уст-бошимни олиб қочди. Мени ўғирлашга энди сенинг ўзинг келдингми? Қўл-оёғимни боғлаб бозорга олиб чиқсанг, беш-ўн тангалик бўлишингга ақлинг етади-да, а?! Энди мени алдаб бўнсан, шу калтак билан бир урайки, ўғри бўлганингга юз марта пушмон егин.

ХОҲЛАНГ, ШАПАЛОҚ ЕНГ...

Афанди бировнинг боғига мева ўғирликка тушиб, мева да-
рахтларига қараб:

— Мулла Насриддин! Хоҳланг гилос енг, хоҳланг ўрик, хоҳ-
ланг шафтоли енг,— деб турган эди, орқасидан келиб қолган
боғбон Афандининг қулоғи остига шапалоқ тортиб юборди.

Афанди эса:

— Хоҳланг шапалоқ енг,— деди ва боғдан чиқиб кетди.

ЎҒРИ

Афанди ҳокимнинг маҳкамасида ўтирган эди, ўғрини тутиб
келишди. Ҳоким ўғрини таниб:

— Баччағар, сен қандай беномус ўғрисиан? Шу билан менинг
маҳкамамга саккизинчи келишинг!— деб дашном берди.

Ҳокимнинг бу сўзига Афанди кулиб юборди.

Ҳоким қаҳрланиб Афандига қаради:

— Менинг сўзимга нега қуласиз?

Афанди жавоб берди:

— Маҳкамангизга бу ўғри саккиз марта келган бўлса нима қи-
либди, ҳар куни келадиган ўғрилар ҳам бор-ку!

ОХИРИ БАХАЙР БЎЛСИН

Афанди кўчада келаётиб, сабзи полизига кўзи тушди. Елка-
сидаги қопни олиб полизга кирди-да, ярим қоп турп, ярим қоп
сабзини олиб, энди кўтараман деб турганида, эгаси келиб уш-
лади.

Афанди ялинди-ёлворди. Ниҳоят, полиз эгаси ковланган саб-
зилар билан Афандининг орқасига уриш шarti билан уни маҳал-
лага судраб шарманда қилмайдиган бўлди.

Афанди маъюслик билан туриб берди, полиз эгаси сабзи
билан ура бошлади. Афандининг усти юпқа ва сабзи катта бўл-
ганидан, ҳар сабзи текканда ирғиб тушиб, охири бахайр бўлсин,
деб қўяр эди.

Полиз эгаси таажжубланиб сўради:

— Бу нима деганингиз?

— Э, биродар!— деди Афанди.— Қопдагининг ҳаммаси сабзи
бўлганда майли эди-я,ҳали қоп остидаги турпларга навбат кел-
ганда, ўпкамни тушириб қўярмикансиз?

НИМА БЎЛДИ ЭКАН

Афанди кечаси бир ўртоғи билан ўғирликка чиқди-да, унга
деди:

— Сен тарвуз полизга бор, мен боққа кириб олма оламан.
Иккаламиз ғаниматларни бирга бўлиб оламиз.

Шериги рози бўлди, иккаласи жўнади. Афанди бир боққа

кириб, қопни тўлдириб кўтараман деб турганида, боғбон келиб, ушлаб олди:

— Агар шартимга кўнмасанг, — деди боғбон, — олмани бўйнингга ортиб, қишлоқ айлантириб сазойи қиламан!

— Шартингни айт, — деди Афанди хижолат бўлиб.

— Шу олмаларнинг энг каттасини танлаб оғзингга тикаман!

Афанди рози бўлди. Боғбон Афандининг оғзига олма тикди. Олма катта бўлгандан Афандининг оғзи йиртилгудек бўлиб оғриди. Бу ҳолни кўриб у айтар эди:

— Олмага оғиз шунчалик оғриси, тарвузга кетган бечоранинг ҳоли нима бўлди экан?

ИККИ ТАНГА ҚУШИБ БЕРИНГ?

Уйига ўғри кирганини билиб, Афанди кигизнинг орасига беркиниб олди. Ўғри бошқа буюмлар қаторида кигизни ҳам кўтариб, тўғри бозорга борди.

— Кигиз неча пул? — сўради бир харидор.

— Беш танга беринг.

— Уч танга бераман, — деб савдолашди харидор.

Афанди кигиз орасида туриб овоз қилди:

— Икки танга қўшиб бераверинг, ичида мен ҳам бор!

МАЛОЛ КЕЛГАН БЎЛСА

Афанди бир боққа узум ўғирлиққа тушди, тўйиб егандан сўнг, саватини тўлдириб, девордан ошмоқчи бўлиб турганда, боғбон келиб қолди ва деди:

— Афанди, девор ошиб, бировларнинг боғига тушиб юргани уялмайсизми?

Афанди жавоб берди:

— Мен сизнинг бунчалик хафа бўлишингизни билмаган эдим. Девордан ошиб тушганим сизга малол келган бўлса, эшикдан чиқиб кета қолай, — деди-да, саватини кўтариб, эшикдан чиқиб кетди.

«МЕН КАВОБ»

Кунлардан бир кун Афанди кўзлаб юриб, бир бойникига ўғирликка тушибди. Шунда уни кўриб қолган бой қувласа, Афанди тандирнинг ичига кириб олиб, тўпписи билан елпиниб ўтирибди. Бой уни кўриб қолиб:

— Ҳа, аблаҳ, чиқ! — деса, Афанди:

— Мен кавоб, — дебди.

Шунда бой:

— Кавоб ҳам гапирадими? — дебди.

Афанди:

— Ие, эсимдан чиқиб қолибди! — дебди.

ДАРД

Афанди сават кўтариб боққа узум ўғирликка тушган эди, саватни тўлдирганида боғбон келиб қолди.

— Ким айтди сизга бировнинг боғига тушсин деб?

— Узим тушганим йўқ, — деди Афанди. — Бургага ўхшаб сакрайдиган касалим бор, кўчада кетаётиб бир сакраган эдим, боққа тушиб қолдим.

— Саватга узумни ким тўлдирди? — деди боғбон.

Афанди ўйлаб туриб:

— Бунисига ўзим ҳам ҳайронман, лекин бу ҳам бир дард, — деди. — Қани оёқдан олиб, девордан ошириб қўй-чи!..

БУ СУПУРГИНИЯМ ОЛИБ КЕТ

Афанди кечқурун ухлаб ётган экан, одам оёғининг товушидан уйғониб кетибди. Урнидан туриб қараса, уйда ҳеч нарсани қўймай, ўғри ҳаммаёқни шилиб кетаётганмиш.

Афандининг кўзи бурчакда турган супургига тушибди. Афанди супургини олиб, ўғрининг орқасидан кўчага чиқибди ва ўғрига:

— Ҳой, ўғри бола! Ма, бу супургини ҳам олиб кет! Бу қолиб нима бўларди?! — дебди.

ХАБАРЧИ УҒРИ

Афанди бир куни қирқта ўғрига дуч келибди. Уғрилар:

— Юринг, Афанди, подшонинг ўрдасига ўғирликка борамиз, сиз ўрдадан хабар олиб чиқадингиз бўласиз, — дейишибди.

Афанди:

— Бўпти, мен олдин кириб қоровулини ўлдириб чиқаман, — деб кириб кетибди. Томдан аста-секин бораётган вақтда хазинанинг туйнугидан тушиб кетибди. Хазина ичида айланиб юриб, кўзига болалар чаладиган қўшнайд кўриниб қолибди. Афанди найни олиб чалиб юборибди.

Подшонинг ясовуллари уйғониб қолиб қулоқ солишса, хазина ичидан қўшнайд товуши чиқаётган эмиш. Секингина бориб Афандини ушлаб олишибди. Қирқта ўғри ҳам қўлга тушибди. Уларни сўроқ қилгани подшонинг олдига олиб боришибди.

Подшо Афандидан:

— Нима учун шундай иш қилдинг? — деб сўрабди.

Афанди:

— Эй, подшоҳим! Сизнинг ўрдангизга қирқ ўғри кираётган экан, сизга хабар қилгани қўшнайдни чалдим-да, — дебди.

ЕЛИМ

Афанди бир куни боққа кирибди. Боғда турли мевалар пишиб ётган экан. Ҳар қайсисидан еб юраверибди. Боғга ўғри кирганини боғбон билиб, қидириб қолибди. Шу пайт Афанди катта

олманинг устига чиқиб олибди. Боғнинг эгаси уни кўриб қолиб:

— Сен кимсан?— дебди.

Афанди:

— Мен дарахтнинг елимиман,— деб жавоб берибди.

Боғбон:

— Елим ҳам шунча катга бўладими?— деб сўрабди.

Афанди:

— Ёмғир ёққанда шишиб кетганман,— деб жавоб берибди.

ҲАЙРОНЛИК

Афанди бир кишининг боғига кириб, хоҳлаган узумларидан узиб, қопга солиб турар эди. Баногоҳ боғбон хабардор бўлиб, Афандини тутиб олиб, айтди:

— Қандай одамсан? Менинг боғимга берухсат кирибсан?— деди.

Афанди айтди:

— Мен ўз ихтиёримча кирмадим. Бу кеча бир шиддатли шамол бўлиб, мени бу ерга учириб олиб келди.

Боғбон айтди:

— Майли, ундоғ бўлса бу узумларни ким узди?

Афанди айтди:

— Шамолнинг зўрлигидан қўрқиб тоқларнинг пояларидан ушлаб турганимда узилиб тушди.

Боғбон айтди:

— Бу сўзга ҳам ишондик. Лекин қоп ичига ким солди?

Афанди айтди:

— Эй, аҳмоқ! Менинг ақлим етмаган нарсани сен қайдан билардинг? Қоп ичига солганимга нима жавоб этсам деб мен ҳам ҳайронман-да.

НАРВОН БОЗОРИ

Афанди бир куни кифтида нарвон кўтариб бориб, бир кишининг деворига қўйиб чиқди. Сўнгра мевалардан олиш фикрида нарвонни боғнинг ичига қўйиб тушди. Бундан хабар топган боғбон:

— Сен кимсан?— деди.

Афанди айтди:

— Сен ўзинг кимсан?

Боғбон айтди:

— Мен боғнинг эгасиман.

Афанди айтди:

— Мен нарвоннинг эгасиман.

Боғбон айтди:

— Нарвоннинг эгаси бўлсанг, менинг боғимда нима қиласан?

Афанди айтди:

— Нарвонфурушлик қиламан.

Боғбон айтди:

— Эй, нодон! Боғим нарвон бозори эмас-ку!

Афанди бўш келмай:

— Аҳмоқ! Шаҳарда тайин қилинган нарвон бозори борми? Ҳар ким хоҳлаган жойида сотади. Мен ҳам кўтариб юриб, хоҳлаган еримда сотаман,— деб, нарвонини кифтига олиб чиқиб кетди.

УҒРИНИНГ ЖАВОБИ

Афанди бир боққа ўғирликка кириб, мевалардан узиб, саватни тўлдириб турганида, боғбон келиб қолди. У Афандининг қўлидан саватни олиб, меваларни ерга ағдариб, ғазаб билан сўрай бошлади:

— Нега бировнинг боғига сўроқсиз кириб меваларни уздинг?!

Афанди оғзида носи бор одамдай индамай тура берди. Боғбон қаттиқ ғазабланиб қичқирди:

— Нега индамайсан?!

Афанди ҳам ўз навбатида қичқириб ундан сўради:

— Нега хотинингга кавуш олиб бермадинг?!


Афандининг бундай ўринсиз, бемаъни саволидан боғбон яна қаттиқ ғазабга келди:

— Мен сендан Аштни сўрасам сен даштдан жавоб берасан! — деди боғбон, Афандига ўшқириб.— Мен сендан нега бировнинг боғига рухсатсиз кирдинг? — деб сўраяпман.

Афанди ҳам нарво қилмай жавоб берди:

— Улгудай бетамиз одам экансиз, ўғирликка кирганнинг жавоби шунақа бўлади-да!

АФАНДИ «АДОЛАТПЕШАЛАР»
ДАВРАСИДА





АФАНДИ «АДОЛАТПЕШАЛАР» ДАВРАСИДА

ПАХТА УҒРИЛАРИ

Карвонсарой қоровуллари олти-етти кишини пахта ўғирлашда гумонсираб, қозихонага ҳайдаб кирдилар. Гувоҳ-исбот бўлмаганидан кейин ҳайрон бўлган қози бу ишни Афандига ҳавола қилди. Афанди гумондорлар олдига келиб, баланд овоз билан бундай деди: — Қандай ноинсоф, сурбет ўғрихи, ўғирланган пахтанинг гардларини уст-бош, соқолидан ҳам тозалаламай туриб, қозихонага келибди? Бу сўзни эшитгач, ҳалиги одамлардан уч-тўрттаси уст-бош, соқолларини пайпаслаб, қоқа бошладилар. Афанди дурдоналарни тутиб, бошқаларини қўйиб юборишни буюрди.



УҒРИНИ ТОПИШ УСУЛИ

Афанди қозилик қилиб турганда, беш-олти кишини мол ўғирлаган деб гумон қилиб ҳайдаб келдилар. Афанди уларнинг қўлига бир қаричдан чўп тутқазиб, деди:

— Сизлар бу чўпларни олиб, нариги уйга чиқинглар, мен ҳозир кираман, ким ўғри бўлса, қўлидаги чўп мен чиққунча тўрт энлик ўсиб қолади.

Уғри деб гумон қилинган кишиларни бошқа хонага олиб чиқдилар. Улар орасидаги ўғри қўлидаги чўпнинг ўсиб қолишидан кўрқиб, тўрт энликча синдириб ташлади. Худди шу вақтда Афанди кирди-да, ҳамма чўпларни олиб, ўлчаб кўрган эди, ўғрининг чўпи бошқаларникидан калта чиқди, Афанди унга қараб:

— Усган жойини кесиб ташлабсиз-да, азамат,— деди.

БОД

Қози порахўрликка ёмон ўрганган эди. Қозилиқдан тушгандан кейин ҳам кимни кўрса, ўнг кафтини қашлайдиган бўлиб қолди. Шу одам бир куни Афандининг олдида беихтиёр кафтини қашлаёт-ю, хижолат бўлиб, Афандидан сўради:

— Кафтнинг қичиши ҳаром қондан бўлар эмиш, ростми?

Афанди унинг кафтига тикилиб туриб жавоб берди:

— Порахўрлик бод ташлаган бўлса ажаб эмас, лекин порахўрлик ҳам ҳаром қондан бўлади.

БИР «УҲ»ГА БИР «ЖИРИНГ»

Афанди қозихонада қози билан суҳбатлашиб ўтирган эди, бири арра, бири болта кўтарган икки саржинчи арзга келди. Олдин болта кўтарган арз қилди:

— Биз бир кишининг арраланган чайир ўтинини ёриб беришни баҳолаб олган эдик, болта битта бўлганлигидан мен ўтин ёрдим-у, шеригим рўпарамда, ҳар болта уриб «уҳ» деганимда, менга қўшилиб у ҳам «уҳ» деб ўтирди. Утинни ёриб бўлганимдан кейин хўжайин ҳақни менга берган эди, бу шеригим, пулнинг ярмини берасан деб, жанжал қилди. Менга қўшилиб «уҳ» дегани учун пулга шерик бўлмоқчи.

Қози арракашдан сўради:

— Хўш, сен нима дейсан?

— Нима дер эдим, тақсир! Кемага тушганимни жоним бир, дейдилар. Шеригим номардлик қилаёғибди. Улар болта турганида, мен бекор ўтирганим йўқ, ўтирган еримда ухлашиб турдим. Одам ҳадеб, юрдан чиқариб «уҳ» дея берса ҳам, чарчар экан. Шеригим болта уриб қанча чарчаган бўлса, мен ҳам шунча чарчадим. Шунинг учун ўша бир сўлкавойнинг ярмини менга қўйиб қўйсин.

Қози қандай ҳукм чиқаришни билмай, Афандига қаради. Афанди ўрнидан туриб, болтакашдан ўша сўлкавойни сўраб олди,

тирноғига қўйиб етти марта осмонга чертди. Сўлкавой ғишт устига жириглаб тушди, ҳар тушганда Афанди арракашга, эшит-яписизми, деб, писанда қилиб турди, кейин сўлкавойни ўтин ёрганга қайтариб бериб, арракашга деди:

— Сўлкавойнинг ҳар жириглаши ўнта «уҳ»дан қиммат туради. Бор, сенга арзон қилиб юбордик: етти бор «уҳ» деган бўлсанг, етти «жиринг». Сенга бир «уҳ» бир «жиринг»дан тушади. Бор, йўлингдан қолма!

ЧИН ҲУКМ

Афанди бир вақт қозининг ҳузурида ўтирган эди, икки киши бир-бири билан даъволашиб келиб, қозига дедилар:

— Эй, тақсир, қозим! Бизлар иккимиз қўшнимиз. Ҳовлимиз фалон катта кўча юзасида. Уткинчи-кеткинчилар кўчамизга ахлат ташлаб ифлос ва бадбўй қилиб кетадилар. Ҳукм қилсангиз, ўша ерларни тозалашга биримиз бир ҳафта, яна биримиз бир ҳафта мутасадди бўлсак, — дедилар.

Қози Афандига боқиб:

— Буларнинг ҳукми нечук бўлур? — деди.

Афанди айтдики:

— Буларнинг ҳовлилари катта кўча юзасида бўлса, катта кўча ҳамма учундир. Бас! Ҳаммага тегишли кўчани на униса, на буниси тозалайди. Тоза қилмоқ, юрт отаси-қози сиз бўлсангиз, сизнинг вазифангиздир. Бориб тозаланг, чин ҳукм шу бўлади.

МЕН КИРМАЙДИГАН ЖОЙ

Афанди қози калонлар зиёфатда ўтирган уйга кираётиб, остонага қоқилиб кетибди.

— Кўр бўлдингми! — деб жеркибди қози.

— Ҳа, кўр бўлдим, — дебди Афанди кўзларини юмиб. — Бу ерда ким бор?

— Ит бор, эшак бор, тўнғиз бор, аҳмоқ! — деб бақирибди қози.

— Ундай бўлса, мен кирмайдиган жой экан, бемалол ўтираверинглар, — деб чиқиб кетибди Афанди.

ПИШГАН ТУХУМ ҲАМ ЖУЖА ОЧАДИМИ?

Бир одам Афандидан маслаҳат сўради:

— Мен бир одамдан иккита пишган тухум олган эдим. Орадан икки йил ўтиб кетгач, ўша одам мени қозига чақиртириб, бунга берган тухумларимни жўжа очиртирсам, саккиз юз танга бўларди, деди. У қозининг тумшугини мойлаб қўйганга ўхшайди. Энди қози ҳукм чиқармоқчи. Ҳукм чиқарса борми, менинг уйим куяди. Шунга бир маслаҳат берсангиз, деб келувдим. Узим — мардикорман. Бир амаллаб тирикчилик ўтказяпман. Ёрдам беринг, Афандим, ўгинаман сиздан?

Афандининг унга раҳми келди. Қани юр-чи, деб қозихонага бошлаб борди-да, муфтига учрашиб, ўзига ҳалиги одамдан ишонч қоғози олди. Кейин вакили мутлақ бўлиб, қозининг олдига кирди.

— Тақсир, мен мана бу киши томонидан вакили мутлақман. Хукм қачон чиқарилади?

— Чоршанба куни эрталаб.

— Бўпти бўлмаса, мен худди ўша куни келаман. Агар менадан ташқари хукм чиқарсангиз, шаръий бўлмайди!

Қози чоршанба куни эрталабдан пешингача кутиб ўтирди ҳамки, Афандидан дарак бўлмади. Ниҳоят, Афанди охир пешинда кириб келди. Қози тутақиб:

— Афандим, шунақаям бўладими?! Бизларни роса куттирдигиз-ку, — деди.

— Кечирасиз, қози жаноблари. Биласизки, мен бир деҳқон одамман. Бугдой сепмоқчи эдим. То шу вақтгача бугдой қовуриш билан овора бўлдим.

— Бугдойни қовуриб нима қиласиз?

— Сепаман-да!

Қози кулиб юборди:

— Дунёда сиздан аҳмоқ одам бўлмаса керак?! Ҳеч замонда қовурилган бугдой ҳам унадими?

— Бўлмаса, пишган тухум ҳам жўжа очадими? — деб киноя билан сўради Афанди қозидан.

ЭШАК УЧУН ИШЛАШ

Қози Афандини беда ўрдиргани боғига олиб борибди. Иш тамом бўлгандан кейин, зиқна қози Афандининг қўлига икки боғ беда бериб:

— Мана, бу эшагингизга, — дебди.

Шунда Афанди қозига қараб:

— Ажабо, мен эрталабдан кечгача эшак учун ишлабман-да? — дебди.

КИМ ГУНОҲҚОР?

Афанди бир гуноҳ қилиб қўйди чамаси, уни қозихонага судраб келишди.

— Уят эмасми, Афандим, — деди қози, — ахир бу ерга иккинчи келишингиз-а?!

— Ҳа, нимаси уят!

— Билмайсизми? Бу ерга фақат гуноҳкорларни олиб келишади.

— Мен умрим бино бўлганидан бери бу ерда иккинчи марта бўлишим. Сиз йил ўн икки ой шу ердасиз-ку. Қани айтингчи, ким гуноҳкор — менми, сизми?!

СОЯГА УРИЛГАН ДАРРА

Афанди вақтинча қозилик қилиб турганда икки киши даъволашиб кириб қолди.

— Бу одам тушида менинг онамга уйланган эмиш. Бунга менинг ҳақорат даъвом бор, тақсир,— деди бири.

— Хўш, сен нима дейсан?

— Рост гап. Мен тушимда бу кишининг онасини олган эмишман. Тушнинг эътибори бўладими, тақсир?! Тушга ҳамма нарса ҳам кирaveraди-да!

— Демак, иқрор экансан. Энди сенга қирқ дарра уриш лозим. Шариат хукми шу.

— Ие, тақсир, тушга-я?!

— Ҳа, олиб чиқ бунини ташқарига! Офтобга тикка турғизиб қўйиб, соясига қирқ дарра ур!— деб, Афанди ўз мулозимига буюрди.

ЭШАК-ҚОЗИ

Афандидан сўрадилар:

— Фалончи шаҳар ҳокимига эшак пора бериб, қозилик амалини сотиб олди, сиз шунга нима дейсиз?

— Нима дер эдим,— жавоб берди Афанди,— эшак бўлмаса, қози бўлмас эди.

САЛОМГА АЛИК

Бир куни Афанди эшагини миниб борар эди. Қози учраб қолиб, Афандини мазах қилмоқчи бўлди:

— Иккалангиз бамаслаҳат қаёққа жўнаяпсизлар?

— Биродарингиз зерикиб, биронта ошнамникига олиб боринг, деб эди, мен ҳам тўғри сизникига олиб кетаётган эдим, яхшиямки, ўзингиз учраб қолдингиз,— деди Афанди.

КҮНГЛИМДАГИДЕК БҮЛСА

Шаҳар қозиси касал бўлиб қолди. Унинг касаллигини Афанди эшитган бўлса ҳам, кўргани кирмай юрар эди. Бир куни Афанди қозининг кўчасидан ўтиб қолди. Эшик олдида турган қозизодани кўриб кўнгил учун ундан сўради:

— Дадангиз қалайлар?

— Худога шукур, кўнглингиздагидай,— жавоб берди қозизода.

— Агар кўнглимдагидай бўлса,— деди Афанди,— уйдан нега йиғи овози чиқмайди?

КҮР ҚОЗИ

Афанди қассоблик қилмоқчи бўлди ва уйдаги қўйини сўйиб, гўштини қассобликка олиб чиқди. Бошқа қассобларнинг бозори чаққон бўлса ҳам, Афандининг гўштини ҳеч ким сўрамади. Кеч-қурун қассоблар кетиб, бозорда Афандининг ўзи ёлғиз қолди.

Афанди канорадаги гўштни нима қилишини билмай турган эди, атрофига бир гала қассобликнинг итлари тўплана бошлади. Уларнинг орасида катта, бир кўзли ит олдинга чиқиб, Афандига қаради. Афанди қўрққанидан итдан сўради:

— Отингиз нима?

Ит индамасдан ерга қараган эди, Афанди яна сўради:

— Кўр қозими?

Ит бошини кўтарди-да, яна ерга қаради. Афанди ўпкасини босиб олиб, саволини давом эттирди:

— Кўр қози, дейман, оч кўринасиз-а, ёнингиздаги шерикларингиз ҳам оч бўлсалар керак. Албатта, ёнларингизда пулларингиз ҳам йўқдир.

Афандининг мулоим гаплари итларни тетиклангирди, қўрқиб турганлари ҳам дадилланиб, унинг атрофига тўплана бошлади. Афанди бу сурбет «харидор»лардан қутулиш йўлини ахтара бошлади.

— Хўп,— деди Афанди,— гўшт-ёғни улгуржи насия олиб қўя қолинглар,— деб канорадаги гўшт-ёғларни олиб итларга ташлади.

Итлар гўштарни талашар экан, Афанди:

— Насиянинг муҳлати уч кун, бундан кечиктирсангиз, хафа бўламан,— деб, гўшт солиб келган қопларни елкасига илиб уйига жўнади.

Орадан уч кун ўтгач, Афанди бозорга тушган эди, бир кўзли итни учратди. Бироқ «кўр қози» насия ҳақида сўзлаш ўрнига ўз йўлига қараб кетаверди. Афанди ғазабланиб, итнинг орқасидан югурди. Ит ҳам орқасидан қувиб келаётган одам шарпасини сезиб, ўзини бир тор кўчага уриб, ариқдан бир ҳовлига кириб кетди. Афанди «кўр қози» кириб кетган ҳовлининг эшигини тақиллата бошлади.

— Ҳой, кўр қози, текинхўр, ҳаромхўр қози! — деб қичқирди.

Иттифоқо, шаҳар қозисининг бир кўзи кўр бўлиб, уни ҳам «кўр қози» дер эдилар. У тасодифан шу куни, шу ҳовлида айшишрат қилиб ўтирар эди. Афандининг овозини эшитиб, қозининг жони чиққудай бўлди-да, оёғининг учида оҳиста эшик тагига келиб сўради:

— Кимсан, нима ишинг бор?

— Шу уйга кириб кетган «кўр қози»да ишим бор,— деди Афанди.

Қози титраб яна сўради:

— Нима ишинг бор?

— У кишида озроқ пулим бор эди.

Қози чўнтагини кавлаб, бор пулини олиб, эшик ёриғидан узатиб айтди:

— Қозининг товлари йўқ. Мана шуни олиб, қайтиб кета беринг!

— Хайр, — деди Афанди. — «Кўр қози»ни сўраб қўйинг. Агар бундан кейин ҳам насиёга гўшт олмоқчи бўлсалар, савдони бергона қилмай, менинг олдимга кела берсинлар.

АФАНДИНИНИНГ ЎЛЖАСИ

Афанди бир олатўғаноқни боқиб юрар эди. Кунларнинг бирида ўша қушчани қўлига қўндириб овга чиқди. У қушини бир қуралайга солган эди, ови бу ёқда қолиб, қушча бир хўкизнинг шохига бориб қўнди. Афанди:

— Акангнинг қуши! Бу бургутдан тарқалган олатўғаноқ эканку! — деб, хўкизни уйига етаклаб кетди.

Буни кўриб хўкизнинг эгаси:

— Афанди, ҳазиллашманг, ҳайдаётган ерим чала қолади, — деб ёлворса ҳам, у кўнмай, дер эди:

— Сенинг қўшинг билан нима ишим бор, бу хўкизни мен овлаб олдим, бу — менинг ўлжам!

Хўкизнинг эгаси ночор Афандини қозига чақиртирди. Афанди даъвогардан олдин қозихонага бориб қозининг қулоғига деди:

— Агар менинг фойдамга ҳукм чиқарсангиз, хўкизнинг ярим гўшти сизники.

Қози Афандининг фойдасига ҳукм чиқарди. Икки кундан кейин Афанди қозига бир сават тезак юборди. Буни кўриб, қози ниҳоятда газабланди, Афандини дарҳол чақиртириб, деди:

— Хўш, бу нима қилганинг, нега менга тезак юбординг?!

— Тақсир, олатўғаноқ овлаган хўкизнинг гўшти шунақа бўлар экан, — деди Афанди.

АЖАБЛАНИШ

Бир куни Афандига хушxabар етди:

— Шаҳарнинг қозиси ақлдан озибди.

Афанди бу хабарни эшитиб, хаёл суриб қолди. Бу хабарни келтирган киши сўради:

— Нега хаёл суриб қолдингиз?

— Қозимизнинг ўзи азалдан ақли йўқ эди, — деди Афанди. — Ажабо, яна нимасидан озди экан?

САЛЛА-ЧОПОННИНГ ЭГАСИ

Афанди бир куни кечаси йўл устида йиқилиб ётган бир кишини кўрди: энгашиб қараса, қози маст бўлиб учиб қолибди. Афанди унинг устидаги тўни, бошидаги салласини ечиб олиб, уйига кириб кетди.

Қози ҳушига келиб, аҳволни фаҳмлади-ю, эртасига мулозимларини чақириб буюрди:

— Шаҳарни ахтаринглар! Менинг саллам, чопонимни кеча ўғри олиб кетибди. Кимнинг устида кўрсаларинг, ечиб олиб келинглари!

Мулозимлардан бири бозорга қараб кетаётган эди, йўлда қозининг салла-чопонини кийиб кетаётган Афандини учратди, ечиб олмоқчи бўлган эди, Афанди:

— Мен буни эгасининг ўзига топшираман, сенга бермайман, — деди.

Мулозим Афандини қозининг ҳузурига бошлаб келди.

— Бу салла билан чопонни қаердан олдинг? — деб сўради қози.

— Кеча кўчада биров маст бўлиб учиб ётган экан, — деди Афанди, — юмалатиб, орқасига бир тегиб, ҳайф сенга бундай салла-чопон, деб устидан ечиб олган эдим. Агар ўша одам сиз бўлсангиз, олинг нарсаларингизни!

— Йўқ, у одам мен эмас, бу салла билан чопон ҳам меники эмас. Бор, йўлингдан қолма! — деди қози.

ҲУШТ

Афанди бир хасис бойдан юз танга қарздор эди, бой қистай-бериб Афандини хуноб қилди. Алам ўтган Афанди қози билан хилватда учрашиб, унга арз қилди:

— Қарз олганда, бойга тилхат берганмидингиз? — деб сўради қози.

— Йўқ, берган эмасман.

— Агар қарзингиздан қутқазиб юборсам, менга неча пул берасиз?

— Йигирма танга.

— Ундай бўлса, эшитинг, ҳийлайи шаръия қиламиз: мен бойни чақиртириб, сиз билан юзлаштираман. Сиз бирор оғиз гапирмайсиз, менми ёки бойми бирон савол сўрасак, «хушт» деб жавоб қиласиз, холос.

Афанди қозининг гапларига рози бўлди. Қози муфти, аъламларини тўплаб, бой билан Афандини чақиртириб, юзлаштирди. Афанди қози ўргатганча, бой, гувоҳ ва қозининг берган саволларига «хушт» деб жавоб бераверди.

Охири қози ҳукм чиқариб ўқиди:

— Фалончи бойнинг мулла Насриддинга қилган юз танга даввоси асоссиз деб топилсин, қозихона жарималари бойдан ундирилсин!

Ҳамма тарқалиб кетгач, қози Афандидан сўради:

— Ҳукмдан рози бўлдингизми, бошладимми?

— Жуда хурсандман, раҳмат!

— Бўлмаса, ваъда қилганингиз йигирма тангани беринг!

— Хушт! — деб жавоб қилди Афанди.

БИР МАРДЛИК ҚИЛМАЙСАНМИ?

Афанди шаҳарда қозилик қилар эди. Миршаблар қайнонасини ўлдирган бир қотилни туғиб келтирдилар. Афанди миршабларни хонадан чиқариб юбориб, сўроқ бошлади:

- Нега одам ўлдирдинг, ноинсоф?
- Қизини мендан чиқариб олиб, бир бойваччага бермоқчи бўлди. Шунча ялиниб-ёлвордим, амин, элликбоши, оқсоқолларга арз қилдим, натижа чиқмади. Ночор ўлдирдим, қандай жазо берилса розиман,— деди у.
- Ўлимдан қўрқмайсан, шундайми?
- Худди шундай!
- Ўлимнинг олдидан бир мардлик қилмайсанми?
- Мен ҳар қандай ишга тайёрман!
- Сен бари бир ўлимга маҳкумсан. Ҳозир қўйиб юборсам, менинг қайнонамни ҳам биратўла ўлдириб келмайсанми?

АФАНДИ — МУФТИ

Бир деҳқон темирчи билан даъволашиб қозига борди. Афанди қозихонада муфтилик қилар эди. Деҳқон қозига пора учун бир қон пахта, темирчи бир дона болта ташлаб кетди. Эрталаб қози келиб, деҳқон фойдасига ҳукм қилган эди, темирчи Афандига шикоят қилди.

— Болта ҳар қанча ўткир бўлса ҳам, пахтани кесмайди-да,— деди Афанди.

Темирчи ижрони бир оз кечиктириб туришни илтимос қилди-да, кечаси қозига бир гилам келтириб берди.

Қози эртасига аввалги ҳукмни бузиб, темирчи фойдасига ажрим чиқарган эди, деҳқон шовқин кўтарди:

— Бу қандай гап, шариатда тутуриқ борми? Бугун ундай, эртага бундай!

— Шариатга тил тегизма!— деди Афанди.-- Шариатда гилам-дек тўқиб ташланган бирор тола ипга ҳам адашиш мумкин эмас.

ҲАҚОРАТНИНГ ҚИММАТИ

Афанди бир куни кўчада кетаётиб, йўл усгидаги тошга қоқилиб тушди ва тошни: «ҳа, хотини талоқ!» деб ҳақорат қилиб, рўнарасида келаётган одамга ўзини бехосдан уриб олди. Афанди бошини кўтариб, у одамга узр айтган эди, у Афандининг узрини қабул қилмай: «Сен мени «хотини талоқ» деб ҳақорат қилдинг!» деб, қозига судради.

Қози олдига келдилар. Қози даъвони эшитди ва Афандидан ҳам гап сўради. Афанди воқеанинг қандай бўлганини айтиб берди. Қози, даъвогар хафа бўлмасин деб, махфирага ҳукмга кирди ва Афандини ярим танга жарима тўлашга ҳукм чиқарди.

Афанди чўнтагини ковлаган эди, бир тангалик чиқди. Афанди уни қозига узатиб, мана олинг, жарима пулингизни, деди. Аммо

қози Афандини «бўғиш» ниятида, қайтиб бериш учун ярим танга йўқ, деди.

Афанди қозидан сўради:

— Бировни, хотини талоқ, деганнинг жазоси ярим тангами?

— Балли!— деб жавоб берди қози.

— Бўлмаса, боринг, сизнинг ҳам хотинингиз талоқ!— деди Афанди.— Олаверинг, бир танганинг ҳаммаси сизники.

ДУМ КЕРАК

Афанди қозилик қилиб турганида бир одамни бодринг ўғирлашда айблаб келтирдилар.

— Тўғрисини айт! Сен шу одамнинг полизидан бодринг ўғирладингми?

— Йўқ, тақсир, бодринг ўғирлаш у ёқда турсин, полизнинг яқинидан ҳам ўтганим йўқ.

— Уғирлади, тақсир, ўғирлади!— дейишди гувоҳлар.— Биз ўз кўзимиз билан кўрдик.

— Хўш, энди нима дейсан?

— Агар олган бўлсам, ит бўлиб кетай!— деб қарғана бошлади ҳалиғи гуноҳкор.

— Э, қўйсанг-чи, сафсатани! Ит бўлиш осон эканми?! Ит бўлишга ҳам бир қарич дум керак,— деди Афанди.

ФАТВО

Афанди муфти эди. Бир косиб фатво сўраб келди:

— Косибнинг сигири қозининг сигирини сузиб ўлдириб қўйса, шариат нима буюради?

Афанди китоб кўриб, жавоб берди.

— Косибдан сигирнинг пулини ундириб олиш керак.

Косиб яна сўради:

— Борди-ю, қозининг сигири косибнинг сигирини ўлдирган бўлса-чи?

— Бунақа даъво китобда йўқ...

ДҲСТЛАР

Афанди қозилик қилиб турган кунларида ундан сўрадилар:

— Афанди, сизнинг қанча дўстингиз бор?

Афанди жавоб берди:

— Қанча дўстим борлигини қозилиқдан тушганимдан кейин айтаман.

АЖОЙИБ ҚҲЕН

Афанди қози билан чиқишмай юрар эди. Қози Афанди ҳақида бўлар-бўлмас гаплар тарқатди. Афанди буни эшитиб, ичида,

сени қараб тур, деди-ю, бир куни қўйнига бир қуённи солиб, қозихонага борди.

— Ассалому алайкум! — деди у. — Бизни гойибона мақтаб, битта зиёфат қарздор қилибдилар, шу қарзни узай деб келдим. Агар фурсатлари бўлса, бир қадамранжида қилиб, бошимизни осмонга етказсалар...

Қози Афандининг бўйнини эгиб зиёфатга таклиф қилгани келганига ийиб кетди-ю, қуллуқ, бажону дил борамиз, деди.

Қози рози бўлгандан кейин Афанди қўйнидан ҳалиги қуённи олиб, унга гап уқтира кетди:

— Йўлда ўйнаб-петиб юрмай тўғри уйга бор, аянгга айт: манти қилсин, қазини қайнатсин, сомонхонадаги хумчани олиб, мусаллас сузсин, қовун-гарвуз олдириб келиб, салқин жойга қўйсин, ўзинг сабзи арчгин.

Қози ҳайрон бўлиб:

— Афанди, мени калака қиялпсизми? — деди.

— Э, тақсир, бу қуённинг мақтови айтган билан тамом бўлмайди, дастёрга хўп ёлчиб қолганман. Бунинг отини қуён-хабарчи дейдилар.

Афанди қуённи қўйиб юборди. Қуён жуфтакни отганича жўнаб кетди. Орадан бирон соат ўтгандан кейин Афанди қозини бошлаб уйига келди. Қози Афандининг уйига кириб қараса, дастурхон солинган, заёфат асбобларининг ҳаммаси муҳайё. У қойил қолиб Афандидан сўради:

— Қуённинг ўзи қани?

— Ана, тақсир, — деди Афанди, — ўзи арчган сабзининг пўчоғини эрмак қилиб ўтирибди.

Қози бориб қараса, ҳақиқатан шундай. Қози Афандининг зиёфатини еб бўлгандан кейин эртасига бир мулозимини юбориб, қуён хабарчига харидор бўлди. Афанди қаттиқ ранжиган бўлиб, деди:

— Ҳамиша шундай, улуғ кишиларни зиёфат қилсанг, зиёфатингни еб, яна яхши кўрган нарсанга кўз тикади! Мен бу қуённинг кетидан уч ой югуриб, эғасини юз тиллага аранг кўндирган эдим. Майли, энди, у киши оғиз солган бўлсалар, менинг койиганимни айтмай, йўриғи билан тушунтиринг, эллик тилла фойда бера қолсинлар.

Қози юз эллик тиллани нақд санаб бериб, қуённи олдириб кетди-да, ўша куни синаш учун қозихонадагиларнинг олдидан унга зиёфат буюриб, қўйиб юборди. Қуён чонганича қозихонадан чиқиб кетди.

Орадан бирор соатлар ўтгандан кейин, қози меҳмонларини олиб, уйига борди, қараса, уйда ҳеч гап йўқ. Қози жон-пони чиқиб, Афандини топтириб келди ва унга пўписа қилди:

— Мени алдабсиз, юз эллик тиллани ҳозир қайтаринг!

— Аввало мен сизга қуённи мақтаб соғганим йўқ, ундан кейин, сизга битта саволим бор: «Қуёнга хизмат буюрмасдан бурун уйларини кўрсатиб қўйганмидилар?»

-- Ҳай, аттанг, шу эсимизга келмабди-ку. Қуённи уйингиздан тўғри шу қозихонага олиб келган эдим, — деди қози.

-- Хайрият, хайрият!-- деди Афанди. — Кеча хотиним, қози поччам қаерликлар, деб сўраганида, шаҳарликлар, деган эдим, қуён шу гапни эшитгани аниқ. Демак, қуён мамлакатдан чиқиб кетгани йўқ, шаҳарда уйингизни қидириб юрган бўлса керак.

АЛАМИНИ ОЛДИ

Бир кун Афанди кўчада кетаётган эди, бир бола унга кесак отди. Кесак гириллаб келиб, унинг қоқ пешанасига тегди. Жони оғриди-ю, лекин болани койимади, мақтаб кетди:

— Зап мерган бола экансан, отангга раҳмат!-- деди-да, ёнидан бир чақа чиқариб берди. — Болам, мен камбағал одамман, камроқ бердим, хафа бўлмайсан-да. Энди бундай, хўв анаву келаётган отлиқни кўряпсанми, жуда бой киши, ўшани катгароқ тош билан бошлаб урсанг, қўн пул беради.

Афанди болага шундай деди-ю, ўзи кўчанинг муюлишига ўтиб пойлаб турди. Отлиқ киши қози эди. Афанди уни ўлгудек ёмон кўрарди. Бола қўлига гувала олиб отлиқни кутди. Яқинлашгач, гувалани гириллатди. Гувала саллани учириб юборди, от ҳуркиб, қозини ерга урди. Бош ёрилди. Қози ҳушидан кетиб, ётиб қолди. Бирпасда одамлар йиғилишиб, қозини кўчанинг бир чеккасига ётқизишди. Ярадор бир оздан кейин ўзига келиб, аранг, сув, деди. Нафасини ростлаб олгач, боланинг отасини топтириб келиб, тергай кетди.

— Тақсир, ўғлимнинг бунақа одати йўқ эди. Билмадим, қандай нобакор ўргатдийкин бунга?! — деди отаси.

Болани ҳам топтириб келиб, суриштиришган эди, у Афанди билан бўлган воқеани айтди. Буни эшитиб, қозининг кўзи касасидан чиқаёзди.

— Ҳа уйинг куйгур Афанди, ахири қасдини олибди-да!-- деди қози.

ҲУКМ

Шаҳар қозиси ўрнига вақтинча Афандини тайинлаб, ўзи саёҳатга кетган эди, унинг олдига икки киши жанжаллашиб кириб келди, бири: «Бу одам менинг қулогимдан чўзди», деса, иккинчиси тонмоқда эди. Афанди қандай сўроқ қилиб, қандай ҳукм чиқаришни билмай:

-- Боринглар, бир соатдан кейин ҳукм чиқариб қўяман, — деди.

Афанди яхшироқ ҳукм чиқариш мақсадида бир хонага кириб, ўз қулогини чўзиб кўрган эди, қулоғи қўлидан чиқиб кетиб, боши деворга тегиб ёрилди. Бир соатдан кейин даъвогар билан жавобгар келди.

Афанди ҳукмини айтди:

— Сенинг даъвонг ёлғон. Сенинг қулоғингни бу одам чўзганда эди, қулоғинг қўлидан чиқиб кетиб, бошинг деворга тегар эди. Менинг ҳукмимга ишонмасанг мана, бошимни кўр.

ҲЕЧ НИМА

Афанди қозилик қилиб турганида, унинг олдига икки киши бир-бирига даъво қилиб келди. Даъвогар айтар эди:

— Қози почча! Бу киши йўлда юкини кўтаролмай турган экан. Мени кўриб: «Юкимни кўтартириб қўйинг», деди. Мен кўтартириб қўйсам, нима берасан, десам, ҳеч нима, деди. Мен хўп, деб юкини кўтартириб қўйиб, ваъда қилган «ҳеч нима»-сини талаб қилсам, бермаяпти. Одил ҳукм чиқариб, ўша ваъда қилган, «ҳеч нима»сини олдириб берсангиз.

Афанди, даъвогарга қозихонага солинган кигизнинг бир бурчагини кўтартириб сўради:

— Тагида нима бор экан?

— Ҳеч нима,— деди даъвогар.

— Ана ўшани олиб кетаверинг! — деди Афанди.

ЯХШИРОҚ ГУВОҲ ТОПИЛАРМИДИ?

Афанди ўз шаҳрида қозилик қилар эди. Бир куни унинг олдига, бир сўфи арз қилиб келди:

— Масжиднинг жойнамозини ўғирлаган эдик, — деди сўфи. — Жойнамоз фалон масжиднинг сўфисидан чиқди. Шуни олдириб берсангиз ва ўғри сўфини жазоласангиз?

Афанди ўша сўфини чақиртириб келган эди, у даъвонинг бўҳтонлигини айтиб, жойнамоз ўз масжидининг ҳалол буюми эканлигини гувоҳлар билан исбот қилди. Гувоҳларнинг сўроғини эшитгач, Афанди даъвогар сўфидан сўради:

— Хўш, энди нима дейсиз?

— Гувоҳларнинг кимлигини ҳам суриштиринг! Ҳаммаси ўғри! — деди даъвогар.

— Эй-й, қизиқ одам экансиз! — деди Афанди. — Жанжал масжиднинг буюми устида бўлгандан кейин, булардан яхшироқ гувоҳ топилармиди?

АФАНДИ ҲУКМДОРЛАР
ДАВРАСИДА





АФАНДИ ХУКМДОРЛАР ДАВРАСИДА

ЕШЛИГИ ЭСИГА ТУШИБ КЕТСА

Хон бир кўни Афандини пойгага қатнашишга чақирди. Афанди:

— Жоним билан! →деб хоннинг таклифини қабул қилди.

Афандининг бир қари хўжизи бор эди, у пойгага шу хўжизни эгарлаб, миниб борди. Хон бу расвогарчиликни кўриб, жаҳли бурнининг учига келиб сўради:

— Афанди, бу нима жомавқулчилик? Пойгага ҳам хўжиз миниб келадими одам? — Ажаб подон хонсиз-да!

— деди Афанди. — Бир нарсанинг тегини билмасдан, дарров даргазаб бўлаверасиз.

Муддао чопишишти? Бу хўжизга ҳар қандай аргумоқ югингиз ҳам бадавар келолмайди. Биласизми,

бу хўжиз ёшида арқонини узиб, димини кўтариб шундай югурар эдики,

ҳар қандай улоқти от маҳорат қилганига эди ҳам етмайди.

Эдингиз. Ажаб эмаски, бу ердаги улақчин

ларни кўриб, ёшидан

эсини туншиб кетса,



Подшоҳ Афандини чақириб унга бир эшак топшириб, тайинлади:

— Шуни китоб ўқийдиган қилиб берасиз!

Афанди:

— Хўш, — деди-да, икки юз танга пул ва икки ой муҳлат сўради.

Подшоҳ Афандининг талабини бажарди.

Афанди хазинадан икки юз танга пулни олиб, эшакка миниб, уйига жўнади. Уйда икки юз тангани қатта-қатта сарф қилиб, хотини билан еб ётди. Подшоҳнинг муҳлати ўтгач, эшакни етаклаб олдига келди.

— Қани, одамларингизни тўплаг! — деди Афанди. — Эшагингизнинг мулла бўлиб қолганлигини томоша қилсинлар.

Подшоҳнинг саройига саркардалар, мударрис ва уламолар тўпланди. Афанди эшакни ўртага олиб чиқиб, олдига қуръонни қўйди. Эшак тили билан қуръонни варақлаб, охирги саҳифасига етгач, бошини кўтариб, афандига қараб ҳангради.

— Топширигингизни бажарибманми? — деб сўради Афанди подшодан.

Подшоҳ хурсанд бўлиб, Афандига яна икки юз танга инъом қилди ва ундан эшакни қандай қилиб мулла қилганини сўради.

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтаман, — деди Афанди.

— Кечдим, — деди подшоҳ.

Афанди ҳикоя қила бошлади:

— Уйда қуръоннинг орасига арпа сочиб, эшакнинг олдига қўйдим. У арпанинг ҳидини билиб, тили билан уни варақлаб очиб, арпани териб ея бошлади. Баъзи кунлари қуръоннинг орасига ҳеч нарса сочмасдан қўяр эдим. Бундай вақтларда эшак уни варақлаб чиқиб, унинг орасидан арпа топа олмай, хафа бўлиб ҳанграр эди. Икки ой уни мана шундай қилиб ўргатдим, у қуръон ўқийдиган мулла бўлди.

ГУНОҲСИЗЛАРНИ БУЗИБ ЮБОРАДИ

Подшо ёнига Афандини олиб, зиндондаги маҳбусларни текширгани кирди ва маҳбуслардан гуноҳларини суриштира бошлади. Аммо маҳбусларнинг ҳаммаси зиндонга гуноҳсиз тушганликлари ҳақида шикоят қилдилар. Ёлғиз биргина маҳбус, чиндан ҳам гуноҳкор эканлигига иқрор бўлган эди, Афанди подшоҳга ҳикоя қилди:

— Бу гуноҳқорни ҳозир зиндондан чиқаринг, пул ва аба бошқа гуноҳсизларни бузиб юборади.

ЧАП БЕРСА, БЕРИШТИ-ДА

Подшо шикорга чиққанда, биринчи рўпара келган жайдини уролмай, ёнидаги одамлар олдига қизариб қолди. Подшонинг ёнидаги вазир ва саркардалари уни ҳижолатдан қизариш ҳуви, унга тасалли бера бошладилар. Жумладан, Афанди шунди:

— Шунча гуноҳсиз фуқарони хато қилмай уриб, қонини тўканингизда, ўқингизга бир кийик чап берса берипти-да!

КИЙИК ҲАМ ОВМИ

Афанди Амир Темур билан овга чиқди. Амир бир кийикни қувиб бориб отган эди, ўқи хато кетди. Узини жуда мерган деб, ҳар доим мақтаниб юрувчи Амир Афанди олдида хижолат чекди:

— Қаранг, Афанди! Жуда кўп ов еган, муғомбир кийик экан, менинг ўқимга чап берди.

Афанди Амирни хижолатдан чиқазмоқчи бўлди:

— Агар кийикнинг ўрнида юзта одам бўлганда, бехато урган бўлар эдингиз. Кийик ҳам овми!..

АФАНДИНИНГ УҒЛИ

Бир куни подшо Афандининг ўғлини ҳузурига чақирди. Боланинг қадди-қомати, қоши-кўзи худди отасиникига ўхшар эди. Унинг ақлини ҳам отасиникига ўхшаш-ўхшамаслигини синаш учун болага бир тилла берган эди, у пулни сира олмади.

— Нега тиллани олмайсан?

— Онамдан қўрқаман, у бегона одамдан пул олмагин деган.

— Яша! — хурсанд бўлди подшо. — Мен онанг айтган бегона одам эмас, ҳукмдоринг бўламан, ола бер!

— Мен подшо эканлигингизни биламан, онам бунга барибир ишонмайди-да.

— Нима учун? — ҳайрон бўлди подшо.

— Агар подшо пул берса, бир тилла эмас, кўнроқ берар эди, дейди-да! жавоб берди бола.

АФАНДИ — МЕРГАН

Афанди бир тиллага муҳож бўлиб, Амир Темурдан сўрагани саройга борди. Борса, Амир аркнинг майдонига ҳамма тийрақдозларини йиғиб, кимки ўқни шу нишонга тегизса, юз танга инъом олади, деб турган экан. Инъомни олиш учун мусобақа бошланди. Лекин ҳеч қайси мерганнинг ўқи нишонга тегмади:

Афанди секин Темур ёнига бориб, ўз ҳожатини сўради. Темур унга қўлидаги ўқ-ёйини тутқазиб:

— Қани, сиз ҳам омадингизни синаб кўринг-чи, — деди.

Афанди, оббо, худо урди, ишқилиб шармандам чиқмаса гўрга эди... деган хаёл билан таваккал қилиб отган эди, ўқ бориб нишонга тегди.

Темур хурсанд бўлиб, тийрақдозларга Афандини тоза мақтади-да, ваъда қилинган юз тангани берди. Афанди тангаларни биттама-битта санаб, ҳамёнига солди-да, Амир Темурга қараб тураверди.

— Ҳа, тагин нима қилиб турибсиз, кетавермайсизми?

— Ҳалиги сўраганимнинг жавобини кутиб турибман.

— Оладиганингизни олдингиз-ку, ахир!

— Буни мен мерганлигимга олдим-да! Ҳали ҳожатим учун сўраганимни олганимча йўқ.

Темур хахолаб кулиб юборди-да, яна бир тилла бериб жўнатди.

МУЛЛА НАСРИДДИННИНГ ОТИШЛАРИ

Афанди мерганман деб мақтаниб юрар эди, подшо бир куни уни овга олиб чиқди. Бир жойда ўглаб юрган кийик учраб қолди. Афанди дарров камондан ўқ узган эди, хато кетди.

— Бу сизнинг отишингиз,— деди хижолат бўлган Афанди ва яна битта ўқ узган эди, бу ҳам хато кетди.

— Бу вазирингизнинг отиши,— деди Афанди ва учинчи марта ўқ отган эди, кийикка тегди.

— Мана бу мулла Насриддиннинг отишлари! — деди Афанди. — Уқ деганни мана шундоқ отиш керак!

ПОДШОНИНГ АМРИ ШУ

Подшо Афандига буюрди:

— Мана бу отга миниб, эгардан тушмасдан, вазирни айтиб келинг!

Афанди отга миниб, вазирнинг уйига борди, девордан қараса вазир бир-икки меҳмонлар билан палов емоққа ўтираётган экан. Дарҳол отдан тушди-да, эгарни отдан олди ва уни миниб олгани ҳолда вазирнинг уйига кирди. Вазир Афандини эгар миниб келаётганини кўриб, кулиб сўради:

— Бу қандай келиш?

— Подшонинг амри шу! — деди Афанди.

Афанди эгардан тушмасдан туриб, паловдан тўйиб еб бўлгач, подшонинг буйруғини вазирга билдирди. Вазир Афандини койиб айтди:

— Шу гапингизни аввал айтсангиз бўлмасмиди? Энди бор-сак, подшо ғазабланиб юради-да!

Афанди жавоб берди:

— Подшо ғазабланса-ғазабланар, ейилмасдан сарсон бўлиб қолиб, палов ғазабланмасин дедим. Подшога унинг шартини бузмасдан буйруғини сизга етказганимни айтсангиз, кифоя.

ЭНДИ ФАҚАТ ОРҚАМНИ КЎРАСИЗ

Афанди бир куни Темурлангни қаттиқ ҳажв қилди. Темур ғазабланиб, Афандини, бетингни кўрсатма, деб ўрдасидан ҳайдаб юборди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Темур Афандининг латифаларини соғиниб, уни яна чақиртирди. Афанди ўрдага келгач, Темурнинг ҳузурига орқасини ўгириб кирди. Темур яна ғазабланди.

— Бу қандай кириш? — деб ўшқирди у Афандига.

— Амри подшо вожиб! — деди Афанди. — Энди сиз бундан кейин фақат менинг орқамни кўрасиз.

ТАШҚАРИДАНМИ, ИЧКАРИДАНМИ?

Усталар подшо саройининг деворларидаги шикаст-рехтларини тузатар эканлар, Афанди келиб улардан сўради:

- Деворни нега мунчалик баланд қилинган?
- Уғри тушмасин учун,— деб жавоб берди усталар.

Афанди яна сўради:

- Уғри қаёқдан тушади: ташқариданми, ичкариданми?

АҲМОҚ ҚАВМНИНГ ПАЙҒАМБАРИ

Афанди, подшонинг олдига бориб, айтди:

- Бугун менинг пайғамбарлигимга ваҳий келди.
- Қайси қавмга?— деб сўради подшо.
- Сизга ва сизнинг қавмингизга.
- Аҳмоқ бўлибсан!

— Пайғамбар аҳмоқ қавмга келади,— деб жавоб қилди Афанди.

АФАНДИНИНГ ДОНОЛИГИ

Подшонинг ўрдасига учта савдогар меҳмон бўлиб тушди. Булар ўрдада бир неча кун тургач, подшога ҳар қайсиларида биттадан саволлари борлигини билдирдилар. Подшо буларнинг саволларини тинглаб, жавоб беролмади ва юртидаги уламою фузалоларини чақиртириб келди.

Меҳмонларнинг саволига улар ҳам жавоб беролмадилар. Подшо шу савдогарларнинг саволига жавоб берадиган ақлли одам юртимда қуриб кетдими, деб ғазабланиб, атрофидагиларга савол берган эди, бир киши ўрнидан туриб подшога арз этди:

— Буларнинг саволига Насриддин Афандидан бўлак ҳеч ким жавоб беролмайди. Мумкин бўлса, Афандини чақиртириб келинса,— деди.

Подшо ясовулга Афандини дарҳол топиб келишни буюрди.

Афанди эшагини тўқимлаб, қўлига таёғини олиб, ўрдага келди ва эшагидан тушмай, тўғри подшонинг олдига кириб борди:

- Хўш подшо, йўқлатмоқдан хизмат?

— Мана шу меҳмонларнинг саволларига жавоб топасиз,— деди подшо.

Афанди саволларни эшита бошлади. Меҳмонлардан бириси савол берди:

- Ер юзининг ўртаси қаерда?

Афанди дарҳол ўрнидан туриб, таёғи билан кўрсатди:

- Мана шу эшагимни олдинги ўнг оёғи турган жойда.

Саросимага тушган меҳмон яна савол берди:

- Қаердан биласиз бу ердалигини?

— Ишонмасанг ўлчаб кўр. Агар бир газ ортиқ бўлса кейин сўзлашамиз.

Савол берувчи меҳмон бу жавобга нима дейишини билмай, индамасдан қолди.

Афанди иккинчи меҳмондан савол беришни сўради.

— Осмондаги юлдузлар қанча?

— Эшагимнинг баданидаги жуни қанча бўлса, юлдузлар сони ўшанча.

— Нима билан исбот қиласиз?— деб жаҳлланди меҳмон.

— Ишонмасанг, эшагимнинг жунини биттадан юлиб санагин. Кейин кечаси юлдузлар чиққанда уларни санаб кўр. Битта ортиқкам чиқса, кейин сўзлашамиз.

— Эшакнинг жунини ҳам санаб бўладими?

— Эй, нодон! Осмондаги юлдузларни ҳам санаб бўладими? Бу гапни эшитиб иккинчи меҳмон ҳам дамини чиқармай қолди. Афанди учинчи меҳмондан савол кутди.

— Соқолимнинг мўйи неча тола?— деб сўради учинчи меҳмон.

— Эшагимнинг думида жун нечта бўлса, соқолингнинг толаси ҳам ўшанча.

Учинчи меҳмон ҳам мот бўлиб, Афандига тан беришни шерикларига тавсия қилди.

ИТ ЭКАН

Амир Темур кечаси Афанди билан май ичишиб ўтириб, мучалини суриштириб қолган эди. Афанди ҳисоблаб чиқиб, мучалингиз ит экан, деди.

Амир Темур оғринди:

— Жаҳонга шер бўлиб танилган бир жаҳонгир наҳот ит бўлса! Адашмай, дурустроқ ҳисобланг, Афандим. Ҳеч бўлмаса бўри чиқаринг.

Афанди жавоб берди:

— Бу ёгини дейдиган бўлсангиз, сиз итлигингизда тура беринг-у, мақташни менга қўйиб беринг: мучалингиз фил!

ЭШАКБОШИ

Подшо Афандини мулзам қилиш мақсадида сарой аҳлини йиғиб, фармони олий ўқиди:

— Биз бугундан бошлаб Насриддин афандини эшакбошилиқ мартабасига лойиқ ва мувофиқ кўрдик.

Афанди ўрнидан туриб подшога таъзим қилди ва бориб тахтдан ҳам юқорироқ бир жойга ўтирди.

— Ҳа, Афанди!— деди подшо.— Нима учун мендан ҳам юқорироққа ўтирдингиз?

Афанди қўлини кўтарди:

— Жим, мен ўз вазифамнинг ижросига киришдим.

АФАНДИ-ДИПЛОМАТ

Подшо туш кўрди. Тушида бир одам келиб, унинг ҳамма тишларини битталаб суғуриб олди. Подшо чўчиб уйғонди. Эрталаб вазиридан кўрган тушининг таъбирини сўради.

— Ҳамма бола-чақаларингиз ўлиб кетиб, ўзингиз омон қолар экансиз,— деб жавоб берди вазир.

Подшо вазирини ўлимга буюрди. Шу маҳал ўрдага Насриддин Афанди кириб келди. Подшо Афандига тушини айтиб бергандан кейин, таъбирини сўради.

— Ҳамма бола-чақаларингиздан кўра узоқроқ умр кўрар экансиз,— деди Афанди.

Подшо хурсанд бўлиб, Афандига тўн кийгизди.

ПОДШОНИНГ ИНЪОМИ

Подшо бир маросимда атоқли одамларга тўн кийгизди ва Афандини масхара қилиш учун унга эшакнинг тўқимини берди. Афанди баланд овоз билан миннатдорчилик билдириб мақтанди.

— Сизларга бозордан келган тўн кийгиздилар, менга келганда меҳрлари ошиб кетиб, ўзларининг кийимларини инъом қилдилар.

ЗОЛИМ БИЗ

Амир Темур бир куни одамларни йиғиб:

— Мен золим подшоми, одил подшоми? — деган саволни ўртага ташлади ва золим деганни ҳам ўлимга буюрди, одил деганни ҳам. Шундан кейин Афанди ўртага чиқди.

— Золим биз! — деди. — Худо бизга жазо бергани сизни юборган.

Темурга бу жавоб маъқул бўлди.

САДОҚАТ

Амир Темур бир куни Афандига дағдаға қилди:

— Сен нима десанг тил учида айтасан, менга содиқ эмассан!

— Йўқ, ҳоқоним, — деди Афанди. — Мен сизга жуда содиқман.

— Қани, — деди Темур, — гапинг рост бўлса, мана шу ҳовузга ўзингни ташла-чи!

Афанди ўрнидан туриб, кўча эшигига томон йўналди.

— Ҳа, қаёққа? — деди Темур.

— Балиқчи ўртоғимникига, — деди Афанди, — сузишни ўрганиб келай.

ЖАСОРАТ

Қилиғи совуқ подшо бир куни Афандини теракка боғлатиб камон отишни машқ қилди: ўқ Афандининг икки ёнини, елкасини, бошини ялаб ўтиб, кўйлагини, дўпписини илма-тешик қилиб юборди. Подшо Афандининг жасоратига тан бериб, унга янги кўйлак, янги дўппи инъом қилди.

— Битга янги иштон ҳам буюринг, — деди Афанди.

— Нега?— деди подшо. — Иштонингизга ўқ теккани йўқ-ку? Теккан бўлса керак, — деди Афанди. — Илгари бунақа оғир эмас эди...

ДАРРА

Афандини подшо юз даррага буюрган эди, Афанди маҳрамлардан илтимос қилди:

- Дарра келгунча ётқизиб баданимни шапалоқлаб туринглар. Подшо бунинг сабабини сўраган эди, Афанди деди:
- Дарра келгунча эгим ўлиб, дарра еганим билинмайди.

АФАНДИ БИЛАН ТЕМУР

Афанди кўр бўлиб қолди-ю, бир кун Темуруланг саройига хайр сўраб борди.

- Отинг нима? — деб сўради Темуру.
 - Давлат, — деди Афанди.
- Темуру кулиб юборди.
- Тавба, давлат ҳам кўр бўладими?
 - Кўр бўлмаса, — деди Афанди, — чўлоқникига келармиди!

ЖОН

Подшо Афанди билан овга чиқмоқчи бўлиб, унга, ов қушларини сен олиб борасан, деди. Афанди рози бўлди, қушларни қопга солиб бирга жўнади. Булар тўқайга етишганда подшо Афандидан сўради:

- Қушлар қани?
 - Қопда.
 - Бу қушлар ўлиб қолибди-ку, — деди подшо жаҳли чиқиб.
- Афанди ҳайрон бўлиб, деди:
- Қопнинг оғзини жуда қаттиқ боғлаган эдим-ку, жони қаердан чиқиб кетди экан?

БАЛЛИ, ШОҲИМ

Афандининг кўзи ғилай эди, подшо уни чақириб, кўпчилик олдига мулзам қилмоқчи бўлди:

- Афанди, ғилай одамларнинг кўзига битта нарса иккита бўлиб кўринса керак-а? — деди.
- Балли, шоҳим, — деди Афанди. — Сиз ҳозир менинг кўзимга тўрт оёқли бўлиб кўриняпсиз.

ХОНЛИК ВА АҚЛ

Хон Афандини мазах қилиш учун бир кун қари отга миндириб овга олиб чиқди. Овда ҳаво бузилиб, қаттиқ сел бошланди. Хон овни тўхтатиб, навкарлари билан отнинг бошини қўйганича, ўрдасига

жўнади. Афандининг оти югуролмас эди. Афанди кийим-бошларини ечиб, хуржунга солди-да, аста-секин кетаверди.

Йўлнинг ярмига боргач, сел тинди. Афанди кийим-бошларини кийди, отда ўрдага кириб келди. Хон таажжубланиб сўради:

— Афандим, нечук сизнинг кийимларингиз ҳўл бўлмабди.

— Эй-й, хоним, менга аломат от берган экансиз, сизлар кетгандан кейин қанот чиқарди-ю кўз очиб юмгунча мени уйга етказиб келди.

Хон ҳайрон бўлди, янаги сафар хон Афандига берилган отини миниб, ўзининг отини Афандига берди. Бу сафар ҳам қаттиқ сел бошланиб қолди. Афанди отнинг бошини қўйиб жўнади. Хон Афандининг сўзига ишониб, ўз навқарларини ҳам жўнатиб юборди. Лекин от Афанди айтгандай қанот чиқаради, аксинча, қамчи урса ҳам югурмас эди. Хон Афанди алдаганини тушунди, қайтгач, Афандининг жазосини бермоқчи бўлди-ю, сувдан чиққан мушукдек бўлиб ўрдасига кириб келди.

— Хўш, нима сабабдан мени алдадинг? Қани отнинг қанот чиқаргани? — деди хон Афандига.

Афанди жавоб берди:

— Ҳеч вақт от ҳам қанот чиқарадими? Отингиз чопмаган экан, менга ўхшаб кийим-бошингизни хуржунга урсангиз, ўлармингиз? Хонлик бошқа экан-у, ақл бошқа экан-да!

ТАЁҚ

Афанди хонга ғоз нишириб борар эди, йўлда қорни очқаб, бир оёғини еб қўйди.

Хон товоқни олиб:

— Бир оёғи қани? — деб сўради.

— Бу йилги ғозларнинг ҳаммаси бир оёқлик экан, — деди Афанди ва бир оёғини кўтариб, дам олиб турган бир ғозни кўрсатди.

Хон таёқни кўтариб ҳамла қилган эди, ғоз икки оёқлаб қочди.

— Ана, оёғи иккита-ку! — деди хон.

Афанди пинагини бузмай жавоб берди:

— Шу таёқ билан биров сизга ҳамла қилса тўрт оёқлаб қочар эдингиз, — деди.

ДУСТИМДАН АЙЛАНАЙ

Афандининг бир туп эртапишар ўриги бор эди. Бир кун қараса, тепа шохида уч донаси сарғайиб қолибди. Афанди ўрикни узиб, хонга олиб борди. Хон Афандига инъом берди. Афанди кузақда хонга яна биронта яхши мевадан совға қилиб инъом олмоқчи бўлди-ю, бу сафар ёнғоқ олиб борди. Йўлда, бир ошнаси учраб:

— Хўш, Афанди, йўл бўлсин? — деди.

— Хонга ёнғоқни совға қилиб борапман.

— Хон ёнғоқни ёмон кўради, анжир олиб бордингиз, — деди.

Афанди йўлдан қайтиб хонга анжир олиб борди. Хон, бурни пучуқ бўлиб, лақаби анжир эди. Афандининг анжир олиб келганини кўриб, аччиғи келди-ю, ясавулларидадан бирига:

— Олиб келган нарсаи билан бошига ур! — деб буюрди.

Ясавул анжир билан унинг бошига туширар экан, Афанди нукул, дўстимдан айланай, деб хитоб қилар эди. Хон сўради:

— Хўш, нега унақа дейсиз?

Афанди жавоб берди:

— Мен сизга ёнғоқ совға қилиб келаётган эдим, бир ошнам йўлда учраб, анжир олиб бор, деди. Яхшиямки, анжир олиб келган эканман, агар ёнғоқ олиб келганимда, бошим ёрилар эди.

ҚУЛНИНГ ТЕГИШИ

Афанди бир куни подшо ҳузурида ўтирган эди, бир киши подшога совға қилиб, ғоз пишириб келди. Подшо ғозни тақсим қилмоқ учун Афандига узатди. Афанди қўлига ўткир пичоқни олиб, унинг бошини узиб подшога узатди:

— Ғоздан сизга шу тегади, чунки юртнинг бошлиғисиз.

Икки қанотини узиб қизларига узатди:

— Сиз яқинда эрга тегиб кетасиз, қанотингиз мустаҳкам бўлсин.

Оёқларини кесиб, подшонинг ўғилларига узатди:

— Сизлар отангизнинг ўрнини босасизлар.

Бўйинини подшонинг хотинига узатди:

— Эрингиз бўйингизга уришни яхши кўрадилар, бўйингиз маҳкам бўлсин.

Ўзи эса ғознинг тўшини олиб айтди:

— Мен хизматдаги бир қулман, қулингизга шу ҳам бўлади.

ХУНАСА БАЛИҚ

Афанди бир подшога балиқ совға қилиб борди. Подшо бу совға учун Афандига хазинадан бир тилла инъом қилди. Афанди инъомни чўнтакка солиб чиқиб кетиши билан, вазир подшога қараб:

— Ҳар ким балиқ кўтариб келса, бир тилладан инъом бераверсангиз, хазина бўшаб қолади-ку! Дунёда нима кўп — балиқ кўп, — деди.

Подшо ҳам:

— Дарвоқе, айтганингиз тўғри. Нима қилиш керак? — деди.

— Дарҳол Афандини қайтартириб келинг, — деди вазир.

Подшо Афандининг кетидан одам юборди-да, вазирга деди:

— Тиллани қайтариб бер десак, қандай бўлар экан?

— Бунинг иложи осон, — деди вазир. — Афандидан балигини эркакми, ургочими деб сўрайсиз, ургочи деса, менга эркак балиқ керак, дейсиз, эркак деса, менга ургочиси керак дейсиз-у, тиллани қайтариб олисиз.

Афанди келди. Подшо ундан сўради:

— Балиғингиз эркакмиди, урғочими?

Афанди подшонинг ниятини пайқаб:

— Балиғим хунаса эди, — деб жавоб берди.

Подшо унинг топқирлигига қойил бўлиб, яна бир тилла инъом қилди.

ЛОФ

Темурланг саройида саркардалар суҳбат қилиб ўтиришар экан, ҳар ким ўз қаҳрамонлиги ҳақида лоф ураб эди. Бир мақтанчоқ саркардага навбат келди.

— Истамбулдаги уруш шундоқ қаттиқ бўлдики, ўқ бамисоли ёмғир бўлиб ёғар эди, душман билан аралашиб кетиб, қилич тагида қолибман, каллам узилиб, бўйнимнинг терисида илиниб қолибди.

Суҳбатда Афанди ҳам бор эди, сўз қисғирди:

— Урушда одам қизишиб кетгандан кейин шунақа бўлар экан-да. Сизнинг бошингиз бўйнингизнинг терисига илиниб қолипти-ку, менинг бошим елкамдан тушиб уч-тўрт юмалаганини билганим йўқ, уриша бердим.

ЎЛМАГАН БИЗНИНГ ЖОНИМИЗ

Амир Темур бир куни Афандининг олдида ойнага қараб, ўзининг хунуклигидан шикоят қилди:

— Қара, — деди Темур Афандига, — одам ҳам шундақа бадбуруш бўладими?

— Бир марта ойнага қараб шунча хафа бўласиз, — деб жавоб берди Афанди, — ўлмаган бизнинг жонимиз: ҳар куни сизни ўн марта кўрсак ҳам, чидаб юра берамиз.

ЕРНИНГ КИНДИГИ

Амир Темурнинг бир пакана амалдори доим бўйнидан узун қилич тақиб юрар эди. У бир куни шу ҳолатда одамлар тўпланиб турган бир жойдан ўтиб қолди. Одамлар орасида Афанди ҳам бор эди.

Биров Афандидан сўради:

— Бу қанақаси?

Афанди айтди:

— Эй биродарлар, қўяверинг! Бу аҳмоқ подшо қилар ишини билмай, бу ер киндигини қиличга осиб қўйибди.

ТЕМУРНИНГ ҚИММАТИ

Темурланг бир куни Афандидан сўради:

— Афанди, менинг қадр-қиммагим қанча бўлар экан?

Афанди ўйланиб туриб, жавоб берди:

— Қадр-қиммадингиз беш юз тилладан ошмайди.

Темурнинг аччиғи келиб, ғазаб билан қичқирди:

— Нега менинг қадр-қимматимни бунчалик пастга урасан, белимдаги камаримнинг ўзи беш юз тилла-ку!

— Ҳовлиқманг, амир! — деди Афанди. — Шунинг учун беш юз тилла дедим. Агар белингизда тилла камарингиз бўлмаса, ўзингиз бир чақага ҳам арзимайсиз.

БОЙҚУШ НИМА ДЕДИ?

Афанди, паррандаларнинг тилини биламан, деб мақтаниб юрар эди. Подшо буни эшитиб қолиб, Афандини чақиртирди ва овга олиб чиқди. Йўлда борар экан, подшо вайронада сайраб ўтирган бир бойқушни кўриб, Афандидан сўради:

— Бойқуш нима деб сайрапти?

— Бойқуш айтдики, — деди Афанди, — агар подшонинг зулми шу хилда бўлаверса, тез кунда шаҳар ҳам менинг маконимга қўшилиб кетади.

ОТ НЕГА КУЛАЁТИБДИ?

Подшо Афандини бир куни овга олиб чиқди. Бир манзилда подшо Афандини масхаралаш учун отининг пастки лабини кесиб қўйди. Афанди буни фаҳмлаб қолди-ю, бориб подшонинг отининг думини кесиб ташлади. Овдан қайтишда подшо орқасига қараб, Афандига деди:

— Афанди, отингиз нега кулаётибди?

Афанди дарҳол жавоб қайтарди:

— Тақсир, отингизнинг кети очилиб қолибди, шунга куляпти.

АТТАНГ

Подшо Афандига катта мансаб бериб:

— Энди сиз катгароқ бир ҳовли топиб, кўчинг. Ҳозирги уйингиз торлик қилади, — деди.

— Аттанг! — деди Афанди подшога. — Шунчадан бери сиғиб келган уйимга энди сиғмайдиган қилиб қўйдингиз...

АФАНДИНИНГ ЮЛДУЗИ

Афанди бир куни подшонинг саройида ўтирган эди, бир саркардага ҳазиллашиб: икки кундан кейин ўласиз, деди.

Икки кундан кейин ҳалиги саркарда иттифоқо отдан йиқилиб ўлди. Подшо унинг ўлимига Афанди сабабчи бўлди, деб ундан ўч олиш мақсадида:

— Сен саркардамнинг ўлишини билар экансан, ўзинг қачон ўлишингни биласанми? — деди.

Афанди подшонинг қонсираб турганини фаҳмлаб жавоб берди:

— Кеча оқшом юлдузимга қарасам, сиздан икки кун илгари ўлар эканман.

Подшо агар Афандини ҳозир ўлдиргирса, икки кундан кейин ўзининг ҳам ўлишидан қўрқиб, ёмон ниятидан қайтди.

СИЗ АҲМОҚ—ОДАМ ЭМАССИЗ

Афанди бир куни гаплашиб ўтириб, аъламни, сиз аҳмоқ одам-сиз, деб қўйди. Аълам уни подшонинг олдига судради. Подшо Афандига бир қанча пўписа-сиёсатлар қилгандан кейин:

— Дарров узр айт, сиз аҳмоқ одам эмассиз, кечирасиз дегин, йўқса, ҳозир жаллодни чақираман! — деди.

Афанди аъламга қараб деди:

— Сиз аҳмоқ— одам эмассиз? Кечирасиз!..

УЗР

Подшо бир куни Афандига:

— Менга шундай бир қаттиқ ҳазил қилгинки, мен сени ўлимга ҳукм қилай, кейин узр сўрагин, бу қилган гуноҳингдан ҳам ошиб тушсин, — деди.

Афанди кўнди. Иккови боғчага чиқиб кетаётганда Афанди подшонинг биқинини чимчилаб олди. Подшонинг аччиғи келиб:

— Аҳмоқ, бу нима қилганинг?! — деди.

— Кечирасиз, подшоҳим, — деди Афанди, — мен сизни келин-ойим дебман.

ДУҚ

Афанди подшонинг саройида хуржунини йўқотиб қўйди ва одамларни тўплаб:

— Хуржунимни яхшиликча топиб бермасаларингиз, қўлимдан келганини қиламан! — деди.

Афандининг дўқидан ҳеч ким қўрқмаган бўлса ҳам, уни хафа қилишни истамай, ҳаммаёқни яхшилаб қидиришди, хуржунни топиб беришди. Афанди хурсанд бўлиб, хуржунни эшагига ортиб турганда бир киши сўради:

— Афанди, хуржунингиз топилмаганда қўлингиздан нима келарди?

— Қўлимдан нима келар эди? — деди Афанди. — Уйда бир эски гиламча бор, шуни бузиб яна бир хуржун қилдириб олар эдим.

АФАНДИ ВА ПОДШО

Бир аҳмоқ подшо шоир бўлишни ҳавас қилиб, бўлар-бўлмас гаплардан шеър тўқиди ва мақтов умидида уни Афандига кўрсатди.

— Қалай, бошлабманми?

Афанди шеърни ўқиб, бурнини жийирди:

— Сиз шеър ёзмасангиз, кимнинг кўнгли қолаётган эди, подшолингизни қилаверсангиз-чи!..

Подшо Афандини ғазабига олди:

— Обор буни, эшакнинг ёнига боғла! — деди мулозимига. — Шеърни қасқдан билади бу!..

Афанди бир ҳафта эшакка ҳамдам бўлди. Бу орада подшо яна қанчадан-қанча шеърлар ёзиб, булардан бири ўзига жуда ҳам ёқиб кетди, Афандини олдириб келди:

— Қани, мана буни ўқи-чи? — деди унинг қўлига шеърини бериб.

Афанди шеърни ўқиди-ю, индамай оғилга қараб кета берди.

ЭШАКДАН ФАРҚИ ҚАНЧА?

Афанди бир куни саҳарда ҳаммомга тушган эди, қоронғида пайпасланиб бориб, супада ўтирган бир кишининг ёнига ўтириб қолди. Утирган одам мамлакатнинг подшоси эди. Афандининг яқин ўтирганига аччиғи келиб:

— Э, бекфаросат одам, сен билан эшакнинг орасида қанча фарқ бор? — деди.

Афанди дарҳол икки орани қаричлаб кўриб:

— Кўп эмас, икки қарич экан, холос, — деди.

АФАНДИ — МАЛИКУШШУАРО

Афандининг хотини ҳаммомга борган эди, ҳаммомчи маликушшуаронинг хотини келди, деб ҳаммомга қўймади. Хотин қайтиб келиб Афандини хафа қилди:

— Сиз ҳам шоирман деб юрибсиз-да! Бўладиган бўлсангиз, маликушшуаро бўлинг, бўлмаса жавобимни беринг!

Афанди энг яхши шеърларини бир чўнтагига, энг ёмон шеърларини бир чўнтагига солиб саройга, маликушшуаро олдига борди:

— Мен ажойиб шеърлар ёзиб келдим. Сиз манзур қилсангиз, кейин хонга ўқиб берсам...

Маликушшуаро ўзи пўстаки шоирлардан бўлса ҳам, эшитганини эсан чиқармайдиган одам эди. Шунинг учун улуғ шоирлар ёзиб келган шеърни бир ўқишда ёдлаб олиб, қўлёзмани қўлига қайтариб берар, шоир кетганидан кейин, хонга ўқиб бериб, инъом олар эди.

Бу сирни яхши билган Афанди чап чўнтагидан тутуриқсиз шеърларни олиб ўқиди, кейин маликушшуародан сўради:

— Бу шеър сизга манзур бўлдимми?

Маликушшуаро мақтади:

— Шеър деган шунчалик бўлади, мана буни хонга ўқиб берсангиз, арзийди. Қани, саройга!..

Маликушшуаро Афандини қабулхонага қўйиб, ўзи хоннинг олдига кирди:

— Насриддин Афанди ўғри шоир десам, менинг сўзимга ишонмаган эдингиз. Шеър ёзиб келган эмиш. Қабулхонада ўтирибди.

Ижозат берсангиз, кириб ўқиб берса-ю, кейин менинг даъвом ҳақлигига ишонсангиз.

Афандининг ўтқир шоир эканини билган хон ижозат берди. Афанди кириб, пойгақдан жой олди ва ўнг чўнтагидаги яхши шеърларни олиб ўқий бошлади. Ҳар бир шеърни ўқиб тугатганидан кейин, маликушшуарога қараб: «Бу шеър ҳам сизникими?» деб қўяр эди.

Ортиқ хурсанд бўлган хон Афандига тўн кийдириб, инъомлар бериб бўлганидан кейин сўради:

— Ҳар бир шеърни ўқиб бўлганингиздан кейин маликушшуарога қараб, бу ҳам сизникими, деганингизнинг боиси нима?

Афанди қўл қовуштириб жавоб берди:

— Сизга ўқиб бериб, манзур қилиб, маликушшуаро бўлиб юрган яхши шеърлар маликушшуароники эмас, менга ўхшаган фуқаро шоирларники. Агар меҳ бу шеърларимни олдин маликушшуарога ўқиб берганимда, сизнинг ёнингизга киришдан маҳрум бўлар эдим.

Хон тушунди, маликушшуарони бекор қилиб, ўрнига Афандини тайинлади.

Афанди саройдан чиқиб, ўпкаси оғзига тиқилиб, уйига борди:

— Хотин! Хотин! Ҳаммомга боравер, Афанди — маликушшуаро! — деди.

ҚИРҚ МАКИЁНГА БИР ХҲРОЗ

Подшо Афандини изза қилмоқчи бўлиб, қирқ маҳрамига тайинлади:

— Ҳамманг липпангга биттадан тухум қистириб, ҳовузга шўнғинглар, чиқишда тухумни қўлларингга олиб чиқинглар.

Афанди қирқ биринчи бўлиб ҳовузга тушди. Қирқ йигит биттадан тухум кўтариб чиқди. Бунинг сабабига дарров тушунган Афанди тўппа-тўғри подшонинг рўпарасига борди, икки қўлини қанот қилиб қоқиб, хўроз бўлиб қичқирди.

Подшо ҳайрон бўлиб сўради:

— Бу нима қилганингиз, Афандим?

— Подшоҳим, товуқ боқшни билмас экансиз. Қирқта макиёнга ҳеч бўлмаса битта хўроз керак эмасми?

ИККИ ЭШАКНИНГ ЮКИ

Амир Темур вазири билан Насриддин Афандини олиб, овга чиқди. Хийла ов қилгандан кейин, Амир устидаги чакмонини ечиб, Афандига берди. Буни кўрган вазир ҳам чакмонини Афандига узатди.

Амир Афандига тегишди:

— Афанди, устингизга биз бир эшакнинг юкини ортиб қўйдик-а?

— Кошки эди бир эшакнинг юки бўлса? — деди Афанди. — Устимда икки эшакнинг юки бор.

ТАҚЛИД ЭМИШ

Афанди бир вақт аскарликка ёзилди. Ёз мавсумида аскарларга хомаки жанг қилиш буюрилди. Майдонда найзабозлик, қиличбозлик бошланиб кетди. Аскарлар бир-бирининг қорнига ёлғондакам найза тикар, бўғзига ничоқ торгарди...

Афанди ваҳимага тушиб, секин тўдадан қочиб чиқди-да, бир қуруқ ариқчанинг ичига узала тушиб ётволди. Машқ тамом бўлгач, аскарларни кўрсалар, битта кам. Афандини қидира-қидира ҳалиги ариқчанинг ичидан топдилар. Юзбоши уни койий берди:

— Бу нима қилганинг, қочқинчи?!!

— Юзбоши жаноблари, мен қочқинчи эмасман. Уртоқларим жангчиларнинг тақлидини қилаётган эдилар. Мен жангда ўлганларнинг тақлидини қилиб ётувдим.

БИЛАДИГАН «ЭШАК»

Бир куни Афанди подшодан бир билмаган нарчасини сўраб қолган эди, подшо такаббурлик қилиб, уни мазах қила бошлади:

— Шунинг билмайдиган нимаси бор экан? Шундоқ гандон, ҳозиржавоб бўла туриб шуни ҳам билмайсизми? Ҳа, буни эшак ҳам билади-ку!

— Шунинг учун ҳам сиздан сўрадим-да, тақсир, — деди Афанди.

ИШТАҲА

Подшо бир куни Афандини яна зиёфатга чақиртирди. Афанди эшикдан кириб келиши билан подшо уни гапга тутди:

— Келинг, Афандим, иштаҳангиз борми?

— Тақсир, менинг дунёда иштаҳадан бошқа ҳеч нарсам йўқ, — деб жавоб берди Афанди.

ҚҰЛ СИЛТАШНИНГ БОИСИ

Бир куни подшо саройига кириб кетаётган эди, эшик олдида Афандининг бир киши билан суҳбатлашиб турганини кўриб қолиб, уларнинг олдига келди. У суҳбат нима ҳақида бораётганини суриштириб ўтирмай, Афандига:

— Ёлғон гапиряпсиз? — деб қолди.

— Нега, шоҳим?

— Чунки қўлингни ҳадеб силтаб гапиряпсан. Бу — ёлғончиликнинг аломаги.

— Тўғри айғасиз, тақсир. Мен бу кишига сизнинг адолатли подшо эканлигингизни уқтираётган эдим.

ЕЛҒОН ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Подшо Афанди билан шундай келишиб қўйган эди: «Зиёфат ва йиғинларда мабодо менинг оғзимдан бирор ёлғон гап чиқиб кетгудай бўлса, сен дарров бунинг ростлигини исботлайдиган гап қилгин, токи мен одамлар олдида қизариб қоладиган бўлмай. Ҳар бир ёлғонни ростга бурганинг учун беш тангадан инъом оласан».

Кунлардан бир куни подшо ўз ҳузурига йўл-йўлакай қўниб ўтаётган қўшни мамлакатнинг подшоси шарафига зиёфат бераётган эди. Саройга кўпчилик йиғилган. Суҳбат ов устида борарди. Ҳар ким овда қандай мерганликлар кўрсатганлигини оғиз кўпиртириб мақтарди. Шунда подшо ҳам бир мақтангиси келиб қолиб:

— Мен тунов кунги овда бир ўқ билан кийикнинг ҳам қулоғидан, ҳам туёғидан урдим, — деб қолди.

Дастурхон атрофида ўтирганлар бунга ишонқирамай ўзаро говур-ғувур қила бошлаган эдилар. Афанди дарров гапга ара-лашди:

— Ҳа, шоҳим тўғри айтдилар, шундай қилганларини ўз кўзим билан кўрганман. Бир жойга борсак, бир кийик туёғи билан қулоғини қашиб турган экан. Шоҳим худди шу дақиқада ёйни олиб, отган эдилар, ўқ бориб кийикнинг туёғини қулоғига пайванд қилиб қўйди...

Зиёфат тугаб, одамлар тарқалгач, подшо Афандини олдига чақириб, миннатдорчилик билдирди-да, беш танга узатди:

— Ие, тақсир, шундай мураккаб ёлғонни ростга буришга ҳам беш тангами? — деди Афанди. — Ё кўпроқ танга беринг, ё бундан кейин камроқ ёлғон гапиринг.

ПОДШО ОДАМ ЭМАСМИ?

Бир куни подшо пашшаларнинг хиралигидан хуноби ошиб, уларни қўриб ўтирган эди, Афанди кириб қолди.

— Афандим, — деди подшо, — оламда пашша йўқ жой ҳам бор-микин-а?

— Бор, — деди Афанди, — одамлар йўқ жойда пашшалар ҳам бўлмайди.

Подшо бу жавобни эшитди-ю, сира мот қилолмай келаётган Афандини бир мот қилмоқчи, одамлар йўқ жойда ҳам пашшалар бор бўлишини исботламоқчи бўлиб:

— Қани юринг, менинг орқамдан, — деб отга миниб, уни даштга бошлаб кетди.

Юриб-юриб чарчаганларидан сўнг, бир ерга қўниб, дам олиб ўтиришган эди, беш-олтита пашша подшонинг у ёқ-бу ёғидан айланиб ғувиллаб бошлади.

— Хўш, бунга нима дейсиз, Афандим? Мана, одам йўқ ерда ҳам пашша бўлар экан-ку?!

— Ие, шоҳим, сиз одам эмасмисиз?..

УЧҚУР ОТ

Афанди подшодан бир от сўради.

— Эшак бўлса бўлмайдимми? — деди подшо.

— Эшакдан жуда зерикдим, тақсир. Энди бир отни ҳавас қилиб қолдим-да.

Подшо мирохурини чақириб:

— Афандига отхонадаги отларнинг энг яхшиси, энг чопқирни берилсин! — деб буюрди.

Афанди раҳмат айтиб чиқиб кетгач, мирохурига, отнинг энг ориғини бер-чи, қани нима деркин, деб секин тайинлаб қўйди. Мирохур чиқиб, Афандига ўлай-ўлай деб турган бир отни тутқазди. Унинг таъби тирриқ бўлиб, ночор отни уйига етаклаб келди. От уйга аранг келди-ю, пичоққа ҳам илинмай жон берди.

Афанди эртасига эрталаб подшога бориб, унинг дуойижонини тилаб фотиҳа қилди.

— Қалай Афандим, отдан хурсандмисиз? Чопқир эканми?

— Э тақсир, чопқир ҳам гапми, учқур экан, учқур! Ниҳоятги учқурлигидан бир кечада охиратга етди.

САРОЙДАГИ АҲМОҚ

Бир вақт подшо ҳузурига бошқа мамлакатдан бирмунча савдогарлар келишди-да, яхши зотли отлар, деб унга юзтача от тақдим этишди. Подшога отлар ёқиб кетиб, яхши-ёмон аралаш ҳар қайси отга, икки юз тангадан берилсин, деб буюрди. Савдогарлар отларни пуллаб, зўр фойда кўриб, тезда ўз мамлакатларига жўнаб кетдилар. Подшо улар билан хайрлаша туриб, яна шунақа яхши отлар бўлса, олиб келинлар, деб тайинлаб қолди.

Подшонинг йигирма тангалик отларга икки юз тангадан берганига вазирнинг жаҳли чиқиб, пешонаси тиришди. Афандига қараб бошини чайқаб қўйди. Афанди ҳам, тушундим, дегандек ишора қилган эди, унга подшонинг кўзи тушиб қолди.

— Менинг қўл остимда қанча аҳмоқ бор? Шуни бир рўйхат қилиб, тезда менга топшир! — деди у Афандига кинояомуз.

— Тақсир, бутун мамлакатни айланиб чиқиш қийин. Яхшиси, подшоҳимнинг саройларидаги аҳмоқларни қизиб бера қолсам кифоя қилмасмикин?

— Майли, қани, ёз-чи!

Афанди қоғо-қалам олиб, биринчи галда подшони ёза бошлаган эди, унинг кўзи тушиб қолиб:

— Бу нима қилганинг! — деди дарғазаб бўлиб.

— Йигирма тангалик отга икки юз танга берган одам, албатга аҳмоқ бўлади-да!

— Савдогарлар иккинчи марта келишганда, ортиқча тангаларни қайтариб оламан.

— Ҳе, улар келиб бўпти энди!

— Агар келишса-чи?

— Агар келинса, сизни ўчириб, савдогарларни аҳмоқларнинг рўйхатига ёзиб қўяман.

КУЛИШНИНГ БОИСИ

Подшо Афандининг шармандасини чиқармоқчи бўлди-да, су-раткашни чақириб, буюрди:

— Шундай бир расм солгинки, Афанди бир қўлида нон, бир қўлида таппи ушлаб турган бўлсин-у, мен унинг ёнида кулиб турган бўлай. Расмни ҳаммомнинг эшиги тепасига осиб қўясан.

Эртасига подшо Афанди билан шаҳар айланмоқчи бўлди-да, жўрттага ҳаммом кўчасига йўл солди. У ҳаммомнинг олдига етиб келгач, билмаган киши бўлиб, эшик тепасидаги расмга қаради-да, хохолаб кулиб юборди:

— Анави расмга қаранг, Афандим. Қурғурлар сизни тозаям боплашибди-ку! — деб, у янаям қаттиқроқ кула бошлади.

Афанди ҳам расмга қаради-ю, хандон уриб кулиб юборди.

— Ие, сиз нимага куляпсиз?

— Сизни болаганларига куляпман-да.

— Қандай қилиб?

— Ўзингиз синчиклаброқ қаранг, сиз мендан нон сўраяпсиз, мен сизга таппи узатяпман...

«АҚЛЛИ» ШАҲЗОДА

Подшо ўғлини илм ва адаб ўргансин деб, Афандининг тарбиясига топширди. Орадан бир йил ўтгач, Афанди подшо ҳузурига келиб арз қилди:

— Менга тайинланган маошингиз учун қуллуқ, бир йилдан бери анча аҳволимиз яхши бўлиб қолди. Аммо бир кун келиб газабингизга дучор бўлмасам деб кўрқаман. Шаҳзодамизнинг ақллари шу даражадаки, у зотни тарбиялаш каминанинг қўллари-дан келмайдиганга ўхшайди.

Подшо ўғлини бошқа тарбиячига топширди. Орадан бир йил ўтгач, тарбиячи подшо ҳузурига келиб деди:

— Подшоҳи олам, тарбия ишларимиз охирига етди, кўпчилик иштирокида шаҳзодани имтиҳон қилишлари мумкин.

Подшо хурсанд бўлиб, тарбиячига сарполар кийдирди, ўғлини тантанали суратда имтиҳондан ўтказиш учун юртнинг донишмандларини чақиртирди. Тарбиячи йиғинда гердайиб гап бошлади:

— Шаҳзодамиз менинг тарбиямда илм ва заковат бобида камолотга эришдилар. Мана, ҳозир синаб кўрасизлар. Масалан, сиз қўлингизга бирор нарсани яшириб туриб сўранг, шаҳзода унинг нима эканлигини муштумингизнинг туришига қараб айтиб берадилар.

Афанди дарҳол бармоғидан узугини чиқариб кафтига беркитди-да, ўртага чиқиб, шаҳзодага:

— Қани, бу нима, топинг-чи? Ўзи думалоқ, ўртаси тешик, — деди.

Шаҳзода Афандининг муштига қараб туриб, бирдан:

— Ҳа, топдим, у — тегирмон тоши! — деди.

Афанди узугини бармоғига солди-да, подшога таъзим қилиб:

— Шаҳаншоҳим, бошқа фаросат ва заковат эгалари энди шаҳарни шаҳзодага бўшатиб бериб, чўл-биёбонга чиқиб кета берсалар ҳам бўлар экан,— деди.

НЕГА ИПНИ ТОРТДИНГ?

Афанди подшога вазир эди. Подшо ниҳоятда аҳмоқ бўлиб, чет эллардан келган элчилар, олимлар, сайёҳлар олдида бўлар-бўлмас гапларни айтиб, ҳадеб ўз аҳмоқлигини ошкора қилаверар, Афанди доим ундан хижолат бўлиб, унинг гапларини суваганисуваган эди. Кунларнинг бирида Афанди безор бўлганидан подшога деди:

— Бундан кейин биров билан гаплашаётганингизда, оёғингизга ип боғлай-да, бир учини кўрпача тагидан ушлаб турай, тўғри жавоб берсангиз ёки ўринли савол ташласангиз тек туравераман, айнисангиз, ипни аста тортиб қўяман.

Бу гап подшога маъқул тушди. Бир мамлакатдан элчи келганда худди шундай қилинди. Элчи кириб ўтириши билан подшо сўради:

— Қалай, мамлакатингизда ит, мушуклар семизми?

Афанди ипни секин тортди, подшо гапдан тўхтагандан кейин, Афанди элчига бу гапнинг «маъно»сини изоҳлай бошлади:

— Шоҳимиз шундай таглик гапирдиларки, ит, мушукнинг семизлиги халқнинг осойишта ва фаровон турмуш кечиришини кўрсатади.

Элчи бу гапдан қаноатланиб, подшога таъзим қилди. Буни кўриб подшо Афандига ўшқирди:

— Аҳмоқ, шундай чуқур гап айтган бўлсам, нега ипни тортдинг!

ЛОФГА ИШҚИБОЗЛАР

Афандининг бир парчагина ери бўлиб, унга ҳар йили буғдой экар, ундан чиққан беш-ўн чорак дон билан оиласини боқар эди. Аммо солиқлар кун сайин ортиб борар, закотчилар қишлоққа чиққанда, нимани хоҳлашса, шуни қилар эдилар. Бир куни Афандининг қишлоғига закотчилар келди. Улардан бири Афандини чақириб ўшқирди:

— Сен бу йил элик-чорак буғдой олибсан, шунга яраша закот беришинг керак!

— Инсоф қилинг, тақсир. Бу йил ҳаммаси бўлиб ўн чорак буғдой олдим, холос.

Закотчи сира гапига қулоқ солмагач, Афанди бориб подшога арз қилди. Подшо унинг арзини эшитмай туриб қичқирди:

— Бир газ соқолинг билан ёлғон гапиришга уямайсанми?!

Афанди индамай ўрнидан туриб, эшикка юра бошлади.

— Нима бўлди, қаерга кетяпсан? — тугақиб сўради пошшо.
— Шоҳим, — деди Афанди, — энди билсам, закотчилар айбдор эмас эканлар. Менинг тўрт энлик соқолимни ҳазратлари бир газ деганларида ўн чорак бўғдойимнинг юз чорак бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

АФАНДИ — МУНАЖЖИМ

Подшо бир куни Афандидан сўради:

— Саройбоп мунажжимни истаб ҳеч ердан тополмаяпман. Сиз мунажжим бўлиб қўя қолмайсизми?

— Шоҳим илтифот қилсалар, хотиним иккаламиз бўлар эдик.

— Нега энди?

— Чунки, — тушунтира бошлади Афанди, — мен хотиним билан сўзда, ишда сира муроса қилолмайман. Мен бир хил гапирсам, у тескарисини айтади. Мен, бугун ёмғир ёғади, десам, у, ёғмайди, дейди. Мана, узоқ йиллардан бери синайманки, ё менинг ёки унинг айтгани бўлади, учинчиси бўлмайди. Шунинг учун хотиним иккаламиз мунажжим бўлсак, ҳамма нарса бизнинг айтганимизча бўлади.

АФАНДИНИНГ РУМЛИКЛАРГА ЖАВОБИ

Истамбулдан Самарқандга уч киши келиб, Амир Темурга арз қилишди:

— Ҳар биримизнинг бир нечадан саволларимиз бор. Агар мамлакатингиздаги олимлар жавоб беролсалар, сизнинг фуқаролигингизни қабул қиламиз, жавоб бера олмасалар юртимизга кетамиз. Темур буларнинг шартини қабул қилди. Мамлакатдаги ҳамма олим, шоир, тарихчиларни тўплади. Аммо уларнинг бирортаси ҳам меҳмонларнинг саволларига жавоб бера олмадилар. Темур ниҳоятда газабланиб, олимларнинг ҳаммасини зиндонга солишни буюрди.

— Агар, — деди у, — менинг қўл остимдаги ўлкалардан бирор киши бу меҳмонларнинг саволларига жавоб бермаса, ҳамма олимларни ўлдираман!

Шунда вазирлардан бири ер ўпиб туриб илтимос қилди:

— Тақсирим, Насриддин Афандини чақиртирсалар, меҳмонларнинг саволларига фақат ўша кишигина жавоб бера олишлари мумкин.

Темур дарҳол Афандининг уйига ясовул юборди.

Афанди етиб келди.

— Агар, — деди вазир Афандининг қулоғига, — шу меҳмонларнинг саволларига жавоб берсангиз, ҳам ўзингизни, ҳам бутун олимларнинг бошини ўлимдан қутқарасиз.

Афанди жавоб беришга тайёр эканлигини билдирди. Меҳмонлардан бири туриб, ерни доира шаклида чизди ва Афандига қаради.

Афанди у доирани иккига бўлиб, ярмини ўз томонига, қолганини меҳмон томонига ишора қилди.

Биринчи меҳмон Афандидан енгилганига тантана билан иқрор бўлди.

Иккинчи меҳмон ўрнидан туриб, қорнини силади, икки қўлини ёнига уриб Афандига кўрсатди ва имо-ишора билан жавоб кутиб турди.

Афанди ўрнидан туриб, чўнгагидан бир дона тухум олиб меҳмонга кўрсатди, сўнг қорнини силаб, юзларини буриштирди, икки қўлини ёнига хўрознинг қанотидек уриб парвоз қилди.

У ҳам Афандининг донишмандлигига қойил қолиб енгилганига иқрор бўлди.

Охири учинчи меҳмон ўрнидан туриб, тўрт бармоғини юмиб, кўрсаткич бармоғини очиқ қолдириб, Афандига кўрсатди ҳамда жавоб кутиб турди. Афанди дарҳол кўрсаткич ва ўрта бармоқларини найза қилиб, меҳмонга таҳдид қилди. Бу ҳам енгилганига иқрор бўлиб, Афандига таслим бўлди.

Бу нарсалардан ажабланган Темур қароргоҳни холи қилиб, имо-ишора орқали ўтган бу савол-жавобларни билмоқчи бўлди ва меҳмонларни чақиртириб сўради:

— Айтинглар-чи, қандай саволлар бердингизу, қандай жавоблар олдингиз?

Биринчи олим жавоб берди:

— Олимнингиз тенги йўқ донишманд киши экан. Бизнинг имо-ишора билан берган саволларимизга ниҳоятда чуқур, илмий жавоблар берди. Мен ерни доира шаклда чизиб, ернинг думалоқлигига ишонасизми деб сўрадим. У эса, доирани иккига бўлиб, думалоқликдан ташқари, унинг ярми қуруқлик, ярми сув деб жавоб берди.

Иккинчи олим бундай деди:

— Мен қорним, қўлларимни кўрсатиш билан ҳаётдаги мавжудот нимадан тарқалган деб сўрадим. У эса, ҳаммаси тухумдан тарқалган ва ундан кўпаяди деб жавоб берди. Мен бу жавобдан қаноатландим.

Учинчи олим ўрнидан туриб:

— Мен бир бармоғимни кўрсатиш билан худонинг бирлигига ишонасизми десам, у икки бармоғини кўрсатиб, ёнида пайғамбарни ҳам бору, деди. Мен бу жавобдан ниҳоятда қаноатландим, — деди.

Меҳмонларга жавоб бергач, Темур Афандини чақиртирди ва меҳмонларга берган жавобларини батафсил айтиб беришини сўради.

Афанди берган жавобларини шарҳлаб бундай деди:

— Биринчи меҳмоннинг қорни оч экан, бир товоқ ош бўлса нима қилар эдинг, деб сўради. Мен, ярми сенга, ярми менга бўлар эди, деб жавоб бердим. Иккинчи меҳмоннинг ҳам қорни оч экан. У менга қорнини кўрсатиб, бирор нарса топиб бермасанг, иш хунук деган эди, мен ёнимда битта тухумдан бошқа ҳеч нарса йўқлигини, ўзим ҳам очликдан енгиллашиб, худди қушга ўхшаб

учиб кетишга тайёрлигимни айтдим. Учинчи меҳмон бўлса, менга таҳдид қилиб, агар овқат топиб бермасанг, бир кўзингни ўяман, деб бармоғини кўрсатган эди, мен икки бармоғимни кўрсатиш билан: ҳар иккала кўзингни ҳам ўйиб оламан, дедим. Вассалом, берган жавобларим шу!

Бу гапдан Темурнинг жаҳли чиққан бўлса-да, ночор сирнинг фош бўлишидан қўрқиб, бутун олимлар ва улар қатори Афандини ҳам ўлимдан озод қилди.

ЯРИМТА ЙЎТАЛ

Пошдо Афандини ҳеч йўл билан мот қилолмай юрар эди. Ниҳоят, бир куни вазирларни тўплаб:

— Ким Афандини мот қилса, мамлакатнинг ярим хирожини бераман,— деди.

Вазир уч кечаю-уч кундуз кенгашиб, мот қилиш йўлини топди ва Афандини подшонинг ҳузурига чақириб:

— Афанди, бизга яримта йўтал керак бўлиб қолди, ҳозир яримта йўталиб берасиз,— дейишди.

Афанди ҳеч ўйлаб ўтирмасдан дастурхондаги ҳолва кесилган пичоқни олиб, тиғини оғзига қўйди-ю, қаттиқ йўталиб:

— Тақсирлар, хоҳласаларинг бу ёғини олинглар, хоҳласаларинг у ёғини,— деди.

АФАНДИНИНГ ҲИСОБ ДАФТАРИ

Кунларнинг бирида подшо шаҳар ҳокимини чақириб, олиқ-солиқлар ҳақида ҳисоб беришини талаб қилди. Ҳоким ҳисоб-китоб ишини чалкаштириб юборган экан, аччиғланган подшо ҳокимни ҳисоб дафтарини ейишга мажбур қилди ва унинг ўрнига Афандини тайинлади.

Орадан кўп ўтмай Афандини ҳам ҳисоб дафтар билан подшо чақиртирди. Подшо кўрсаки, Афанди юпқа қашқар патиридай дафтар қилиб, олиқ-солиқлар ҳисобини унга ёзиб бораркан. У ҳайрон бўлиб Афандидан сўради:

— Бу қандай майнабозлик, шаҳарда сенга қоғоз топилмадими?

— Сизнинг газабингиздан қўрқдим,— деб жавоб берди Афанди.— Меъдамнинг мазаси йўқ, аввалги ҳокимдек қоғозни ҳам қилолмайман.

АФАНДИ — ТАРЖИМОН

Подшо узоқ муддатлик овга кетган эди. Бошқа мамлакатдан элчи келиб қолди. Вазир уни парвариш қилишни Афандига топширди. Афанди ҳар куни ошпазга тайинлаб, элчини қирғовул, бедана, каклик гўшларидан тайёрланган сара овқатлар билан боқар эди.

Орадан беш-ўн кун ўтди, қуш гўшти элчининг меъдасига тегиб, у ошпаздан сўқим гўштидан овқат тайёрлаб беришни илтимос

қилди. Ошпаз унинг тилига тушунмай, вазирга мурожаат қилди. У ҳам тушунмай, Афандидан тушунтириб беришни илтимос қилди.

Афанди элчи ҳузурига бориб, имо-ишоралар билан мақсадини сўраган эди, у икки қўлини боши устига шохга ўхшатиб, ўз тилида алланарсалар деди, Афанди сира ҳам тушунмади.

— Элчи нима хоҳлар экан? — деб сўради вазир.

— Элчининг икки қўлини боши устига кўтаргани унинг подшони кўрмоқчиман дегани, — деб жавоб берди.

ҲҲЛ БҲЛМАСЛИК УЧУН-ДА

Темурланг Афандидан:

— Афандим, ёмғир ёққанда қурбақа нима учун сувга тушиб кетади?

Афанди:

— Вой, тақсир-э, фаҳмингиз жуда ҳам ўткир экан-а, ахир ҳўл бўлмаслик учун-да!

СИЗНИ ОДАМ ДЕБМАН

Бир кун кечқурун Афанди кетаётса, тўсатдан подшо учраб қолиб:

— Ия, Афнди, сизмисиз? Мен ит дебман, — деган экан.

Шунда Афанди:

— Эҳ, подшоҳи олам, сизмисиз?! Мен ҳам, сизни Одам дебман, — деган экан.

ИЧА ОЛАРМИДИНГИЗ?

Афандининг уйи чўлда экан. Овга чиққан подшо сув ахтариб Афандининг уйига кириб қолди.

— Сув тамом бўлган эди, — деди Афанди.

Подшо хафа бўлиб йўлга равона бўлди. Подшо анча йўлга боргандан кейин Афанди томга чиқиб, пақирни кўрсатиб подшони чақира бошлади. Узоқлашиб қолган подшо одамлари, подшога Афанди чақираётганини айтдилар. Подшо хурсанд бўлиб орқасига қайтиб келса, Афанди бўш пақирни кўрсатиб:

— Шу пақирда тўла сув бўлганда, ича олармидингиз? — деди.

ТЕНГ ТЕНГИ БИЛАН

Гапдан-гап чиқиб подшо Афандидан ғазабланди-да, Афандига қараб туриб:

— Афанди, худди эшакнинг ўзисиз! — деди.

— Тенг тенги билан, тезак қопи билан, — деб жавоб берди Афанди.

НАСИБ ҚИЛМАГАН БОЙЛИК

Афанди йўлда кетагуриб жуда очқабди. Шу пайт йўлда бир қўшчи учраб қолибди. Афанди ундан нон сўрабди. Қўшчи айтибди:

— Сиз бу қўшни ҳайдаб туринг, мен унгача нон олиб келаман, — дебди.

Афанди қўшни ҳайдаётса, омоч бир нарасага тегибди. Бундай қараса, бир хум эмиш. Бунинг ичида тўла олтин ва кумушлар бор эмиш.

Шу вақт йўлдан подшо вазирлари ўтиб қолибди. Буни кўрган Афанди: «Мана энди, буни кўрди. Энди нима қиламан?» дебди ўзича.

У топилган нарсани уларга айтмоқчи бўлиб чақирибди. «Агар айтмасам, бари бир, подшо ҳазратларига айтса, мени ўлдирари», деб уларни чақирибди.

Улар:

— Ҳа, нима дейсан? — дебди.

Афанди ўйлаб туриб, ҳали булар билмабди, билдирмай қўя қолай, дебди-да, улардан:

— Бу ер кимники? — деб сўрабди.

Буни эшитган вазирларнинг жаҳли чиқибди. Кейин яна қайтишибди.

Афанди анча ўйланиб туриб, мана энди билди, энди айтиб қўя қолай, дея яна чақирибди. Улар яна ҳанг-манг бўлиб келибдилар.

Афанди ҳали ҳам билмабди деб, уларга:

— Шу ҳўкиздан қайси бири яхши ва кучли? — дебди.

Буни эшитган вазирлар уни уриб, сўкиб, койиб яна қайтибдилар. Сўнг қўшчи келибди. У иккита қотирма олиб келибди. Афанди уни роса мириқиб туширибди. Сўнг воқеани қўшчига айтибди. Қўшчи подшога хабар қилипти. Шу кунги подшо навкарлари келиб, Афанди билан қўшчини дўқ ва пўписалар билан кўндириб, бойликни подшо хазинасига топширибдилар.

МАСОФА

Бир кун Афанди Амир Темурнинг уйига меҳмонга борибди.

Темур Афандининг олдида оёғини узатиб ўтирибди. Буни кўриб, Афанди хафа бўлибди ва у ҳам унга қараб оёғини узатиб олибди. Бундан Темур газабланибди.

У Афандига:

— Ит билан сенинг орангда қанча фарқ борки, сен менга оёқ узатасан? — дейди.

Шунда Афанди ўрнидан туриб, Темур билан ўзининг орасини ўлчабди.

ИШОНТИРИШ

Подшонинг бир куни учар от мингиси келиб, Афандига ёрилди. Афанди уни гапда айлантирди.

— Отга қанот пайдо қилиш илм-ҳикматга, сабр-тоқатга боғлиқ, — деди Афанди. — Астойдил ҳаракат қилсангиз, қора ёллик саман отингиз қанот чиқаради! — деди.

Подшо унга ўз отини, қанот чиқариб беринг, мен ҳам шу отга миниб тоғлардан дори-дармон йиққани бораман, дебди.

Отни Афандига қанот чиқаргани берди.

Афандига подшо бир халта олтин бериб, саман отини миндириб юборади. Афанди ўнг қўлида олтин ва чап қўлида саман отини етаклаб, ҳовлисига кириб борди. Буни кўриб Афандининг хотини ваҳимага тушди. Афанди хотинини юпатди.

— Ажаб одам экансан, уч-тўрт ой боқамиз-у, сўйиб еймиз. Отнинг қанот чиқаришига ишонган аҳмоқ муддатидан олдин қанот чиқариб учиб кетди деб айтсак, ишонмайдими? — дебди хотинига.

ХИСЛАТЛИ ШАПАЛОҚ

Ёр-биродарлари, ҳамхужра-ҳамдарслари турли касб-ҳунар, амал-мансаб эгаси бўлиб кетган бўлсалар ҳам, Афанди ҳануз мадраса тупроғини ялаб ётар эди. Қашшоқлик жонидан ўтганидан, бир куни у ўз-ўзини шапалоқлаб қолди.

Шаҳар подшоҳининг ойнаи жаҳоннамози бўлиб, ҳар куни у орқали аҳоли хонадонини бир-бир кўздан кечириб чиқар эди. Ўз-ўзини ураётган Афандини подшо дарҳол олдириб келиб сўради:

— Жинни бўлдингми? Нега ўз-ўзингни урасан?

— Тақсир, — деб жавоб бера бошлади Афанди, — камбағалчилик жонимга тегди. Бирор амал-мансаб ёки мол-дунёга эга бўлармиканман, деб шундай қиялпман.

— Ия, бойлик топиш йўли ўз-ўзини уришми?

— Эй, тақсир, — зорланди Афанди, — ёшлигимдан бери кимни урсам, ўша бойиб амалдор бўлиб кетяпти.

— Масалан, айт-чи, сенинг қўлинг теккан қайси амалдор ёки бойни биласан?

— Чап бетига бир тарсаки урган кишим, мана, чап вазирингиз. Ўнг бетига шапалоқлаганим — ўнг қўл вазирингиз, мендан мушт еган — ана девонбеги, қаттиқроқ тепганим — мингбошингиз, — деб бир оз дудуқланди-да, — тақсир, ёшлиқда чорбоғингиздаги ҳў-ў-ў... ҳодиса эсингиздами? — деди.

— Бўлди, бўлди, баччағар, — деди подшо қизариб, унинг сўзини бўлиб, — бор, сени Ғирвонга ҳоким қилдим!

— Умр-давлатингиз зиёда бўлсин! — дуо қилди Афанди ва деди: — Айтмабмидим, тақсир, мана, хислат ўз шапалоғимда эканми?

МУЪЖИЗА

Афанди бир шаҳарга бориб, пайғамбарлик даъвосини қилган эди, уни тутиб шаҳар ҳоқимига олиб бордилар.

— Кимсан? — сўради ҳоқим.

— Пайғамбарман.

— Исо пайғамбардек муъжиза кўрсата оласанми?

— Ҳа, бўлмаса менга бир ўткир қилич беринг!

— Нима қиласиз?

— Бошингизни олиб қўйиб, яна жойига қўяман-да, сизни тирилтираман, — жавоб берди Афанди.

КЕЧИРАСАН, ЭШАГИМ

Афанди эшагига кўпроқ ўтин юклаб келар эди. Юки оғир бўлганидан эшак хиралик қилиб, юрмай туриб олди. Афанди эшагини сўкиб, ура бошлаган эди, подшо кўриб қолиб пўписа қилди:

— Кичкина жониворга шунча ўтин ортганинг етмай, яна ура-санми?

Афанди эшагининг қулоғига пичирлаб деди:

— Кечирасан, эшагим, шундай улуғ зотлардан ошналаринг бор эканлигини билмабман!

ИТИМНИНГ ЁМОН ҲУНАРИ БОР

Подшо Афандини олиб, овга чиқди-да, қушини мақтай кетди:

— Бу шундай яхши қушки, тўқайга қўйиб юбориб, фалон илвасинни олиб кел десанг, дарҳол ҳозир қилади.

Афанди ишонмаган эди, подшо қушига, иккита қирғовул тутиб чиқ, деб қўйиб юборди. Орадан бир оз вақт ўтгач, қуш икки қирғовулни кўтарганча қайтиб келди. Афанди ҳам ўз навбагида итини мақтай кетди:

— Итим шундай эслики, бўйнига пул билан қийиқ боғлаб, нимани буюрсангиз, бир нафас ўтмай ҳозир қилади.

Афандининг итини ҳам синаб кўришмоқчи бўлдилар. Бўйнига пул билан шиша боғлаб:

— Тезда ёғ олиб, изингга қайт, қирғовул қовурамиз! — деди Афанди.

Итни жўнатгач, бир-икки соат кутдилар, итдан дарак бўлмади, қоринлари очиб, охири шаҳарга қайтдилар. Кўрсалар, Афандининг ити сарой олдидаги майдонда бир тўда итлар билан ўйнаб юрар эди.

— Итимнинг ёмон ҳунари бор, — деди Афанди хижолатдан чиқиш учун. — Қўлига пул тушди дегунча улфатлари билан ўйнаб кетади.

ТОВУҚ ВА ЖҰЖАЛАР

Афанди шаҳар руҳонийларини масхаралайвериб, безор қилди. Охири улар бориб, Афандининг устидан подшога арз қилишди.

Афанди ўйлаб кўрса, иш чапасига кетадиган. Шунинг учун у товуқ ва жўжаларини тутиб, бош вазирга олиб бориб берди-да, подшонинг ҳузурида ҳимоя қилишни ундан илтимос қилди.

Эртасига ҳамма уламолар келгач, подшо Афандини ҳайдатиб келди. Руҳонийлар ўз даъволарини такрорладилар, бош вазир бўлса, Афандининг тарафини олиб сайрай кетди. Подшо энг сўнг Афандидан сўради:

— Қани, ўз ҳимоянг тўғрисида нима дейсан?

— Давлатлари зиёда бўлсин! — деди Афанди. — Товуқ ва жўжаларим ҳамма гапни айтдилар, менинг ҳеч қандай гапим йўқ.

ТАНГА-МАНГА

Амир Темур зерикиб қолди-да, кўнгли эрмак тусаб, олдига бир баркаш танга кўйди.

— Кимки тангага мос бир жуфт сўз айтса, ўшанга мана шу баркашдаги тангаларни бераман, — деди у аъёнларга.

Аъёнлар бирин-кетин жуфт сўз айта бошладилар:

— Чақа-танга.

— Танга-панга.

Бу сўзлар Темурга маъқул бўлмади. Шу пайт Афандининг илҳоми келиб қолди. У дик этиб ўрнидан турди, тангага яқинлашиб, танга-манга, деди-да, индамай баркашни кўтариб чиқиб кетаверди. Амир Темур ҳам, аъёнлар ҳам чурқ этмай қолаверди.

СИРЛИ ГАП

Афанди тирикчиликдан қийналавергач, бўз тўқиш ҳунарини ўрганиб олди. Бу ҳунарни хотинига ўргатди. Икковлари бўз тўқишга киришиб кетдилар. Бўзни уйининг ёнидан ўтадиган ариққа чайқаб, тозалардилар. Қўни-қўшнилари, сувни лойқатдинг, деб уришавергач, кечаси чайқайдиган бўлишди.

Иттифоқо бир кун кечаси вазир билан шаҳар айланиб юрган подшо унга дуч келиб қолди.

— Ҳой, кимсан? Тун кечада сув бўйида нима қиляпсан?

Афанди унга қўл қовуштириб, ўзининг аянчли ҳолини баён қилди.

— Ун иккидан учни олсанг бўлмайдим, ахир? — деди подшо.

— Ўттиз иккига етмайди-да, тақсир, — жавоб берди Афанди.

— Бўлмаса, бир ғоз юборсам патини юлиб берасанми?

— Марҳамат қилсалар, юлиб берардим.

Подшо шу жавобни эшитди-ю, ўз йўлига кетаверди. Вазир бу

гапларга тушунолмай, ҳар қанча уринса ҳам, мағзини чақа олмай, боши қотиб қолди. Уйига келгач, воқеани хотинига айтиб берди.

— Бунда бир гап бор,— деди хотини.— Подшо ахир бир куни сиздан шу гапни сўрайди. Жавоб беролмасангиз, бошингиз кетади! Бу гапнинг тагига албатта етишингиз керак. Афандини топиб қандай бўлмасин, шу чистоннинг сирини билиб олинг. Ҳар қанча пул сўраса ҳам беринг. Бош омон бўлса дўппи топилади.

Вазир эртасига Афандининг уйига келди-да, ҳол-аҳвол сўрашиб, бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди. Кейин гапни ўша чистонга тақади:

— Афандим, кеча кечаси сиз билан подшо ўртасида ғалати бир гап ўтди-я. Шунинг сири нимада? Жуда билгим келяпти-да.

— Вой-вой, ахир бу подшонинг сири-ку! Айтсам бошим кетади.

— Юз тилла бераман, айтинг.

— Йўқ-йўқ, қўрқаман.

— Минг тилла бераман!!

— Бўлмайди дедим, бўлмайди!

— Қўлимдаги бор нақдгина олтин-кумушларнинг ҳаммасини бераман, айтиб бера қолинг? — деб вазир ёлвора бошлади.

— Қўймадингиз-да! Бўлмаса, ўша мол-дунёларни ҳозир келтириб берасиз.

Вазир ночор қолиб, мол-дунёларининг барини келтириб берди.

— Қани, айтинг, энди.

— Подшо, ўн иккидан учни олсанг, бўлмайдимми? — деди. Бу — бир йил ўн икки ой бўлади, тўққиз ой ишлаб, уч ой дам олсанг бўлмайдимми, дегани эди. Менинг, ўттиз иккига етмайди, деганим — бола-чақам кўп, топганим, ўттиз икки тишга етмайди, деганим эди. Подшо, бир ғоз юборсам, патини юлиб берасанми, деди. Мен рози бўлдим. Мана, у сени юборди. Патингни юлиб олдим-ку!..

ЖАНЖАЛ НИМАДАН ЧИҚАДИ

Бир куни подшо Афандидан сўраб қолди:

— Шу одамларга ҳайронман-да. Доим бир-бирлари билан жанжаллашганлари-жанжаллашган. Жанжал нимадан чиқаркин-а, Афандим?

— Одамлар бир-бирларига беҳосдан, аҳмоқ бўлма, деб юборадилар. Жанжал шундан чиқади.

— Бўлмаган гап! Шу арзимаган гапдан ҳам жанжал чиқадими?!

— Чиқмайди!

— Чиқади.

— Чиқмайди!

— Аҳмоқ бўлманг!— деди Афанди жўрттага.

— Жаллод! — деб қичқирди подшо азбаройи жаҳли чиқиб кетганидан.

— Ана, айтмадимми, тақсир, битта «аҳмоқ бўлма»га жанжал тугул, ўлим чиқди-ку! Боринг бўлмаса, аҳмоқ бўла қолинг!

ЖАННАТ КАТТАМИ, ДЎЗАХ?

Бир куни подшо Афандидан сўради:

- Афанди, жаннат каттами, дўзах?
- Жаннат, — деди Афанди.
- Буни қандай биласиз?
- Чунки, — жавоб берди Афанди, — ер юзида бойларга қараганда камбағаллар кўп.

АФАНДИ РОСТИНИ АЙТАДИ

Подшо бир куни Афандига дўқ қилди:

— Менга маълум бўлишича, кеча бир ўтиришда менинг одил хукмдорлигимни одамлар мақтаганлар. Сен у ерда бўлганинг ҳолда, менинг яхши фазилатларимдан бир оғиз ҳам гапирмагансан.

Афанди совуққонлик билан жавоб берди:

— Шоҳим, бу ёлғон! Фақат кечагина эмас, мен умрим бино бўлиб, сизнинг одил ва олижаноблигингиз ҳақида сўз бўлган ўтиришда бўлган эмасман.

ЎЛИШНИ ИСТАМАЙМАН

Подшо бир куни Афандидан сўради:

— Ростини айтгин, бирор шаҳарга ҳоким бўлишни истармидинг?

— Худо сақласин, — деди Афанди, — жонимдан тўйганим йўқ ҳозирча!

— Нега ундай дейсан, жонидан тўйган одам ҳоким бўлар эканми?

— Икки ҳокимни ўлдирганингизни ўз кўзим билан кўрдим, худо хоҳласа, яна уч-тўрттасини гўристонга кузатишарман. Аммо улардан бирортаси ҳам Насриддин Афандининг ўлимини кўриша олмайди.

АФАНДИ ЮРИШГА ТАЙЁРЛАНАДИ

Подшо бир ўлкага юриш қилиш олдидан Афандига буюрди:

— Еб-ичиб ётиш етар энди, сен ҳам юришга тайёрлан. Давримиз — қилич, камон, ўқлар асри, гап-сўзники эмас. Бу юришда мен билан бирга бўласан!

Афанди юришдан қолдиришини сўраб қанча ялинмасин натижа чиқмади. Охири у ночор бир камонни елкасига илиб, эшагига миниб подшонинг ҳузурига етиб келди. Бу аҳволидан ажабланган подшо кулиб ундан сўради:

— Афанди, бу нима қилиқ? Наҳотки, от тополмай эшак миниб келган бўлсанг?

— Иложи бўлмади, шоҳим, эшагим ялиниб: «Подшонинг сен-

дан ажралгуси келмаса, мен ҳам сендан ажрала олмайман, сен қаерда бўлсанг, бирга боришим керак», деб туриб олди.

Афандининг тихирлигини кўрган подшо атрофдагиларга ҳам таъсир қилиш мақсадида:

— Яхши камон олибсан-у, ўқинг кўринмайди.

— Ўқ менда йўқ.

— Душманни нима билан отасан?

— Бизга отган ўқларини териб олиб, ўзларига отаман.

— Аҳмоқ экансан, агар душман бизга қарши сира ҳам отмасачи?

— Агар душман бизга қарши отмаса, жуда яхши, унда уруш бўлмайди! Менга ўқнинг нима кераги бор,— деб жавоб берди Афанди.

ПОДШОНИНГ ВАЪДАСИ

Бир куни подшо Афандидан сўради:

— Бир савол бермоқчиман, топасизми?

— Топаман, айтинг.

— Дунёда ҳозирча пишмаган, бундан кейин ҳам пишмайдиган нарса нима?

— Ҳукмдорнинг халққа берадиган ваъдаси,— деб жавоб берди Афанди.

АФАЎДИНИНГ КАМТАРИНЛИГИ

Подшо бир куни ийиб кетиб, Афандидан сўради:

— Афанди, бугун вақтим чоғ, сенга бирор нарса совға қилгим келяпти. Нима берсам экан-а?

— Ҳимматни ўзларига берсин, шоҳим,— деди Афанди.— Қандай нарса берсангиз ҳам менга шаҳар бергандек бўласиз.

— Яхши,— деди подшо,— мен санайман, сен маъқул бўлганини ўзинг танла: юз тилла пул, тўбичоқ от, бир сурув қўй, яхши боғ. Қайси бири маъқул?

— Агар улуғ шоҳим илтифот қилсалар, юз тиллани чўнтагимга солиб, отга миниб, бир сурув бўрдоқи қўйни боққа ҳайдаб кириб борсам. Сизнинг олиҳиммат Ҳотамтойлигингизга бутун шаҳар қойил қолар эди.

— Иштаҳанг карнай-ку, борди-ю, ҳеч нарса бермасам-чи?

— Нима ҳам дердим,— маънос жавоб берди Афанди.— Унда ўзингизнинг подшо эканлигингизни исбот қилган бўласиз.

АФАЎДИ ВА АЪЁНЛАР

Подшо саройидаги ҳамма аъёнлар Афандини ёмон кўрардилар. Улар подшога Афандининг устидан ғийбат қилишар, унинг ҳақида турли-туман уйдирмалар тарқатишар эди. Бироқ Афанди билан учрашганларида ҳаммаша ўзлари шарманда бўлишарди.

Бир куни улар тўпланишиб, подшонинг олдига кирдилар-да, Афандининг оғзи сассиқлигига уни ишонтирмоқчи бўлишди. Ифво устига тасодифан Афанди келиб қолди. Аъёнларнинг ранг-қути ўчиб, дамлари ичига тушиб кетди.

Подшо ҳақиқатни билмоқчи бўлиб, Афандидан сўради:

— Қани, яқинроқ ўтир-чи, аъёнлар сенга қаттиқ касаллик йўлиққан дейдилар, ростми?

— Шоҳим, уларнинг ҳаммаси менинг қадрдон дўстларим, улар ёлғон гапиришмайди, эшитай-чи, улар нималар дейишдийкин?

— Буларнинг айтишларича, сенинг оғзинг ёмон сасиб кетган эмиш.

— Уларнинг гаплари жуда тўғри, шоҳим, — деди Афанди. — Ҳозиргача мен уларнинг хиёнати, аҳмоқона қилиқларини бировга айтмай ичимга ютаверганимдан, ўша иллатлар ичимда сасиб, оғзимдан чиқмоқда.

АФАНДИНИНГ СОВҒАСИ

Бир йили Афандининг бодринги жуда эрта етилди. У подшога совға қилсам, яхшироқ мукофот берса ажаб эмас, деган хаёл билан эшагига ортиб шаҳарга жўнади. Йўлда подшо ҳам ўзи ёлғиз отда келаётган эди. Афанди билан учрашиб сўради:

— Бу нима, қаерга олиб кетяпсан?

— Янги бодринг, подшога олиб кетяпман.

— Подшо билан танишлигинг бўлмаса, Урдага қандай кирасан? У сенга ёр-биродар, уруғ-аймоқ бўлмаса, нега ғамхўрлик қилиб унга бодринг олиб борасан? — айлантирди подшо.

— Ҳозиргача, — деди Афанди, — дунёда фақат битта мен нодонман деб юрсам, сен мендан ҳам нодонроқ экансан-ку!

Подшо аччиғланганини билдирмай, сўроқни давом эттирди:

— Менинг нодонроқ эканимни қаердан билдинг?

— Шу ёшга етиб ҳам кимлигимни билмаганингга ҳайронман. Мен Насриддин Афандиман, подшога ғамхўрлик қилиш менга зарур келибдими? Балойи нафс, дурустроқ инъом берармикан, деган умид билан олиб кетяпман.

— Инъом беришига имонинг комилми?

— Эшитишимча, у қаттиққўл, хасис, шу билан бирга фаросатсиз эмиш. Мақтасанг ҳам, эшакдек тўқим уриб минсанг ҳам, парво қилмас эмиш. Менга берса ёнидан берармиди, халқдан талаб олганидан беради-да.

Подшо газабланди, аммо билдирмай яна сўради:

— Подшо сенга инъом ҳам қилди деяйлик, айт-чи, шу бодрингга қанча сўрамоқчисан?

— Билмадим, агар у ийиб кетса, юз танга сўрайман.

— Иштаҳанг карнай-ку, бу жуда кўплик қилади.

— Бу кўплик қилса, ўттиз-қирқ танга сўрайман.

— Йўқ, бу ҳам кўп.

— Йигирма-йигирма беш танга сўрайман, шайтоннинг бир тукини юлганим қолади-ку!

— Борди-ю, ҳеч нарса бермасачи!

— Унда эшагимнинг думини кесаман-да, подшонинг отаси қабрига туғ қилиб илиб кетаман.

Подшо индамай отини чопгириб кетди. Подшо кийимларини ўзгартирди-да, ҳеч нарсани билмаган бўлиб, Афандини қабул қилди. У аввал бодрингга қараб, Афандидан сўради:

— Хўш, келтирган нарсанг учун мендан нима тилайсан?

— Нима тилардим, шоҳим, давлатлари зиёда бўлсин, юз танга берсалар бўлади.

— Бу жуда кўп, бўлмайди!

— У кўплик қилса, ўтгиз-қирқ танга берсалар ҳам майли.

— Йўқ, бу ҳам кўп.

Афанди подшонинг овозидан таниб қолди ва ўзини тутиб деди:

— Йигирма-йигирма беш тангага ҳам розиман.

Подшо юзини очиб, кескинлик билан деди:

— Борди-ю, ҳеч нарса бермасам-чи!

— Шоҳим, мен Насриддин Афанди эканлигимни ҳали айтдим-ку, ўз сўзимдан сира қайтмайман! Ҳеч нарса бермасангиз ҳам майли, бироқ эшагим саройда боғлоқлик турибди, думи ўзи билан бирга, — деб жавоб берди Афанди.

БИРИНЧИ АНЖИР

Афандининг анжири пишган эди, бир сабатга териб, подшога олиб борди. Аммо қоровулар унинг қўлидан анжирини тортиб олишди-да, ичкарига олиб кириб кетишди. Афанди дарвоза тагида қолди. Шу вақтда ясовулар беш-ўнта бандини ҳайдаб келишаётган эди, уларнинг бири йўлда қочиб кетди, унинг ўрнига Афандини ҳам бандиларга қўшиб, қоровуларга топширишди.

Афанди қанчалик дод-фарёд қилиб ёпишмасин, фойда бермади, уни зиндонга ташладилар. Кунлар, ойлар ўтса ҳам, Афанди ҳамон зиндонда қолди.

Бир куни подшо зиндонга кириб, Афандидан нима сабабдан қамалганини сўраган эди, у бутун воқеани сўзлаб берди. Подшо уни бўшатишга буюриб, сўради:

— Сенинг анжиринг менга жуда маъқул бўлган эди, тила тилагингни?

— Анжир эвазига шунча мукофот олдимки, бунинг устига яна бирор нарса сўрашга ҳам уяламан. Бир дона ўткир болта ҳадя қилсангиз, шунинг ўзи бас.

— Болтани нима қилсан?

— Боғимдаги анжирларни битта қўймай кесиб ташламоқчиман, — деди у.

НИМА УЧУН ОСМОНГА ЧИҚИБ ОЛДИНГ?

Амир Темур Афандининг овозасини эшитиб, уни кўриш учун ўрдасига таклиф қилди.

Афанди келиб қараса, қаср ичида одам тўла, ҳамма ерда ўтирибди, бироқ Темур тахт устида.

— Ассалому алайкум, худо! — таъзим қилди Афанди унга.

— Мен худо эмасман! Мен... — қаҳрланди Темур.

— Жонимни беришга тайёрман, ҳазрати Азроил, — гапини бўлди Афанди.

— Нималар деб валақлаяпсан, мен Азроил ҳам эмасман! — кичқирди у.

— Агар худо ёки Азроил бўлмасанг, пастга туш, одамлар қаторида ўтир, нега осмонга чиқиб олдинг бўлмаса? — деди Афанди.

КИМ БАХТСИЗЛИК КЕЛТИРАДИ?

Подшо эрталаб овга борар эди, рўпарасидан Афанди чиқиб қолди. Афандининг кўриниши анча хунук бўлганидан, подшо ўз одатича ходимларига буюрди:

— Овнинг бошидан шундай бадбашара одам учради, бугун ов юришмайди, олиб бир зиндонга сол буни, ҳали овдан қайтганда гаплашаман бу билан!

Олиб бориб Афандини зиндонга ташладилар. Аммо шу куни подшонинг ови жуда яхши юришди. Подшо овдан қайтгач, Афандини чақиртириб, деди:

— Агар бугун овим юришмаганда, сени ўлдираг эдим, бахтинг бор экан.

— Бир савол сўрасам, майлими? — деди Афанди.

— Сўра!

— Бахтсизлик келтиради, овим юришмайди, деб мени эрталаб қаматдингиз, аксинча, овингиз юришиб кетди. Мен ҳам болачақамнинг шу бугунги тирикчилиги учун бир парча нон топгани чиққан эдим, кечгача зиндонда ётиб, тирикчиликдан қолдим, болачақамнинг ҳоли нима кечганини билмайман. Қани, айтинг-чи, иккаламиздан қайси биримиз бахтсизлик келтираг эканмиз?

АФАНДИ — РАССОМ

Амир Темур расм кўриб турар эди, Афанди кириб қолди. Унда қадди-қомати келишган, кучга тўлган забардаст деҳқоннинг кетмон чопиши тасвирланган эди.

— Рассом нўноқлик қилиб ўхшатолмаган, — деди Афанди. — Агар ижозат берсалар, мен бундан яхшироқ чизар эдим.

— Чиз ҳозир! — деди Темур унга қоғоз ва қаламни иргитар экан. — Агар шу расмдан ёмонроқ қилиб қўйсанг, ҳолингга вой, ўн дарра ейсан!

— Бош устига, — деди тезликда ишга тушар экан Афанди ва расмни тугатиб, уни ҳукмдорга берди. Унда қовурғалари саналиб турган ориқ, бўйни новдадек ингичка, оёқлари маймашган, кўзларида қўрқув, ваҳима акс этган киши тасвирланган эди.

— Бу нима! — деб қичқирди Темур. — Бўлди-бўлди, тут орқангни!

— Шоҳим, — деди Афанди, — кўрмаяпсизми, менинг расмим ҳақиқатан ҳам ундан яхши, ишонмасангиз, мамлакатингиздаги ҳамма деҳқонларни келтириб шу расмга солиштинг, бундан бирорта яхшироғи топилса, ўлдирсангиз ҳам майли!

17999 ОЛАМ ПОДШОСИ

Амир Темур бир куни Афанди билан суҳбатлашиб туриб сўради:

— Афанди, агар қўлимдаги узугимни сизга ҳадя қилсам, мени қандай дуо қиласиз?

— 17999 оламни яратган худо сизга нариги дунёнинг ҳукмронлигини ҳам ато қилсин, дейман.

— Ҳозиргача одамлар, ўн саккиз минг оламни яратган худо, дейишар эди, биттасини қаерга қўйдингиз?

— Биттасини сизга берган эди, сизнинг доноларча қилган ҳукмронлигингиздан кейин ундан асар ҳам қолмади. Шунинг учун уни мен ҳам ҳисобга қўшмадим, тақсир, — деди Афанди.

ҲАЙВОН ҲАМ ЗУРДИР

Афанди хоннинг саройи ёнидан ўтиб кета туриб, унинг бандлиги ва ҳашаматини кўриб оғзи очилиб қолди. Шу вақтда саройдан вазир чиқиб қолди.

— Бу қанақа бино? — деб сўради Афанди ундан.

Вазир Афандининг содда, қишлоқлигини кўриб, ҳазиллашмоқчи бўлиб:

— Бу жувозхона, — деб жавоб берди.

— Ҳўҳ-ҳў! — деди Афанди ажабланиб. — Бунинг ичидаги жувозни айлантирадиган ҳайвон ҳам жуда зўр бўлса керак-а?

АФАНДИ ҚИШЛОҒИГА ҚОЧДИ

Амир Темурнинг бир ёмон одати бор эди: кимки, унинг тушида хафа қилса ёки у билан ҳазиллашса, уйғонгач, уни топтириб келиб ўлдиртирар эди. Афанди бунинг эшитиши билан қишлоғига қараб қочди. Ҳамқишлоқлари уни қайси бошладилар:

— Сен саройдаги бизнинг умид-ишончимиз, ҳимоячимиз эдинг. Темур ғазабланса, тинчлантирардинг, у ҳазилингни кўтарар, баъзан гапингга ҳам кирарди. У ерда туришингдан халққа манфаат етар эди, нега келдинг?

— Темур саройида туриш — айтишга осон. — Жавоб берди Афанди. — Ахир, у умрбод уйғоқ бўлмайди-ку, бирор марта унинг тушига кириб қолишдан қўрқдим.

КЕСИЛГАН БОШ СУЗЛАМАЙДИ

Афанди саргарош бўлиб подшонинг сочини олар эди, қўрққанидан қўли қалтираб, подшонинг бошини кесиб олди. Подшо кичқирди:

- Кўзингга қара, ярамас, бошимни кесдинг!
- Жим туринг, кесилган бошнинг гапиришини умрим бино бўлиб энди кўришим, — деди ажабланиб Афанди.

АҚЛ КЕТГАНИНИ ҚАНДАЙ БИЛСА БУЛАДИ?

Бир куни Амир Темур Афанди билан ёнма-ён суҳбатлашиб ўтирган эди, бирдан унинг чолворидаги кичкина йиртиққа кўзи тушиб қолди. У бармоғини йиртиққа тиқиб, бир-икки айлантирган эди, йиртиқ катталашиб, мушт сиғадиган бўлиб қолди. Афанди буни сезса ҳам, ўзини сезмаганга солиб, бепарво суҳбатини давом эттирверди. Шу пайт Амир Темур унинг гапини бўлиб, сўради:

- Афандим, кишининг ақли кетганини қандай билса бўлади?
- Ёнида ўтирган одамнинг чолворидаги йиртиққа бармоғини тиқиб, ўйнаб ўтирганидан билса бўлади.

СОТУВЧИ ТҰЛАЙДИ

Афандини қозилик лавозимига қўймоқчи бўлдилар. Уни подшо олдин уламолар ўртасида имтиҳон қилиб кўриши керак эди. Афандини чақириб келишди.

— Фараз қилайлик, бир одамнинг эчкиси бор, — деди подшо Афандига. — Уни бозорга олиб борди. Бир одамга, бор, барака топ, қилиб сотди. Ҳали пулини олгунча бўлмай, эчки қўлидан чиқиб қочди. Бир одам уни ушлайман деган эди, эчки сузиб, унинг кўзини чиқарди. Энди бунга хунни ким тўлайди? Сотувчим, олувчим?

Афанди довдираб қолди. Кейин таваккалига:

- Сотувчи... — деб юборди.
- Сабаб?
- Чунки, эчким сузоғич, қочганда тутаман деган кишининг кўзини чиқазиб кўр қилади, деб аввалдан айбини айтмаган.

БИР ЖИННИ УЧТА БУЛДИ

Подшо Афандига буюриб қолди:

— Бугун таъбим тирриқ. Энди ўзингдан ҳам қизиқ, кулдирадиган одам толиб кел!

Афанди «хўп» деб чиқиб кетди. Бир оздан кейин бир жиннини олиб келди. Жинни пойма-пой, алмойи-алжойи гапларни га-

пиравериб, подшонинг баттар таъбини тирриқ қилди. Унинг газаби қўзғаб, мулозимига буюрди:

— Бор, жиннига юз таёқ ур, жинни келтирганга икки юз таёқ ур!

— Ана холос,— деди Афанди хандон ташлаб куларкан.— Жиннининг ўзи битга эди, жинни келтирган билан иккита бўлди, мана, ур деган билан учта бўлди.

МАЪРАКА ОШИДА КЕЛАРМИЗ

Амир Темур Афандини зиёфатга чақиртириб келиб, жўртгага олдига биттагина нон қўйди. Афандининг қорни оч эди, буни кўриб феъли айниди. Жаҳли чиқиб, ўрнидан туриб кетаётган эди, Темур гапга тутди:

— Ҳа, Афандим, қаёққа?

— Бу зиёфатингиз кўнглимизга ўтирмади. Худо хоҳласа, маърака ошингизда келармиз...

ЖОЙДАН ЖОЙНИНГ ФАРҚИ БОР

Афанди саройга борди-да, бир тиллага муҳтож бўлиб қолганини подшога айтди. Подшо, худо дилимга солган куни бераман, деб, уни қуруқ қайтарди.

Бир куни қараса, подшо аркони давлати билан овга чиқиб кетяпти. Афанди кўприкнинг бир чеккасида туриб, дуо қила бошлади:

— Худоё, ўша бир тиллани подшоннинг дилига сол!

Подшо буни эшитса ҳам, эшитмасликка олиб индамай ўтиб кетди. Афанди оёғини қўлига олиб чопди-да, кўприкнинг нариги чеккасига бориб, яна дуо қилади:

— Худоё, ўша бир тиллани подшонинг дилига сол!

Подшонинг жаҳли чиқди:

— Ҳозиргина кўприкнинг нариги бошида сўровдинг, бермадим. Энди бу ерда сўраганинг нимаси?

— Тақсир, жойдан жойнинг фарқи бор, дейдилар. Худо у ерда сизнинг дилингизга солмаган бўлса, зора бу ерда солса, деб умид қилиб турибман-да.

ПАШШАЛАРНИНГ ПОДШОСИ

Амир Темур бир куни зиёфатда Афандига айтди:

— Агар мени кулдирсанг, қўлимдаги мана шу гавҳар узукни берар эдим.

Афанди ўрнидан туриб қуллуқ қилди:

— Бўлмаса, тақсир, мени пашшаларга подшо қилиб қўйинг.

— Ҳа, пашшаларга подшо бўлиб нима маза қилардинг, — деди Темур кулиб.

— Энди, тақсир, бу ҳам бир орзу-да! Лоақал пашшаларга подшо бўлай.

— Бор бўлмаса, сени пашшаларга подшо қилдим!

Афанди қўлига калтак олиб, овқатга қўнган пашшаларни қувлаб, деворга ёпишганларини ҳам қўймай ҳайдаб, нариги уйга қамади. Унда-бунда қолган пашшаларни кафти билан қоқиб олиб, баъзисини ўлдириб, баъзисини қўйиб юбораверди.

Бирпасдан кейин ўлгудай чарчаб, ўзини курсига ташлади. Амир Темур унинг бу ҳолатидан завқланиб кетиб, қўлидаги узукни узатай деб турганда, вазири унинг қулоғига бир нима деб шивирлади. Кейин Темур гавҳарни олиб қолиб, узукнинг ҳалқасини узатди. Афанди қараса, узукнинг кўзи йўқ. Билдики, Амирни вазир айнитган. Шундоқ ҳам бўлса сездирмай, дуо қила кетди:

— Худоё, Амир Темурга шу узукдай жой ато қилгин, лекин томинг тепаси очиқ бўлсин!

Шундай деди-ю, яна қўлига калтакни олиб пашшаларни қувлай кетди. Вазирнинг бошига қўнган пашшани қувмоқчи бўлиб, калтак билан чунонам урдик, у ағдарилиб, кўнгли озиб қолди.

— Бу нима қилганинг?! Бир одамни ўлдириб қўяй дединг-ку?!

— Тақсир, мен пашшаларнинг подшоси бўлганимдан кейин, хоҳлайман ураман, хоҳлайман ўлдираман. Одамзод билан ишим йўқ, у сизнинг ишингиз.

Темур Афандининг бу ишидан завқланиб, гавҳарни ҳам инъом қилди. Афанди қўлидаги калтакни ирғитиб:

— Ҳозирдан эътиборан ўзимизни подшоликдан озод қилдик, — деди.

БАС КЕЛАДИГАН ЧИҚАВЕРСИН

Подшо Афандини сарой базмига таклиф қилди-да, аскиячиларга, шу бугун Афандини аския билан бошлаб, мот қилинлар, деб тайинлади.

Афанди базмга кириб келмасданоқ аскиячилар уни чандиб, кўзини очирмай қўйишди. Олдинига Афанди ҳам роса ташлашиб кўрди. Қараса, бўлмайдиган. Улар ўн чоғли, бунинг битта ўзи. Мот бўлиб қолишдан қўрққан Афанди чопиб бориб эшагига миниб олди-да, эшагига ишора қилиб:

— Қани, бунга бас келадиган аскиячинг бўлса, чиқаверсин! — деди.

ҚУЁН ҚОЧДИ

Афанди Амир Темур билан овга кетаётган эди, олдиларидан қуён чиқиб қолди.

— Югуринг, Афандим, ушланг қуённи! — буюрди Амир.

Афанди отдан сакраб тушиб, қуённи қувлай кетди. Қуён тутқич бермай қочиб қолди. Афанди ҳарсиллаганча, Амирнинг ёнига келиб, елка қисди.

— Э, ўзингизам тоза ношуд экансиз-да! Шу олдигинангизда турган қуённи икки сакраб туюлмамай... Э шалвирамай қолинг-э!

— Ўзингиз ўйланг ахир, соҳибқирон, қорин тўйғазиш умидидаги қувиш билан жон қутқазиш умидидаги қочиш барабар бўладими?!

ЯРМИНИ УРИБ ҚОЛИБДИ

Афанди тирикчиликдан қийналиб, бир ўртоғига ҳасрат қилди.

— Ўзингнинг эътиқодинг паст,— деди ўртоғи.— Ҳар кимдан тама қилиб юрмай, тўғри худонинг ўзидан сўра.

Афанди, қани, худонинг ўзидан сўраб кўрай-чи, деб, қассобдан қўйнинг пуфагини олиб келди. Уни обдан ийлаб, пуфлаб роса шиширди-да, офтобда қуритди. Кейин ўтириб, бир парча қоғозга ариза ёза бошлади: «Э, худо, менга юз танга керак бўлиб қолди. Даргоҳингдан ноумид қайтарма, шуни ато қил», деб турар жойини маълум қилди. Аризани тахлаб пуфакка боғлади-да, учириб юборди.

Осмонда учиб кетаётган пуфакни шаҳар кўрғонида турган мерганлар кўриб қолиб, дарҳол уриб туширишди. Бундоқ қарашса, қоғозга ариза ёзилган. Улардан бири аризани подшога олиб бориб кўрсатди. Подшо ўқиб кўриб, бу Афандининг иши эканлигини пайқади. «Қани, нима деркин?»— деб, жўртгага юз танга ўрнига эллик тангани бир миршабдан бериб юборди.

— Афандим, сиз худодан юз танга сўраганингиз?— деди миршаб.

— Ҳа, сўраган эдим.

— Кечирасиз, сўраганингиздан бир оз камроқ бериб юборди,— деб миршаб унга ҳалиги пулни берди.

Афанди пулни санаб олиб: «Ҳа майли, эллик тангани берган худо қолганини ҳам берар», деб миршабни жўнатди.

Мазҳабдан бўлган Афанди эртасига яна ариза ёзиб учирди. Шаҳар муҳофазачилари уни ҳам уриб тушириб, аризани подшога юбордилар. Подшо аризани ўқиди: «Э худо, менинг тураржойим ўзингга маълум. Шундай бўлганидан кейин, нега ўз қўлинг билан юбора қолмай, миршабдан бериб юбординг? Миршабларнинг феъли ўзингга аён эди-ку! Мана, ярмисини уриб қолиб, ярмисини олиб келибди. Энди бевосита ўзимга тўғри юборавер...»

МАЗҲАБИ.— ТЕМУР ЧҶУЛОҚ

Афанди бир мажлисда Амир Темурнинг яқинларидан бири билан ёнма-ён ўтириб қолди. Бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач, ундан сўради:

— Тақсир, эътиқодда мазҳабингиз ким?

— Амир Темур — Кўрагон.

Шу пайт бу ёнда ўтирган киши Афандининг қулоғига секин пичирлади:

— Афандим, аниқроқ қилиб сўранг-чи, пайғамбари ким экан?

— Э, ким бўларди?!— деди Афанди энсаси қотиб.— Эътиқодда мазҳаби Темур чўлоқ бўлса, пайғамбари, албатта, Чингиз — хунрез бўлади-да!

БИТТА «ЗА»ГА МИНГ ТАНГА

Афанди қариб қолган чоғида мевали дарахт кўчатларини ўтқазаётган эди, подшо келиб қолди:

— Ҳой, чол!— деди подшо.— Сен пири фоний бўп қолибсан.

Бу экаётган дарахтларининг мевасини ейман деб ўйлаяпсанми?

— Утганларнинг экиб қолдирганларидан биз фойдаланяпмиз. Энди бизнинг эканларимиздан келгусидагилар фойдалансинлар, деб эжпман.

Бу гап подшога ёқиб кетиб: «За», деб юборди. Унинг за дегани офарин дегани эди, подшо ҳар гал за деганида минг танга инъом берилиши шарт эди. Подшонинг ёнидаги хазиначи дарҳол Афандига минг танга санаб берди.

Афанди қуллуқ қилиб:

— Мана, кўрдингизми, подшоҳим, меваларим ҳозироқ ҳосил берди,— деди.

Подшо янаям хурсанд бўлиб: «За», деди. Хазиначи яна минг танга санаб берди.

Афандининг таъби очилиб кетди:

— Аслида мевали дарахтлар йилда бир марта ҳосил беради. Лекин подшоҳимнинг пойи-қадамлари шарофатидан икки марта ҳосил берди.

Подшога бу гап хуш келиб, яна: «За», деб юборди.

Хазиначи Афандига яна минг тангани санаб берди-да, секин подшонинг қулоғига шивирлади:

— Э, подшоҳи олам, агар бу ердан тезроқ кетмасак, бу чол хазинангизни буткул қурилади.

СЎНГАК ТОВ БЕРОЛМАЙДИ

Бир куни Афанди Амир Темур билан суҳбатлашиб ўтирган эди, бир маст кишини судраб кирдилар. Амир, саксон дарра урилсин, деб буйруқ берди. Афанди бирдан хохлаб кулиб юборди. Темурнинг жаҳли чиқиб, саккиз юз дарра урилсин, деди. Афанди ундан баттарроқ кулди. Амир Темурнинг қазаби қайнаб, Афандига бақирди:

— Ҳой, шариат хоини! Мен шаръий жазо буюрсам, нега масҳара қилиб куласан?! Мени биласанми, кимман? Бутун жаҳонни титратган Темур бўламан!

— Тўғри айтасиз, соҳибқирон,— деди Афанди.— Сиз ҳақиқатан ҳам, Темурсиз. Аммо бу одам темир эмас, сўнгат. Буюрилган саккиз юз даррага темир тоб бериши мумкин-у, аммо сўнгат тоб беролмайди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ЛАҚАБИ

Амир Темур бир куни Афанди билан суҳбатлашиб ўтириб, ундан сўраб қолди:

— Аббосий халифаларнинг Муқтадир-биллоҳ, Мутаваккил-аллоҳ, Муътасин-биллоҳ деган лақаблари бўлган экан, менга қанақа лақаб мос келади?

— Эй, соҳибқирон, ҳеч шубҳасиз сизга Наъузан-биллоҳ¹, деб лақаб қўйилса бўлади,— деди Афанди.

ОЛИМ ВА ЗОЛИМ

Подшо Афандидан сўради:

— Дунёда савоби кўп ибодат қайси?

— Сизнинг уйқуда бўлишингиз,— деди Афанди.

— Нима учун?

— Чунки сиз ухлаганингизда халқ зулмдан қутулади, савобга қоласиз,— деб жавоб берди Афанди.

УЛИМДАН ҲОЛВАЙТАР АФЗАЛ

Афанди саройга кириб келганда, Амир Темур бир қанча одамлар билан овқатланиб ўтирган экан, уни ҳам дастурхонга таклиф қилди. Овқатдан кейин ҳолвайтар келтирилди. Ҳамма бир қошиқдан олган ҳам эдики, Темур айтди:

— Кимки агар ҳолвайтардан иккинчи қошиқ олса, бўйинини узаман.

Ўтирганлар кўрқиб қошиқларини лаган четига қўя қолдилар. Чунки Амирнинг ҳазили чинга айланиб кетишини улар яхши билишарди. Афанди ҳам истар-истамас қошиғини қўйди. Ҳамма мум тишлагандай жим ўтирарди. Афанди дам ҳолвайтарга, дам Амир Темурга кўз ташлар, қорни бўлса очликдан «сурнай» чаларди. Ахири бўлмади, у Темурга қараб:

— Эй, Амирим! Бола-чақаларимни сизга, ўзимни худога топширдим. Бисмилло, оллоҳу акбар!..— деб ҳолвайтарни тушира кетди.

Бирдан ҳамма кулиб юборди. Темур ҳам хохолаб кулди-да, унинг гуноҳидан кечди.

¹ Наъузан-биллоҳ — шунга йўлиқтирмагин, деб оллоҳдан паноҳ тилайман.

ОТНИНГ ОЁҒИДАН СУВ ИЧИШИ

Подшо Афанди билан йўлда келар эди, кўлдаги қамишларни кўрсатиб:

— Нима учун бу йил қамишлар яхши ўсмади? — деб сўради.

— Шоҳим, бу йил ёгин кам бўлганидан қамишлар авж олмадилар, — деб жавоб берди Афанди.

— Э, тентак, қамишнинг томири сув ичида турибди, истаганича сув ича беради-ку, ёгиннинг унга нима алоқаси бор? — деди подшо.

Афанди индамади. Йўлда отлар чанқаб, суғориш учун бир сойга тушдилар, Афанди отининг бошини тортиб тура берди. Ажабланган подшо:

— Нимага отни суғормаيسان? — деб сўради.

Афанди эса:

— Отнинг ҳам оёғидан ичган суви етади-да, — деб жавоб берди.

ТЕМУРНИНГ САЁҲАТИ

Темур қишлоқ саёҳатидан қайтар эди. Йўлда Афанди учраб сўради:

— Хўш, шоҳим, саёҳатингиз қандай ўтди?

— Жуда яхши! — деб жавоб берди Темур. — Душанба куни бир қишлоққа тушган эдим, у ерда ёнғин бўлиб, кўп уйлар куйиб кетди. Сешанба куни бошқа бир қишлоққа ўтдик, у ерда қутурган ит икки одамни қопиб олган экан, бошқа одамлар қутурмасин деб, ит қопганларни ўтда куйдиртирдим. Чоршанба куни бир қишлоққа ўтган эдим, сел ёғиб ҳаммаёқни сув босиб кетди: болалик бешиклар, сигирлар, қўйлар тоза оқди, кечгача буларни томоша қилдим. Пайшанба куни бир қишлоққа ўтдим, у ерда бир буқа занжирини узиб чиқиб, кўчада бир неча одамни сузиб нобуд қилди. Жума куни бир қишлоққа ўтиб эдим, у ерда бир одам жинни бўлиб қолган экан, уни осдириб юбордим. Шанба куни бир қишлоққа ўтдим, у ерда бировни том босиб қолди. Якшанба куни бир қишлоққа ўтсам, бир жувон ўзини дарахтга осиб қўйибди. Мана шундай қилиб роса томошаларни кўрдим.

Бу ҳикоядан баданлари музлаб кетган Афанди:

— Хайрият, бир ҳафтагина юриб қайтибсиз, агар бир ой юрсангиз, пойқадамингиз ёқиб, ҳамма қишлоқлар вайрон бўлиб кетар экан! — деди.

СЎЗИНИНГ ЭЪТИБОРИ ЙЎҚ ПОДШО

Темур бақлажон дўлма еб ўтириб, уни мақтади:

— Жуда яхши овқат-да!

У билан бирга овқат еб ўтирган Афанди ҳам Темурнинг кўнгли учун унинг фикрини маъқуллади:

— Энди нимасини айтасиз, бундай ширин овқатнинг савобига ким етади.

Темур дўлмани еб бўлгач, унинг ҳазмининг оғирлигидан шикоят қилган эди, Афанди бу сафар ҳам кўнгли учун унинг фикрига қўшилиб, дўлмани ёмонлай бошлади.

Темур Афандини субутсизликда айблаб, жаҳл билан деди:

— Ҳалигина дўлмани мақтаб эдинг, энди ёмонлаясан, гапининг тутуриғи борми?

Афанди жавоб берди:

— Подшоҳимизнинг сўзида эътибор бўлмагандан кейин, унинг ҳамтовоқлари нима бўлар эди!

ҲУШТАККА ТУГМА

Подшонинг ҳовлиқма вазири бор эди. Бир куни у мақтана бошлади:

— Дунёда мен ўқиб ўрганмаган илм-ҳунар, мен ечолмайдиган масала йўқ.

Бу гаплардан аччиғланган Афанди сўради:

— Шундай донишманд экансиз, бир савол берай, жавоб беринг?

— Марҳамат.

Афанди чўзиб ҳуштак чалди-да:

— Шунга тўртга тугма қадаб беринг, — деди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ФИЛИ

Афандининг қишлоғига Темур ўз филларидан бирини боқувга юборди. Филбонлар уни ҳар куни эрталаб далага қўйиб юборишар, фил эса одамларнинг экинзорларини пайҳон қилар эди. Қишлоқ одамлари экинларнинг нобуд бўлиб кетаётганини кўриб, Афандига илтимос қилдилар.

Афанди деҳқонларнинг вакилларига бош бўлиб, Темурнинг саройига қараб жўнади. Аммо вакиллар Темурнинг олдига киргани кўрқиб, йўлда битта-биттадан қоча бошладилар. Сарой олдига келганда Афанди орқасига қараса ҳеч ким йўқ. «Сен кўрқоқларни қараб тур, бир болай!» деб янада тетикланиб, Темурнинг олдига кирди.

— Келинг, мулла Насриддин, — деди Темур, — қандай хушхабарлар келтирдигиз?

— Тахт-бахтимиз барқарор, давлатингиз зиёда бўлсин, — деб даромад қилди Афанди, — бизнинг қишлоққа илтифот қилиб, бир филингизни юборган экансиз. Қишлоғимизнинг каттаю кичиги бу марҳаматингиздан ғоят хурсанд ва шодликларини билдириш учун мени юбордилар. Лекин табаррук филингиз ёлғизлик қилиб сиқилиб қолганга ўхшайди. Қишлоғимизнинг одамлари шуни айтиш учун мен билан келган эдилар, олдингизга киргани журъат

қилолмадилар. Шу тилагимизни ерда қолдирмасангиз, қиёматгача дуо қилар эдик.

Афандининг ширинсуханлиги Тумурга жуда ёқди, хурсанд бўлиб, унга сарпо ва хазинадан икки тилла инъом қилди ва қишлоққа дарҳол филнинг шеригини ҳам юборишга ваъда берди.

Афанди янги тўнларни кийиб, қишлоғига келди. Қишлоқ одамлари унинг атрофини ўраб сўрай бошладилар:

— Хўш, Афанди, қандай хушхабар келтирдингиз?

Афанди жавоб берди:

— Сарой эшиги олдига борганимизда вакилларинг мени ҳайдаб юбориб, Темурнинг олдига ўзлари киришди. Нима бўлганини билмайман, бугун-эрта хабар келиб қолар.

ТҮРТ ИШНИ БИРЙЎЛА БАЖАРИШ

— Фалончига бир иш буюрсам, ҳамма вақт икки-уч ишни бирйўла бажариб келади. Сиз эса бирорта ишни ҳам тузукроқ бажариб келмайсиз!

Иттифоқо бир куни подшо касал бўлиб, табиб айтиб келишни Афандига буюрди. Афанди бориб тўрт кишини бошлаб келди, да, подшога таъзим қилиб, фахр билан деди:

— Камина қулингиз ҳам тўрт ишни бирйўла бажариб келди, мана!..

Орқада турган одамларни кўрсатди.

— Мен сизни табибга юборган эдим, булар кимлар, нима иш қилишади? — сўради подшо ғазабланиб.

— Тақсир, касалсиз, иссиқ жонга ишонч йўқ. Буларнинг бири — табиб, сизни даволайди, иккинчиси — ғассол, бордию ўлиб қолгудек бўлсангиз — мурдангизни ювади, учинчиси — жанозангизни ўқийдиган имом, тўртинчиси бўлса — гўрков, — деб жавоб берди Афанди.

АФАНДИНИНГ ЭШАГИ

Подшо бир куни зиёфатда ўтириб, Афанди билан ҳазиллашди:

— Мулла Насриддин, қаерга борсангиз, эшагингиздан ажралмайсиз, доим у билан биргасиз-а?

— Тақсир, эшагимдан ажралсам, мана бундай зиёфатлардан ҳам маҳрум бўлиб қоламан-да! — деб жавоб берди Афанди.

ЭШАК — СИЗ

Бир ўтиришдаги аскияда подшо Афандига эшак деган лақаб қўйиб чандий бошлади:

— Сизни тегирмончига сотсаммикан ёки девона, атторга берсаммикан?

— Тақсир, мени кўринганга бериб юбора берсангиз, охири — эшак — сиз бўлиб қоласиз-да,— деб жавоб дерди Афанди.

ЁҒОЧ УЧИДАГИ ҚУМҒОН

Қаҳратон қиш куни подшо Афандини чақиртириб буюрди:

— Яланғоч қасрнинг томига чиқиб, тонг отгунча турсангиз, икки юз танга мукофот бераман!

Афанди шартга рози бўлиб, шом вақтида кийимларини ечди-да, қаср томига чиқиб кетди. Совуқда қотиб қолмаслик учун у ўзи билан катта бир тошни олиб чиқиб, тонг отгунча тошни у ёқдан-бу ёққа юмалатиб чиқди.

Подшо ва аъёнлар Афандини совуқда қотиб ўлган деб ўйлаган эдилар. Афанди эса эрталаб томдан соғ-саломат тушиб подшога таъзим қилди ҳамда ваъда қилинган тангаларнинг берилишини талаб қилди. Подшо сўради:

— Мулла Насриддин, кечаси кўзингизга ўт кўринмадими?

— Тоғнинг тепасида йилтиллаган ўт кўринди,— деди Афанди.

— Шартни бузибсиз, ўша ўтга исингансиз, шунинг учун сизга танга берилмайди! — деди-да, подшо Афандини ҳайдаб чиқарди.

Ёзда подшо вазири билан овдан қайтишда ниҳоятда чанқаб, чой ичиш учун Афандининг ҳовлисига келишди. Афанди улар олдига талқон қўйди ва дастурхонга қистай бошлади.

— Ташналикдан ўлар ҳолатга келдик, чой қайнатиб чиқинг! — буюрди подшо.

Афанди, ҳўл бўлади, деди-да, уйига кириб кетиб, қайтиб чиқмади. Подшо Афандининг орқасидан кириб қараса, у қумғонни узун ёғочга илиб қўйиб тагидан ўт ёқмоқда. Подшо ҳайрон бўлиб сўради:

— Ёғоч учида турган қумғон ҳам ерда ўт ёққанда қайнай-дими?

Афанди бепарво жавоб берди:

— Қаср томида туриб, тоғдаги оловга исинса бўлар экан-ку, ердан ёқилган ўтга ёғоч учидаги қумғон қайнамас эканми?!

АФАНДИ — ШОИР

Афанди ўтин териб юриб, далага чиқди, ўтинлар аро, деган бир мисра шеър ўқиди. У подшонинг шоирларга инъом беришини эшитган эди. Дарров саройга чоңди. Бош вазир унинг йўлини тўсиб, шеърини ўқиб беришини талаб қилди. Афанди юқоридаги мисрани ўқиди. Вазир унинг ёнига, оғзингга тезак, юзингга қаро, деган мисрани қўшиб таъкидлади:

— Мана энди шеърингиз бир байт бўлди. Подшо қандай инъом берса, тенг бўлашиб оламиз.

Афанди подшо ҳузурига кириб ўқиди:

Далага чиқдим ўтинлар аро,
Оғзингга тезак, юзингга қаро!

Ғазабланган подшо Афандига қирқ дарра уришни буюрди. Мирғазаб йигирма дарра урганда Афанди ўрнидан ирғиб турди ва деди:

— Тақсир, менинг ҳақим тамом бўлди, қолган йигирма даррани вазилингизга урсинлар, чунки шеърнинг иккинчи мисраси уники эди, қандай мукофот берилса, бўлиб олишга шартланган эдик.

КИМ ЗҮР?

Кунларнинг бирида Бухоро амири Афандидан сўради:

— Мен кучлими, Афғонистон шоҳими, рост жавоб бер!

Афанди ўйланиб туриб, деди:

— Юк кўтариш бобида иккалангиздан ҳам менинг эшагим зўр. Меҳнат қилиш соҳасида, деҳқон ва косиблар зўр: бири тўйдиради, бири кийдиради!

ЎЗЛАРИ ДАВОЛАГАН УСУЛ БИЛАН

Подшо Афанди билан ов қилиб юрганда, Афандининг эшаги ҳадеб ҳанграйверди. Подшо бундан безор бўлиб, эшакни роса урди.

— Нима гуноҳ қилди, тилсиз ҳайвонни урасиз?— деб хафа бўлди Афанди.

— Тилсиз ҳайвон тиши оғриб зорланаётган бўлса, даво бўлармикан деб урдим!— деди подшо.

Бундан бир неча кун ўтгач подшонинг тиши оғриб, лунжи шишиб кетди. Табиблар даволай олмадилар. Подшо байбайлаб турганида Афанди келиб қолди. У подшонинг тишини даволамоқчи эканлигини айтиб эди, подшо рози бўлди. Афанди подшонинг шишиб турган лунжига мушти билан қаттиқ туширди. Подшо додлаб юборди-да:

— Нега мени урдинг, аҳмоқ!— деди ғазабланиб.

— Жанобларининг ўзлари ҳам каминанинг эшагининг тиши оғриганда шундай даволаб эдилар, ўзларининг усуллари билан даволадим,— деб жавоб берди Афанди.

МУНОСИБ ЖАВОБ

Подшо Афандига икки юзга қўй бериб, таъкидлади:

— Шу қўйларнинг сонини камайтирмай қўзилатиб боқиб берасан, сут-қатиғи хизматингга!

Афанди қўйларни ҳайдаб саҳрога чиқиб кетди. Қараса: подшо уни алдаб, совлиқ эмас, ҳаммасига қўчқор берган экан. Афанди ҳам қўйларни бир чеккадан сўйиб еяверди. Қўйлар тугагач, подшонинг муҳлати ҳам тугади. Афанди уйига қайтиб келди, ammo ўрдага бормади. Ғазабланган подшо Афандининг уйига ясовул юборган эди, у Афанди туғиб ётган экан, деган хабарни келтирди.

Тутақиб кетган подшо Афандининг уйига келиб чақирган эди, Афандининг хотини бундай жавоб берди:

— Афанди туғиб ётибдилар, ишингиз бўлса айтиб кета қолинг, айланай, ўзлари ҳеч ерга чиқолмайдилар.

— Ия, эр киши ҳам туғадими? Бу қандай номаъқулчилик! — деб қичқирди подшо.

Подшога жавобан хотинининг ёнида турган Афанди деди:

— Тақсиримнинг қўчқорлари туққанда, мен туғсам, ажабланидиган жойи борми?!

АФАНДИ ВА ШАҲАР ҲОКИМИ

Кунларнинг бирида катта бой зиёфат берди. Шаҳар ҳокими ва бошқа амалдорлар қаторида Афандини ҳам таклиф қилди.

Бой ҳоким учун уйнинг тўридан жой ҳозирлаб, унга аъло ноз-неъматларни, бошқа одамларга оддий овқатларни торгар эди.

Афанди ҳокимнинг ёнига ўтирди-да, ўз косасини ҳокимнинг косасига алмаштириб олди. Буни кўрган бой тоқатсизланиб қичқирди:

— Афанди, у овқатга тегманг, зарар қилади!

— Биламан, жавоб берди Афанди. — Ҳоким ҳазратлари бу овқатни еб шикастланиб қолмасинлар, ҳоким учун мен зарарланай деяпман.

АФАНДИНИНГ ТУНИ

Афанди чарчаб узоқ йўлдан келар эди. Йўлда отлиқ кетаётган маҳалла элликбошисига кўзи тушиб қолди ва ундан илтимос қилди:

— Тўнимни олиб кетмайсизми?

— Майли, — деб рози бўлди элликбоши. — Қишлоққа боргач, уни кимга бериб қўйишим керак?

— Тўнимнинг ўзи отдан тушиб, уйни топиб кетади.

— Масхарабозликни қўйинг, Афанди, ҳеч жаҳонда тўн ҳам уйини топиб кета оладими?

— Ахир, унинг ичида ўзим бўламан-да! — деди Афанди.

ЭНГ ЯХШИ ОВҚАТ

Шаҳар ҳокими овқатдан бошқа нарсани сира ўйламас эди. Бир куни у шаҳарнинг кўзга кўринган одамларини чақириб, улардан билган овқатларининг номини ёзиб беришини талаб қилди.

Улар орасида Афанди ҳам бор эди. У ҳокимдан эрталабгача муҳлат олиб кетди-да, нонуштада келиб ҳокимга айтди:

— Асал билан саримсоқ пиёз қўшиб қовурилса, ажойиб овқат бўлади.

Ҳоким дарҳол ошпазига ўшандай овқат тайёрлашни буюрди. Овқат келтирилгач, ҳоким бир қошиқ еди-да, Афандига қараб қичқирди:

— Узинг топган овқатингни ўзинг е, аҳмоқ!

Афанди ноилоҳ ея бошлаган эди, ҳоким сўради:

— Қалай, ажойиб лаззатли овқат эканми?!

— Тақсир, мен буни фақат ўйлаб кўрган эдим, холос. Бирор марта бундай овқат қилиб еган эмасман. Энди билсам, хаёл ҳақиқатга тўғри келмас экан,— деб жавоб берди Афанди.

ШУ ҲАМ ЎҒИРЛИК БУЛДИМИ?

Афанди кечаси уйқуси келмай, кўчага чиқиб айланиб юрган эди, иттифоқо бир ўғрига дуч келиб қолди.

— Кимсан?! Бемаҳалда нима қилиб юрибсан?— дўқ урди ўғри.

— Шу шаҳарнинг ўғрилариданман,— деди Афанди ҳам бўш келмай,— ўзинг кимсан?!

— Мен ҳам бошқа бир шаҳардан келган зўр ўғриман. Учрашганимиз яхши бўлди, иккаламиз баҳамжиҳат иш қиламиз. Мен янги келганман, ҳали бу шаҳарнинг пасти-баландини яхши билмайман. Қани айтинг-чи, ишни қаердан бошласан бўлади?

— Шаҳар қозисининг бир оқ ҳанги эшаги бор. Аввал шуни ўғирласак, кейин бозорга бориб, иккита қоп билан озроқ арқон ўғирласак, иннайкейин шишафурушнинг дўконидан шиша ўғирлаб, икки қопга лиқ тўлғизсак-да, бизнинг ҳовлига обориб кўмиб қўйсак, ёмон бўлмас эди. Шунда анчагача жонимиз тинчирди-да! Қалай, бу маслаҳатим сизга ёқадими?

Ўғри жавоб бергунча бўлмай, миршаблар келиб қолишди. Уғри шилт уриб қочиб кетди, Афанди қўлга тушиб қолди. Унинг дод-фарёдига қулоқ солмай, олиб бориб зиндонга ташладилар.

Эрталаб уни сўроққа олиб чиқишди.

— Хўш, Афандим,— деди ҳоким,— сизни тупша-тузук одам деб юрсак, ўғрибоши экансиз-ку! Нима қилиб ўғри билан тун қоронғисида гаплашиб турувдингиз?

— Энди маслаҳатлашасувдик-да. То бир қарорга келгунча бўлмай, миршабларингиз ушлаб олишди.

— Нима маслаҳат қилаётувдингизлар?

— Аввал қозининг оқ эшагини ўғирлаб, ундан кейин бозор-

дан қоп билан арқон олиб, иннайкейин шишафурушнинг дўконини урмоқчи эдик.

Ҳоким ҳузур қилиб кулди:

— Ахир ўйланг, Афанди! Бунга сиз овора, биз овора, эшак овора. Шу ҳам ўғрилик бўлдими? Ҳа, эшак ўғриликка арзийди.

— Қулоқ солинг, тақсир. Эшакни вақтинча омонат ўғирлаб, шишани етказиб олгач, яна қозининг эшигидан секин киргизиб юбормоқчи эдик-да.

— Ие, ўғриликнинг омонати ҳам бўладими?

— Иш битгунча-да, тақсир. Нима қиламиз, жонли нарсани асраб бошимизга даҳмаза орттириб. Ем-хашак учун тагин бировни қон қақшатиш яхшими?!

Ҳоким яна кулиб юборди:

— Шишанинг юзтасини бир тангага ҳам олмайди-ку! Шуям ўғрилик бўлдими?!

— Хўп, бўлмаса сизнингча нима қилишимиз керак эди?

— Киройи ўғрилик қилганга яраша подшонинг ғазнасини урсанг экан.

— Мана шуни сизга ўхшаган тажрибали одам ётиги билан тунтириб берса, дуруст бўларкан-да. Эҳ, аттанг! Ҳа майли, энди бундан кейин сиз бош қўшсангиз, биз бажонидил хизматингизга тайёрмиз.

ОТ САВДОСИ

Афандининг бир яхши оти бор эди. Уни ҳоким яхши кўриб қолди. Сотиб олмоқчи бўлиб, даллол етаклаб келди. Буни сезган Афанди қўшнисидан минг тиллалик бир ҳамён олди-да, уни отига кўрсатиб, яна эгасига қайтарди.

Даллол Афандига:

— Қўйнидан тўкилса, қўнжига. Отингизнинг нархи беш юз тилла, буни ҳокимга сотинг, — деди.

— Узи нима деяпсиз? Менинг отим минг тиллани ҳам кўрган, — деб жавоб берди Афанди.

ЮК ОСТИДА

Закотчиларнинг маҳалла кезиб юрганини кўрган Афанди уйига кириб, қондаги уннинг тагига кириб олди. Хотини хамир қилмоқчи бўлиб уйга кирди ва ажабланиб сўради:

— Қоннинг тагида ётганингиз нимаси, дадаси?

— Замоннинг зулмидан юк остида қолганимни билмайсанми, хотин?! — деб жавоб берди Афанди.

БУ ЕРГА ПУЛ ЭКАМАН

Қўш ҳайдаб юрган Афанди узоқдан келаётган ўлпончиларни кўриб, қаерга қочишини билмай қолди. Улар ҳам тўғри Афандининг ёнига келишиб, ҳорма-бор бўлдан сўнг сўрадилар:

- Мулла Насриддин, бунча ерни ҳайдаб нима қиласиз?
- Ҳали хирож, ҳали ушр, бунинг устига уй пули, тутун пули, қўш пули... Шу қарзларнинг ҳаммасидан биратўла қутулиш учун шу ерни ҳайдаяпман, пул экаман, — деб жавоб берди Афанди.

АФАНДИ ТҮЙ ҚИЛДИ

Афанди тўй қилди. Ҳоким, қози, домла-имом каби амалдорларни чақириб келишга одам юборди. Улар келгунча солинган палосларнинг ҳаммасига сирач суркаб чиқди.

Шаҳарнинг казо-казолари зиёфатни еб бўлиб, фотиҳадаң сўнг қўзғалишган эдиларки, улар кийимига ёпишиб қолган палослар бирга кўчди. Буни кўрган Афанди дод-фарёд қилиб, дер эди:

— Войдод, фуқаро! Бу ўғрилардан дод!

Унинг овозига маҳалла-кўй тўпланиб сўрай бошлади:

— Нима бўлди? Қани ўғри?

Афанди катталарни кўрсатиб, йиғлаб туриб, деди:

— Мана, ўғрилар. Тўй қилиб ош-нон берсам, мансабига яраша совға қилсам ҳам бу муттаҳамлар рози бўлишмай, кўрпа-тўшак, кигиз, гиламларимни олиб кетмоқдалар.

ЖИННИ БУЛГАН КУН

Афанди бир мусофир шаҳарга бориб, у ерда узоқ туриб қолди. Иши битиб, ўз шаҳрига қайтиш учун йўлга чиққанда, тўқайга кириб, адашиб қолди. Иттифоқо, шу вилоятнинг беги овга чиққан эди, тўқайда Афанди билан учрашиб қолди.

— Қаерлик бўласан? — деб сўради Афандидан бек.

— Анови шаҳарликман. — деб жавоб берди Афанди.

— Қаердан келяпсан?

— Анови шаҳардан, — деб шаҳарнинг номини айтди.

— Шаҳар қалай экан?

— Ёмон эмас.

— Амалдорлари қалай?

— Ҳаммаси порахўр, золим экан.

— Беги қалай экан?

— Бундай золим бекни дунё кўрган эмас.

— Мени танидингми?

— Йўқ.

— Мен шу вилоятнинг беги бўламан.

Афанди чўчиб тушиб, бекдан сўради:

— Бек ҳазратлари, мени танидиларми?

— Йўқ, — деди бек.

— Мен шу вилоятнинг жиннисиман.

— Бир кун соғ бўлиб, бекка худодан умр тилайман, бир кун жинни бўлиб, оғзимга келган гапларни гапира бераман. Шу жин-

ни бўлган кунимда сизга рўпара келганимга ҳайронман,— деди Афанди.

ЎША ДАРАХТНИНГ МЕВАСИДАН

Афанди «Ажойиб-ил-махлуқот»¹ китобини мутолаа қилар экан, қуйидаги сўзларга кўзи тушди: «Дунёнинг одам қадами тегмаган жойида шундай дарахтлар борки, меваси худди одамга ўхшаган бўлади. Улар кечалари ерга тушиб юриб, кундузи яна жойларига чиқиб, осилиб оладилар. Аммо уларнинг чинакам одамлар каби ақли бўлмайди».

Афанди, бу сўзлар устида мулоҳаза юргизиб туриб, ўз-ўзига айтди:

— Эҳ-ҳи! Маълум бўлдики, бизнинг шаҳар ҳокими ўша дарахтнинг мевасидан экан.

СИЗНИ МАҚТАБ ТУРИБМИЗ

Шаҳар ҳокими Афандининг кўчада бир киши билан гаплашиб турганини кўриб сўради:

— Ҳа, Афанди! Тагин кимни ғийбат қилиб турибсизлар?

Афанди жавоб берди:

— Сизни мақтаб турибмиз.

ТАЪЗИЯДА ЕЙИЛГАН ОШ

Афандининг ҳамшаҳаридан бири бошқа бир шаҳарга ҳоким қилиб тайинланиб, ўша шаҳарда узоқ туриб қолган эди. Афанди бир куни у дўстини кўргани борди. Дўсти Афандининг олдига овқат қўйдирди, аммо уни овқат егани қўймасдан, устма-уст савол бера бошлади:

— Уғлим қалай?

— Кутганингиздан ортиқ яхши.

— Онаси саломатми?

— Уз номусини сақлаш билан овора.

— Ола кўппагим юриптими?

— Уйингизга ҳеч кимни киргизмайди.

— Жийрон отим-чи?

— Ҳамманинг ҳаваси келади.

Ҳоким Афандини савол билан банд қилиб, Афанди овқатдан

¹ Ажойиб ҳайвонлар, паррандалар ҳақида чаласавод муллалар томонидан ёзилган китоб. Бунда тасвирланган, «одамга ўхшаш мевалар» кўпроқ Австралия ва Жанубий Америка тўқайларида дарахтларга осилиб ётувчи катта кўршапалаклар бўлиб, уларнинг калласи чиндан ҳам одам калласига ўхшаган бўлади.

бир огиз емай туриб, хизматкорга овқатни олиб кетишга буюрди. Аммо Афанди товоқнинг йўлини тўсиб, уни кўтариб кетишга халақит бериб турган эди, ҳоким яна сўрай бошлади:

— Ола кўпшагим ориғлаб қолмадимми?

— Келар вақтимда ўлди.

— Нега? Нима бўлиб ўлди?

— Бўғзига жийрон отингизнинг суяги тиқилиб қолди.

— Ҳали от ҳам ўлди денг? У нима бўлиб ўлди?

— Хотинингизнинг сағанасига тош ташиганда зўриқиб ўлди.

— Ҳали хотиним ҳам ўлди денг! У нима бўлиб ўлди?

— Уғлингизнинг доғида ўлди.

— Войдод! Ҳали кўзимнинг нури, жигарпорам ҳам ўлди денг!

У нима бўлиб ўлди?

— Уйингизнинг томи босиб қолди.

— Ҳали хонавайрон ҳам бўлдим, денг! Войдод! — деб ҳоким ўзини ерга уриб йиғлай бошлади. Афанди пайтдан фойдаланиб, овқатни еб, қорнини тўйғазди ва ўрнидан туриб, айтади:

— Хурсандчилигингизда еёлмаган ошингизни таъзиянгизда едик.

ИТ

Шаҳар ҳокими Афандини чақиртириб нўшиса қилди:

— Сиз менинг миршабимни нима учун ит деб ҳақорат қилдингиз? Унинг ит эканига қандай далилларингиз бор?

— Мен миршабингизни ит деганим йўқ, — деди Афанди. — Унинг ит эканига далил ҳам кўрсатолмайман. Аксинча, унинг ит эмаслигига далилим бор: агар ит бўлса, яратилган замони худонинг ўзини талар эди. Қуръонда худони ит талаган деган сура йўқ.

ҲОКИМ ВА УНИНГ ЭШАГИ

Шаҳар ҳокимининг эшаги йўқолди. Афандини ҳам эшак қидиришга чақирдилар.

— Сизнинг эшагингиз кўп марта йўқолган, шунинг учун ҳам сизда анча тажриба бор, йўқолган эшакни топа бериб ўрганиб қолгансиз, — дейишди.

Афанди ҳокимнинг эшагини қидириб шаҳар айлангани чиқди, аммо кўчаларда ашула айтиб борар эди. Афандининг бир ошнаси уни бундай қувноқ ҳолда кўриб сўради:

— Ҳа, йўл бўлсин, мунча вақтингиз чоғ?

— Ҳокимнинг эшаги йўқолган экан, ўшани ахтариб кетяпман.

— Ҳокимнинг моли йўқолса, хафа бўлмасдан ашула айтадимки киши?

— Эшаги йўқолгани учун қўшиқ айтиб қидиряпман, ўзи йўқолганда тўй қилиб қидирар эдим, — деб жавоб берди Афанди.

СИЗДАН ТАЪЛИМ ОЛИБ

Шаҳарнинг ҳоқими Афандига буюрди:

— Бир баҳайбат қопонғич ит топиб келинг!

Афанди эса, буйруқнинг аксини қилиб, бир хушёқмас, ювош ит топиб борди, ҳоқим Афандини койиди:

— Мен сизга қопонғич, жангари ит топиб келинг, десам, худо урган итни топиб келибсиз.

Афанди бепарво жавоб берди:

— Тақсир, хотиржам бўлинг. Бу ит сизнинг олдингизда беш-олти кун турса, сиздан таълим олиб, занжирини ҳам узадиган бўлиб қолади.

ҲАММАСИ ҲАМ ЯХШИ

Афандининг қорни очлигида шаҳар ҳоқими сўради:

— Палов яхшими, манти?

— Йўқ нарсанинг яхши-ёмонлигини қаёқдан биламан! — деб жавоб берди Афанди.

Ҳоқим ошпазни чақиртириб, ҳар икки овқатни буюртирди. Афанди палов билан мантини еб бўлиб, деди:

— Паловни ёмон дейишга уяламан, мантини ёмон дейишга кўнглим бўлмайди. Бу овқатларингизнинг иккови ҳам ажойиб. Агар орқасидан муздек шарбат ичилса, ундан кейин бир фикрга келиш мумкин бўлар эди.

Ҳоқим шарбат ҳам олдириб келди. Афанди шарбатни ҳам ичиб олиб, деди:

— Палов ҳам, манти ҳам, бунинг кетидан ичилган шарбат ҳам яхши!

КИШНАГАНДАН ҲАНГРАГАН ЁМОН

Шаҳар ҳоқимининг хотини извошда бозор айланиб, кимнинг дўконида қандай яхши нарсани кўрса, пулини эримдан оласиз, деб олиб кетар, унамаган дўкондорларга туҳмат қилиб, менга гап ташлади, деб эрига чақиб қаматар эди.

Бу хотиндан безор бўлган одамлар Афандига ёлворишди:

Сиз ҳоқим билан тез-тез ҳамсуҳбат бўлиб турасиз, хотини ҳоқимни эшак қилиб миниб олганини киноя билан айтсангиз, зора ҳоқим хотинининг жиловини тортиб қўйса...

— Хотинингиз обрўйингизни тўкаётибди...

Ҳоқим хотинининг танобини тортиб қўйди. Буни ким айтганлигини суриштириб билиб олган хотин, Афандидан ўч олиш мақсадида унинг хотини билан дугона бўлди:

— Мен ҳоқим эрдан жуда куйганман, ҳеч эркалатишни бил-

майди. Хотинларнинг эри эркалатади деб эшитганман. Сизнинг эрингиз қандақалар?

Афандининг хотини лаққа тушди:

— Гоҳо-гоҳо мен Афандини от қилиб минаман, у киши кишнаб ҳовлини бир айлантириб келадилар.

Ҳоқимнинг хотини бу гапни эрига етқизди. Ҳоқим Афандига киноя қилди:

— Одамларнинг хотини эрини миниб, кишнатиб юрар экан-у!..

Афанди гапнинг тагини дарров фаҳмлаб, жавоб берди:

— Кишнаганнинг айби йўқ, ҳанграган ёмон, одамлар безор бўлади.

ИБРАТ

Шаҳар ҳоқими ҳеч бир ишни хотинининг маслаҳатидан ташқари қилмас экан. Ҳоқимнинг хотини юртни идора қилиш ишига ҳам аралашаверар, ҳаттоки, кичкина бир амалдорни бекор қилиш ва унинг ўрнига янги одам олиш ҳам усиз бўлмас экан.

Сарой арбоблари бу ҳақда ҳоқимнинг ўзига бир нарса дегани журъат қилолмасдан, Афандига ялинишди:

— Мулла Насриддин, ҳоқимга гапингиз ўтади, бир нарса денг, хотини билиб-билмасдан ишга аралаша бериб, қўлимизни боғлаб ташлади-ку!

Афанди уларнинг илтимосини қабул қилди ва пайти келганда ҳоқимга бир неча марта гапирди. Ҳоқим ҳам Афандининг маслаҳатини маъқул топиб, хотинининг гапига қулоқ солмай қўйди.

Ҳоқимнинг хотини бу ишнинг ким томонидан бўлганини билиб Афандидан қаттиқ ўч олмоқчи бўлди, уни хотини билан ўз боғига кўчиртириб келди. Ҳоқимнинг хотини Афандининг хотинини қўлга олиб, эрингни ҳоқимнинг олдида эшак қилиб мин, деб ўргатди.

Бир оқшом, овқатдан кейин, ҳоқим, хотини, Афанди ва унинг хотини тўртовлон ўтиришган эди. Афанди хотинини эркалата бошлаган эди, хотини, эмакланг, деди. Афанди эмаклаган эди, хотини унинг бўйнига рўмолини боғлаб, устига миниб олди ва хих, эшагим, хих, деб ҳоқимнинг олдида югуртира бошлади. Ҳоқим хотини билан қаҳ-қаҳ уриб кулиб, Афандига деди:

— Менга нима деб эдингиз-у, ўзингиз хотинингизга нима бўлиб беряпсиз?

— Сиз ҳам шу ҳолга тушиб қолманг, мендан ибрат олинг, деб шу ўйинни қилиб беряпман,— деб жавоб берди Афанди.

ТЎҒРИ ЙЎЛ

Афанди йўлда кетар эди. Бир миршаб от чоғиб келиб сўради:

— Бу ернинг оти нима?

- Кекиртак! — деб жавоб берди Афанди.
- Кейин қайси қишлоқ келади?
- Қорин!
- Ундан кейин-чи! — эзмаланди яна миршаб.
- Ундан кейин, тўппа-тўғри далага чиқиб кетадилар, тақсирим!

ЧОПМАСАНГИЗ ҲАМ ЕТАСИЗ

Бир миршаб Афандининг қишлоғига от чоптириб келди-да, сўради:

- Ўпка қишлоғига етай дедимми?
- Кекиртакка келиб қолдингиз, — деб жавоб берди Афанди.
- Масхара қилма, чопаман! — деди миршаб қиличини яланғочлаб:
- Тақсир, яқин қолди, чопмасангиз ҳам етасиз, — деди Афанди.

АФАНДИ – ЗАМОНДОШИМИЗ





АФАНДИ — ЗАМОНДОШИМИЗ

АФАНДИ-УЎҚИТУВЧИ

Афанди ўқитувчилик қилганда сира бошини конспектдан кўтармай дарс берар эди. Кунларнинг бирида яна у «Гап» темасини ўқишда шундай қилди ва ўқувчилардан сўради:

- Тушундингизми? — Яна бир қайтариб беринг, домла? — Илтимос қилди болалар. — Хўп, қулоқ солинг, гап деб тугал бир фикрни ифодалайдиган бир ёки бир неча сўзлар бирикмасига айтамыз, — деб дафтарини ўқир экан яна сўради: — Тушундингизми?! — Яна қайтаринг, — деб қичқиришди болалар. Афанди учинчи мартаба қайтариб дафтарни ўқигач, қичқирди: — Энди тушундингизми? Бу гал ўзим ҳам тушундим, нега сизлар тушунмайсиз, — деди у асабийлашиб.

АЙБ ДАДАМДА

— Бу қанақаси,— деди ўқитувчи.— Насриддин, тўртинчи синфда «беш»га ўқиган эдинг, бешинчида эса «икки»га тушиб қолдинг?

— Дадам бешинчи синфда ўқимаган экан,— деб жавоб берди Афанди.

ИККИНЧИ САВОЛ-КУ

Афанди мактабда ўқир эди, имтиҳонда ўқитувчи унга:

— Сизга иккита майда савол берайми ёки битта йирик савол берайми?— деб сўради.

Афанди ўйланиб туриб:

— Битта савол бериб қўя қолинг,— деди.

— Одам қандай пайдо бўлган?— деб сўради ўқитувчи.

— Одамни онаси туққан.

— Ундан аввал-чи?

— Кечирасиз, домла,— деди Афанди,— бу иккинчи савол-ку.

ҚУРУМСОҚ

Афанди сафарга кетиши олдидан хотини сўради:

— Агар хат ёзиш учун вақт, қоғозни қизғансангиз, конвертга марка ёпиштириб жўнатиб, шундан соғ-саломатлигингизни биламан.

— Марка нега керак?— деди Афанди.— Мен сенга маркасиз қуруқ конвертни жўнатаман. Сен хатни олишдан воз кечасан, хат менга қайтиб келиши билан сенинг соғ-саломатлигингни биламан.

ЛАҚИЛЛАТИШ

Умрида ўз қишлоғидан бошқа ерни кўрмаган Афанди ўз «жаҳонгашталиги» ҳақида мақтанар эди, кимдир сўради:

— Тошкентда троллейбус кўп дейишади, шу гап ростми?

— Ия, рост ҳам гапми?! Троллейбусга мен уч марта тўйганман!

— Ахир троллейбус машина-ку,— кулди суҳбатдоши.

— Ҳа, айтгандек,— доводиради Афанди,— у машина, от қўшиб ҳайдаса ҳам бўлади...

— Тошкентда қулупнай кўп бўлади, бунга тўйдим дегангиз бошқа гап...

— Ҳа, ҳа, мени лақиллатиб бўлсан!— деди қизишиб Афанди.— Биламиз, қулупнайнинг электр билан юрадиган машиналигини.

ТРАМВАЙ ВА АВТОБУС ТАШВИШИ

Афандидан сўрадилар:

— Дам олиш кунлари трамвай, автобусларга чиқиш қийинми, тушишми?

— Иккаласи ҳам осон! — деди Афанди.

— Йўғ-э, қандай?

— Тушмайдиган бўлиб чиқасан, чиқмайдиган бўлиб тушасан, — деб жавоб берди Афанди.

ГАПНИНГ РОСТИ

Афанди сув сотувчидан сўради:

— Ярим стакан сув беринг?

— Нега ярим стакан?

— Чунки, бари бир, сиз ярим стакан қуясиз-да! — жавоб берди Афанди.

УЙИМ ҚАЕРДА?

Афанди кечаси маст бўлиб қолиб, магазин қоровулидан сўради:

— Биродар, Насриддин Афандини танийсизми?

— Ия, — деди қоровул, — ахир ўзингиз-ку, Мулла Насриддин!

— Афандилигимни ўзим ҳам биламан, сиздан уйимнинг қаердалигини сўраяпман.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК

— Йигит, — деди Афанди қўлида ишлайдиган ходимлардан бирига, — устингдан шикоят тушди, сени кўп хотинликда айблашибди.

— Туҳмат, ким ёзибди? — кўзини олайгирди ходим.

— Хотининг.

— Қайси бири? — деб юборганини билмай қолди ходим.

СТУДЕНТНИНГ ЭЪТИРОЗИ

Афанди студент тақсимооти комиссиясининг раисига қараб, деди:

— Домла, мен узоқ жойга боролмайман.

— Нега боролмайсиз? — сўради раис.

— Чунки ўзингиз имтиҳон вақтида «Бу илминг билан узоққа боролмайсан», дегансиз, — деди Афанди.

ЭРТАГА ҚАЕРДА УЧРАШАМИЗ?

Трамвайда кетаётган Афанди қаршисида ўтирган қизга тикилиб туриб сўради:

— Яхши қиз, бир боқишда яхши кўриб қолиш мумкинми?

- Йўқ, — деди қиз.
- Унда, эртага қаерда учрашамиз, — дебди Афанди.

ВАҚТНИ ТЕЖАШ

Уқитувчиси бир куни Афандига:

— Кўриниб турибдики, география дарсини яхши ўқимай келибсан, — деди.

— Кеча дадам, юз бераётган ҳодисалар дунё харитасини ўзгартиб юборади, деган эди. Мен шуни кутиб туришни лозим топдим, — деб жавоб берди Афанди.

КУЛА-КУЛА УЛАСИЗ

Китоб сотувчи харидорлардан бирига «Кулгили ҳикоялар» китобини узатиб:

— Шу китобни олинг, жуда қизиқ, кула-кула ўласиз, — деди.

— Ўзингиз бу китобни ўқиганмисиз? — сўради харидор.

Уларнинг гапига қулоқ солиб турган Афанди китоб сотувчига ишора қилиб:

— Уқиган бўлса, тирик қолармиди, — деди.

НАРХ-НАВО

— Мулла Насриддин, ўзингиз масъул хизматчи бўлганингиз ҳолда, доим бозорда нарх-наво суриштириб юришга уялмайсизми?

— Гапинг қизиқ, — деди Афанди истехзо билан, — укам бозорда менинг масъул хизматимни бажариб юришини билмайсанми?

УҚИМИШЛИ ЭР

«Отелло» спектакли тамом бўлгандан кейин, Афандининг хотини жуда таъсирланиб:

— Автори саҳнага чиқсин! — деб қичқирди.

Шунда Афанди унинг тирсагидан тортиб:

— Утир жойингга, автори ўтган йили ўлган, — деди.

КИТОБДАН КИТОБ

Афанди диссертация ёзар эди, ўғли, нима қиялсиз, деб сўради.

— Китоб ёзянман, — деди Афанди.

— Унда нега бошқа китобдан кўчирялсиз?

— Вой тентаг-эй, шуни ҳам билмайсанми, — деди кулиб отаси. — Одам одамдан туғилгандай, китоб ҳам китобдан пайдо бўлади-да!

ҚИЁМАТДА

— Даданг ҳар куни икки сўмдан бериш шарти билан бировдан эллик сўм қарз олган бўлса, қарзини неча кунда тугатган бўлади? — сўради Афандидан ўқитувчи.

— Қиёматда, — жавоб берди Афанди.

— Нега?

— Чунки дадам бировдан олган қарзини қайтариб берган эмас.

ТЎҒРИ МАСЛАҲАТ

Бир бемор Афандига ҳасрат қилди:

— Ўзимни иккита докторга кўрсатган эдим, иккаласи ҳам икки хил маслаҳат берди, бири денгизга бор, дейди, иккинчиси пиёда юр! — дейди.

— Унда денгизга пиёда бора қолинг, — деди Афанди.

МУНОСИБ ТАДБИР

— Афанди профсоюзга қачон кирдингиз?

— Утган йили курортга кетиш олдидан, — деди Афанди.

ЁЛҒОНЧИ

Ёшлигида ўқитувчиси Афандидан сўради:

— Биласанми, ёшлигидан ёлғон гапириб ўрганган киши катта бўлганда ким бўлади?

— Биламан, ундай одам катта бўлганда чайқовчи бўлади.

ХАВФ

— Нега юқори вазифага кўтарилишни истамайсиз? — кимдир сўради Афандидан.

— Менга тўп-тўп қоғоз келтирсанглар, қўл қўёлмай шарманда бўлиб қолишдан қўрқаман, — деб жавоб берди у.

ҚУЛИ ОЧИҚ КИШИ

— Ажойиб ҳотамтой, қўли очиқ киши валломат бошлиғимиз бор-да, — деди хушомадгўйлардан бири Афандига.

— Нимасини айтасиз! — унинг гапини тасдиқлай бошлади Афанди. — Узидан катталарга мўмай-мўмай харжлаб, эҳтиёж билан келганларга ҳар иккала қўлининг панжалари очиқ тургани-турган.

ҚАТТИҚҚЎЛ УСТОЗ

Бир киши илгари ўғлини қассобнинг дўконига бошлаб келиб дебди:

— Қассоб ака, ўғлимни шогирдликка олинг, эти сизники, суяги бизники.

Дўкондан гўшт олаётган Афанди кулиб:

— Ўғлингизнинг суягини олиб бўйсиз, бу қассоб чиқинди чиқармайди!— дебди.

СУТ СОҒУВЧИ

Афанди колхоз раиси эди, бир колхозчи кириб сўради:

— Ўртоқ раис, жуда хафа кўринасиз?

— Кўрмайсанми, сут соғувчи қизимизни газетага ёзишибди.

— Танқид қилибми?

— Йўғ-э, мақташибди.

— Ундай бўлса севиниш керак-ку!

— Севиниб бўлсан! Эртагаёқ бошқа колхоздан қизимизга совчи келади, — деди Афанди.

ЖАСОРАТ

— Бугун бошлиғимизни бопладим. Ишда юз бераётган камчиликларни, бошлиғимизнинг хатоларини ўзининг юзига шартга-шартга айтиб бердим. Камчиликлар билан келиша олмайман-да, ахир!— деди бир куни Афанди ўртоқларига.

— Бошлиғингиз нима деди? — сўради бир дўсти.

— Ҳеч нарса демади, индамай қўя қолди. Чунки мен ҳамма гапни ичимда айтган эдим-да, — деб жавоб берди Афанди.

БАХТСИЗЛИК

— Янги олган уйингиз ёқдими? — сўради бир оинаси Афандидан.

— Ёқди-ю, битта камчилиги бор.

— Қандай камчилик?

— Биз нима десак, қўшниларимизга бемалол эшитилиб туради.

— Ундай бўлса, овоз тўсадиган девор қилдириб олинг.

— Ҳамма гап шунда. Ундай қилсак, қўшнилар нима гапирарганини биз эшитмай қоламиз-да! — жавоб берди Афанди.

ГОНОРАРНИ КИМ БЕРАДИ?

Афанди мухбирлигида мақола кетидан мақола ёзиб борар эди. Бир ўртоғи унга бундай деди:

— Шу ёзаётган мақолаларинг қатори онангга ҳам битта хат ёзсанг, бўлмайдими?

— Гонорарини ким беради? — сўради Афанди.

АФАНДИ – ДИКТОР

Афанди радио комитетида ишлаб турганда, бир куни об-ҳаво маълумотини ўқир эди:

— Республикамизнинг ҳамма областларида бугун ҳаво очиқ бўлади... — Бирдан унинг кўзи деразадан ташқарида ёғадган ёмғирга тушиди-да, кўлидаги хабарга «қўшимча» қилди: — Аммо баъзи жойларда ёмғир ёғиши ҳам кутилади...

УЖАРЛИК

— Менинг китобимни ёмон дейишга қандай журъат этдингиз, ахир сиз битта ҳам китоб ёзмагансиз-ку?! — деди бир муаллиф Афандига.

— Мен умримда тухум туққан эмасман. Аммо қовурилган тухумнинг мазасини товуқнинг ўзидан кўра яхшироқ биламан, — деб жавоб берди Афанди.

САДОҚАТ

Тиш доктори Афандини даволаётиб бундай деди:

— Энди «а» денг?

— Бошлиғимнинг ижозатисиз оғиз очмайман! — деди Афанди.

ЙЎТАЛ ДОРИСИ

Бир одам қаттиқ йўталга гирифтор бўлиб Афандидан дори сўради.

— Сурги ич, — деди Афанди.

— Йўталга сургининг нима дахли бор?

— Дахли бор! — деди Афанди, — йўталишга қўрқасан...

АЙБ МЕНДА ЭМАС

Афанди драматург эди. У йўлда бир томошабин билан учрашиб қолди.

— Сизнинг асарларингиз, менинг назаримда, худди юм-юмалоқ нарсага ўхшайди, — деди томошабин.

— Нима учун? — сўради Афанди.

— Чунки тезда саҳнадан юмалаб тушиб кетаверади.

— Ундай бўлса айб менда эмас, — деди Афанди. — Театр директорларига айтиш керак, саҳнанинг ўртасини чуқурроқ қилиб қўйишин.

ОЙ ЧИҚҚАНДАН КЕЙИН

Афандидан кечаси биров сўради:

— Қишлоғимизнинг электр станцияси қаерда?

— Озгина сабр қилинг, — деди Афанди. — Ой чиққандан кейин кўрсатаман.

МАЖЛИСБОЗ

Афанди бир идорага бошлиқ эди, унар-унмасга мажлис қила-верарди. Бир куни ундан сўрадилар:

— Бугун қандай «муҳим» масала кўрилади?

— Иккита ишлаб чиқариш мажлиси, тўртга тантанали йиғилиш, битта митинг ўтказаман, бу орада активлар билан уч-тўрт соат алоҳида суҳбатлашиб олмоқчиман, — деди Афанди.

— Тозаям жонга тегди-ку, мажлисбозликни қачон тугатасиз?

— Бу ҳақдаги масалани муҳокама қилиш учун алоҳида бир мажлис чақираман, — жавоб берди Афанди.

ЭРТАГА КЕЛИНГ

Афанди бир идорага ишга кирмоқчи бўлиб борган эди, унинг бошлиғи, эртага келинг, деб жуда кўп сарсон қилди. Афанди бу ишдан умидини узиб, ўша идора ёнидаги сартарошхонага кириб ишлай бошлади. Бир куни идора бошлиғи кириб Афандига соч олдирмоқчи бўлди, Афанди унинг сочининг ярмини олди-да:

— Туринг, қолганига эртага келинг! деди.

ЭНГ ЯХШИ АСАР

Афанди кўпгина асарлари босилиб чиққан ёзувчи эди. Дўстларидан бири ундан сўради:

— Ёзган асарларингиздан қайси бири яхши?

— Энди битта яхши асар ёзмоқчиман! деб жавоб берди Афанди.

УЙ БОСИБ ҚОЛДИ

Афанди бинокор инженер эди. Уйқусида босинқираб қолди-да, санчиб ўрнидан турди.

— Ҳой дадаси, эсингиз жойидами? деди хотини.

— Хайрият, тушим экан! — деди Афанди. — Ўзим қурган иморатларнинг бирида ётган эмишимиз, унинг томи босиб қолган эмиш.

ТУФЛИНИНГ ТИЛИ

Пойафзал устахонаси директори Афандига мақтанди.

— Менга қойил бўлинг, кунига икки юз кило мих, юз кило елимни тежаб қолдим.

— Қойилман сизга, — деди Афанди, йиртиқ туфлисини кўрса тиб. — Кўряпсизми, менинг туфлим ҳам «тили»ни чиқариб ганингизни маъқулламоқда.

НИМАНИНГ ТЕРИСИ ҚАЛИН?

- Тимсоҳ, фил, туянинг териси.
- Улардан ҳам қалинроғи борми?
- Бор: чайқовчи, дангаса ва хушомадгўйларнинг териси улар-никидан ҳам қалинроқ, — деб жавоб берди Афанди.

ЭГАСИНИ ҲУРМАТ ҚИЛГАН ИТИГА СУЯК ТАШЛАР

Афанди чойхонада ўтирар эди, унинг бошлиғи радиога гапириб қолди. Гап тугаши билан уни астойдил тинглаб ўтирган Афанди чапак чалиб юборди.

— Хушомадгўйлик ҳам эви билан-да, Мулла Насриддин! — деди биров. — Кошки микрофон олдида турган бошлигингиз сиз-нинг қарсагингизни эшитса!..

— Ажойиб одам экансиз, — деди Афанди. — Бошлиғим эшит-маган билан чойхонада ўтирганлардан бирортаси унга бориб айтмайди деб бўладими?

«САБАБЛИ» ПРОГУЛ

— Уч кун сурункасига ишга келмадингиз, нима бўлди? — деб сўради бошлиғи Афандидан.

— Биринчи кунгиси эсимда йўқ, иккинчи куни тобим йўқ эди, шекилли.

— Учинчи куни-чи?

— Бунисига ўйлаб жавоб бераман, — деди Афанди.

ЎЗИНГИЗ ЁЗИБ БЕРИНГ

Афанди дабдаба билан бир идорага кириб деди:

— Мени секретарликка қабул қилсангиз?

— Ариза ёзинг, — таклиф қилдилар унга.

— Мен ёзолмайман, ўзингиз ёзиб беринг, барака топкур, мен бармоқ босиб бераман, — деди Афанди.

СОФДИЛЛИК

— Софдиллик яхши бўлар экан, — деди Афанди бир дўстига.

— Ўзи нима гап? — сўради дўсти ундан.

— Яқинда бир кучук топиб олдим. Уни бозорга олиб борсам, биров бир чақа ҳам бермади. Эртасига эгасига олиб бориб берган эдим, суюнчисига эллик сўм берди, — деди Афанди.

ҚИРҚ ЙИЛЛИК СИРКА

Қўшниси Афандидан сўради:

— Сизда қирқ йиллик сирка борми?

— Бор, — деди Афанди.

— Сирка дардимга шифо бераркан, савоб учун пича бермай-сизми?

— Бермайман! — деди Афанди жиддий.

Қўшниси бу жавобдан ҳайрон қолиб сўради:

— Нима учун бермайсиз?

— Агар ҳар бир сўраганга бераверсам, сиркам қирқ йиллик бўлармиди?

ШИШИРИЛГАН ПЛАН

Афандининг паҳлавон ўғли упа-элик дўконидида лунжини бўртириб пуфак шишираётган эди, қўшниси ҳазиллашди:

— Пуфакка ҳаво қўшиб сотяисизми, полвон? Бу йилги планингиз қанақа?

Афанди ўғли учун жавоб берди:

— Планни ҳам пуфлаб, шишириб, икки юз фоиз қилишга ўрганган, шекилли?

ИТИМДАН ҚАЙТСИН

Афанди каттароқ ишга кўтарилганди, бир лаганбардор унга ёқиш учун итига суяк таший бошлади. Афанди унга миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат, мулла ака, кўп меҳрибончиликлар қилдингиз. Бу яхшилигингизга мендан қайтмаса, итимдан қайтсин.

ОВОРАГАРЧИЛИҚДАН ҚУТУЛИШ ЙЎЛИ

Бировлар устидан думалоқ хатлар ёзиб юрган иғвогар ҳасадга учрабди. Унинг иғволари натижа беравермагач, бир куни Афандига ёрилибди:

— Алоқа бўлимидагилар яхши ишлашмаяпти, шекилли. Хатларим тегишли ерларга етиб бормаяпти. Ёзганларимни почта қутисига ташлаб келсаммикин?

— Шундай қилсангиз, жуда тўғри қилган бўласиз, оворагарчиликлар ҳам кам бўлади. Анави жойга ўзингиз ташланг! — дебди Афанди унга ахлат қутисини кўрсатиб.

ЧАЙҚОВГА АЙЛАНГАН ТОПИШМОҚ

Афанди поездда кетаётганди, купедаги қўшниларининг бири ўқитувчи, иккинчиси чайқовчи экан.

— Карта ўйнашни билмасангиз, топишмоқ айтишайлик, — деди чайқовчи ўқитувчига қараб.

— Айтинг, майли, тонаман.

— Бўлмасам, шартлашиб олайлик, топишмоққа жавоб топсангиз, мен 25 сўм бераман, тополмасангиз, сиз! — деди чайқовчи ва топишмоғини айтди.

Ўқитувчи топишмоққа жавоб тополмай, чўнтагидан 25 сўм чиқариб берди. Шунда чайқовчи беш сўмини унга қайтариб:

— Жавобини ўзим ҳам билмайман, шунинг учун қайтимни олинг, — дебди.

— Оббо шайтон-эй, топишмоқни ҳам чайқовга айлантириб юборибсан-а! — деди уларни кузатиб турган Афанди.

ҲАМ ПУЛИНИ, ҲАМ ДУОСИНИ...

Афанди такси ҳайдар эди. Бир куни шаҳарда ҳаммага зиқналығы, хасислығы билан танилган, бировга пул беришдан кўра текинга соғ тишини суғуртиришни афзал кўрадиган чала мулла унинг машинасига ўтириб қолди. Манзилга етгач, мулла пул бермай тишиб кетишни ўйлаб сўради:

— Насриддин, сиз пул оласизми ёки дуо?

— Отам раҳматли васият қилиб эдилар: «Табаррук» одамларнинг пулини ҳам, дуосини ҳам ол, деб. Шунга амал қиламиз-да, тақсир! — деб жавоб қайтарди Афанди.

НОМУНОСИБ ҚУШНИ^{HC}

Эшик қўнғироғи босилди. Афанди очиб қараса, бир йигит турибди.

— Уйингизни алмаштирар экансиз, эълонни ўқиб келдим, — деди у.

— Касбингиз нима ўзи?

— Инженер.

— Бўлмайди, — деди Афанди.

— Нега?

— Дўмбирачи бўлсангиз, бошқа гап, — деди Афанди жиддий.

— Сабаб? — деди йигит таажжубланиб.

— Ахир, ўнг томондаги қўшним сурнайчи, чап томонимдагиси карнай-чи! — деди Афанди кулиб.

БАҲОНА БУЛМАГАЧ

Бир қолақ колхознинг раисидан Янги йил оқшомида сўрашди:

— Нима сабабдан пахта сотиш планини бажара олмадингиз?

— Пахта оқ, — деди раис.

— Бу нима деганингиз, пахта оқ бўлмасдан қора бўлармиди!

— Эй, ошна, бошқа баҳона топа олмаса, нима десин, — деди Афанди кулиб.

БАЛО УРАДИ

Бир куни Афандидан:

— Агар ишдан қочадиган дангаса одамни қишда совуқ урса/ёзда қуёш урса, кузда нима уради? — деб сўрашибди.

— Бало уради, — деб жавоб берибди Афанди.